

TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI

**DAVLAT BOSHQARUVI VA TA'LIM TIZIMIDA
AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI
QO`LLASHDAGI MUAMMOLAR VA YECHIMLAR**

respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami

TOSHKENT-2017

Ta'lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish muammo va istiqbollari / ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – T.: TDYU, 2017. – 432 bet.

To'plam Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy-uslubiy Kengashi qarori bilan nashrga tavsiya etilgan (2017 yil 27 may 8-sonli bayonnoma)

Muharrirlar: N.Niyazova
Sh.Qulbulov
O.Choriyev
A.Mamatova
Texnik muharrir: A.Yuldashev

Taqrizchilar: t.f.d. Maqsadxon Sultaniyazovich Yakubov
f-m.f.n. Akramjon Zaynobidinovich Karimov

Mazkur to'plam materiallari ta'lim tizimida bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri bo'lmish yangi pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni qo'llagan holda dars berish jarayoni sifatini yanada ko'tarish va shaklini tubdan o'zgartirish muammolarining echimlariga bag'ishlangan konferensiya qatnashchilarining maqolalari majmuidan iborat. To'plam maqolalarida respublikamiz oily va o'rta maxsus o'quv yurtlari professor-o'qituvchilarining yangi pedagogik texnologiyar va amaliy tajribalari bo'yicha fan-texnika yutuqlarining ta'lim jarayonida qo'llanilishi haqida fikr-mulohazalari va takliflari bayon qilingan.

Ushbu to'plam oliy o'quv yurtlari, kasb-hunar kollejlari va akademik litsey talabalari, professor-o'qituvchilar hamda yangi pedagogik va axborot-kommunikatsion texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish borasida ilmiy izlanish olib borayotgan yosh olimlar hamda mustaqil tadqiqotchilarga foydali manba bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Maqolalarda keltirilgan ma'lumotlarning mazmuni va to'g'riligiga muallif o'zi javobgar hisoblanadi.

KIRISH

Mamlakatimizda o'tkazilayotgan demokratik va huquqiy islohotlar, fuqarolik jamiyatini shakllantirish va zamonaviy xalqaro standartlarning yuksak talablarga javob beradigan malakali yuridik kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takkomillashtirish maqsadida qabul qilingan 1990-sonli Prezident Qaroriga binoan Toshkent davlat yuridik universitetida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Toshkent davlat yuridik institutiga berilgan universitet maqomi oily ta'lim muassasiga katta mas'uliyat yuklamogda. Universitetimizda ta'lim olayotgan talabalar bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida huquqiy, siyosiy, iqtisodiy sohalarida kuchli bilimlarga ega raqobatbardosh mutaxassis bo'lib yetishishlari uchun zamin yaratib berildi.

Hurmatli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ta'lim tizimiga alohida e'tibor berilib, ta'lim jarayonini xalqaro standartlar va talablarga muvofiq hamda yangi pedagogik va axborot-kommunikatsion texnologiyalarni qo'llagan holda tashkil etish zarurligi alohida e'tirof etilib kelinmoqda.

Ta'lim tizimining barcha bo'g'inlarida o'quv-tarbiya jarayonini samarali tashkil etish, zamonaviy dars turlaridan unumli foydalanish, ta'lim jarayonida yangi pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalangan holda o'qitishning interfaol usullarini qo'llash va o'zlashtirish, ularni dars va amaliyotga tatbiq etish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri bo'lib turibdi.

Bozor iqtisodiyotining zamonaviy rivojlanish bosqichlarida inson faoliyatining barcha sohalarida yangi axborot texnologiyalardan foydalanish zaruriyati tug'ilmoqda. Uning ta'sirida ishlab chiqarish ekstensiv o'sishdan jadal o'sishga o'tmoqda, mehnat taqsimoti va boshqarish texnologiyasida behisob salmoqli o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Ayniqsa, yangi axborot texnologiyalarini tatbiq qilish jarayoni butun dunyo kompyuter tarmog'i – Internet misolida yaqqol ko'zga tashlanmoqda, million-million kompyuter foydalanuvchilari yagona axborot maydonida faoliyat ko'rsatmoqdalar.

Bugungi kunda oliy ta'lim muassasalari, kollej va litseylar hamda maktabdagi pedagog kadrlarning kasbiy tayyorgarlik darajasini oshirish, ularning o'z faoliyatida ilg'or pedagogik hamda axborot texnologiyalardan foydalanish bo'yicha tajribalar almashishi, zamon bilan hamnafas bo'lishi lozimligi hammamizga ma'lumdir. Ushbu to'plamda oliy ta'lim muassasalari va kollej-litsey professor-o'qituvchilari tomonidan ularning pedagogik faoliyatida qo'llanilib kelayotgan interaktiv metodlar, innovatsion metodikalar va fan-texnika yutuqlaridan foydalangan holda mashg'ulotlarni olib borish bo'yicha amaliy materiallar taqdim etilgan, o'z tajribalari bilan o'rtoqlashgan. Ushbu to'plam materiallari barcha oliy o'quv yurtlari va kollej-litsey talabalari, professor-o'qituvchilar hamda yangi pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish borasida ilmiy izlanish olib borayotgan yosh olimlar hamda mustaqil izlanuvchilarga olib borayotgan tadqiqotlarida foydali bo'ladi, degan umiddamiz.

МУНДАРИЖА

1. ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Ш.Мавлонов, Д.Абдураимов, М.Норматова, Гулистон давлат университети	8
2. ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА МОНИТОРИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ Ш.Мавлонов, Д.Абдураимов, Гулистон давлат университети.....	12
3. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ М.Шаисламова, катта ўқитувчи, Ж.Джалолов, ассистент, М.Муллабоев, ТАТУ магистри	16
4. ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ М.Курбонова, ТАТУ “АКТС Менежмент ва маркетинг” кафедраси ассистенти	21
5. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЯРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ АСОСЛАР М.Шаисламова, катта ўқитувчи, Ж.Джалолов, ассистент, М.Муллабоев, ТАТУ магистри.....	29
6. ELEKTRON HUKUMATNI JORIY QILISH – ZAMON TALABIDIR H.Ismailov, Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti o'qituvchisi. J.Aripov, Korporativ boshqaruv ilmiy-ta'lim markazi tinglovchisi	34
7. МЕДИЦИНСКАЯ ИНФОРМАЦИОННАЯ СИСТЕМА ДЛЯ ЛЕЧЕБНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ О.Талипова, ассистент ТУИТ	37
8. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ TUTGAN ЎРНИ М.Юнусова, катта ўқитувчи, Н.Тураева, ўқитувчи, ТДЮУ Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси	40
9. ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН Ж.Мухаммадиев, Национальный Университет Узбекистана, заведующий кафедрой, доцент.	45
10. ЦИФРОВАЯ ДИПЛОМАТИЯ – РЕГУЛЯТОР СТРАТЕГИИ МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ М.Якубов, ТУИТ, проф. кафедры “Информационные технологии”	48
11. СОЗДАНИЕ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ "ПОЛИКЛИНИКА" А.Саттаров, ассистент ТУИТ.....	57
12. O'ZBEKISTONDA ELEKTRON HUKUMATNI JORIY ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARI VA RIVOJLANISH HOLATI N.Axmedova, Y.Oromova, TATU magistrantlari	61
13. O'ZBEKISTONDA ELEKTRON HUKUMAT JORIY ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MASALALARI Y.Oromova, magistrant, Sh.To'rayev, i.f.n., dotsent, Muhammad Al-Xorazmiy nomli Toshkent axborot texnologiyalari universiteti.....	68
14. МЕСТО И РОЛЬ «ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА» В ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАРОДА Н.Тураева, преподаватель Ташкентского государственного юридического университета.....	72
15. SUN'IIY INTELLEKTUALNING NORAVSHAN MANTIQ METODLARI ASOSIDA TEXNIK TASHXISLASH ALGORITMI M.Ibragimov, I.Saymanov, Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti magistrantlari	76
16. ТЕРМОПЛАСТИК МАСАЛАНИ ЕЧИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ ВА ПРОГРАММА ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ А.Остонов, ўқитувчи, ЎзМУ Математика факультети Б.Чориев, ўқитувчи, ТДЮУ Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси.....	79
17. УЧ ЎЛЧОВЛИ МУРАККАБ СОҲАНИ ДИСКРЕТЛАШ А.Остонов, ўқитувчи, ЎзМУ Математика факультети Б.Чориев, ўқитувчи, ТДЮУ Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси.....	82
18. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР А.Очилов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси, техника фанлари номзоди	85
19. ЭЛЛИПТИК ЭГРИ ЧИЗИҚ НУҚТАЛАРИНИ ҚЎШИШ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ Ҳ.Маматова, ўқитувчи, Ўзбекистон миллий Университети	92
20. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҲУҚУҚИЙ СОҲАДАГИ ТИЗИМЛАР Э.Маннопова, ТДЮУ катта ўқитувчиси	95
21. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ МУММОЛАРИ Н.Бердалиев, сиёсий фанлар номзоди, Тошкент архитектура қурилиш институти.....	108
22. ҲУҚУҚШУНОСНИНГ ИНФОРМАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ М.Юнусова, ТДЮУ Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси катта ўқитувчиси	113
23. ПЕДАГОГИКАДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ Т.Алимардонов, сиёсий фанлар доктори Тошкент архитектура қурилиш институти	116
24. OBRAZLARNI ANGLASH MASALALARIDA INTERVAL USULLARI YORDAMIDA LATENT ALOMATLAR BO'YICHA YASHIRINGAN QONUNIYATLARNI IZLAB TOPISH G.Matlatipov, Dotsent Urganch Davlat Universiteti, J.Mattiyev, O'qituvchi Urganch Davlat Universiteti	121
25. СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА РЕЧЕВЫХ СИГНАЛОВ М.Паязов, ПО и ЦРАПО при ТУИТ ..	128
26. ANIQ INTEGRALNI TAQRIBIY HISOBLASHNING MONTE-KARLO USULINI TADQIQ ETISH O.Begulov, assistant, B.Abdullayev, talaba TATU Qarshi filiali, Qarshi sh	129

27. WEB-ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ <i>З.Тулаганов, ЎзМУ, Тошкент</i>	136
28. OLIY TA'LIMNING AKTUAL MUAMMOLARI <i>T.Maxarov, katta o'qituvchi, O'zMU, Toshkent</i>	139
29. KRIPTOGRAFIK OQ QUTI <i>D.Toshboltayev, o'qituvchi, O'zbekiston Milliy Universiteti, Toshkent shaHri</i>	143
30. "ELEKTRON XUKUMAT" TIZIMIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH <i>USULLARI G.Gubenova, assistant, Tosh. DAU Nukus filiali, Nukus shaHri</i>	148
31. ПРОГРАММИРОВАНИЕ ОПТИЧЕСКИХ КРИВЫХ, ВОЗНИКАЮЩИХ ПРИ ОТРАЖЕНИИ И ПРЕЛОМЛЕНИИ СВЕТА <i>В MARLE M.Джалилов, Ферганский филиал ТУИТ зав. кафедры, X.Жабборов, Ферганский филиал ТУИТ студент 3-курса</i>	151
32. OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISHDA MASOFAVIY O'QITISH TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH <i>Sh.To'xtasinov, O.Abduraxmonov, D.Bo'ronova Andijon qishloq xo'jalik instituti "Oliy matevftika va axborot texnologiyalari" kafedrası katta o'qituvchilari</i>	155
33. "ИНТЕРНЕТ" ТАРМОҒИДАГИ ХАВФЛАРНИНГ ЁШЛАРГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ <i>Ф.Юлдашева, Тошкент давлат юридик университети "Меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси</i>	158
34. АХБОРОТ –КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФОЙДАЛАНИШ ДАВР ТАЛАБИ <i>Г.Акрамова, Ассистент, Қ.Аликулов, Талаба, ТАТУ, Тошкент ш.</i>	163
35. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН АСОСЛАРИ <i>Н.Иминова, Г.Акрамова, ТАТУ, Тошкент шаҳри</i>	166
36. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ <i>Д.Кувандикова, к.э.н, доцент, ТУИТ, Д.Нурматова, старший преподаватель ТУИТ</i>	172
37. АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНАЁТГАН ДАВРИДА ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ <i>Н.Мухамадалиева, катта ўқитувчи, ТАТУ М.Исmoilов, 4-босқич талабаси, ТАТУ</i>	177
38. ОММАВИЙ ОНЛАЙН ОЧИҚ КУРСЛАР ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ <i>Д.Кувандикова, и.ф.н, доцент, ТАТУ Н.Мухамадалиева, катта ўқитувчи, ТАТУ</i>	181
39. АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ <i>Ў.Сапаев – ТДЮУ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси</i>	185
40. ДОСТУПНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (ИКТ) ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ УЧИТЕЛЕЙ <i>Д.Кувандикова, к.э.н., доцент, ТУИТ, Д.Нурматова, старший преподаватель, ТУИТ</i>	190
41. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОМПЬЮТЕР АНИМАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ <i>Б.Ҳайиткулов, ўқитувчи, ЎзМУ</i>	196
42. Объектнинг умумлашган баҳосини тавсифлашда лингвистик ўзгарувчилардан фойдаланиш <i>С.Ражаббоев, ТДЮУ Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси мудири</i>	200
43. ИССЛЕДОВАНИЕ СВОЙСТВ КАУСТИК ПРИ ПОМОЩИ MARLETS <i>М.Джалилов, Ферганский филиал ТУИТ зав. кафедры, X.Жабборов, Ферганский филиал ТУИТ, студент 3-курса</i>	203
44. ОҚИМЛИ ШИФРЛАРДА ПСЕВДО ТАСОДИФИЙ КЕТМА-КЕТЛИКЛАРНИ ҚУРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ <i>Д.Шарофов, ЎзМУ ўқитувчиси, Тошкент</i>	206
45. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ <i>Д.Мамасоатов, Тошкент давлат иқтисодий университети катта илмий ходим-изланувчиси</i>	210
46. UNIVERSITETLARNING REYTINGINI ANIQLASHDA QO'LLANILADIGAN RAEX (EXPERT RA) AXBOROT TIZIMINING METODOLOGIK YONDASHUVINI O'RGANISH <i>S.Abdulxamidov, M.Ibragimov, B.Esanov, Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti magistrantlari</i>	215
47. ЗНАЧЕНИЕ ИКТ И ПРОБЛЕМЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА <i>Ш.Бобожужаев, доцент, Советник РАЕ, Эксперт Группы экспертов Европы и ЦА ФАО ООН, Филиал РГУ нефти и газа (НИУ) им. И.М.Губкина в г. Ташкенте</i>	219
48. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРДА ХАВФ ЭҲТИМОЛИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ <i>Ш.Мавлонов, Д.Абдураимов, Ғ.Нафасов, Гулистон давлат университети</i>	226
49. БАРДОШЛИ ХЕШ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ МУАММОСИ <i>Ш.Мавлонов, Д.Абдураимов, Гулистон давлат университети</i>	230
50. ГИБРИДНЫЙ ПОДХОД (SAT+ROBDD) В ЗАДАЧАХ КРИПТОАНАЛИЗА ПОТОЧНЫХ СИСТЕМ ШИФРОВАНИЯ <i>Ғ.Нафасов, Д.Абдураимов, Гулистон давлат университети</i>	234
51. ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР ВА ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ <i>З.Отақўзиева, и.ф.н., Тошкент Ахборот Технологиялари университети "Почта алоқаси технологияси" кафедрасининг мудири, О.Бердибоев, ТАТУ 3-курс талабаси</i>	236
52. ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА ХУЖЖАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ <i>З.Иброҳимова, ТАТУ СФ ассистенти, А.Абдуваитов, ТАТУ СФ ассистенти</i>	240
53. OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIMNI AMALDA QO'LLASHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH: AVZALLIK VA KAMCHILIKLARI <i>S.Abdulxamidov, B.Esanov, Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti magistrantlari</i>	244

54. ПРИМЕНЕНИЕ ЭКСПЕРТНЫХ СИСТЕМ ДЛЯ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ <i>З.Иброхимова, асс. СФ ТУИТ, С.Ражаббоев, зав. кафедрой ТГЮУ</i>	247
55. ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ <i>А.Алаев, Д.Алаева, Тошкент давлат юридик университети</i>	252
56. ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РАЗЛИЧНЫХ СФЕРАХ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА <i>Р.Алимов, доктор политических наук, профессор, Ж.Мухаммадиев, Национальный Университет Узбекистана, заведующий кафедрой, доцент</i>	255
57. СИСТЕМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ <i>Р.Алимов, доктор политических наук, профессор, Ж.Мухаммадиев, Национальный Университет Узбекистана, заведующий кафедрой, доцент</i>	265
58. C++ DASTURLASH TILIDA OPTIMAL KODLAR YOZISH <i>D.Gulyamova, TATU, katta o'qituvchisi M.Maxammadjonov, TATU talabasi</i>	269
59. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРНИНГ АКТ БЎЙИЧА БИЛИМ САВИЯЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ <i>Т.Хожиев, катта ўқитувчи, ЎЗМУ, математика факультети</i>	272
60. OLIY TA'LIM MUASSASALARINING VEB SAYTLARNI HIMOYALASHDA Hujum Turlari Tadbiqi <i>S.Hojiyev, "Axborot xavfsizligini ta'minlash" kafedrasida talabasi, O.Talipova, "Informatika asoslari" kafedrasida assistenti, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti</i>	276
61. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ <i>Ф.Кадиров, М.Джаматов ИИБ Академияси</i>	280
62. БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ <i>Ф.Кадиров, М.Джаматов ИИБ Академияси</i>	287
63. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ <i>Н.Тургунов, М.Джаматов, ИИБ Академияси</i>	293
64. APPARATLI VA DASTURLI KLAVIYATURA JOSUSLARI VA ULARDAN HIMOYALANISH USULLARI <i>S.Abdulxamidov, I.Saymanov Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti magistranti</i>	297
65. МД5 ХЕШ ФУНКЦИЯСИНИНГ КРИПТОТАҲЛИЛИ ҲАҚИДА <i>Д.Шарофов, Ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий университети, Чориев Баҳодир, ўқитувчи, ТДЮУ Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси</i>	300
66. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ <i>Ж.Мухаммадиев, Ўзбекистон Миллий университети, кафедра мудири, доцент</i>	304
67. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ <i>Ф.Кадиров, М.Джаматов ИИБ Академияси</i>	309
68. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АХБОРОТ ХУРУЖИ <i>Ў.Сапаев, ТДЮУ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси</i>	316
69. АХБОРОТ УРУШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <i>И.Джураев, ю.ф.н., ТДЮУ Суд ва ҲМҚО кафедраси ўқитувчиси Ў.Сапаев, ТДЮУ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси</i>	320
70. ЖАДВАЛ ТЎЛДИРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШДА МАКРОСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ <i>А.Иминов, Ф.Кадиров ИИБ Академияси</i>	325
71. MICROSOFT EXCEL ДАСТУРИДА ЖАДВАЛ ТЎЛДИРИШНИ ФОРМУЛА ЁРДАМИДА АВТОМАТЛАШТИРИШ <i>А.Иминов, Ф.Кадиров ИИБ Академияси</i>	332
72. ОБ АЛГОРИТМЕ ШИФРОВАНИЯ ДАННЫХ БТС <i>Б.Абдурахимов, А.Саттаров Национальный Университет Узбекистана им. М.Улугбека, Ташкент</i>	338
73. СПОСОБ ПОСТРОЕНИЯ S-БЛОКОВ ПОВЫШЕННОЙ КРИПТОСТОЙКОСТИ <i>Б.Абдурахимов, А.Саттаров Национальный Университет Узбекистана им. М.Улугбека, Ташкент</i>	342
74. VEB SAYTLARDA BO'LADIGAN DDOS Hujumi va uni aniqlash algoritmi <i>Z.Qodirov Z., S.Hojiyev Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti</i>	344
75. ASP.NET DA DOS Hujumlardan HIMOYALANISH <i>B.Esanov, M.Ibragimov, S.Abdulxamidov, Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti magistrantlari</i>	350
76. ЗАЩИТА ИНФОРМАЦИИ ОТ КОПИРОВАНИЯ <i>А.Нурумова, НУУз, Старши преподаватель</i>	354
77. MOODLE КАК СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ ТЕХНИЧЕСКИМ ПРЕДМЕТАМ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ (НА ПРИМЕРЕ УРГЕНЧСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА) <i>Х.Шихова, исследователь, Ургенчский государственный университет, г. Ургенч</i>	357
78. МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ <i>А.Тиллаев, Ўзбекистон Миллий Университети Амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси</i>	367
79. ICT IN THE PUBLIC SECTOR: INTRODUCTION OF ICT TO THE SPHERE OF HOUSING AND COMMUNAL SERVICES E-GOVERNMENT <i>D.Nasibullaeva, master Tashkent University of Information Technologies, Tashkent city, Uzbekistan</i>	372
80. IMPROVING THE QUALITY ONLINE LEARNING PROCESS WITH MOOC <i>D.Nurjabova, Sh.Ibotova, Tashkent University of Information Technologies Karshi branch</i>	377

81. METHODS FOR CALCULATING THE COEFFICIENTS OF MODELING FUNCTIONAL DEPENDENCIES BY BASIC SPLINES A.Raximov, Assistant of the Department of Informatics Tashkent University of Information Technology B.Choriyev, teacher of the Department Basics of Legal Informatics and System Analysis of the Tashkent State University of Law	380
82. MOTION PICTURES AND VIDEORECORDINGS O.Ishniyazov, TUIT assistant, Basic of Informatics J.Husainov, teacher of the Department Basics of Legal Informatics and System Analysis of the Tashkent State University of Law.....	385
83. UZBEKISTAN IN A WAY TO DEVELOPING OF TRANSNATIONAL EDUCATION N.Turaeva, Teacher of Tashkent State University of Law M.Yunusova, SENIOR Teacher of Tashkent State University of Law	389
84. AUTOMATION MEDICAL INFORMATION SYSTEM FOR CLINICS G.Shixnazarova, assistant TUIT, Tashkent	394
85. THE PREPROCESSING DATA AND COMPUTATION THE WEIGHTS OF NOMINAL FEATURES J.Mattiev, Independent researcher Urgench State University, Khorezm D.Khujamov, Student Tashkent University of Information Technology urgench branch.....	399
86. PROTECTION OF INFORMATION AND WIRELESS NETWORKS M.Djalilov, senior teacher, X.Jabborov, student Fergana branch of TUIT, Fergana.....	404
87. Жиноят процессида электрон хужжатлар алмашинуви О.Бобокулов.....	407
88. АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ Ў.Сапаев, ТДИУ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.....	415
89. Айрим ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят процессида электрон-ахборот технологияларни қўллаш масалалари А.Матмуротов.....	420
90. Жиноят процессида аудио ва видео маълумотларни рақамли қайд этиш М.Нодиров.....	426

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ш.МАВЛОНОВ, Д.АБДУРАИМОВ, М.НОРМАТОВА,
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бугунги кунда корхона ва ташкилотларни техник жихатдан қайта курулантириш, кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялардан, илғор конструкцияли материаллардан фойдаланиш дастурларини амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолининг харид талабини қондириш, илм-фан ишлаб чиқариш тармоқларни, айниқса, электроника, асбобсозлик, компьютер техникаси, замонавий алоқа воситалари ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва уларни амалиётда қўллаш масалалари долзарб вазифалардан биридир.

Буларнинг ҳаммаси ахборотлаштиришнинг улкан имкониятларидан энг самарали фойдаланишни, унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги жараёнларига таъсирини кучайтиришнинг энг долзарб вазифасига айлантирмоқда. Ахборотлаштириш замонавий дунё тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, жаҳон фан техникасининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Ахборот, компьютерлаштириш, замонавий ахборот технологияси, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий компьютерлар, дастур билан таъминлаш ва бошқа шу каби тушунчалар жамиятни ахборотлаштиришнинг энг муҳим хусусиятларини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони ва 2002 йил 6 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200–сонли қарорини бажариш борасида Республикамиздаги ҳар бир олий ўқув юрти ахборот коммуникация

технологиялари тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиққан ва уни татбиқ қилишга имкон яратмоқда.

Ахборот ижтимоий, иқтисодий табиий фанларнинг, тафаккур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалари мажмуи демакдир. Инсон ахборот оқими ичра яшар экан, турли-туман воқеа, ҳодисалар ва жараёнларнинг бир - бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини таҳлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўриш, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари қандай амал қилаётганлигини англаб етиш мақсадида кўпдан-кўп сўзларга, далил ва рақамларга мурожаат қилади. Ахборот туфайли назариёт амалиёт билан бирлашади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ахборотлар оқимини бамисоли баҳор селлари оқими каби кўпайтириб юборди. Ахборот оқимининг тобора кўпая борганидан шу нарса ҳам далолат бера оладики, асримизнинг 70-йиллар ўрталарига келибоқ ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти шундай даражага етган эдики, улардан оқилонга фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун йилига 10^{16} арифметик амални бажариш керак бўлади. Табиийки, бундай мураккаб ҳисоб-китобни чўт қоқиб амалга ошириб бўлмайди. 10 миллиард киши бир йил давомида тинмай ишлаган тақдирдагина шунча арифметик амални еча олиши мумкин.

Одамларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилмоқ учун тегишли ахборотларни ўз вақтида тўплаб, қайта ишлаб, муайян бир тартибга солиш ва зудлик билан кишиларга етказиш керак бўлади. Бунинг учун, жамиятни ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва илғор ахборот технологиясини жорий этиш зарур.

Ахборотлар технологияси иқтисодий масалаларни ҳал қилишда қуйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

- ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- ахборотни узатиш;

- аълумотларни кодлаштириш;
- маълумотларни сақлаш ва излаш;
- иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш;
- ахборотни чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш;
- қарор қабул қилиш ва бошқарув таъсирини ишлаб чиқиш;

Маълумки, иқтисодий ахборот ҳамма жараёнларнинг юзага келишида иштирок этади, лекин қатор ҳолатларда баъзи жараёнлар иштирок этмайди. Уларнинг амалга оширилиши ҳар хил бўлади. Шу ўринда баъзи жараёнлар қайтарилиши мумкин.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари бир нечта босқичдан иборат бўлиб, корхона, вазирлик ва мамлакат миқёсида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва натижасига асосланиб қарор қабул қилиш.

Техника соҳасидаги учта ютуқ ҳозирги замон ахборот технологиясининг асосини ташкил қилади. Булар:

1. Ахборотларни йиғувчи янги воситаларнинг яратилиши.
2. Алоқа воситаларининг ривожлантирилиши.
3. Компьютер орқали ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлашнинг йўлга қўйилиши.

Умуман олганда, замонавий ахборот технологияси ахборот жараёнларини автоматлаштиришга асос солади. Баъзи ахборот технологиялари ўз тарихига эга, бошқалари эса, нисбатан яқиндагина пайдо бўлди.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида қарорни инсон қабул қилади. Автоматик иш жойлари деганда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва натижасига асосланиб қарор қабул қилиш тушунилади. Автоматик иш жойларида барча вазифаларни инсон иштирокисиз, яъни ахборот технологиялари воситаларининг ўзи бошқаради.

Иқтисодий бошқаришдаги ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтиш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва олиб боришга катта таъсир кўрсатади. Ҳисобнинг халқаро тизимларига ўтиши амалга оширилмоқда, бу унинг услубийнинг янги шакллари ишлаб чиқишнинг талаб қилади. Бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими ва уни компьютерда ишлаб чиқишни ташкил қилишнинг анъанавий шакллари катта катта ўзгаришларга учраган. Ҳисобчидан корхона молиявий ҳолатининг объектив баҳоларини билиш, молиявий таҳлил усуллари эгаллаш, қимматли қоғозлар билан ишлашни билиш, бозор шароитларида пул маблағлари инвестицияларини асослаш ва бошқалар талаб қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотли тизимлари анъанавий равишда вазифаларнинг қуйидаги мажмуаларини ўз ичига олади: асосий воситалар ҳисоби, моддий бойликлар ҳисоби, меҳнат ва иш хаки (маош) ҳисоби, тайёр маҳсулотлар ҳисоби, молиявий ҳисоблаш операцияларининг ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, йиғма ҳисоб ва ҳисоботлар тузиш.

Шахсий компьютерлар базасида автоматлаштирилган иш жойларининг ташкил қилиниши, корхоналарда маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини яратиш, ахборот базасини ташкил қилиш ва иқтисодий вазифалар мажмуасини шакллантиришда янги талабларни илгари сурди. Маълумотларнинг тақсимланган базалари тизимини яратиш, турли фойдаланувчилар ўртасида ахборотларни алмаштириш, компьютерда бошланғич ҳужжатларни автоматик шакллантиришнинг имкониятлари пайдо бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -51 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ҳақида» қонуни. – Тошкент: Халқ сўзи газетаси. 2004. – 11 феврал.

З.Ш.Мўминов “Математик моделлар ва усуллар”. Ўқув қўлланма,
Тошкент. 2006 й.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА МОНИТОРИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ш.МАВЛОНОВ, Д.АБДУРАИМОВ,
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Маълумки, Республикамизда инсон саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш долзарб масала сифатида қаралади. Бу борада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятнинг жадал ривожланиши, фан-техниканинг тараққиёти соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ўзига хос катта имкониятларни яратмоқда. Ахборотлар, янгилик ва ўзгаришларни қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш ва уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларига татбиқ этиш бугунги куннинг талабидир. Тиббиёт соҳасида ҳам ахборотлар алмашинув суръатини жадаллаштиришда компьютер программаларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 21 март ПҚ-1730-сонли Қарорига мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига биноан республиканинг барча давлат муассалари ахборот тизимлари яратишни чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Шу сабабли, тиббиёт соҳасида ҳам ахборот тизимини, яъни мониторинг тизимини яратиш долзарб муаммо саналади.

Тиббиёт муассасалари мониторинг тизимини яратиш натижасида, ҳудудлар бўйича касаликларнинг мониторингини ўз вақтида аниқлаш ва кассаликка қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини туғилади. Масалан, қайси ҳудудда қанақа касаллик кўп аниқланган бўлса шу ҳудудга ўша касаллик бўйича мутахассисларни кўпроқ жўнатиш масаласи ишлаб

чиқилади ва амалга оширилади. Бунинг натижасида халқимиз ҳаётини енгиллаштириш ва уларнинг касалликлари олдини олиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориш имконияти пайдо бўлади.

Тиббиёт муассаларини ахборотлаштириш кўплаб бир-бири билан алоқадор бўлган ва тезкорлик билан ечилишни талаб қиладиган масалалар билан узвий боғланган. Соғлиқни сақлаш муассаларини ҳудудий ахборотлаштириш учун энг аввало тўлиқ функцияли тиббиёт муассасаларининг ҳудудий ахборот тизимини яратиш лозим. Тиббиёт муассасаларининг ҳудудий ахборот тизимининг асосий вазифаси берилганларни чуқур ва аниқ таҳлил қилиш натижасидаги ечимларни олиш учун сифатли берилганлар базасини йиғишдир.

Бу тизимнинг асосий функция ихтиёрий ҳисоботларни тезкор йиғиш ва таҳлил қилишни ташкиллаштиришдан иборат. Шу сабабли, ушбу магистрлик диссертацияси мавзуси тиббиёт муассаларида мониторинг тизимини яратиш масаласига алоқадорлиги жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. Жуда қисқа муддат ичида барча ҳудуддаги тиббиёт бирлашмаларидан янги кўринишдаги ҳисоботларни йиғиш ва таҳлил қилиш зарурати тез-тез туғилиши бунга мисол бўлади. Бундай муаммоларни ҳал қилишда, ана шу “Тиббиёт муассаларини мониторинг тизими” жуда самаралидир. Мониторинг тизимлари асосида давлат статистикаси олиб борилади. Чунки давлат статистикаси мамлакатдаги тиббиёт муассаларини бошқариш тизимидаги энг муҳим буғинлардан бири. У жамият ҳаётидаги оммавий касалликларни ўрганиш, уларнинг мураккаблик даражасини аниқлаш, ҳамда тиббиёт муассасини фаолият юритиш ва ривожланишга илмий асосланган ҳолда баҳо беришга қаратилган.

Давлат статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:


– тиббиётнинг барча соҳалари ва уларга тегишли тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳақидаги статистик ахборотларни йиғиш, ишлаб чиқиш ва турли фойдаланувчиларга тақдим етиш;

– ҳозирги замонавий босқичда жамият еҳтиёжлари ҳамда халқаро андозаларга мос келувчи илмий асосланган статистик услубиятини ишлаб чиқиш;

– барча расмий статистик ахборотлар тўлиқлиги ва илмий асосланганлигини кафолатлаш;

– тиббиётни бошқариш идораларининг статистик фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар томонидан соҳавий статистик кузатишларини ўтказишни таъминлаш ва бошқалар.

Бошқарув объектлари деганда тизимнинг меъёрий фаолият юритиши учун мунтазам назорат қилиш ва тартибга солишни талаб қиладиган элемент тушунилади. Тиббиётнинг соҳалари, уларнинг муассалари ва ташкилотлари бошқарув объектлари бўлади (1-расм).



1-расм. Тиббиёт муассасаларини бошқаришда давлат статистикаси идораларининг вазифалари

Давлат статистика идоралари, давлат бошқаруви идораларини тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиб, вазифалар кўринишидаги бошқарувчи ахборот қабул қилингани ва бошқарув объектларининг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қайд етилган, мулжалланган ҳаракатларида акс еттирилувчи муҳим сигнал вазифаларини бажаради.

Мониторинг тизими ахборот тизимининг кичик бир қисми ҳисоблангани боис давлат статистикасига муҳим бўлган мониторинг тизимини ахборот тизимларини яратиш технологияларидан фойдаланган ҳолда тузамиз. Шу сабабли мониторинг тизимини яратишда ахборот тизимларининг ўрни каттадир.

Шу ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирга кунда Республикамизда инсон саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш долзарб масала сифатида қаралади. Бу борада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамиятнинг жадал ривожланиши, фан-техниканинг тараққиёти соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ўзига хос катта имкониятларни яратмоқда. Ахборотлар, янгилик ва ўзгаришларни қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш ва уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларига татбиқ этиш бугунги куннинг талабидир. Тиббиёт соҳасида ҳам ахборотлар алмашинув суръатини жадаллаштиришда компьютер программаларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Тиббиёт муассасалари мониторинг тизимини яратиши натижасида ҳудудлар бўйича кассаликларнинг мониторингини ўз вақтида аниқлаш ва кассаликка қарши чора-тадбир ишлаб чиқиш имконини туғилиши натижасида ўз исботини топди. Яъни қайси ҳудудда қанақа касаллик кўп аниқланган бўлса шу ҳудудга ўша касаллик бўйича мутахассисларни кўпроқ жўнатиш масаласи ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши борасидаги ҳаракатларни бажариш мумкинлиги ўз исботини топди десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чора тадбирлари. И.А.Каримов.- Т.:Ўзбекистон , 2009 й. 56 бет
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги қонуни.
3. Хакимов М.Х., Гайназаров С.М. Берилганлар базасини бошқариш тизимлари. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 й.
4. Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М. ва бошқалар, Давлат бошқарувида ахборот – коммуникация технологиялари. Т., 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

М.ШАИСЛАМОВА, КАТТА ЎҚИТУВЧИ,
Ж.ДЖАЛОЛОВ, АССИСТЕНТ,
М.МУЛЛАБОВЕВ, ТАТУ МАГИСТРИ

Ахборот асри деб аталган давримиз инсониятга тақдим этаётган қулай ва ишончли имкониятлардан бири “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилишидир. Маълумки, “Электрон ҳукумат” тизими жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намоён этиб улгурган тизим ҳисобланади. Ўзбекистонимизда ҳам кенг миқёсда ривожланиб бораётган мазкур тизим мамлакатимиз давлат ҳокимияти органлари, бизнес соҳаси, айниқса, фуқароларга ахборот хизматини тақдим этади ҳамда турли давлат хизматини кўрсатади. Шу билан давлат ва мурожаат этувчи ўртасидаги муносабатларнинг амалга оширилишида тезкорлиги ҳамда долзарблигини ошириб, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Мазкур тизим давлат тузилмаларини бошқариш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлашдан ташқари, интерактив шаклда фуқароларга давлат хизматини қулай ва ишончли тақдим этиш имконини беради.

Мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989 сонли “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ахборот соҳасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Қарорга мувофиқ, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланган ҳамда унинг ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузурида янги тузилма - “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг мақсад ва вазифалари сифатида мамлакатимиз ахборот ресурсларлари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантиришдек муҳим масалалар белгиланди.

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказининг фаолияти мамлакатимизда давлатнинг фуқаролик ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш ҳамда янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишга йўналтириган, шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими лойиҳаларини амалга оширишни таъминловчи меъёрий-услубий ташкил этилишига ёрдам бериши зарур.

Давлат органларида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва мужассамлаштириш механизмининг кўзда тутадиган мазкур тизимни шакллантиришга ягона технологик ёндашувни таъминлайдиган “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази бу соҳада жаҳон амалиётидаги ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиб, тадқиқ қилиш масалалари билан шуғулланади.

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш жараёнида, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига вақт ва маблағни тежаган ҳолда сифатли давлат хизмати кўрсатиш мақсадида, давлат органлари фаолиятининг функционал ва операция жараёнларини тизимли асосда қайта ташкил этиш, давлат хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бизнес жараёнларини бошқаришнинг инновацион механизмларини жорий этиш, такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Марказ томонидан “Электрон ҳукумат” тизими доирасида интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг асосий йўналишлари, лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, марказ вазифалари рўйхати қаторидан миллий ахборот индустриясини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, мамлакат АКТ соҳаси ишлаб чиқариш корхоналарига инвестицияларни жалб этиш, таълим тизимида ахборот ресурслари ҳамда электрон ҳужжатни такомиллаштириш ҳам жой олган. Бутун жаҳон ахборот муҳиtida

жамиятнинг ҳаётий муҳим соҳаларида АКТдан ҳуқуқий ва хавфсиз фойдаланишида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ахборот хавфсизлиги тизимини ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутди.

Мазкур масалада ахборот жамиятини ривожлантириш муҳим йўналиш бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун эса ахборотлаштириш жараёнини мувофиқлаштиришда давлат ролини намоён этувчи муносиб шароитлар яратилиши шарт ҳамда илмий-тадқиқотларни ташкил этилиши аниқ белгиланиши зарур.

Бугунги кунда марказда “Электрон ҳукумат” тизими жорий этилиб, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш юзасидан кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилаётгани, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланаётгани ўз самараларини бермоқда. Маълумки, юқорида тилга олинган Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида, 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ тегишли меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини электрон шаклда амалга оширишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда, давлат бошқаруви тизимига “ягона ойна” тамойили жорий этилмоқда.

Шу кунга қадар “Электрон ҳукумат” тизимида йигирматадан ортиқ лойиҳа амалга оширилган. Бунга Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали (www.gov.uz) ёрқин мисол бўла олади. Мазкур портал орқали мамлакатимиз фуқаролари ёки тадбиркорлик субъектлари, ташкилот ҳамда муассасалар вакиллари давлат ҳокимиятининг барча элементлари бўйича тўлиқ ахборот олиши, у ёки бу давлат органига электрон шаклда расмий мурожаат этиши мумкин. Порталда муҳим интерактив давлат хизматларининг реестри ҳам жойлаштирилган.

Ҳозирги даврда Интернет тармоғида, «ягона ойна» режимида ягона интерфаол давлат хизмати порталининг (www.gov.uz) ишга туширилиши билан порталда йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича 270 дан зиёд интерактив хизматдан фойдаланиш имкони тақдим этилмоқда ҳамда давлат хизматини камраб олиш доирасини кенгайтириб, ўз вазифаларини амалга оширишда янада такомиллаштирилиб боришмоқда. Порталда Ўзбекистон уй-жой ва коммунал хўжалигига оид барча масалалар бўйича маълумотлар, тарифлар хабарномаси, ҳатто барча коммунал хизматлар калькулятори қулай шаклда жойлаштирилган. Порталга ҳар қандай шахс коммунал хўжалик борасидаги у ёки бу муаммо ҳақида ахборот, фотосурат жойлаштириши мумкин. Мазкур маълумотлар орқали тегишли давлат органлари жойлардаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, ҳал этиш чоралари кўрилади.

Ҳозирги даврда “Электрон ҳукумат” тизими ривож қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклда алоқага ўтишни таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сифатини яхшилаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада юртимизда соҳага оид мустақкам қонунчилик базаси яратилган. Ўндан ортиқ қонунлар ва элликта норматив-ҳуқуқий ҳужжат шулар жумласидандир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс чора-дастурларининг изчил бажарилиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда АКТни қўллаш самарадорлиги ортиб бормоқда. Айни чоғда “он-лайн” хизмати аҳоли, айниқса, тадбиркорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида муҳим воситага айланмоқда. Кейинги даврда мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини кенг татбиқ этиш учун асос яратилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари олдида турган яна бир муҳим масала — ички меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини тезлаштириб, тадбиркорлар учун кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Шунингдек, электрон шаклда маълумотлар алмашишнинг йўлга қўйилаётгани сўровларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштириб, тадбиркорлар ва аҳолининг давлат органлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлайди. Электрон буюртма асосида хусусий корхона ташкил этиш тадбиркорнинг қимматли вақтини тежаб, бизнесини муваффақиятли юритишга ишончини мустаҳкамлайди. Бу тартибнинг жорий этилаётгани мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Глобал тармоқда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар изчил давом этмоқда. Келгусида солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар ва бошқа соҳаларда ҳам интерфаол шаклда хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда мазкур электрон ҳужжат доирасида статистика, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан электрон кўринишда йиғиш ва қайта ишлаш тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Шунингдек, электр энергияси истеъмолчиларига «uzbekenergo.uz» сайти шахсий кабинетлар ёрдамида ўз шахсий маълумотларидан фойдаланишни таъминлайди. Ушбу лойиҳа мамлакатдаги барча истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан фойдаланишни интерактив шаклда назорат қилиш имконини беради.

Базавий интерактив давлат хизматлари “Электрон ҳукумат” тизимининг бир қисмигина холос. Мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 18 январдаги “2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисида “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида қайд этилганди. вазифаларини муваффақият билан амалга ошириш ҳамда тақдим этиладиган имкониятларда мазкур “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Олдинда аҳоли манфаатларини кўзда тутган, вақт ва маблағни тежаш имконини берувчи кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар кўп. Улар марказнинг белгилаб қўйилган келгусидаги истиқбол режалари асосида амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

М.ҚУРБОНОВА, ТАТУ “АҚТС МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ
АССИСТЕНТИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Юртимизда соҳага оид мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Ўндан ортиқ қонунлар ва элликта норматив-ҳуқуқий ҳужжат шулар жумласидандир [1-6]. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс чора-дастурларининг изчил бажарилиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда АҚТни қўллаш самарадорлиги юксалаяпти. Пировардида соҳада изчил ўзгаришлар кузатилди, интерактивлик кучайтирилди, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, электрон тўловлар каби бир қанча янги хизмат турлари юзага келди.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш даражасини ошириш учун ислохот ўтказишнинг энг кучли стратегияси сифатида “электрон ҳукумат” белгиланган ва шундан

бошлаб электрон ҳукумат тизимини яратиш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

“Электрон ҳукумат” тизимини яратишдан асосий мақсад - ҳукуматнинг бошқарув ва маъмурий фаолиятида иш унумдорлиги ва самарадорлигини кўтариш, булар асосида фуқароларга юқори даражадаги давлат хизматларини тақдим қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун мақбул муҳит яратиш ҳисобланади. Бу мақсадларга эришиш учун, энг аввало, ҳукумат идоралари, шунингдек таълим муассасаларининг фаолиятида инновацияни жорий қилиш, кераксиз бизнес-жараёнлар ва регламентларни ислоҳ қилиш ёки бекор қилиш, ҳужжатларни қисқартириш, қарорларни электрон тарзда қабул қилиш, стандартлашган ҳужжат алмашинуви орқали давлат идоралари ўртасида маълумотлардан умумий фойдаланишни йўлга қўйиш, «ягона ойна» тизимига ўтишни амалга ошириш керак бўлади. Бу ишларнинг амалга оширилиши фуқароларга ташқарига чиқмасдан, яъни уйда ёки ишда бўла туриб, бир тугмачани босиш орқали хоҳлаган мурожаатни юбориш, маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятини берадиган инновацион давлат хизматларини кўрсатишни таъминлайди [7].

Республикамизда “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш концепциясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мазкур соҳада етакчилардан бўлган Австрия, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларнинг илғор тажрибалари изчил ўрганилди. Айни пайтда бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантиришни жадаллаштиришга ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат давлат тузилмаларини бошқариш, балки давлат ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорликка кўмаклашган ҳолда иш жараёнларини

самарали ривожлантириш, фуқароларга интернет тармоғи орқали интерактив давлат хизматларидан янада қулай фойдаланиш имконини берди.

Ўзбекистонда бизнес соҳаси ҳамда фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, тез орада давлат органларидан барча турдаги маълумотномаларни электрон шаклда олиш, давлат органларига навбатга ёзилишнинг “электрон навбат” тизимини жорий қилиш, демакдир. Айни чоғда темир йўл ва авиачипталарни онлайн брон қилиш ва тўловларни амалга ошириш, коммунал хизматлар учун тўловларни онлайн амалга ошириш имкониятларини амалиётга изчил жорий қилиш, автомобиль ва транспорт соҳасида АКТ ёрдамида йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш режалаштирилган. Қолаверса, интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан катта кўламда, айниқса, қишлоқ жойларда фойдаланишни таъминлаш ҳам режалаштирилган.

Бугунги кунда “Электрон ҳукумат” тизими ривож қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклда алоқага ўтишни таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сифатини яхшилаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда давлат ахборот ресурслари сони 195, рўйхатга олинган ахборот тизимлари 154 тага етгани бунинг тасдиғидир. Айни чоғда “он-лайн” хизмати аҳоли, айниқса, тадбиркорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида муҳим воситага айланмоқда. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали жорий йилнинг

биринчи чораги мобайнида 20 та янги хизмат тури жорий қилиниб, уларнинг сони 187 тага етказилгани ҳам диққатга сазовордир.

Электрон ҳукумат – бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимияти ва унинг тармоқлари ҳамда давлат хизматчиларига ахборот тақдим этиш, аввалдан шаклланган давлат хизматларини кўрсатиш бўлиб, бунда давлат ва фуқаро ўртасидаги шахсий алоқа минималлаштирилиб, ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланилади. Бошқача айтганда, “Электрон ҳукумат” ҳукуматнинг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида бутун ҳокимият тармоқларининг ҳам ўзаро, ҳам жамият билан самарали информацион ҳамкорлигини таъминлайдиган ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш, демакдир.

Бу тизим давлат тузилмаларини бошқаришни, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш орқали бизнес жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини интернет орқали ҳаммабоп интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратади.

Ўзбекистонда ҳам кенг миқёсда ривожланиб бораётган мазкур тизим давлат ҳокимияти органлари, бизнес соҳаси, айниқса, фуқароларга турли давлат хизматларини кўрсатиш юзасидан ахборот хизматини тақдим этади. Президентимизнинг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини ошириб, фуқаролар томонидан ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳамда ахборот хизматларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу ҳужжат асосида қабул қилинган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро

муносабатини электрон шаклда амалга оширишини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида “ягона ойна” принципини жорий этиш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган.

2016 йилнинг бошидан буён 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурига кўра замонавий технологиялар асосида 500 км.дан зиёд кенг полосали оптик- толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Ягона интерактив давлат хизматлар порталини модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари давом эттирилди, натижада: ахборот ресурслари сони - 317тага етди, давлат органари ахборот тизимлари – 484 тадан ошди, интерактив хизматлар - 270 (турдаги) жорий қилинди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталига давлат ва ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимиятининг 990 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган. Шу йил бошидан буён Ягона портал орқали 520 мингдан зиёд хизмат кўрсатилиб, ўсиш суръати ўтган йилинг шу давридадига нисбатан 2,8 мартани ташкил этди.

Цифровая (электронная) дипломатия (англ. «digital diplomacy», e-diplomacy) – использование возможностей сети интернет и информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) для решения дипломатических задач. В рамках цифровой дипломатии используются новые медиа, социальные сети, блоги и тому подобные медиаплощадки в глобальной сети. В электронной дипломатии принимают участие государственные ведомства, в первую очередь, внешнеполитическое, правительственные органы, а также неправительственные организации, чья деятельность связана с реализацией внешнеполитической повестки дня. Главные цели цифровой дипломатии – продвижение внешнеполитических интересов, информационная пропаганда через Интернет-телевидение, социальные сети и мобильные телефоны, направленная на массовое сознание и политические элиты. Кроме того, обычной практикой стало внедрение сетевых задач в повседневную деятельность рядовых сотрудников Госдепа с целью повышения их координации, мобильности и эффективности. При всех объективных достоинствах цифровых технологий политики и чиновники на словах, признавая важность Интернета, на практике продолжают рассматривать вопросы развития цифровой дипломатии исключительно в контексте рисков и угроз. Интернет воспринимается как канал распространения экстремизма и терроризма, навязывания чуждой идеологии и внешнеполитической пропаганды, как средство ведения информационной войны. В реальности программа, скорее всего используется для подготовки агентов влияния для ведения информационной войны и захвата власти лояльными политическими силами в других странах. Подтверждением тому, что программы цифровой

дипломатии воспринимаются как угроза на международной арене, служит существующая тенденция к фрагментации глобальной информационной сферы вычленения из неё национальных и региональных сегментов. Исследователи также обращают внимание на то, что программы цифровой дипломатии могут представлять угрозу международной безопасности в том случае, если они нарушают баланс сил на международной арене и провоцируют ответную реакцию, отмечая в этой связи, что «основная озабоченность в сфере обеспечения международной информационной безопасности связана с возможностью применения информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в целях, несовместимых с задачами обеспечения международной стабильности и безопасности» [1].

Сегодня по всему миру существуют «живые связи» – те отношения, которые связывают товарищей, друзей, предпринимателей, земляков и людей одной национальности. Одним из важных направлений является взаимодействия с диаспорами, который направлен на установление связей и взаимного понимания между меньшинствами в стране с группами молодых людей по всему Миру.

Таким образом, государства реализуют свои теоретические разработки по обеспечению т.н. «внутренней безопасности». Под «внутренней безопасностью» имеются в виду не функции министерства внутренней безопасности государства, а элемент государственной внешней политики. Конкретно - «влияние на формирование политики других государств таким образом, чтобы она не противоречила интересам данного государства, влияние вплоть до смены режимов в «опасных» государствах. Это давно известный элемент внешней политики великих держав, который в последние годы всего лишь обрел более мощный фундамент в виде развития глобальных информационных систем».

Несмотря на крики мировой общественности, что профессиональная дипломатия отживает свой век, ее функции не уйдут в прошлое. Именно дипломатия предоставляет опытные и вдумчивые анализы, которые влияют

на мнения лидеров, для принятия внешнеполитических решений. Профессиональные дипломаты помогают лидерам объединять мнения разных групп людей, отсеивать их, анализировать, оценивать и выносить соответствующую экспертную оценку и принимать приемлемые решения.

Использованная литература:

1. Даминова Б.Э., Якубов М.С. Проблемы защиты от внешних и внутренних угроз. Труды Северо-кавказского филиала Московского технического университета связи и информатики. Международная молодежная научно-практическая конференция СКФ МТУСИ «ИНФОКОМ-2013» 22 - 25 апреля 2013 года.– Ростов-на-Дону-2013.–С. 306-308.
2. Якубов М.С., Шкляровский Б.А. Сотрудничество и оперативное реагирование как важнейшая основа обеспечения информационной безопасности. O'zbekiston axborot texnologiyalari InfoCom.uz. Ташкент 2016. – № 9 – 16-20.
3. Якубов М.С., Шкляровский Б.А. Компьютерные преступления в аспекте информационной безопасности. XXI asr texnologiyalari. Ташкент – 2016. – №4(35) –14-15 стр.

СОЗДАНИЕ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ "ПОЛИКЛИНИКА"

А.САТТАРОВ, АССИСТЕНТ ТУИТ

В результате изучения организации поликлиники выяснилось, что имеются следующие рабочие группы (отделы), которые используют информацию по организации управления поликлиникой:

1. Кабинеты – хранит сведения о кабинетах поликлиники.
2. Врачи – хранит сведения о врачах поликлиники.
3. Пациенты – хранит сведения о пациентах поликлиники.
4. Вызовы – хранит сведения о вызовах на дом.

Для кабинетов необходима следующая информация (концептуальные требования):

Сведения о кабинетах:

- Номер кабинета;
- Название;
- Телефон;
- Дни работы;
- Время работы.

Для врачей необходима следующая информация (концептуальные требования):

Сведения о врачах:

- ФИО врача;
- должность;
- специализация;
- кабинет;
- телефон;
- дни работы;
- время работы.

Для пациентов необходима следующая информация (концептуальные требования):

Сведения о пациентах:

- ID пациента;
- ФИО пациента;
- диагноз;
- дата поступления;
- последний прием;
- следующий прием.

Для вызовов на дом необходима следующая информация (концептуальные требования):

Сведения о пациентах:

- Номер;
- ФИО;

- адрес;
- Телефон клиента;
- Симптомы;
- Дата вызова
- примечание.

При работе с полученной информацией были выведены следующие сущности и поля.

Кабинеты включает в себя следующие поля:

- номер кабинета;
- название;
- телефон;
- дни работы;
- время работы.

Врачи включает в себя следующие поля:

- ФИО врача;
- должность;
- специализация;
- кабинет;
- телефон;
- дни работы;
- время работы.

Пациенты включает в себя следующие поля:

- номер пациента;
- ФИО пациента;
- диагноз;
- дата поступления;
- дата последнего приема;
- дата следующего приема.

Вызовы включает в себя следующие поля:

- номер оплаты за путёвку;

- дата оплаты путёвки;
- вид оплаты;
- сумма;

Отношение находится в первой нормальной форме, когда все его значения атрибутов атомарные.

Таблица 1 – Список кабинетов

Номер	Название	Телефон	Дни работы	Время работы

Таблица 2 – Список врачей

ФИО	Должность	Специализация	Кабинет	Телефон	Дни работы	Время работы

Таблица 3 – Список пациентов

ID пациента	ФИО	Диагноз	Дата поступления	Последний прием	Следующий прием

Таблица 4 – Список вызовов

Номер	ФИО	Адрес	Тел. клиента	Симптомы	Дата вызова	Примечание

Современные программные системы становятся сложнее, чтобы обеспечить возможность решения глобальных задач, например, таких, как создание единой системы управления предприятием. При разработке таких систем важно хорошо представлять современные подходы, существующие в этой области, и основные сложности этого процесса.

Использованная литература:

1. Гайдамакин Н.А. Автоматизированные информационные системы, банки и базы данных. Вводный курс: учебное пособие. - М: Гелиос АРВ, 2002.- 368 с.
2. Голицына О.Л. и др. Языки программирования: учеб. пособие для вузов / О.Л.Голицына, Т.Л.Партыка, И.И.Попов. - М: Форум; Инфра-М, 2008.
3. Дарахвелидзе П.Г., Марков Е.П. Программирование в Delphi 7. – СПб.: БХВ-Петербург, 2003. – 784с: ил.
4. Моисеенко С. SQL : задачи и решения. - СПб: Питер, 2006.-256 с.
5. Основы автоматизированных информационных систем: Автоматизированные информационные системы (АИС): учеб. пособ. для вузов / разработ. В.Н.Кузубовым. - М: Совр. Гум. Ун-т, 2000.
6. Принципы построения автоматизированных информационных систем (АИС). Техническое и рабочее проектирование АИС: учеб. пособие для вузов / разработ. В.Н.Кузубовым. - М: Совр.Гум.Ун-т, 2000.-102 с.

O'ZBEKISTONDA ELEKTRON HUKUMATNI JORIY ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARI VA RIVOJLANISH HOLATI

N.AXMEDOVA, Y.OROMOVA,
TATU MAGISTRANTLARI

Bugungi kunda axborot kommunikatsiya texnologiyalari xizmatlari jamiyatimizning barcha jabxalariga shiddat bilan kirib kelmoqda. Axborot texnologiyalarini joriy qilish tufayli ish yuritish madaniyatining elektron ko'rinishi shakllanmoqda, masofa qisqarmoqda, vaqt tejalamoqda, ishimizda iqtisodiy samara oshmoqda. 1-Prezidentimiz I.A.Karimovning 2013 yil 27 iyundagi qaroriga binoan qabul qilingan 2013 – 2020 yillarda O'zbekiston Respublikasining “Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish” kompleks dasturi mamlakatimizda “elektron hukumat” tizimini joriy qilish, istiqbolli loyihalarni amalga oshirish uchun dastlabki muhim qadam bo'ldi. Shuningdek, 2015 yil 6 martdagi qarori bilan tasdiqlangan 2015 – 2019 yillarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish manzilli dasturi bu boradagi ishlarning mantiqiy davomi hisoblanadi.

“Axborotlashtirish to’g’risida”gi, “Telekommunikatsiyalar to’g’risida”gi, “Elektron hujjat aylanishi to’g’risida”gi va “Elektron raqamli imzo to’g’risida”gi qonunlar ushbu jarayonda mustahkam huquqiy poydevor bo’lib xizmat qilayapti. 2015 yilning 9 dekabrda 1-Prezidentimiz I.A.Karimov tomonidan imzolangan “Elektron hukumat to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Qonuni esa bu boradagi ishlarning yangi zamonaviy bosqichini boshlab berdi. Unda belgilanganidek, elektron hukumat – davlat organlarining jismoniy va yuridik shaxslarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo’llash yo’li bilan davlat xizmatlarini ko’rsatishga doir faoliyatini, shuningdek, idoralararo elektron hamkorlik qilishni ta’minlashga qaratilgan tashkiliy-huquqiy chora-tadbirlar va texnik vositalar tizimidir. Ta’kidlash joizki, mazkur Qonun davlat organlari faoliyatiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishni rivojlantirish va elektron hukumat sohasini takomillashtirishga qaratilgani bilan ahamiyatlidir. Shu bois uni har tomonlama pishiq, puxta tayyorlashda soha mutaxassislari, davlat organlari, fuqarolik jamiyati instituti vakillari, tadbirkorlardan iborat ekspert guruhi a’zolaridan olingan takliflar muhim ahamiyatga ega. Joylarda o’tkazilgan muhokamalarda keng jamoatchilik tomonidan bildirilgan fikrlar ham atroflicha o’rganildi. E’tiborli jihat, bugun fuqarolar parlament tomonidan qabul qilinayotgan qonunlarning ahamiyatiga, hayotimizga qay darajada kerakligiga oid tushunchaga ega bo’lib bormoqda. Albatta, bu kuchli fuqarolik jamiyati barpo etishning muhim omilidir. Qonun asosida aholi va tadbirkorlik subyektlari uchun mamlakatimizning barcha hududida davlat boshqaruvi tizimida “bir darcha” prinsipi joriy etildi. Shuningdek, tadbirkorlik subyektlarini statistika va boshqa yakunlarini taqdim etish, bojxona rasmiylashtiruvi, litsenziyalar, ruxsatnomalar, sertifikatlar berish, davlat organlaridan axborot olish jarayonlarida elektron hujjat aylanishidan foydalanishga keng imkoniyatlar yaratildi. Qayd etish lozimki, mazkur huquqiy hujjat davlat boshqaruvida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bilan bog’liq bir qator ustuvor vazifalarni o’zida qamrab olgani bilan ham dolzarb ahamiyatga egadir. Xususan, unda “Elektron hukumat” tizimini shakllantirish va joriy etish, boshqaruv hamda ishlab chiqarish

jarayonlarini bosqichma-bosqich avtomatlashtirish, shuningdek, davlat organlarining axborot tizimlarini elektron hukumat tizimiga integratsiyalash kabi masalalar belgilangan. Xalqaro huquqiy hujjatlar va ilg'or xorijiy mamlakatlar qonunchiligi bilan qiyosiy tahlildan o'tkazilgan ushbu Qonun endilikda davlat organlari faoliyatining samaradorligini oshirish, yuridik va jismoniy shaxslarga elektron davlat xizmatlari taqdim etilishini yaxshilash, jamiyat hayotining turli sohalarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishni kengaytirish, qabul qilinayotgan qarorlar ijrosining tezkorligi va sifatini oshirish, tegishli axborot tizimlarini yaratish hamda ularning ishlashi hisobiga davlat boshqaruviga sarflanadigan ma'muriy xarajatlarni qisqartirish imkonini beradi. Umuman aytganda, ushbu Qonun asosida mamlakatimizda "elektron hukumat" tizimini joriy qilish davlat organlari faoliyatining samaradorligi, ochiqqligi va shaffofligini ta'minlashga, turli byurokratik to'siqlarni bartaraf etishga, iqtisodiyotimizning jadal sur'atlar bilan rivojlanishiga, shuningdek, fuqarolik jamiyati shakllanishida davlat idoralari va fuqarolar o'rtasida o'zaro teng hamda manfaatli munosabatlarni rivojlantirishning muhim mexanizmini amalga oshirishga xizmat qiladi. Barcha mamlakatlar elektron hukumat yaratish jarayonida turli davrda turli dasturlarni amalga oshirishadi. Bu mamlakatning ichki va tashqi siyosatiga, iqlimiga, iqtisodiy o'sish omillariga bog'liq jarayon hisoblanadi. Shunga ko'ra davlatlarning elektron hukumat yaratilishi hamda rivojlanishi turli bosqichlarda bo'ladi.

Elektron hukumat tushunchasi dastavval XX asrning 90-yillari boshida AQSHda paydo bo'lgan. Mazkur tushuncha, 1991 yilda, AQSHning o'sha vaqtdagi prezidenti Bill Klinton davrida, internet va umuman axborot kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlantirishga davlat darajasida, alohida e'tibor qaratgan paytda yuzaga kelgani ma'lum. Klinton ma'muriyati davrida davlat idoralari hujjatlari orqali OAVga tarqalgan «Elektron hukumat» tushunchasi, 1999 yildan boshlab, okean orti va Yevropaning yetakchi nashrlarida davriy ravishda va tez-tez uchray boshladi. Aynan shu davrda, «Elektron hukumat» va unga bog'liq tamoyillar tahlil va tadqiq qilingan ilmiy ishlar ham paydo bo'ldi. . Xususan, «Elektron hukumat» so'zining ingliz tilidagi muqobili – «Electronic

government» so'zi, ko'pchilik o'ylagani singari, hukumat, ya'ni, davlat boshqaruvining, ijro etuvchi markaziy hokimiyati tushunchasinigina taalluqli emas, balki kengroq ma'noda bo'lib, ya'ni, u – davlat boshqaruvi organlarining o'z funksiyalarini amalga oshirishda elektron axborot kommunikatsiya vositalari potensialidan keng foydalanishini nazarda tutadi. Shu tufayli, mutaxassislar orasida «elektron hukumat» dan ko'ra, «elektron boshqaruv» tushunchasini kiritish haqida g'oyalar ham mavjud.

Mazkur ikki tushuncha va atama yuzasidan davom etayotgan munozaralarga qaramasdan, amaliyotda ularning har ikkalasi odatda mazmunan bir-birini to'ldiruvchi so'zlar sifatida qo'llanilishi kuzatilmoqda. Chunki ularning har ikkisi ham umumiy ustuvor muddaolarni ifodalaydi:

- Hukumat organlari va davlat tashkilotlari faoliyatining samaradorligini yanada orttirish;
- fuqarolarga va biznesga ko'rsatiladigan davlat xizmatlarini interfaol usulda, zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalari orqali ko'rsatish;
- demokratik jarayonlarni yanada chuqurlashtirish uchun axborot kommunikatsiya texnologiyalari potensialidan unumli va keng foydalanish.

Bunda «Elektron hukumat», davlat boshqaruvi sohasining alohida qismi yoki hukumatning yangicha shakli sifatida tasavvur qilinishi emas, balki, davlat boshqaruvining an'anaviy yo'nalishlariga qo'shimcha, tarkibiy qism sifatida kiritilishi nazarda tutiladi. Mazkur tamoyillarning har qanday kombinatsiyasi uchun, «Elektron hukumat»ga qo'yiladigan quyidagi asosiy talablarni, boshqacha aytganda, elektron hukumatni joriy etishdan ko'zlangan asosiy maqsadlarni keltirib chiqarish mumkin:

- jismoniy va yuridik shaxslarga ko'rsatiladigan davlat xizmatlarining yuqori sifat darajasida operativ ravishda, yagona standartlar asosida ko'rsatilishi;

- davlat va jamiyat o'rtasidagi o'zaro munosabatlarda, fuqarolarning davlat hokimiyati organlarining faoliyatiga oid axborotlar bilan uzluksiz ta'minlanishi;
- davlat hokimiyatining ichki strukturalarida, hukumat organlarining turli bo'g'inlarida, tashkilot va muassasalarda idoralararo ichki munosabatlarda samaradorlikning ortishi;
- hujjat aylanishi va almashinuvi kabilarda sarf-xarajatlarni minimallashtirish;
- elektron hujjat almashinuvi tizimini joriy etish.

BMT tomonidan o'tkazilgan, hamda 2014-yilda chop etilgan Elektron hukumat rivojlanish reytingini o'rganishlarga ko'ra ushbu sohadagi yetakchi o'nta o'rinni tashkilotga a'zo 193 ta mamlakatdan Koreya Respublikasi, Avstraliya, Singapur, Fransiya, Gollandiya, Yaponiya, AQSh, Buyuk Britaniya, Yangi Zelandiya, Finlandiya egallagan. Mustaqil davlatlar hamdo'stligi mamlakatlari orasida Estoniya 15-o'rinda, Rossiya 27-o'rindan joy olgan. Rivojlanayotgan Afrika davlatlari esa ro'yxatning so'nggi qatoridan joy olgan.. Shuni ta'kidlash joizki, elektron hukumat va mamlakatdagi fuqarolik jamiyatining rivojlanganlik darajasi o'zaro bog'liq va bir-biriga ta'sir o'tkazuvchi jarayonlardir.

O'zbekistonda Elektron hukumat tizimini rivojlantirish borasidagi ishlar jadal sur'atlar bilan olib borilmoqda. 2013- yil 16- sentabrda Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari Davlat qo'mitasi (hozir vazirlik) qoshida "Elektron hukumat" tizimini rivojlantirish markazi va Axborot xavfsizligini ta'minlash markazlarini tashkil etish to'g'risida"gi qaror qabul qilingan. Loyihaning amalga oshirilishini me'yoriy-metodik ta'minlashni tashkillashtirish, davlat organlari tomonidan aholiga davlat xizmatlarini ko'rsatish jarayonlarini tizimli qayta tashkillashtirish, "Elektron hukumat" tizimini samarali joriy etish uchun amaldagi me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish, davlat organlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini samarali joriy etilishini baholash reyting tizimini yuritish vazifalari "Elektron hukumat" tizimini rivojlantirish asosiy vazifa hisoblanadi.

Jahon tajribasida elektron hukumat tizimi quyidagi asosiy texnologik tamoyillar poydevorida shakllangan: (shu jumladan O'zbekiston elektron hukumat tizimi ham)

- G2G (Government to Government) – Davlat–davlatga;
- G2C (Government to Citizens) – Davlat fuqarolarga;
- G2F (Government to Foreigners) – Davlat xorijliklarga;
- G2B (Government to Business) – Davlat biznesga.

Ba'zi davlatlarning elektron hukumat tizimi shuningdek quyidagi tarmoqlarga ham ega: G2S (Government to Science) – Davlat–Ilm-fanga; G2N (Government to third sector) – Davlat-uchinchi sektor. O'zbekistonda Elektron hukumat tizimini shakllantirish va amaliyotga joriy qilish borasidagi ilk portal bu – O'zbekiston Respublikasi Hukumati portali – www.gov.uz bazasida boshlangan edi. Hukumat portalining asosiy sahifasida, saytga tashrif buyuruvchining e'tiboriga yaqqol tashlanadigan joyda alohida ajratib ko'rsatilgan havola-tugmalar orqali taqdim etilgan. Bu, vazirliklar, idoralar va boshqa davlat tashkilotlarining veb-saytlarida taqdim etilayotgan interaktiv xizmatlarning yaxlit majmuasini tashkil qilib, zaruriy aloqa shakllari va giperhavolalar bilan ta'minlangan. Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, hukumat portali – www.gov.uz dagi interaktiv davlat xizmatlari tizimi, Yagona Portal (YDIXP)dagidan bir oz farq qiladi va u Interaktiv davlat xizmatlari uchun maxsus alohida portal – www.my.gov.uz tashkillangan va samarali faoliyat olib borayotgan bugungi kunda ham o'z funksional vazifalari hamda dolzarbligini saqlab kelmoqda. 2012 yil so'ngida, ya'ni Yagona Portal hali mavjud bo'lmagan davrda, Hukumat portalidagi interaktiv davlat xizmatlari soni 91 tani tashkil etar edi. Hukumat portalidagi interaktiv davlat xizmatlari 27 ta tegishli bo'limlarga ajratilgan bo'lib, ulardan 11 tasi fuqarolar va biznesga (G2C va G2B) mo'ljallangan, 5 tasi esa xorijliklarga mo'ljallangan (G2F). Davlat boshqaruvi ichki strukturasi – vazirliklar, idoralar, tashkilot va muassasalar, markaziy, hududiy va mahalliy hokimiyatlar, orasida

elektron hujjat almashinuvi yo'lga qo'yiladi. Idoralararo munosabatlarda yaxlit interaktiv axborot tizimini qo'llash orqali, o'zaro aloqa va ichki monitoring tizimi shaffoflanadi.

Darhaqiqat, bugun hayotning o'zi axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan keng foydalanish biznes yuritishni yaxshilashga, milliy iqtisodiyotimizda raqobatdoshlikni oshirishga, aholi turmush darajasini yuksaltirishga xizmat qilishini ko'rsatib turibdi. Zero, davlat hokimiyati organlari faoliyatida axborot texnologiyalarini keng qo'llash uning ochiqqligini ta'minlashda, muhim qarorlar qabul qilish jarayonida fuqarolarning faol ishtirok etishlari uchun zarur shart-sharoit yaratishda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal taraqqiy toptirishda muhim omil hisoblanadi.

2002 yil 30-mayda imzolangan PF-3080, «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida»gi Prezident Farmoni bu borada dastlabki qadamlardan biri bo'lgan edi. Mazkur farmon orqali, O'zbekistonda axborot kommunikatsiya texnologiyalari amaliyotga joriy etishni yanada chuqurlashtirish, axborot kommunikatsiya texnologiyalari potensialidan keng foydalanish borasida me'yoriy-huquqiy hujjatlar ishlab chiqilishi boshlangan, yurtimizda elektron hukumat tizimining keyingi istiqboli uchun zamin yaratilgan edi. Albatta, har qanday ishda bo'lgani kabi, elektron hukumatni amaliyotga tadbqiq etishda ham, qonunchilik, me'yoriy-huquqiy baza eng asosiy o'rin tutadi. Bu borada, 2003-yil so'ngida qabul qilingan «Axborotlashtirish haqida»va «Elektron raqamli imzo haqida»gi qonunlar muhim qadam bo'lib xizmat qildi. 2007-yil esa, O'zbekistonda elektron hukumatni shakllantirish borasida muhim amaliy qadamlar tashlangan, e'tiborga molik yil bo'ldi. Vazirlar Mahkamasining Qarori bilan (VMQ №181, 23.08.2007), davlat organlarining o'zaro hamda, fuqarolar va muassasalar bilan munosabatlarini, elektron hukumat xizmatlarini taqdim etish orqali yo'lga qo'yish borasida ustuvor yo'nalishlar belgilab olindi. O'zbekistonda elektron hukumatni amaliyotga joriy

etishni jadallashtirish borasida asosiy chora-tadbirlar va aniq yo'nalishlar belgilab olingan.

Yuqorida keltirib o'tilgan barcha me'yoriy-huquqiy qonunchilik hujjatlari, O'zbekistonda interaktiv davlat xizmatlari hamda elektron hukumatni joriy qilish, uni rivojlantirish borasida bosqichma-bosqich, evolyutsion huquqiy poydevorni yaratishga xizmat qildi. Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda elektron munosabatlarning jadal rivojlanayotgani, buning uchun zarur shart-sharoitlar ta'minlab berilayotgani barcha uchun keng imkoniyatlar yaratmoqda.

O'ZBEKISTONDA ELEKTRON HUKUMAT JORIY ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MASALALARI

Y. OROMOVA, MAGISTRANT,
SH. TO'RAYEV, I.F.N., DOTSENT,
MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMLI TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOIYALARI
UNIVERSITETI

Mamlakatimizda ham bir necha yillardan buyon, maqsadli ravishda interaktiv davlat xizmatlarini aholi va yuridik shaxslarga davlat organlari veb-saytlari va O'zbekiston Respublikasi Hukumat portalini orqali taqdim etish uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalari joriy etilmoqda. Bulardan bittasi elektron hukumat tizimi hisoblanadi. Elektron hukumat (ingl. e-Government) – bu fuqarolar, biznes, davlat hokimiyati boshqa tarmoqlari va davlat amaldorlariga axborot taqdim etish hamda avvaldan shakllangan davlat xizmatlarini ko'rsatish bo'lib, bunda davlat va fuqaro o'rtasidagi shaxsiy aloqa minimallashtirilgan bo'ladi va axborot texnologiyalaridan maksimal darajada foydalaniladi. Dunyoning taraqqiy topgan mamlakatlarida «Elektron hukumat» milliy tizimini faol tatbiq qilinmoqda. Bu tizim davlat tuzilmalarini boshqarishni, davlat va tadbirkorlar o'rtasidagi aloqani mustahkamlash orqali biznes-jarayonlarni samarali rivojlantirishni ta'minlabgina qolmay, fuqarolarga davlat xizmatlarini internet orqali hamma-bop interaktiv shaklda taqdim etish imkonini ham yaratadi.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining keng joriy etilayotgani byurokratiyaga qarshi kurashish usullaridan biridir. "Elektron hukumat" tizimiga

o'tish ham bunga zamin yaratmoqda. Bu davlat organlari, aholi, biznes subyektlari o'rtasida va idoralararo hamkorlikni ancha yengillashtirmoqda. Ushbu jarayon birinchi Prezidentimizning 2013-yil 27-iyunda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasining Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori bilan tasdiqlangan 2013-2020-yillarda O'zbekiston Respublikasining Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish kompleks dasturi ijrosi doirasida yanada takomillashtirilmoqda.

Bugungi kunda elektron hujjat aylanish tizimi ishlab chiqarish va hujjat aylanish jarayonlarini avtomatlashtirish hamda tizimlashtirishda muhim omil bo'lyapti. Bu belgilangan vazifalarning bajarilishini tezlashtirish barobarida mablag' tejash imkonini ham bermoqda.

Elektron hujjat aylanish tizimi nafaqat bir tashkilot, balki idoralararo darajada, jumladan, davlat sektorida ham qo'llanilmoqda. «UNICON.UZ» ilmiy-texnik va marketing tadqiqotlari markazi mutaxassislari tomonidan foydalanilayotgan innovatsion mahsulot – "Ijro intizomi" idoralararo monitoring va tezkor nazorat tizimi bu borada samarali vosita bo'lib xizmat qilyapti.

Uning asosiy vazifasi davlat organlarining ichki elektron hujjat aylanish tizimidan kelib tushadigan ma'lumotlarni to'plash va qayta ishlash jarayonlarini markazlashtirish va avtomatlashtirishdan iborat. Davlat sektoriga ushbu tizimning joriy etilishi qaror, buyruq va farmoyishlar, fuqarolarning murojaatlari va boshqa hujjatlar ijrosini tezkor monitoring va nazorat qilish imkonini beradi. Buning samarasida davlat tuzilmalari faoliyatining oshkoraligini ta'minlash, ularning ijro intizomini oshirishga erishish mumkin.

Dasturiy mahsulotni ishlab chiqishda ma'lumotlar maxfiyligi va yaxlitligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratildi. An'anaviy qog'oz hujjat aylanishidan farqli ravishda idoralararo monitoring va tezkor nazorat tizimi hujjatdan foydalanuvchilar huquqiga muvofiq foydalanishni ta'minlaydi. Hujjat bilan bog'liq barcha harakatlar – o'qish, o'zgartirish va imzolash reyestriga kiritiladi.

Internet tizimi yordamida ishni uzoqlashgan rejimda tashkil etish imkoniyati tizimning yana bir qulayligidir. Tizimga kirishda foydalanuvchini identifikatsiya

va autentifikatsiya qilish uchun login va parol bilan bir qatorda elektron raqamli imzo ham talab etiladi.

Ta'kidlash joizki, "Ijro intizomi" tizimida elektron raqamli imzodan foydalanish elektron hujjatlarning yuridik ahamiyatini oshiradi. Shu tariqa davlat tashkilotlari qog'oz sarfini kamaytirish va byudjet mablag'larini tejash imkoniyatiga ega bo'ladi.

"UNICON.UZ" markazi ma'lumotlariga ko'ra, hujjatlarning deyarli 100 foizi elektron shaklda yaratilmoqda. Shunday bo'lsa-da, ularning katta qismi muvofiqlashtirish, tanishish va ishga tushirish uchun hali ham qog'oz variantda chiqarilmoqda. Bu borada yaratilgan qonunchilik va texnologik baza idora va tashkilotlarga qog'ozdan foydalanishdan voz kechish imkonini bermoqda.

Korxonalar o'rtasida hujjat aylanishini elektron shaklga o'tkazish xarajatlarni kamaytirib, yuz milliardlab mablag'ni tejashga yordam beradi.

Idoralararo monitoring va tezkor nazorat tizimiga ulanish uch bosqichda amalga oshiriladi. Birinchi bosqichda ushbu tizim vazirliklar, davlat qo'mitalari va xo'jalik birlashmalarida joriy etildi. Ikkinchi bosqichda 2015-yilning 1-yanvarigacha tizimga vazirlik va idoralarning hududiy boshqarmalari ulandi. Uchinchi bosqichda tizimga vazirlik va idoralarning tuman bo'limlarini ulash ishlari davom ettirilmoqda. Umuman, deyarli barcha vazirlik va idoralar, davlat tashkilotlari, mahalliy hokimiyat organlari o'z boshqaruv jarayonlariga mazkur tizimni joriy qilmoqda.

"Elektron hukumat" tizimining axborot tizimlari komplekslari va ma'lumotlar bazalarini yaratish bo'yicha chora-tadbirlar hamda loyihalar ro'yxati Kompleks dasturi tasdiqlangan.

Kompleks dastur – O'zbekistonda "Elektron hukumat" tizimini joriy etishning o'ta muhim ahamiyatga ega bo'lgan 22 ta loyiha va 6 ta tadbirlarni o'z ichiga oladi.

Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirishning Kompleks dasturini amalga oshirishni muvofiqlashtiruvchi Respublika komissiyasi tashkil qilingan.

Shu bilan birga Vazirlik qoshida 2 ta yirik “Elektron hukumat” tizimini rivojlantirish markazi va Axborot xavfsizligini ta’minlash markazlarini tashkil etish belgilangan.

O‘zbekistonda “Elektron hukumat” tizimini joriy etishning o‘ta muhim ahamiyatga ega bo‘lgan loyihalarni amalga oshirish bo‘yicha grafiklar ishlab chiqilgan. Mazkur grafiklarda loyihalarni amalga oshirish yuzasidan quyidagilarni amalga oshirish belgilangan:

- Dastlabki loyiha oldi tadqiqotlarni o‘tkazish, bunda interaktiv xizmatlar bo‘yicha xalqaro tajribani o‘rganish, mavjud holatini o‘rganish, va takliflar ishlab chiqish.

- Loyihani amalga oshirish konsepsiyasini ishlab chiqish.
- Dastlabki texnik iqtisodiy hisob-kitoblarni ishlab chiqish.
- Dastlabki texnik iqtisodiy hisob-kitoblarni ekspertizadan o‘tkazish.
- Texnik topshiriq ishlab chiqish.
- Loyihani amalga oshiruvchini aniqlash bo‘yicha tanlovlar o‘tkazish.
- Loyihani amalga oshirishdan iboratdir.[1]

Jismoniy va yuridik shaxslar, transport, kadastr, ko‘chmas mulk, ma’lumot va klassifikatorlar jam qilingan milliy ma’lumotlar bazasi va reyestri, axborot tizimlarini rivojlantirish “elektron hukumat”ni samarali etishning muhim bosqichi hisoblanadi.

Shundan so‘ng, aholi va tadbirkorlarga davlat organlari xizmatlaridan elektron shaklda foydalanish, davlat organlariga o‘z faoliyatlarini optimallashtirish, samaradorligini oshirish imkoniyati yaratiladi.

2013-2020 yillarda O‘zbekiston Respublikasida telekommunikatsiya texnologiyalari, tarmoqlari va aloqa infratuzilmasini rivojlantirish dasturi O‘zbekistonda axborot jamiyatini yanada rivojlantirish, mamlakatning jahon

axborot makoniga yanada integratsiyalashuvida yangidan-yangi imkoniyatlarning yaratilishida muhim huquqiy hujjat bo'lib xizmat qiladi.

«Elektron hukumat» tizimi joriy etilishi natijasida to'liq tranzaksiyalangan xizmatlarga o'tilishi kutiladi, bu esa, aholi va biznes vakillarining davlat xizmatidan foydalanishda turli instansiyalarga qatnashni va davlat xizmatchilari bilan bevosita muloqotda bo'lishni istisno etadi. Bu, o'z navbatida, aholiga qo'shimcha qulayliklar yaratishga va biznes yuritish sharoitlarini yaxshilashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013 yil 27 iyundagi PQ-1989-son Qarori.

МЕСТО И РОЛЬ «ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА» В ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАРОДА

Н.ТУРАЕВА,
ПРЕПОДАВАТЕЛЬ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЮРИДИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА

Влияние информационных технологий на взаимосвязи людей, на повышение эффективности государственного управления и расширение прав и возможностей для граждан устраняет любые сомнения в важности обеспечения всеобщей доступности этих технологий. При грамотном подходе электронное правительство может стать локомотивом развития общества, делая правительство более эффективным, подотчётным и прозрачным. Это преобразование требует изменений не только на «внешней» части сектора предоставления услуг для населения, но также и в интеграции и реинжиниринга внутриведомственных и межведомственных бизнес-процессов в государственном секторе.

Согласно статье 3 Закона Республики Узбекистан «Об электронном правительстве», электронное правительство – это система организационно-правовых и технических мер, направленная на обеспечение деятельности государственных органов по оказанию государственных услуг физическим и

юридическим лицам путем применения информационно-коммуникационных технологий, а также межведомственного электронного взаимодействия.

«Развитие сферы связи, информатизации и телекоммуникационных технологий как важного фактора повышения благосостояния народа и экономического роста страны является одним из основных приоритетов государственной политики Узбекистана. Это подтверждено постановлением президента страны от 27 июня 2013 года, утвердившим Комплексную программу развития Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан на 2013-2020 годы.

Основными целями принятия программы является дальнейшее развитие и широкое внедрение во всех отраслях экономики и сферах жизни современных ИКТ, обеспечение ускоренного развития информационных ресурсов, систем и сетей, а также расширение спектра и улучшения оказываемых интерактивных государственных услуг субъектам предпринимательства и населению».[1]

С каждым днем уделяется все больше внимания совершенствованию «электронного правительства», что обусловлено развитием экономики, повышением конкурентоспособности в различных сферах общественной жизни, а также необходимостью быстрой передачи той или иной информации населению. Стоит отметить, что «электронное правительство» может стать мощным двигателем инновационного развития. В нашей стране предпосылкой создания данной системы является повышение запросов населения на практическое использование всех возможностей, предоставляемых новыми информационными технологиями, прежде всего в интересах рядовых граждан, а также малого и среднего бизнеса.

А также, введение и совершенствование системы «электронного правительства» способствует улучшению качества образования. Существенная роль в данной задаче отводится использованию возможностей Интернета, позволяющих обеспечить оперативную публикацию необходимых образовательных и научных ресурсов и предоставить доступ к

ним любому пользователю – от учащегося средней школы до профессора и академика – независимо от его географического местонахождения.

«В области науки и образования Интернет-технологии способствуют, как отмечает А.Н. Кулик, решению «весьма болезненной проблемы информационного обслуживания – проблемы длительного разрыва между созданием научного документа и временем, когда он, пройдя все стадии традиционного издательского процесса и комплектования фондов, становится доступным для читателя, включается в коммуникативный процесс развития научного знания». К настоящему времени во всемирной сети на серверах учебных заведений, исследовательских центров, общественных объединений, иных организаций, а также на сайтах индивидуальных интернет-проектов в открытом доступе имеется немало материалов, которые могли бы быть полезны как образовательному, так и научному сообществу. Однако, по справедливому замечанию того же автора, пока лишь немногие из исследователей, преподавателей, докторантов и студентов «способны уверенно ориентироваться в информационном континууме “Всемирной паутины”, преодолевая имманентно присущий ее самоорганизующейся природе “информационный хаос”. Для обеспечения эффективного доступа к необходимым Интернет-ресурсам, повышения степени релевантности их поиска, а также для предоставления услуг, связанных с размещением информации и взаимодействием пользователей в сетевой среде, создаются специализированные порталы, которые ориентируются на информационные запросы и потребности конкретной аудитории».[2]

Среди основных задач Программы можно выделить следующие:

1. Развитие Интернет-сайтов органов власти и органов местного самоуправления;
2. Предоставление государственных и муниципальных услуг с помощью информационно-коммуникационных средств, в частности - сети Интернет;

3. Повышение компьютерной грамотности населения;
4. Внедрение информационно-аналитической системы мониторинга, анализа и прогнозирования социально-экономического развития различных территорий;
5. Развитие и обеспечение функционирования единой системы «электронного правительства» на всей территории Узбекистана.

Важную роль во взаимодействии государственных органов с пользователями в рамках электронного правительства играют электронные документы – информация, зафиксированная в электронной форме, подтвержденная электронной цифровой подписью и имеющая другие реквизиты электронного документа, позволяющие его идентифицировать. Основным инструментом придания электронным документам юридической силы выступает электронная цифровая подпись, которая предназначена для определения лица, подписавшего электронный документ, и является аналогом собственноручной подписи в случаях, предусмотренных законодательством.

Обобщая вышесказанное стоит отметить, что за годы независимости Узбекистан добился серьезных результатов в сфере использования ИКТ и развития «электронного правительства». Это оказало положительное воздействие, как на совершенствование деловой среды, так и на темпы социально-экономического развития республики в целом. Сегодня для перехода на новый качественный уровень функционирования «электронного правительства», важно уделить особое внимание таким вопросам, как реинжиниринг бизнес-процессов и расширение использования системы межведомственного электронного взаимодействия.[3] По сути, переход к электронному взаимодействию между информационными системами различных ведомств и есть процесс формирования «электронного правительства», требующий значительных финансовых затрат и решения це-

лого комплекса взаимосвязанных правовых, административных и технологических проблем.

Использованные источники:

- [1] См.: <http://d-russia.ru/razvitie-elektronnogo-pravitelstva-v-uzbekistane.html>
- [2] См.: <http://read.virmk.ru/g/GRACHEV/53.htm>
- [3] См.: <https://www.egovernment.uz/ru/>

SUN'IY INTELLEKTUALNING NORAVSHAN MANTIQ METODLARI ASOSIDA TEXNIK TASHXISLASH ALGORITMI

M.IBRAGIMOV, I.SAYMANOV,
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI MAGISTRANTLARI

Texnik tashxislash – ob'yektning texnik holatini aniqlash vositalari, metodlari va nazariyasini o'z ichiga oluvchi bilimlar sohasi bo'lsa, texnik tashxis – ob'yektning texnik holatini aniqlashdir.

Texnik tashxislash masalalari doirasiga ishlab chiqarish uskunalarining, mashinalarning, mexanizmlarning va qurilmalarining texnik holatini baholash, jumladan, ob'yektning texnik holatini monitoring qilish kiradi[1].

Yuqorida keltirilgan funksiyalar ichida asosiylari quyidagilar hisoblanadi:

- Ob'yektning texnik holatini baholash;
- Noaniqliklarning yuzaga chiqish joyini aniqlash;
- Ob'yektning qolgan resurslarini bashoratlash;
- Ob'yektning texnik holatini monitoring qilish;

Texnik tashxislash masalasi quyidagi ko'rinishda ifodalanadi:

$$X = \{X_1, X_2, X_3 \dots X_i, \dots X_n\} \rightarrow A = \{X_1, X_2, X_3 \dots X_i, \dots X_m\} (1)$$

Bu yerda $X = \{X_1, X_2, X_3 \dots X_i, \dots X_n\}$ - holati aniqlanayotgan ob'yektning parametrlari to'plami, $A = \{X_1, X_2, X_3 \dots X_i, \dots X_m\}$ esa uning holatlari to'plami. Har bir ob'yektning X^k parametrlari vektorining qiymatiga mos ravishda A_j holat mos keltirilishi zarur.

To'g'ri va egri tashxislash parametrlari farq qiladi. Birinchisi ob'yekt holatini bevosita xarakterlasa, ikkinchisi esa asosiy parametrlar bilan, ba'zi bir funksional bog'liqliklar orqali bog'langan[1,2].

Qaralayotgan muammolarni yechishda hisobga olinishi kerak bo'lgan asosiy qiyinchiliklar quyidagilar:

- X vektorining alohida parametrlarining qiymati haqida miqdoriy, sifatli va oraliq axborotlarning mavjudligi;
- Ob'yekt holatlari va uning sinf holatlari vektori orasida analitik munosabatlarning mavjud emasligi;
- Holatlar parametric vektorining o'lchamini kattaligi, jumladan alohida parametrlarni o'lchashda xatoliklarning mavjud bo'lishi;

Texnik tashxislashda eng ko'p tarqalgan metodlar bular: klaster tahlil, bayes yondashuvi, regression tahlil metodlari, bilimlar bazasi asosidagi mantiqiy xulosa, fazaviy oraliqlar metodi kabilardir.

Mantiqiy dasturlash metodi qonun-qoidalar zanjirini qurish uchun qulaydir. Ushbu metodning birdan-bir kamchiligi, uning sonly ma'lumotlar bilan ishlamasligidir(til birliklari, oraliq qiymatlar). Bu yerda texnik tashxislash masalasi Fuzziy-xulosa metodi asosida qo'yiladi va matematik shakllantiriladi.

Kirish parametri n ta $X = \{X_1, X_2, X_3 \dots X_i, \dots X_n\}$ dan, ob'yekt holati bitta A xulosadan va m ta A_j til birligidan iborat tizimni ko'rib chiqamiz($j=1,2,\dots,m$ – til birliklari)[1,2].

Har bir A_i kirish parametrining qiymat sohasi, o'z navbatida yana L_i intervallarga(til birliklariga) $X = \{x_i^1, x_i^2, x_i^3 \dots, x_i^l, \dots x_i^{li}\}$ bo'linadi. Kiruvchi parametrlarning har bir lingvistik o'zgaruvchilarining til birliklari soni turlichadir. Qaralayotgan X_i^0 parametrlar sonly, lingvistik va sifatli bo'lishi kerak.

Tasniflash masalasi bir qancha Fuzzi-mantiqiy funksiyalarni qurishni o'z ichiga oladi. $A_j = \varphi_j(X_1, X_2, X_3 \dots X_i, \dots X_n), j = 1, 2, \dots, n.$ (2)

X_j kiruvchi o'zgaruvchilarning hamda chiquvchi A o'zgaruvchining barcha til birliklari Fuzzi-to'plam sifatida qaraladi. Universal to'plamda berilgan mos

qiymatlar diapazoniga to'g'ri keluvchi til birliklari, ya'ni tegishlilik funksiyasi quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

$$x_i(X_i^l) = \int_{x_i^{l-}}^{x_i^{l+}} \frac{U_{x_i}}{x_i^l}, l=1, \dots, L_i, i = 1, \dots, n; \quad (3)$$

$$U_A(A_j) = \int_{A_j^{l-}}^{A_j^{l+}} \frac{U_A}{A_j}, j = 1, \dots, m; \quad (4)$$

Bir qancha X_i kiruvchi o'zgaruvchi uchun mulohaza quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

$$(X_j \in x_i^{l_1}) \cap (X_j \in x_i^{l_2}) \cap \dots \cap (X_j \in x_i^{l_p}) W_{ij} \geq q \quad (5)$$

Ushbu ifoda aniqlangan qiymatlar sohasiga tegishli bo'lgan bir qancha til birliklarining o'zgaruvchilari bilan birga unga tegishli bo'lmagan o'zgaruvchilardan foydalanishga talab bo'lganida qo'llaniladi, ya'ni bitta yoki bir nechta boshqa bir til birliklaridan foydalanilganida[1,2].

Shu qatorda(5) mantiqiy qoida bir vaqtning o'zida X_k ob'yektning bir qancha A_j ga tegishlilikini aniqlaydi, ya'ni $j \in D^k$. Ushbu sharoitda j sinf uchun quyidagi haqqoniy ifoda qo'llaniladi:

$$j = \operatorname{argmax}_{\varphi_{1k}}$$

φ_{1k} - funksiya qiymatini hisoblash uchun turli xil noravshan mantiq operatorlaridan foydalaniladi. Jumladan, Fuzzi-mantig'ining t- va s- normalaridan foydalaniladi.

$$\varphi_{1j} = U_A(A_j) = \max_{q \in Q} \min_{1 \leq l \leq n} [\{\min_{1 \leq l \leq n} U_x(x_i^l | q)\}] \quad (6)$$

Noravshan mantiqning t- va s- normalari asosida (VA) hamda (YOKI) buyruqlarini hisoblash uchun yana boshqa ifodadan ham foydalaniladi.

$$\varphi_{1j} = U_A(A_j) = \max_{q \in Q} \prod_{l=1}^n \left[\{\min_{1 \leq l \leq n} U_x(x_i^l | q)\} \right]; \quad (7)$$

Agar xulosalash qoidasiga binoan ob'yekt bir vaqtning o'zida bir necha sinfga tegishli bo'lsa, u holda yechim sifatida tegishlilik funksiyasining maksimal qiymati tanlanadi.

$$j = \operatorname{argmax}_{j \in Q} \varphi_{1k} = \max_{j \in Q} U_A(A_j) \quad (8)$$

Klassifikatsiyalashning ushbu metodikasi bilimlar bazasi matritsasining har bir satrni nafaqat quyidagi toifadagi mantiqiy xulosa orqali aniqlashga imkon beradi, balki Fuzzi-mantiqiy operatorlar ko'rinishida tegishlilik funksiyasining haqiqiy qiymatini aniqlashga imkon beradi [2].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Игнатъев Н.А., Матлатипов Г.Р. Автоматическое выдвижение гипотез в системе усиления интеллекта // Вестн. ТашГУ. - 1998.- № 3. - С. 22 - 25.
2. Игнатъев Н.А., Мадрахимов Ш.Ф., Юлдашев Р.У. Искусственные нейронные сети с минимальной конфигурацией и задачи прогнозирования в метеорологии Узбекский журнал «Проблемы информатики и энергетики». 2009, № 1, С.16-21.

ТЕРМОПЛАСТИК МАСАЛАНИ ЕЧИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ ВА ПРОГРАММА ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ

А.ОСТОНОВ, ЎҚИТУВЧИ,
ЎЗМУ МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
Б.ЧОРИЕВ, ЎҚИТУВЧИ, ТДЮУ ҲУҚУҚИЙ ИНФОРМАТИКА ВА
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ

Маколада уч ўлчовли жисмга иссиқлик таъсир қилиш жараёни ўрганилади. Масалани ечишда температура майдони аниқланган деб фараз қилинади ва эластик - пластик масаласи чекли элементлар усули ёрдамида ечилади.

Бу масалани ифодаловчи тенглама куйидаги функционал орқали тасвирланади:

$$\begin{aligned} \chi = \int_V \frac{1}{2} \left[K_{xx} \left(\frac{\partial \varphi}{\partial x} \right)^2 + K_{yy} \left(\frac{\partial \varphi}{\partial y} \right)^2 + K_{zz} \left(\frac{\partial \varphi}{\partial z} \right)^2 - 2 \left(Q - \lambda \frac{\partial \varphi}{\partial t} \right) \varphi \right] dV + \\ + \int_{S_1} q \varphi dS + \int_{S_2} \frac{h}{2} [\varphi^2 - 2\varphi\varphi_\infty + \varphi_\infty^2] dS \end{aligned} \quad (1)$$

Бу функционални минимизациялаш натижасида куйидаги дифференциал тенгламалар системаси ҳосил қилинади:

$$[C]\frac{\partial\{\Phi\}}{\partial t}+[K]\{\Phi\}+\{F\}=0 \quad (2)$$

Бунда $[k]$, $[c]$ ва $[f]$ лар қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади:

$$[c^{(e)}]=\int_V \lambda [N]^T [N] dV \quad (3)$$

$$[k^{(e)}]=\int_B [B]^T [D] [B] dV + \int_{S_2} h [N]^T [N] dS \quad (4)$$

$$\{f^{(e)}\}=-\int_V Q [N]^T dV + \int_{S_1} q [N]^T dS - \int_{S_2} h \Phi_{\infty} [N]^T dS \quad (5)$$

$\{\Phi\}$ қийматини вақт интервалининг ҳар бир нуқтасида олиш учун юқоридаги чизикли дифференциал тенгламани ечиш керак бўлади. Бунда, вақт бўйича хусусий ҳосилани чекли айирмали схема билан алмаштириб ечилади. Чекли айирмали схемалардан марказий айирмали схемани қўллаб ечамиз. $\varphi(t)$ чизикда иккита абсиссаси t_0 ва t_1 бўлган, $\Delta t = t_1 - t_0$ масофада жойлашган нуқталар берилган бўлсин. $t_1 - t_0$ интервал марказидаги 1-тартибли ҳосила учун қуйидагига эга бўламиз.

$$\frac{\partial \varphi}{\partial t} = \frac{\Phi_1 - \Phi_0}{\Delta t} \quad (6)$$

Агар тугун нуқталардаги қийматларни вақт функцияси сифатида қарайдиган бўлсак, қуйидагича ёзиш мумкин бўлади.

$$\frac{d\{\Phi\}}{dt} = \{\dot{\Phi}\} = \frac{1}{\Delta t} (\{\Phi_1\} - \{\Phi_0\}) \quad (7)$$

$\{\dot{\Phi}\}$ вақт интервалининг марказида ҳисобланар экан, бу нуқтада $\{\Phi\}$ ва $\{F\}$ қийматини ҳисоблаш керак бўлади. Бу катталиклар қуйидаги тақрибий формулалар орқали аниқланади:

$$\{\Phi\}^* = \frac{1}{2} (\{\Phi_1\} + \{\Phi_0\}) \quad (8)$$

$$\{F\}^* = \frac{1}{2} (\{F_1\} + \{F_0\}) \quad (9)$$

(6) – (9) ифодаларни дифференциал тенгламалар системасига қўйиб қуйидаги муносабатга эга бўламиз.

$$\frac{1}{\Delta t}[C]\{\Phi\}_1 - \frac{1}{\Delta t}[C]\{\Phi\}_0 + \frac{1}{2}[K]\{\Phi\}_1 + \frac{1}{2}[K]\{\Phi\}_0 + \{F\}^* = 0 \quad (10)$$

Бу тенгламани бундай ёзса ҳам бўлади:

$$([K] + \frac{2}{\Delta t}[C])\{\Phi\}_1 = ([K] + \frac{2}{\Delta t}[C])\{\Phi\}_0 - 2\{F\}^* \quad (11)$$

Тугун нуқталардаги қийматлар t вақт моментиди маълум деб ҳисоблаб, $t + \Delta t$ вақт учун тугун нуқталардаги қийматларни (11) - тенгламани ечиб олиш мумкин. Бунда якуний тенгламалар системаси қуйидаги кўринишда бўлади[2]:

$$[A]\{\Phi\}_{янг\text{и}} = [P]\{\Phi\}_{олд} - \{F\} \quad (12)$$

$[A]$ матрица $[C]$ ва $[K]$ матрицалар комбинациясидан иборат ва вақт қадами Δt га боғлиқ.

Температура майдони аниқланиб бўлингач, иссиқликни жисмга таъсирини ўрганиш учун эластиклик - пластик масаласини ечиш керак бўлади. Бунинг уун, аввало уч ўлчовли жисмнинг дискрет модели қурилади, яъни берилган жисм чекли элементларга ажратилади. Сўнгра жисмни ташкил қилувчи ҳар бир чекли элемент учун мувозанат ҳолатини тасвирлайдиган қаттиқлик матрицаси $[K]^e$ ва ташқи таъсир натижасида ҳосил бўлувчи $[F]^e$ - вектор аниқланади. Аниқланган ҳар бир чекли элементнинг мувозанат тенгламаси асосида берилган жисм кучланганлик ҳолатини ифодаловчи тенгламалар системаси ҳосил қилинади. Бу системани ечиш натижасида тугун нуқталарнинг силжишлари аниқланади. Силжишлар асосида жисмнинг эластик деформация ва кучланганлик ҳолати аниқланади. Олинган натижалар асосида ҳар бир нуқтадаги деформация интенсивлиги ҳисобланади. Жисмнинг бирор қисмида $\varepsilon_i > \varepsilon_s$ (эластиклик чегараси) шарт бажарилса у ҳолда жисм пластик ҳолатга ўтди дейилади. Бу ҳолатни аниқлаш учун А.А. Ильюшиннинг эластик ечимлар усули асосида итерацион жараён бажарилади.

Программа таъминоти юқорида баён қилинган усуллар асосида тузилган бўлиб, сонли натижаларни олиш ва визуаллаштириш қисмларига эга. Бу дастур асосида ҳароратнинг ҳар хил қийматларида, пластиклик ҳолатининг ўзгаришини таҳлил қилиш ва олинган сонли натижаларни визуаллаштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зенкевич О. Метод конечных элементов в технике: Пер. с англ. – М.: Мир, 1975. – 541 с.
2. Сегерлинд Л. Применение метода конечных элементов: Пер. с англ. – М.: Мир, 1987. – 374 с.

УЧ ЎЛЧОВЛИ МУРАККАБ СОҲАНИ ДИСКРЕТЛАШ

А.ОСТОНОВ, ЎҚИТУВЧИ,
ЎЗМУ МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
Б.ЧОРИЕВ, ЎҚИТУВЧИ, ТДЮУ ҲУҚУҚИЙ ИНФОРМАТИКА ВА
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ

Муайян соҳани чекли элементларга ажратиш жараёни дискретлаш деб аталади. Жисмнинг дискрет модели деганда биз қуйидаги тўпламни тушунамиз:

$$\Omega = \{N, M, MK, MN\},$$

бунда

N – дискрет моделдаги тугун нуқталар сони;

M – чекли элементлар сони;

MK – тугун нуқталар координаталаридан ташкил топган массив;

MN – чекли элементларни ҳосил қиладиган тугун нуқталар номерларидан тузилган массив.

Дискрет моделдаги тугун нуқталардан иборат бўлган массивнинг ўлчами $MK[1..N, 1..V]$, бунда V – соҳанинг ўлчами. Дискрет моделдаги чекли элементларни ташкил қиладиган тугун нуқталар номерларидан тузилган массив ўлчами $MN[1..M, 1..T]$, бунда T – ҳар бир чекли элементдаги тугун нуқталар сони.

Агар соҳа мураккаб бўлса, у ҳолда қуйидаги амаллар бажарилади. Аввало мураккаб соҳа бир неча элементар соҳа остига ажратилади. Элементар соҳа ости деганда биз дискретлаш жараёнини автоматлаштириш имкони мавжуд бўлган соҳага айтамыз.

У ҳолда қуйидаги муносабат ўринли

$$\Omega = \sum_{e=1}^r \Omega^e,$$

бунда r – элементар соҳалар сони; e – соҳанинг тартиб номери; Ω^e - e – чи соҳанинг дискрет модели бўлиб, қуйидаги кўринишга эга:

$$\Omega^e = \{N_e, M_e, MK_e, MN_e\}$$

Бунда

N_e – e – элементар соҳадаги тугун нуқталар сони;

M_e - чекли элементлар сони;

MK_e - тугун нуқталари координаталаридан ташкил қилинган массив;

MN_e - чекли элементларни ташкил қиладиган тугун нуқталар номерларидан тузилган массив.

Бошланғич қаралаётган соҳанинг дискрет моделини куриш жараёни қуйдагича: аввало икки элементар соҳани уланиш шартини келтирамыз, агар икки соҳа бир – бири билан умумий юзага эга бўлса, шу билан бирга юзалар томонлари билан умумий бўлса ва томонларидаги тугун нуқталар устма уст тушса, кўрилаяётган икки соҳани бир бирига улаш мумкин.

Фараз қилайлик кўрилаяётган элементар соҳалар бу шартни каноатлантиради. Унда қуйидаги алгоритм бўйича бу соҳалар бирлаштирилади:

- а) бошланғич маълумот сифатида биринчи - Ω_1 дискрет модел элементлари олинади;
- б) навбатдаги Ω_2 дискрет моделдаги MK_2 – тугун нуқталар координаталаридан иборат бўлган массив элементлари MK_1 массив координаталари билан қуйидаги шарт бўйича

солиштирилади: $|X_i^1 - X_j^2| \leq \varepsilon \& \quad |Y_i^1 - Y_j^2| \leq \varepsilon \& \quad |Z_i^1 - Z_j^2| \leq \varepsilon$. Агар бу шарт бажарилса, у ҳолда икки солиштирилган нукта устма уст тушади дейилади, бундай нукталарнинг сонини K деб аниқлайлик. Умумий МК - массив элементларидаги иккинчи соҳадаги устма - уст тушмаган тугун нукталарга ягона тартиб бўйича дастлабки номер берилади;

- с) мос равишда MN_2 – даги тугун нукталар номерлари ўзгартирилади ва умумий MN чекли элементлар бўйича ҳосил бўладиган массивга қўшилади;
- д) $N = N_1 + N_2 - K$; $M = M_1 + M_2$;
- е) дастлабки соҳа сифатида иккита соҳа йиғиндисидан иборат бўлган дискрет модел олинади ва соҳаларни улаш жараёни охириги элементар соҳа қўшилгунча давом этади.

Шу алгоритм асосида дастлабки берилган уч ўлчовли мураккаб соҳанинг дискрет модели яратилади[1].

Жисмнинг дискрет моделини яратиш, яъни уни чекли элементларга ажратиш қўйилган масалани ечишнинг биринчи қадами ҳисобланади ва назарий асосга эга эмас.

Шунинг учун иложи борида қўрилаётган жисмни ҳар томонлама ўрганиб уни чекли элементлар ёрдамида ифодалаш керак. Ҳар бир хусусий ҳолда бу жараёнга индивидуал ёндашиш керак ва чекли элементлар ёрдамида кераклича майдалаган ҳолда жисмни тўлдириш керак. Жисмни чекли элементларга ажратиш уч босқичдан иборат:

Биринчи босқичда ҳар хил элементар соҳаларни дискретлаш алгоритмлари тузилади, иккинчи босқичда шу элементар соҳалар ёрдамида бошланғич соҳа ҳосил қилинади (бир бирига ёндашган соҳалар ўзаро уланади) ва якуний босқичда жисмнинг дискрет моделидаги тугун нукталар номерлари оптимал равишда қайта номерланади.

Уч ўлчовли мураккаб соҳада ҳам дискретлаш жараёнини автоматлаштириш мумкин.

Чекли элементлар усулида масала ечиш жараёнида ҳосил қилинадиган чизиқли алгебраик тенгламалар системасининг асосий матрицаси симметрик лентали кўринишда бўлади, бунда кўриладиган соҳадаги тугун нуқталарни қайта номерлаш орқали лента узунлигини қисқартириш мумкин, бунинг натижасида коэффицентларнинг кўп қисми ноллардан иборат бўлади ва бу тенгламалар системасини хотирада сақлаш ва уни ечиш учун кам ресурс талаб қилинишига олиб келади. Лента узунлигини қисқартириш учун биз жисмнинг дискрет моделини куриш жараёнида “фронтал” усулни қўллаймиз[2]. Бу усулни қўллаш натижасида бошланғич ҳолдаги дискрет моделдаги тугун нуқталар ва чекли элементлар қайтатдан номерланади. Одатда, уч ўлчовли жисмларни дискретлаш учун тетраэдрлар ва тўртбурчакли призмалар фойдаланилади. Лекин қулайлироғи албатта тўртбурчакли призмалардир, чунки улардан дискрет модел ҳосил қилиш анча энгилроқдир ва жараённи визуаллаштириш ҳақида равон тасаввур қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зенкевич О. Метод конечных элементов в технике: Пер. с англ. – М.: Мир, 1975. – 541 с.
2. Сегерлинд Л. Применение метода конечных элементов: Пер. с англ. – М.: Мир, 1987. – 374 с.
3. Тарасов И.А. «Основы программирования OpenGL: учебный курс». Горячая линия Телеком, 2000.
4. Тихомиров Ю. «Программирование трёхмерной графики». СПб ВHV – Санкт – Петербург, 1998.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ
ИШГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР**
А.ОЧИЛОВ,

Замонавий илм-фан, ишлаб чиқариш, техника, технология ва иқтисодиёт соҳаларида қўлга киритилган муваффақиятларни таълим тизимига йўналтириш асосида малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни ишга (таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга) жойлаштиришни бошқаришнинг мукамал тизimini яратиш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев шундай деб таъкидладилар: “Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур. Буларнинг барчасини ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш ва энг асосийси, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг нафақат мажбуриятини, балки шахсий масъулиятини ҳам белгилаш зарур. Фақат шундай йўл билан биз давлатнинг ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари олдидаги мажбуриятини бажаришимиз мумкин. Худди шундай амалиётни республика олий таълим муассасалари битирувчилари бўйича ҳам ишлаб чиқиш ва жорий этиш даркор”¹.

Юқори малакали кадр(бакалавр, магистр)ларни ишга жойлаштириш масаласи Президентимизнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа кўпгина идоралар раҳбарларининг ҳар доим диққат-эътиборларида турибди. Сўнгги йилларда амалиётга жорий этилган қонунлар, фармойишлар, қарорлар, буйруқлар ва уларнинг ижросини мунтазам равишда назорат қилиниши масаланинг долзарблигини оширади. ОТМлари битирувчиларини иш (ўқиш) билан таъминлашни такомиллаштириш, улар меҳнатидан унумли фойдаланиш, битирувчилар иш ўринлари мониторингини олиб бориш,

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент. – 2017. – 35-б.

пировардида мамлакатда ишсизлар сонини камайтириш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаришни тавсия этамиз:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги мутахассислари учун:

– Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари битирувчиларига бағишланган глобал Интернет тармоғи сайтлари тузиш ва бу сайтларда битирувчи бакалаврлар ва магистрлар тўғрисида асосий маълумотлар (туғилган йили, миллати, жинси, доимий яшаш манзили, битираётган ОТМ ва таълим йўналиши (мутахассислиги), 4 (6) йил мобайнида ДТСлари асосида мутахассислик фанлари кесимида тўплаган рейтинг баллари, хорижий тилларни билиши, компьютер саводхонлиги) ва қўшимча маълумотлар (ижтимоий-сиёсий тадбирлар ва жамоатчилик ишларига иштирок этиши; ахборот-ресурс марказлари, интернет, ОАВ ва бошқа манбалардан фойдаланиши; ўқув машғулотларидан ташқари вақтлардан тўғри фойдаланиши; халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда нуфузли танловларда иштирок этиши; илм билан шуғулланиш қобилияти ва конференцияларда қатнашиши; малакавий амалиётлар давридаги фаолиятидан фойдаланиши; оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари; ОТМ ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши; маънавияти, меҳнатсеварлиги, билимдонлиги, киришувчанлиги, масъулиятлилиги, нутқи, бошқарувчилиги, иродаси ва бошқа интеллектуал имкониятлари даражаси) киритилиши лозим. Республикада бўш ўринлар ва эҳтиёжлар тўғрисида давлат электрон ахборот тизими яратилиб, тузилаётган глобал Интернет тармоғи сайтлари бўш ўринлар ва эҳтиёжлар тўғрисида маълумотларни мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказувчи сайтлар вазифасини бажариши шарт. Бу сайтларнинг мунтазам равишда ишлаши, сайт материалларининг ҳақиқий маълумотлар билан тўлдирилиб (ўзгартириб) боришини қатъий назорат остига олиш мақсадга мувофиқ. Бу таклиф битирувчи бакалаврлар ва магистрларнинг ишга (таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга) ўз вақтида ва оқилона жойлашишларига, корхона ва ташкилотларнинг билимли ва масъулиятли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга имконият яратади,

шунингдек, айрим иш берувчиларнинг ходимларни саводлилиқ ва масъулиятлилиқ даражасига қарамасдан, таниш-билишлиқ асосида ишга қабул қилиш ёки бўш (вакант) ўринларни яшириш ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади;

– юқори малакали кадрларни ишга (таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга) жойлаштиришни самарали бошқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўлимларининг фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларга эътиборни кучайтириш зарур: ҳудудларда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг юқори малакали кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжларини ўрганиш, ҳар ойда бўш (вакант) ва кейинги ойларда бўшаётган ўринлар (нафақа, ҳарбий хизмат ёки декрет таътилига чиқиш, корхона ва ташкилотларнинг кенгайиши туфайли яратилаётган янги иш ўринлари ва б.) ҳамда ОТМлари раҳбарияти ва соҳа вакиллари билан келишилган ҳолда битирув ўқув йили бошида битирувчи бакалаврлар ва магистрлар тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиб, эҳтиёжлар ва талабларни мувофиқлаштириш ва бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Бу таклифдан тўғри фойдаланиш ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳамда ОТМларини битираётган бакалаврлар ва магистрларнинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжларини тезроқ ва тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Иш берувчи корхона(ташкилот)лар раҳбарлари ва соҳа мутахассислари учун:

– корхонада бўш (вакант) ўринлар, яъни ходимларнинг нафақага, декрет таътилига, ҳарбий хизматга ёки узоқ муддатли хизмат сафарига, оғир касаллик туфайли узоқ вақтга даволанишга кетаётган олий маълумотли кадрлар ўрнини зарур бўлса тўлдириш учун бўш турган (бўшаётган) ўринлар мониторингини мунтазам равишда ўтказиб бориш ва бу маълумотларни

мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига тақдим этиш лозим;

– минтақада жойлашган ОТМлари билан ҳозирда ва истиқболда зарур бўладиган таълим йўналишлари (мутахассисликлар) асосида юқори малакали кадрлар (бакалаврлар ва магистрлар) тайёрлаш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш, шартномалар шартларига кўра муассасада талаба(магистрант)лар қандай ўқитилаётганлиги, уларга қайси фанлар чуқурлаштириб (ёки кам миқдорли соатларда) ўтирилаётганлиги, малакавий амалиётлар қаерда ва қандай тартибда ўтказилаётганлиги ҳамда бу жараёнларда уларга қандай кўникмалар берилаётганлиги, БМИ ва МДлари қандай мавзулар асосида тайёрланаётганлиги масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтираётган бошқа масалалар бўйича мунтазам равишда ОТМларига мурожаат қилиш керак;

– таклифлар асосида ОТМларида юқори малакали кадрлар тайёрлашга бағишланган барча тадбирларда фаол қатнашиб, корхонада олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда юқори малакали кадрларни сифатли ва мақсадли тайёрлашни бошқариш йўналишида семинарлар, конференциялар, йиғилишлар ҳамда очик эшиклар ва карьера кунлари ташкил қилиб, бу тадбирларда битирувчилар иштирокини таъминлаш лозим;

– ОТМлари билан юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тузилган барча турдаги контрактация шартномалари (кадрларни мақсадли тайёрлаш, тўлов-шартнома асосида ўқитиш, олий малакали кадрлар илмий салоҳиятидан фойдаланиш, тадбиркорлик ва ижара муносабатлари, ҳомийлик, васийлик, хайрия ва б.) шартларини ўз вақтида тўғри бажариш мақсадга мувофиқ;

– тақсимот комиссияси йўлланмаси билан ёки контрактация шартномалари асосида ОТМлари томонидан ишга юборилган юқори малакали кадрларни ишга олиш ҳамда уларга қобилиятларини ривожлантириш, меҳнатга кўникма ҳосил қилиш, иш услубларини ўрганиш, корхона ва жамоага мослашиш, ўзларини жамиятнинг аъзоси сифатида ҳис

килиш ва меҳнатга яраша ҳақ олиш масалаларида кўмаклашиш, шунингдек, яшаш, дам олиш ва бошқа зарурий шароитларни яратиб берилишини бошқариш зарур ва б.

Олий таълим муассасалари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари учун:

– маркетинг тадқиқотлари асосида муассаса бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) фаолияти, нуфузи, зарурийлиги ва замонавийлигини ўрганиб, уларга буюртмачилар ва жисмоний шахсларнинг талаблари мониторингини олиб бориб, фаолиятини давом эттириш, янгиларини очиш, бозор иқтисодиёти ва ҳозирги давр талабларига мос келмайдиган йўналиш(мутахассислик)ларни келгусида ёпиш бўйича таклифлар, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак;

– истиқболда талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказиш ва уларни ишга жойлаштириш мақсадида ОТМлари масъул ходимлари корхоналар раҳбарлари(соҳа вакиллари)ни таклиф қилиб, бу йиғилишларда 3-4-курс талабаларининг иштирокларини таъминлашлари лозим;

– бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларга талаб ва таклифлар нисбатини мужассамлаштирган ҳолда корхона ва ташкилотларнинг географик жойлашуви, ихтисослашуви, келажакда ривожланиш имкониятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда ўқув йили оралиғида таълим йўналишлари (мутахассисликлар), таълим шакли ва таълим тури кесимида битирувчиларнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган ҳолда маълумотлар банки тузилиши лозим;

– бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича талаба(магистрант)ларнинг касбий, маънавий-ахлоқий, тадбиркорлик, бошқарувчилик, ташкилотчилик ва ижрочилик маҳорат(тажриба)ларини юксалтириш, уларни ўз мутахассисликлари, истисно тариқасида бошқа мутахассислик бўйича (ўз мутахассислиги бўйича иш ўрни бўшагини кутаётган даврда) ишга жойлаштиришда ОТМларининг

тегишли бўлинмалари мунтазам равишда ҳамкорлик қилишлари, юзага келаётган муаммоларни биргаликда ижобий ҳал қилишлари, битирувчиларни ишга жойлаштиришда корхона ва ташкилотларда ишлаётган собиқ битирувчилар ҳамкорлигидан ҳам фойдаланишлари лозим;

– ОТМда битирувчиларни ишга тақсимлаш бўйича тақсимот комиссияси ишини ташкил этиш, бу комиссия томонидан ташкилот ва корхоналарнинг юқори малакали кадрларга бўлган ҳақиқий талаб ва эҳтиёжларига асосланиб битирувчи(бакалавр ва магистр)ларни ишга (ўқишга) тақсимлаш режаларини ишлаб чиқиш талаб этилади;

– битирувчи курс талаба(магистрант)ларидан ўз хоҳишларига кўра қаерга ва қайси ташкилотга ишга (қайси ОТМ ёки ИТМга ўқишга) боришлари тўғрисида анкета сўровларини ўтказиш, тақсимот комиссияси иши даврида имконият даражасида бу хоҳиш-истакларни ҳисобга олиниши лозим. Бунда битирувчиларни ишга (ўқишга) тақсимлаш бўйича комиссия фаолияти учун керак бўладиган ҳар бир битирувчининг интеллектуал имкониятлари, рейтинг кўрсаткичларини ОТМ масъул ходимлари, факультетлар ва кафедралар томонидан корхоналарда мавжуд меҳнат ва маданий-маиший шарт-шароитлари, иш ҳақи ва қўшимча(рағбатлантириш, мукофот, жарима)лар тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ;

– таълим хизматлари истеъмолчиларига бўлғуси юқори малакали бакалаврлар ва магистрлар тўғрисидаги статистик маълумотларни ОАВ, веб-сайт, электрон алоқа ва б. ёрдамида етказиш усулларида фойдаланиш, шунингдек, ОТМ веб-сайтида бу статистик маълумотларнинг жойлаштирилиши, чоп этилиши ва истеъмолчилар эътиборига етказилиши, шунингдек, соҳага оид йиғилишларда, корхоналарнинг турли тадбирларида битирувчилар тўғрисида тайёрланган реклама ахборотлари билан иштирок этилишини таъминлаш муҳим вазифадир;

– халқаро, мамлакат ва минтақавий миқёсда ўтказиладиган ярмарка, кўргазма, семинар ва аукционларда ОТМ бакалаврият таълим йўналишлари

ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг имкониятлари, ютуқлари, касбий тайёргарликлари ва устунликларини намойиш этиш керак;

– жорий ўқув йилида ва ўтган йиллар мобайнида ишга (ўқишга) жойлашган бакалаврлар ва магистрлар билан қайта алоқалар ўрнатиш, зарур ҳолларда уларга услубий, маслаҳатларга йўналтирилган ва амалий ёрдамлар кўрсатиш, улар меҳнат фаолиятларининг уч йиллик мониторингини олиб бориш ва умумлаштириш лозим;

– ОТМнинг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини давлат грантлари асосида битирувчиларнинг тақсимот комиссияси йўлланмалари асосида уч йил кафолатли ишлашлари, шунингдек, уч йиллик мажбурий ишлаб бериш шартини бажараётган бакалаврлар ва магистрларнинг касбий фаолияти, савиясини ошириш борасидаги ишлар ва уларнинг ўз ишини билиши, ютуқлари ва устунликлари натижасида хизмат поғоналаридан кўтарилишига, тажрибасизликларини бартараф этишга ёрдамлашиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

– турдош ОТМларида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланаётган рақобатбардош битирувчиларнинг касбий маҳорати даражаси, устунликлари, ютуқлари ва камчиликларини баҳолаб, ўз битирувчиларининг кўрсаткичлари билан солиштириш лозим. Бу солиштирма маълумотлар зарур ҳолларда вазирликка тақдим этилса, бир хил таълим йўналишлари бўйича режадан ташқари, ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг ҳақиқий эҳтиёжларидан кўп сонда бакалаврлар тайёрлаётган ОТМлари ўртасидаги рақобатни кўчайтиради.

ЭЛЛИПТИК ЭГРИ ЧИЗИҚ НУҚТАЛАРИНИ ҚЎШИШ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

*Ҳ.МАМАТОВА, ЎҚИТУВЧИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ*

Ҳозирда эллиптик эгри чизик (ЭЭЧ) ларнинг криптография соҳасига тадбиқи кенг қўлланилмоқда. Характеристикаси етарлича катта бўлган чекли майдонларда эллиптик эгри чизикнинг рационал нуқталари устида амаллар бажариш асимметрик криптотизимлар негизини ташкил этади.

$E(GF_p)$ майдонда $y^2 = x^3 + ax + b \pmod{p}$ кўринишдаги эллиптик эгри чизик нуқталарини қўшиш гуруҳли қонунидан фойдаланиш таклиф этилади, бу ерда $GF_p - p \neq 2$ ва $p \neq 3$ характеристикали чекли майдон, x, y – ЭЭЧ нуқталарининг координаталари, a, b – ЭЭЧ тенгламасининг коэффицентлари. 2 та турли $P_1=(x_1, y_1)$ ва $P_2=(x_2, y_2)$ нуқталар учун нуқталарни қўшиш гуруҳли қонуни $P_1 \oplus P_2 = (x_3, -y_3)$ қуйидаги кўринишга эга:

$$x_3 = \left(\frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1} \right)^2 \pmod{p}, \quad y_3 = \left(\frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1} \right) (x_1 - x_3) \pmod{p},$$

$$\text{ва } P_1 = P_2 = (x_1, y_1) : x_3 = \frac{3x_1^2 + a}{4y_1} \pmod{p}$$

$$\text{учун } y_3 = \frac{3x_1^2 + a}{4y_1} (x_1 - x_3) \pmod{p}.$$

GF_2^n майдон устида 0 дан фарқли инвариантли эгри чизиклар учун нуқталарни қўшишда қуйидаги ифодалардан фойдаланилади:

$$\begin{cases} x_3 = \lambda^2 a x_1 x_2 \\ y_3 = -(\lambda^2 x_1 x_2 + y_1 + y_2) \end{cases},$$

$$P_1 \neq P_2 \text{ ҳолат учун } \lambda = \frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1}, \quad v = \frac{y_1 x_2 - y_2 x_1}{x_2 - x_1},$$

$$P_1 = P_2 \text{ учун } \lambda = \frac{3x_1^2 + a}{2y_1}, \quad v = \frac{3x_1^3 + 3x_1 a - y_1^2}{2y_1}.$$

Унга тескари нуқталар $P_3 = (x_3, -y_3 - x_3)$ кўринишда бўлади. Ҳудди шунга ўхшаш GF_3^n майдон устида 0 дан фарқли j инвариантли эгри чизиклар учун

$$\begin{cases} x_3 = \lambda^2 a x_1 x_2 \\ y_3 = x_3 \lambda v \end{cases},$$


Бу ерда

$$P_1 \neq P_2 \text{ учун } \lambda = \frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1}, \quad v = \frac{y_1^2 - y_2^2}{x_2 - x_1},$$

$$P_1 = P_2 \text{ ҳолат учун } \lambda = \frac{3x_1^2 + 2a}{2x_1} \text{ ва } v = \frac{3x_1^3 + 2x_1 - 3y_1^2}{2x_1} \text{ бажарилади.}$$


Келтирилган ЭЭЧ нуқталарини қўшиш гуруҳли қонунлари криптографик функция сифатида фойдаланилади. Агар P ва $G - E(GF_q)$ эгри чизиқнинг A циклик қисмгуруҳининг элементлари бўлса, G – қисмгуруҳининг содда элементи (генератор) бўлса, у ҳолда $P = n * G$ бўлади, бу ерда n – тасодифий сон (калит), $n \rightarrow \infty$ интилганда қисмгуруҳларнинг берилган 2 та P ва G элементлари учун n сонни топиш алгоритмларининг мураккаблик нуқтаи назаридан ҳисоблаши мураккаб бўлган масала ҳисобланади.

ЭЭЧ нуқталарини қўшиш дастурий таъминоти кўриб чиқилади. 1-расмда ЭЭЧ нуқталарини қўшиш дастурий таъминотининг умумий кўриниши берилган.



1-расм. ЭЭЧ нуқталарини қўшиш интерфейси.

Бу интерфейсда $a =$ ва $b =$ ЭЭЧ нинг коэффицентлари киритилади. $p =$ – туб сон киритилади. ЭЭЧ бу p сонига модул бўйича бўлинади. $n =$ сони нуқталар сони бўлиб, фойдаланувчи томонидан киритилади. Бу жараёни мисол ёрдамида кўриб



Бу ердаги $P(\text{ } : \text{ })$ ЭЭЧ нинг базавий нуқтаси бўлиб, фойдаланувчи орқали киритилади.

Шундан сўнг Finish тугмасини босиш орқали қуйидаги натижалар олинди.

Бу интерфейсдаги time 0 $n=10$ та нуқтани ҳисоблаш учун неча секунд вақт кетганини ҳисоблайди. Натижалар textbox буйруғининг Multiline хусусиятини танлаб true га ўтказилгани учун стрелка орқали барча нуқталарни кўриши мумкин. Бу интерфейс кодидан ОЖКни яратишда фойдаланилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Айерлэнд К., Роузен М. Классическое введение в современную теорию чисел: пер. с англ. М.: Мир, 1987.
2. Алферов А. П., Зубов А. Ю., Кузьмин А. С., Черемушкин А. В. Основы криптографии: учебн. пособие. М. : Гелиос АРВ, 2005
3. Виноградов И. М. Основы теории чисел. -М.: Наука, 1972.

ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҲУҚУҚИЙ СОҲАДАГИ ТИЗИМЛАР
Э.МАННОПОВА, ТДЮУ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

Тизим – бу, бир бутун ҳолга бирлашиб, доимий ўзаро ҳаракат ёки ўзаро алоқада бўладиган предметларнинг гуруҳи.¹ “Предметларни” молекула ҳосил қилиш учун ўзаро ҳаракатланувчи атомлар; инсон танасини ташкил этувчи суяклар, орган ва тўқималар; биргаликда қуёш тизимини ҳосил қилувчи қуёш ва сайёралар; ёки биргаликда “одил жиноят суди тизими”ни ташкил этувчи полиция, юристлар, судлар, қамоқхона ва компьютер дастурлари кўринишида тасаввур қилиш мумкин². Тизим “таҳлили” ўзида қўшимча тизим моҳиятини аниқлаш учун таркибий қисмларга бўлиниш ва улар ўртасида пайдо бўладиган муносабатларни тушунтиришни ифодалайди.

Бир қарашда, молекуляр ва суд тизимини бир хил услублардан фойдаланиш йўли билан ўрганиш ғояси ғалати туюлиши мумкин³. Аслида эса, уларни боғлаб турадиган назария яратилганига ўттиз йил ҳам бўлмаган, “умумий тизим назарияси”, деб аталади⁴. “Умумий тизим назарияси” “тизимлилик” бу, олам яралишининг хусусияти деган фикрни фараз қилади; мустақил тартибга келтириш феномени ҳозирча тушунтириб бўлмайдиган сабабларга кўра, асосан, дискрет тизимларга тегишлидир.⁵

Ўқувчилар бу ерда ҳимоя қилинаётган тизимли таҳлилни тизимли назария, Парсоннинг функционалиги ва сиёсий таҳлилнинг сўзлаб берилаётган услубларидан фарқлашлари лозим бўлади. Бугунги кунда

¹Webster's Ninth New Collegiate Dictionary 1199 (1991) [hereinafter WEBSTER'S NINTH]. Тизимли таҳлил ва дизайндаги матн тизимни “муайян мақсадларга эришиш учун бирга ишлайдиган, ўзаро алоқа ва ўзаро ҳаракатдаги кўплаб унсурлар” сифатида аниқлаб беради. GIBSON & HUGHES, *supra* note 5, at 5. Гибсон ва Хьюгслар изоҳлилуғатга “мақсад” унсурини қўшганликларини таъкидлайман.

²См. LASZLO, *supra* note 5, at 25-30 (физикавий, кимёвий, биологик, экологик, ижтимоий ва сиёсий тизимларни тизимостидан иборат бўлган тизимларнинг ягона “иерархия”сига).

³Бироқ қаранг: Ludwig Von Bertalanffy, Foreword to LASZLO, *supra* note 5, at xvii-xviii (назарияларнинг умумий тизимини “механик, электрик, биологик, ижтимоий (ва ҳоказо) тизим сифатида тушунилишидан қатъи назар умумий “тизим” ва синфларга нисбатан қўлланиладиган интизомий хусусият модели ва принциплари” сифатида очиқ беради).

⁴Ludwig von Bertalanffy умумий тизим назариясининг умумэътироф этилган асосчиси LUDWIG VON BERTALANFFY, *GENERAL SYSTEM THEORY* (1968).

⁵Лазло ушбу концепцияни “табiiй тизим” сифатида далил қилиб келтиради, Laszlo, *supra* note 5, at 30-32, ва “қоинотнинг ўрганишимиз мумкин бўлган кўплаб жиҳатлари иерархия бўйича концептуал “қизилган”, масалан, ўзининг алоҳида муҳити чегарасида юқори даражали тартибдаги тизимлар жорий қилиб, юқори изчил тизимлар яратувчи атроф-муҳит тизими дунёси бўлиши мумкин”лигини таъкидлайди, *id.* at 19.

тизимли назария оммабоп эмаслигига қарамасдан¹, фан сифатида сезиларли даражада муваффақиятга эга бўлиб келган ва бўлмоқда.

Тизимли назария – бу, физикавий, биологик ва ижтимоий тизимлардан иборат бўлган², турли тизимларда мунозарали қўлланиладиган принциплар мажмуаси³. Тизимли назария амалий фан сифатида “тизимли таҳлил”ни назарий база билан таъминлайди ва унда фойдаланиладиган кўплаб асбобларни унга етказиб беради. Бироқ тизимли назария камдан-кам ҳолларда ҳуқуқий соҳадаги тизимларни таҳлил қилишда бевосита фойдали бўлади, чунки мазкур фан ҳуқуқий ислоҳотлар тизимида чеклаш билан қўлланилади⁴. Ҳуқуқий тизимлар, эҳтимол, кенг умумлашмалар даражасида принципларнинг умумий тизимига⁵ мос келар, аммо бўлиниш даражасида улар тизимли назария энг кичик таклифга эга бўладиган кўплаб юридик ислоҳотларга эҳтиёж сезади.

“Сиёсий таҳлил” тизимли таҳлилдан олинган, 1960 йилларда ҳукумат дастурларни таҳлил қилиш учун фойдаланилган услубларни ўзида ифодалайди⁶. Бироқ ушбу услуб тизимларни таҳлил қилишдан кўра сиёсат

¹КеннетБайлитизимли назариянинг ноҳуш обрўси қисман унинг функционализм билан бирлигидан келиб чиққанлигинифараз қилади. Kennerhd. Bailey, socioloyandthenevsys-remstheoryatxiii (1994) («Социумнинг тизимли назарияси барҳаёт ва аҳволи ҳам яхши... Бироқ, ушбу замонавий хилма-хиллик 1960 йилларнинг функционализм хусусияти билан ажралиб турмайди). Аниқроғи, унинг ёмон обрўси ҳам унинг тушунарсизлигини кўпайтириб юборадиган мавҳумлик даражасида олиб борилган кўплаб ишлардан келиб чиққан. Бу қисман минтақавий тизимли назариянинг ишончлилигидир. Қаранг,масалан, Niklas Luhmann, Law as a Social System, 83 Nw. U. L. Rrv. 136 (1988).

²Умумий тизим хусусиятлари орасида қуйидагилар ўрганилган: (1) аутопоэзия, табиий тизимларнинг ўзини ўзи яратиши, ўзини ўзи тартибга солиши ва ўзини ўзи ишлаб чиқиши; (2) тизимларнинг кўпроқ тузилмалаштирилишга айланиш, шунингдек, вақт ўтиши билан кўпроқ таъсирчан ва заиф бўлиб қолиштенденцияси; (3) ўз вақтида маълумот тўплаш бўйича тизимлардаги тенденция; ва (4)тизимлар тарқалиш тенденцияси,энтропия.

³Қаранг: Laszlo, supra note 5, at 55-117; Von Bertalanffy, supra note 11, at xviii. Тизимли назария мақсади барча тизимлар ёки уларнинг кўплаб турлагига мос келувчи принципларни аниқлаш ҳисобланади. Қаранг: Weinberg, supra note 5, at 35-38.

⁴Бироқ қаранг: J.B. Ruhl, Complexity Theory as a Paradigm for the Dynamical Law-and-Society System: A Wake-Up Cal for Legal Reductionism and the Modern Administrative State, 45 DuKE LJ. 849 (1996) (ҳуқуққа нисбатан “ҳаракат ва ўзгаришларга бой тизимли назария”ни ўхшашликни ҳуқуқий тузилмалаштириш оқибатларини оқилона аниқлаш учун озод этиш йўли билан қўллайди).

⁵Тизимли таҳлил камдан-кам ҳолларда ҳуқуқда қўлланилади. Тизимли назарияни ҳуқуқда кенг қўллашга мисолларни қаранг:Luhmann, supra note 13, and Ruhl, supra note 16.

⁶Қаранг, масалан, Aaron Wildavsky, Rescuing Policy Analysis from PPBS, 29 PUB. ADMIN. REv. 189, 190 (1969) [hereinafterWildavsky, RescuingPolicy] (сиёсий таҳлилни “ташқилот мақсадларига тегишинча қарор қабул қилиш, ушбу мақсадлардаги ўзгаришлар ва уларга эришишда фойдаланиладиган ресурслар эквиваленти...” ва “тизимли таҳлилнинг кенг тақдим этилган версиясига ўхшаш” сифатида очиб беради). Қаранг, асосан AaronWildavsky, Speaking Truth To Power: The Art And Craft Of Policy Analysis (1979) (сиёсий таҳлилни муҳокама қилувчи ва қўлловчи).

олиб бориш учун вазифалар танлашга мўлжалланган¹. Мазкур услуб сиёсат олиб бориш услуби сифатида агентликнинг бюджет харажатларини унинг мақсадлари билан бирлаштиришга интилишда келиб чиқувчи мураккабликлар туфайли барбод бўлгандек туюлади.²

Тизимли таҳлил ўз эътиборини аниқ мақсад билан тизимларга қаратади³. Яъни, тизимли таҳлил ҳар бир тизимни бир ёки ундан ортиқ мақсад ва функцияларга эга тизим сифатида кўриб чиқади. Биологик тизимга тегишли бўлган ғоя интуицияга асосланган каби туюлади. Қуён, мисол учун, бу тизим. Кўплаб кузатувчилар озиқ топиш, омон қолиш ва кўпайиш каби қуёнга оид бўлган тоифалар устида ташвишга тушмасликлари мумкин. Бирок жисмоний тизимлар, мисол учун, атомни олиб қаралганда, ёндашув интуицияга асосланмаган бўлади. Атом вазифаларга эга эмас, унинг “функция”си ҳам вазифага эга бўлган инсонлар томонидан унга киритилган. Шундай бўлсада, илмий феноменни тушунтиришдаги энг яхши истиораларнинг кўпчилиги антропоморфизмга (одамга хос психик хусусиятларни нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни одамга ўхшатиш) боғлиқ бўлади. Компьютерлар тўғри маълумотни “излайдилар”, мусбат ва манфий электр зарядлар бир-бирларига “тортадилар” ва кимёвий аралашмалар турғунликка “интиладилар”.

Кўплаб ҳуқуқшунос олимлар, судлар ва қонунчиқарувчилар ўз эътиборларини аниқ мақсад билан ҳуқуқий соҳадаги тизимларга қаратадилар ҳамда вазифа ва мақсадлар ўз ҳолича хатто ҳуқуққа тегишли бўлмаган

¹Қаранг, масалан, Colin S. Diver, Policymaking Paradigms in Administrative Law, 95 HARV. L. REV. 393 (1981) (“Ҳар томонлама рационализм” ва “кўпайиш”ни сиёсатни маъмурийлаштириш йўли билан юритишнинг икки принципиал модели сифатида очиқ беради); Aaron Wildavsky, The Political Economy of Efficiency, 1967 PUB. INTEREST 30, 34 (тизимли таҳлилни “мавҳумликдан воқеликка томон йўналган моделлар қурилишидан манфаатдор, бироқ ўрганиш юзасидан уларнинг ўртасидаги муҳим ўзаро муносабатларни ўзида ифодаловчи” сифатида очиқ беради раскрывает системный анализ как); id. at 31-33 (тизимли таҳлилни “хайр-саховат баҳосини таҳлил қилиш”дан фарқлаб беради); id. at 38-41 (тизимли таҳлилни “бюджет режасини тузиш”дан фарқлаб беради).

²Қаранг, асосан Wildavsky, Rescuing Policy, *supra* note 18 (сиёсий таҳлилни тушунтириб беради).

³Қаранг, масалан, C. West Churchman, the systems approach 11 (2d ed. 1979) (“Systems are made up of sets of components that work together for the overall objective of the whole. The systems approach is simply a way of thinking about these total systems and their components.”); GmSON & HUGHES, *supra* note 5, at 5 (“[A] system is a set of interrelated and interactive elements that work together to accomplish specific purposes.”); PAUL S. LICKER, FUNDAMENTALS OF Systems ANALYSIS 5 (1987) (“A system is defined as a set of elements that are related and that, through this set of relationships, aim to accomplish goals.”) (emphasis omitted).

тақдирда ҳам, уларни киритишда иккиланмайдилар¹. Масалан, функционализм, яъни мақсадларни юқори даражада ҳуқуқ тизимига қўшимча равишда ёзиш фуқаролик ҳуқуқий бузилишлардаги замонавий илмий ёндашув устидан ҳукмронлик қилишни давом эттириб келмоқда².

Тизимга вазифаларни қўшиб ёзиш икки айтилган бир ёки фикрга нисбатан фақат стенография (текстни шартли белгилар билан тез ёзиб олиш). Ижобий таҳлилда фойдаланиладиган биринчи фикр таърифли ҳисобланиб, у тизимли вазифалар ўзида аслида тизимнинг ўзтомонидан ишлаб чиқиладиган натижаларни ифодалайди. Меъёрий таҳлилда фойдаланиладиган иккинчи фикр вазифаларни тадқиқотчи жозибадорлигига ишонадиган натижалар билан тенглаштиради. Худди шуни амалга оширмоқчи бўлган одам ушбу фикрлардан бирига тизимларга вазифа қўшиб ёзиш билан ўрин алмаштириш сифатида аниқлик киритиш (ифодалаб бериш) йўли билан тизимли таҳлил ўтказиши мумкин³.

¹See, e.g., LON L. FULLER, THE MORALITY OF LAW 146-51 (rev. ed. 1969) (arguing that it is meaningful to assign purposes to institutions, even though they do not have the capacity to form mental states). Guido Calabresi agrees: Law is a human construct designed to accomplish certain goals. Often perhaps most of the time the goals are terribly complex and hard to analyze clearly, and one is properly suspicious of analysis and prescription that would discard time-honored legal terms because one cannot find immediate, clear policy justifications for them. Still, the object of law is to serve human needs, and thus legal terms... must sooner or later be linked to the service of human needs.

Guido Calabresi, Concerning Cause and the Law of Torts: An Essay for Harry Kalven, Jr., 43 U. CHI. L. REv. 69, 105 (1975); see also V.S. Khanna, Corporate Criminal Liability: What Purpose Does It Serve? 109 HARV. L. REv. 1477 (1996) (criticizing corporate criminal liability as serving no discernable purpose). But see ERNEST J. WEINRIB, THE IDEA OF PRIVATE LAW (1995) (arguing against the utilitarian view of private law); Robert G. Bone, Lon Fuller's Theory of Adjudication and the False Dichotomy Between Dispute Resolution and Public Law Models of Litigation, 75 B.U. L. REv. 1273, 1285 (1995) (arguing that Fuller's concept of institutional purpose "was not the same thing as a specific goal or clearly defined end-state").

Cost benefit analysis is probably the most prominent of the methods of legal analysis that work by attributing goals and purposes to inanimate systems. One cannot conduct a cost benefit analysis without first specifying what is a "benefit"-that is, specifying what results the system regards as desirable and therefore seeks to achieve.

²For example, Calabresi sees law as "a human construct designed to accomplish certain goals" and in 1975 stated that "[t]his functional approach [had] come to dominate American tort scholarship." Calabresi, *supra* note 27, at 105. Scholars have continued to debate whether the purposes of the tort system are to deter, compensate, spread losses, or some combination of these, in the process attributing purposes to the law-related system. See Henderson, Process Constraints, *supra* note 7, at 901 ("Fierce debates have raged in recent years over the objectives reflected in the tort-law system."); Robert L. Rabin, Law for Law's Sake, 105 YALE L.J. 2261, 2262 (1996) (book review) (describing the prevailing view as being that "tort law is only legitimate if it serves some useful purpose, and whether it meets this test depends on its satisfaction of independent societal goals").

³One might specify, for example, that x is the outcome produced by a system and then go on to identify the subsystems that contribute to x. Alternatively, one might assert that a particular combination of subsystems would be capable of producing outcome y, which the analyst favors.

Ижтимоий тизимларга аниқ мақсад билан эътибор қаратилган пайтда тизим вазифасини тизим иштирокчиларининг вазифаларидан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Иштирокчилар турли хилдаги қарама-қарши вазифаларга эга бўлишлари мумкин. Прокурор мумкин қадар кўпроқ инсонларни имкон қадар узоқ муддат ушлаб туришга интилиши мумкин. Жамоатчи ҳимоячи прокурорга фақат тўсқинлик қилиши ёки хатто “tizimni sindiriшga” интилиши ҳам мумкин. Мансабдор шахс тизимдан фақат иш жойини сақлаб қолиш ва иш соатларини минимал даражага келтирилишини хоҳлаши мумкин ҳолос. Тизимнинг мақсади, яъни жамият ва унинг аъзоларини жинойий тажовуздан ҳимоя қилиш улардан ҳеч бирининг ақлига сиғмаслиги мумкин.

Шунингдек, мавжуд тизимли дизайнерлар орасида ўзининг бор бўлиши учун дастлабки шартга эга бўлишликни тизимнинг вазифаси каби ҳисоблайдиган дизайнерлар йўқ. Тизимли назария гўё аутопоэтик бўлган, ўзи юзага келувчи тизимлардан иборат бўлади. Тизимлар ўзларининг таркибий қисмлари ва атроф-муҳит ўзаро алоқада бўлгани каби “ўз жойида ўзгариб туради”. Баъзилари режага киритилган, баъзилари эса киритилмаган кўплаб ўзгаришлар, умуман айтганда, ўзаро ҳаракатда бўлади. Муваффақиятли ўзгаришлар тизим позицияси нуқтаи назаридан сақланиб қолади; муваффақиятсиз бўлганлари қайта ёзиб чиқилади¹. Тизим, хатто бунинг учун зарур имкониятларга эга бўлишига қарамасдан, ҳеч ким ўзгаришларни мажбуран юкламайдиган позиция томонга эволюция қилади². Сўнгра тизим ўз мижозларига янада яхши хизмат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тизимлар қўшимча тизимлардан иборат. Қўшимча тизимларнинг ўзи тизим ҳисобланиб, у ҳам, ўз навбатида, қўшимча тизимлардан иборат

¹The manner of change described here is exemplified in the common law method of case adjudication and even more accurately in the "incrementalist" paradigm of administrative lawmaking. See Diver, *supra* note 19, at 399-400 (stating that under the incrementalist model "policymaking becomes a series of small adjustments" and that "incrementalism is decentralized" so that "[p]olicy is made by many actors at many levels of government and indeed in the society at large").

²This is not to say that the system ever reaches an equilibrium. The environment in which law-related systems function is constantly in flux, continuously altering the optimal system configuration.

бўлади.¹ Масалан, оддий уй энг камида, қуйидаги қўшимча тизимларни ўз ичига олади: пойдевор, тузилма (деворлар), том, электр таъминоти тизими, сув оқава тизими, иситиш тизими ва вентилияция. Хусусан, бетон пойдеворнинг ўзи тизим ҳисобланиб, унинг таркибий қисми бетон саналади. Бетоннинг кристалл тузилмаси таркибидаги молекулалар қўшимча тизим сифатида ҳисобланади. Ушбу молекулалар ўзларининг қўшимча тизимлари, яъни атомлардан иборатдирлар.

Тизим таҳлили уни таркибий қисмларга ажратиш ва ушбу қисмлар қандай ўзаро ҳаракатда бўлиб, бир бутунлик функцияланишида иштирок этишини ўрганиш йўли билан олиб борилади. Тизимли таҳлил таркибий қисмларнинг ўзига қараганда, ўзаро муносабатларга урғу берилади.

Аналитиклар жамоатчилик тизимлари таҳлил этилганда, кўпинча унинг функцияланишини яхшилашга интиладилар. Шу билан бирга, тизимли мақсадларга эришишнинг изчиллиги ва самарадорлиги сифат мезонлари ҳисобланади. Аналитик тизим ишлаши ёки жуда яхши ишлашини хоҳлайди.² Бироқ ҳар доим ҳам бундай бўлмайди. Ижтимоий гуруҳлар кўпинча зиддиятлардан иборат бўлган ёки самарасиз ишлайдиган тизимлардан фойдаланишни афзал кўрадилар. Бу, масалан, ҳуқуқий тизимларда қарз ундирилганда, ҳақиқат бўлиб чиқиши мумкин. Кредиторларни ҳимоя қилиш бўйича кўплаб ҳуқуқий воситалар, масалан, ундириш ҳақида даъво тақдим этиш самарасиз эканлиги факти барчага яхши маълум.³ Баъзи олимлар

¹See, e.g., BAILY, *supra* note 13, at 189 (reprinting an illustration showing the hierarchical relationship with cells as constituents of organs, organs as constituent of organisms, organisms as constituents of groups, groups as constituents of organizations, organizations as constituents of communities, communities as constituents of societies, and societies as constituents of supranational systems); LAszLo, *supra* note 5, at 19 (noting that "much of the universe available to our scrutiny can be conceptually 'mapped' as hierarchies, i.e., as a realm of systems-in-environments, constituting higher order systems which, within their particular environments, constitute systems of still more inclusive order").

²The concept of law as a component of law-related systems that can be created, improved and redirected is arguably in conflict with the concept of natural law. Natural law posits the moral superiority of particular outcomes; systems theory posits that the moral superiority of an outcome may be relative to what else is occurring in the system at the same time.

³See, e.g., Alex M. Johnson, Jr., *Critiquing the Foreclosure Process: An Economic Approach Based on the Paradigmatic Norms of Bankruptcy*, 79 VA. L. REv. 959, 959 (1993) ("In the vast majority of cases, the sale price realized at... a foreclosure sale will be so inadequate that not only will the mortgagor lose her home but she will also lose any equity she owns in the property."); LoPucki, *State Remedies/Bankruptcy System*, *supra* note 7, at 316-21 (arguing that the state remedies are highly inefficient in transferring value from debtor to creditor and operate

уларнинг яхшиланиши кредиторлар синфига фақат фойда келтириши сабабли уларнинг устида иш олиб боришдан бош тортадилар.¹

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, тизимлар қандай ишлаётганлигини аниқлаш ва ҳужжатлаштиришда тизимли ёндашувдан фойдаланиш, тадқиқотчини тизимни яхшилашга мажбурламайди. “Тизимли ёндашув” – бу тизимни тушуниш услуби. Аналитик тизимнинг самарасизлиги, функцияланишининг бузилиши ёки унинг барбод бўлиш ўрнини тўлдириш мақсадида тушунишга интилиши мумкин.

Тизимли таҳлилнинг юридик фанга ҳисса қўшиш имконияти ҳуқуқий соҳадаги аниқ тизимларга қараганда улканроқ. Аниқ тизим – бу “объектив борликда” мавжуд бўлган ва ҳақиқий инсонлар ва (ёки) бошқа жисмоний объектлардан иборат тизим.² Суд биноси, баённомалар, судлар, котиблар, адвокатлар, суд ижрочилари, юридик китоблар ва ҳоказолардан иборат бўлган суд тизими аниқ тизимга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кескин фарқ учун концептуал тизим – бу шундай тизимки, унда сўз ва рамзлар асосий унсур ҳисобланади.³ Бирлашган концепциялар мажмуаси сифатида ифодаланган умумий ҳуқуқ концептуал тизимга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, баъзи тизимли назариячилар тизимнинг учинчи тури, яъни “мавҳум тизимлар”ни ажратиб кўрсатиб, уларнинг остида аниқ тизимнинг фақат энг муҳим ўзгарувчан тизимлари ифодаланган моделини назарда тутадилар.⁴ Юридик фанда яратилган кўплаб моделлар мавҳум тизимлар ҳисобланади.

primarily in terrorem); Whitford, *supra* note 7, at 1126 ("Coercive execution is effective as leverage because of the harm visited on the debtor, largely due to secondary costs, and because one execution always impliedly threatens another.").

¹But see Whitford, *supra* note 7, at 1127 ("My own intuition favors minimization of the secondary costs [of execution], in large part because of my distaste for gaining settlement leverage by threatening harm to another.").

²See BAILEY, *supra* note 13, at 47. Concrete systems are sometimes referred to as "real," "acting," or "physical" systems. Law professors with whom I have discussed systems analysis are often troubled by the concept of a "physical" system. Systems analysts are comfortable with the term as a means of distinguishing the reality of a system from their model of it. See, e.g., GIBSON & HUGHES, *supra* note 5, at 15 (making the distinction between a "physical firm" and a "conceptual firm").

³See BAILEY, *supra* note 13, at 47 (describing a typology of systems). Conceptual systems are sometimes referred to as "pattern" systems. See *id.*

⁴See, e.g., *id.* at 55-57. "The abstracted system is a variable system-the units are variables and the relationships are relationships among variables." *Id.* at 56 (emphasis omitted).

Ушбу тизим ҳуқуқ билан боғлиқ эканлиги унда фақат давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳуқуқ рол ўйнаётганлигини англатади. Ҳуқуқий соҳадаги тизимларнинг намуналари ўз ичига жиноят одил судлови тизими, банкротлик тизими, фуқаролик ҳуқуқбузарлик тизими, банк тизими, шунингдек, хусусий мулк тизимини олади. Ушбу тизимларнинг ҳар бири давлат томонидан қабул қилинган меъёрлар уларни тартибга солиши, суд эса уларни бошқаришда бир қадар ўрин эгаллаши орқали ҳуқуқ билан боғлиқ бўлади. Мазкур тизимларнинг барчаси ҳуқуқ билан боғлиқ бўлишига қарамадан улар ҳуқуқий ҳисобланмайди, чунки уларнинг вазифалари ҳуқуқ билан дастлаб боғлиқ бўлмаган, шунингдек, ушбу тизимларнинг муҳим унсурлари табиатига кўра ҳуқуқий эмас.

Давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳуқуқ ҳукуматнинг турли индивидлар ва гуруҳларнинг ҳуқ-атворини назорат этиш бўйича энг асосий воситаларини ўзида ифодалайди.¹ Ҳуқ-атвор кўп ҳолларда бошқа воситалар орқали назорат этилиши мумкин. Одатда, жисмоний чоралар ҳуқ-атворни энг самарали ва амалий йўл билан назорат қилиш воситалари ҳисобланади.² Агар ҳукумат автомобил ҳаракатларини секинлаштириш истагида бўлса, у ҳолда тезликни чеклашни белгилаши мумкин. Муқобил вариант сифатида учар ҳайдовчилар бурилишларда тезликни камайтиришлари учун автострадаларда уйма тепаликлар ҳосил қилиши мумкин. Агар ҳукумат хусусий мулкни ҳимоя қилиш истагида бўлса, у ҳолда жисмонан киришнинг олдини олиш мақсадида девор тўсиқлар қуриши ёки жинояткор шахсни жисмонан тутиб олиш мақсадида полицияни ёнма-ён саф қилиб қўйиши

¹Some scholars define "law" more broadly to include "autonomous law," the means by which groups maintain social control over their members. See Walter Otto Weyrauch & Maureen Anne Bell, *Autonomous Lawmaking: The Case of the "Gypsies,"* 103 YALE LJ. 323 (1993). By whatever name known, autonomous law sometimes has the capacity to displace or override formal law. See *id.* at 382-85. But see W. Michael Reisman, *Autonomy, Interdependence, and Responsibility,* 103 YALE LJ. 401, 411 (1993) (arguing that "we need to know more about the relationship between autonomous law and the law of the state before we can say if and when one trumps the other"). Reisman's argument is undercut, however, by his failure to dispute any of Weyrauch and Bell's examples.

²Scholars have noted from time to time the possibility of substituting physical systems for law. See, e.g., Izhak England, *The System Builders: A Critical Appraisal of Modern American Tort Theory,* 9J. LEGAL STUD. 27, 69 (1980) (commenting that "the most promising way to reduce car accidents is by investing in the physical substructures of traffic").

мумкин. Агар ижтимоий таъминот чекларини ўғирлаш муаммо ҳисобланса, у ҳолда ҳукумат тўғридан-тўғри депозит жорий этиши мумкин. Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқ-атворга нисбатан жисмоний мажбурлов қўллашни ҳуқуқ ўрнини босувчи ҳолат сифатида кўриб чиқмасликлари туфайли улар маълум даражада эътиборсиз бўлиб қолади.

Кўпинча индивидларнинг ҳуқ-атвори ижтимоий гуруҳларда ўз-ўзидан¹, шунингдек, индивидларнинг бошқалар билан ўзаро яхши алоқаларни давом эттиришни истаги орқали юз берувчи “автоном ҳуқуқ”² билан мажбурлов этилган. Масалан, на ҳуқуқ, на суд тизими, ўғирлик қилиш ёки қарз тўлашдан бош тортишга қарши на жисмоний тўсиқлар ҳатто мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам кўплаб инсонлар ўғирлик ёки қарзларни қайтармасликдан барибир манфаатдор бўлмасликлари мумкин эди³. Расмий ҳуқуқ – бу жамият ташкил этадиган нарса эмас.

Ушбу ҳуқ-атворни назорат қилишга оид уч воситанинг ҳар бири, яъни жисмоний воситалар, автоном ва ҳукумат ҳуқуқлари рағбат ва мажбурлов йўли орқали маълум даражада бошқаради. Ҳар қандай одам ўз тезлик чегарасини ошириш имконияга эга, аммо бу жисмонан ноқулай бўлиб, бирор кишининг автомобилига зиён ҳам етказиши мумкин. Ижтимоий гуруҳнинг автоном ҳуқуқини бузган шахс ишончсизлик объектига айланиши мумкин. бунинг натижасида бизнесни йўқотиб қўйиш ёки ундан ҳам ёмон ҳолат юз бериши мумкин. Қонун бузилиши ўзи билан бирга ҳибсга олиш, айблов ва қамаб қўйишни олиб келиши мумкин. Ҳуқ-атворни назорат қилишга интилиб, яратилган рағбат ва мажбурлов воситалари кўпинча мураккаб бўлади. Тизим назорат остига олмоқчи бўлаётган шахслар тегишли мураккаб усулларда муносабат билдирши мумкин. Мен ушбу муносабат

¹See, e.g., John Umbeck, A Theory of Contract Choice and the California Gold Rush, 20 J.L. & ECON. 421 (1977) (describing spontaneous ordering of claims by miners).

²See Weyrauch & Bell, *supra* note 39, at 333-34. The concept is similar to that of "social norms" in the literature of sociology.

³See Robert C. Ellickson, *Order Without Law: How Neighbors Settle Disputes* (1991) (using game theory to explain the development of informal institutions and norms among cattle owners).

билдирилишини “юридик стратегия” сифатида кўрсатмоқчиман.¹ Юридик стратегиянинг ҳуқуқий соҳа тизимларини таҳлил қилишдаги ўрни 3 қисм Д бандида муҳокама қилинади.

Ҳуқуқ нисбатан қиммат бўлиб, ҳукумат учун ҳуқ-атворни назорат қилишнинг нисбатан хавфли усули ҳисобланади. Хатто энг оддий низони судда ҳал қилиш тахминан минг долларга тушади, мураккаб низоларни ҳал қилиш эса тахминан миллион доллар туради. Тизим харажатларни ўз зиммасига олган тақдирда ҳам промўлгация (ҳаммага эълон қилиш) ва ҳуқуқ ижросини назорат қилиш ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин. Тизим ҳукм чиқариши ва ушбу ҳукмларни мажбурлов қўллаш орқали ҳаётга татбиқ қилиши лозим. Қонун бузувчига нисбатан жазо қўллаш хавфи, одатда, юқори даражада мавҳум, муаммоли ва вақтинча йироқ ҳолатдир. Ҳукм чиқариш жараёни ва унинг ижроси адоватга олиб келиши, низони авж олдириб юбориши ёки оқибат натижада ҳукуматга қарши ғалаён кўтариб юбориши мумкин.

Қаерда ҳуқ-атворни жисмонан назорат қилиш технологияси мавжуд бўлса, одатда, ўша жойда ҳуқуқий назоратга қараганда арзонроқ, хавфсизро ва самаралироқ бўлади. Фақат жисмоний тизимлар номақбул бўлган ва автоном ҳуқуқлар ҳукумат хоҳиш-истагига зид келадиган жойда ҳуқ-атворни ҳукумат ҳуқуқи орқали назорат қилиш самарали бўлади. Ҳуқуқий соҳадаги тизимлар учун ҳуқуқ – бу энг сўнгги восита. Хулосалардан бири ҳуқуқ маълум даражада қурама иш бўлмай қолишидан иборат. Технология ўзига хос ҳуқ-атворни назорат қилиш учун воситалар тақдим этадиган жойда камдан-кам ҳолларда ҳуқуқдан фойдаланилади. Худди шу ҳолат

¹Legal strategy has gained increasing recognition in recent years. See, e.g., Douglass C. North, Institutions, Institutional Change and Economic Performance 4-5 (1990):

Conceptually, what must be clearly differentiated are the rules from the players. The purpose of the rules is to define the way the game is played. But the objective of the team within that set of rules is to win the game - by a combination of skills, strategy, and coordination; by fair means and sometimes by foul means. Modeling the strategies and the skills of the team as it develops is a separate process from modeling the creation, evolution, and consequences of the rules.

See also LoPucki, *supra* note 4, at 1522-28, 1533-41, 1545-49; Mark J. Roe, Corporate Strategic Reaction to Mass Tort, 72 VA. L. Rev. 1 (1986) (describing strategies); Weyrauch & Bell, *supra* note 39, at 382-85 (presenting a theory of the role of legal strategy in accommodating autonomously generated informal law to the system of state-made law).

ижтимоий меъёрлар муносиб назоратни таъминлайдиган зонада ҳам мавжуд. Фақат қолган бошқа ҳолатлар ўзида ҳуқуқ қўллаш соҳасини ифодалайди.¹

Инсон ҳуқ-атворини назорат қиладиган ҳар қандай тизим ҳуқуққа тегишли бўла олмайди. Баъзи тизимлар тўлиқ жисмоний ёки фақат ихтиёрий ҳамкорликка боғлиқ бўлади. Бу каби тизимлар ҳуқуқий соҳадаги тизимлардек худди ўша функцияларни бажаришлари мумкинлигига қарамадан, оддий бир сабаб туфайли бундай ҳисобланмайдилар, яъни улар расмий ҳуқуққа эга эмаслар.

Аниқ тизимларда ҳуқуқни ўрганиш чекланилиши камида учта ижобий жиҳатга эга. Биринчиси, тизим ҳаракатга келтирилиши ва тажриба йўли билан ўрганилиши мумкин, бу эса объектив борлиқни ўрганилишига олиб келади.² Иккинчиси, қисман мезонлар ҳар қандай таклиф этилаётган тизим ислоҳоти учун меъёрий эволюция учун мавжуд бўлади: агар ислоҳот амалга оширилаётган бўлса, тизим ўз мақсадига эришишда у ёки бу даражада қобилиятга эга бўладими? Учинчиси, аслида ҳар доим ўзини оқламаса ҳам тизимга оид функция ҳисобланувчи императив (қатъий талаб) ва у бир жойда кўп ҳолларда тизим қисмларининг табиатини назарда тутса, иккинчи жойда бевосита ўргана олмаслиги билан етарли даражада ўзини оқлайди.

Охирги ижобий жиҳат маълум аниқликлар киритилишини талаб этади. Ҳуқуқий соҳадаги тизимлар эътиборсиз қолдирилиши мумкин бўлмаган жисмоний борлиқ чегараси доирасида ҳаракат қилиши лозим.³ Масалан, мажбурият ҳаракатдаги бозорда маълум бир нарх билан савдолашади, суд ўз баёноти билан ўз нархини оширмаслиги аниқроқ.

¹Civil law probably makes a greater effort to be comprehensive. Yet, one can easily imagine subjects that have never become the subject of a law for the simple reason that the behavior that the law would control is already blocked by other means.

²Valuable insight may sometimes come from the study of matters that cannot be operationalized and investigated empirically. But that insight is for the most part limited to the person who has it. Unless a matter can be operationalized, neither science nor any other rational means of resolving differences about it can be brought to bear.

³See, e.g., FULLER, *supra* note 27, at 150 ("Coordination among the elements of a legal system is not something that can simply be imposed; it must be achieved. Fortunately, a proper sense of role, reinforced by a modicum of intelligence, will usually suffice to cure any defaults of the formal system.").

Суд, истеъмол жараёни ҳақида фикр билдиришига қарамасдан, ем ейдиган сигирнинг оғирлиги ошиб бораверади.¹ Судлар ўз ҳаракатларининг самараси тўғрисида ёлғон гапириши мумкин, бироқ ёлғон ҳуқуқий соҳадаги тизимларни уларнинг ўлчанадиган мақсадларига яқинлаштирмайди.

¹In dazzling displays of "junk science," courts have held that when cattle consumed feed that was a secured creditor's collateral, the feed did not become part of the mass of the cattle because "[o]nce eaten the feed not only loses its identity, but in essence it ceases to exist and thus does not become part of the mass in the sense that the code uses the phrase." First Nat'l Bank v. Bostron, 564 P.2d 964, 966 (Colo. Ct. App. 1977); accord Farmers Coop. Elevator Co. v. Union State Bank, 409 N.W.2d 178 (Iowa 1987). By the words "in the sense that the code [sic] uses the phrase ['become[s] part of the mass']," the courts signal that their holdings are limited to the world of legal concepts.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ МУММОЛАРИ

Н.БЕРДАЛИЕВ, СИЁСИЙ ФАНЛАР НОМЗОДИ,
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Моделлаштириш илмий тадқиқотнинг кенг тарқалган услубларидан ҳисобланиб, у объектни амалий ёки назарий тадқиқот этиш жараёнида объектнинг ўзи эмас, унга кўмаклашувчи тизимни (модел) ташкил этишга қаратилади. Жумладан, а) объектга нисбатан мувоффиқликда бўлиши, в) тадқиқот давомида моделлаштирилаётган объект тўғрисида маълумотлар бериши каби вазифаларни белгилайди.

Маълумки, илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида моделлаштириш долзарб услублардан бири бўлиб саналади, айниқса, у педагогик изланишларда кенг қўлланилиб келмоқда. Моделлаштириш услуби педагогик тадқиқотларда эмприк ва назарий таълимотларни бирлаштириш имкониятини беради, илмий абстрак ва мантиқий конструкциялар қурулишини, экспериментал педагогик объектлар жараёнини ўрганишни уйғунлаштиради. Ўқитувчи дарсни режалаштириш асносида кўп маротаба педагогик моделлаштириш тушунчасига дуч келади. Аммо, замонавий фанларни моделлаштириш масаласига еталича эътибор берилмаслиги туфайли таълим-тарбия самарадолигига эришиш борасида муаммоларга рўбару келинмоқда.

Албатта бугун инсоният маълум жараёнлар ва объектларни моделлаштириш борасида катта ютуқларга эришган, шу жиҳатдан педагогика соҳасида ҳам. Аммо моделлаштириш борасида аниқ ва қатъий нусхаларни шакллантириб бўлмайди. Фаннинг ривожланиш жараёнлари узликсиз бўлганлиги муносабати билан моделлаштириш жараёнлари ҳам узлуксиз саналади. Наъмунавий моделлар кўп ҳолларда таълим жараёнларида фойдаланилади. Модел объект ва жараёнлар фаолиятини нусха ҳолатида тасаввур қилиш имкониятини беради.

Бир сўз билан айтганда педагогик жараёнларни моделлаштириш мавжуд муоммони ҳал этишдаги фаолиятнинг турлари биринчи босқичда, ғоя, фикр,

таклифлар ишлаб чиқилса, иккинчи босқичда тахминий лойиҳалари ишлаб чиқилади. Учинчи босқичда унинг норматив асослари, яъни моделни тадбиқ этишнинг ҳуқуқий негизлари яратилади.

Замонавий педагогика ва дидактика моделлаштириш методларисиз маълум самарадорликка эриша олмайди. Педагогик тизимнинг таълим мазмуни, ўқув фаолияти барчаси моделлаштирилиши билан мақсадга эришади. Моделлаштириш методикаси илмини эгаллаш заруряти илмий билишнинг умумий ва педагогик талабларидан келиб чиқади.

Педагоглар мавжуд илмий ҳолатни турли моделлар асосида ўрганиши билан моделлаштириш ўқув материали воситаларига айланади. Ундан ташқари ўқув материалларини мантиқий тартибини ташкил этиш, маълумотлар шаклини етаказиш ва кўзланган мақсадларга эришиш имкониятини беради. Педагогикадаги мақсадли ёндашув нуктаи-назаридан моделларнинг қуйидаги турлари ажратилади:

- **ўқув модели** – кўргазмали қўлланма, таълим дастурлари;
- **тажрибавий модели** – лойиҳалаштирилаётган объектнинг кичик ёки катта ҳажмдаги нусхаси. Бундай моделларни макет моделлар сифатида истиқбол тадқиқот объектининг хусусиятларини ўрганиш учун қулланилади;
- **илмий-техникавий модел - воқеа ва жараёнларни ўрганиш учун ташкил этилади;**
- **ўйинли моделлар** – бу турли вазиятларда объектнинг ҳуқ-атворини ифода этувчи ва ташқи рақоботчиларнинг муносабатини аниқлашга ёрдам берувчи ҳарбий, иқтисодий, жисмоний, амалий фаолият ўйинлари;
- **ясама қиёсий модел – бу нафақат нисбатан аниқ реал моделни балки, қиёсини ҳам беради.** Реал вазиятда, унинг турли шароитларда натижавий оқибатларини ўрганиш, баҳолаш ва тажрибаларни такрорий

ўтказиш усули.¹

Педагогик моделлаштиришда лойиҳалаштириш "термин-ҳамкор" тушунчаси мавжуд. Лойиҳалаштириш бир қанча аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг барчаси педагогикага дахлдордир. Биринчидан, у ёки бу ҳужжат матнининг тахминий лойиҳаси. Иккинчидан, лойиҳа мақсадли фаолиятнинг бир дастур асосида бирлаштирилган ташкилий шакли, тадбирлар умумлашмаси. Мутахассислар мазкур ишлар лойиҳасини лойиҳалаштириш деб билмайдилар. Шу маънода таълимда тадқиқот фаолияти сифатида кўпроқ "лойиҳа" сўзи ишлатилади. Лойиҳанинг учинчи аҳамияти – бу объект ёки моделнинг тизимини конструкциялаш, режалаштириш, ишлаб чиқиш фаолиятини қамраб олади².

Шундай қилиб, лойиҳани ташкил этиш жараёни у ёки бу тизимнинг моделини тадқиқ этиш, ташкил қилиш, ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Лойиҳалаштириш жори этилажак моделдан фарқли ўлароқ келажак жараёнлар учун режалаштирилади.

Лойиҳалаштириш ва конструкциялаш нисбатан шартли ўзига хос хусусиятларга эга. Фарқлар шундаки, лойиҳалаштириш маълум ҳужжатларда (қоғозда, кампютерда) бўлса, конструкциялаш моддий реал лойиҳалаштириш фаолиятининг маҳсули³.

Педагогик лойиҳалаштириш назарияси прогнозли модели негизида мақсадларни аниқлаштириш ва ресурслар тақсимотини оптималлаштириш билан ажралиб туради; концептуал модел - бу ҳаракатлар дастури ва инфор­мацион маълумотлар базасига асосланади; инструментал модель - бу унинг ёрдамида педагогик воситалар билан педагогларни ўқитиш ва фаолият ижроси услублари билан таъминлаш демакдир; мониторинг модел – бу

¹ Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность) [Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». - Режим доступа: http://www.msmuka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i.doc.htm.

² Ясвин, В. А. Образовательная среда: от моделирования к проектированию [Текст] / В.А. Ясвин. — 2е изд., испр. и доп. — Москва : Смысл, 2001. — 26 с.

³ Дахин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Дахин. - Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. - 23 с.

режалаштирилган натижалардан чекинган имкониятларни тартибга солишнинг қайта механизмларини ташкил этиш; рефлексли модел – бу инобатга олинмаган вазиятларнинг вужудга келишида қарорлар қабул қилишни ташкил этиш масалаларини қамраб олади¹.

Лойиҳалаштириш педагогик амалиётнинг муҳим ижодий фаолият турларидан саналади. Улар прогнозлаштириш, моделлаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш ва бошқариш компонентларини қамрам олгандагина самарали натижа беради. Лойиҳалаштириш таълим муаммолари ва вазифаларини ечишдаги комплекс ёндашувларни талаб қилади. В.М.Монахов педагогик лойиҳалаштиришнинг тўрт натижавий имкониятларини белгилайди: 1) педагогик тизим; 2) таълимни бошқариш тизими; 3) методологик таъминот тизими; 4) таълим жараёнларини лойиҳалаштириш. Биринчи босқичдаги лойиҳалаштириш қуйидаги экспертиза йўналишига асосланиши керак: лойиҳа ғояси, амалга ошириш жараёни, кўтилаётган натижалар, лойиҳани оммалаштириш ва истиқбол ривожини таъминлашдан иборат².

А.Н. Дахин фикрига кўра, “моделлаштириш” ва “лойиҳалаштириш” тушунчаларини қиёслаш унинг умумий мазмун касб этишини англатади. Яъни лойиҳа тизим сифатида тизим ости модели бўлиб ҳисобланади ва аксинча, лойиҳанинг ўзи кичик моделлардан ташкил топган.³ Таъкидлаш лозимки, лойиҳалаш хусусий моделларни ташкил этиш эҳтимолини илгари сўради, моделлаштириш ўз навбатида элементлар йиғиндисидан ташкил топади ҳамда лойиҳалаштириш назариясини қамраб олади.

Педагогиканинг дидактик бўлимини моделлаштиргга аҳамият қаратар эканмиз, конструкциялаш, чизмалардан фойдаланиш, тегишли формуллари

¹ Богатырев, А.И. Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность) [Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». - Режим доступа: http://www.msmuka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i.doc.htm

² Монахов, В.М. Педагогическое проектирование - современный инструментальный дидактических исследований [Текст] / В.М. Монахов // Школьные технологии. - 2001. - № 5. - С. 75.

³ Дахин, А. Н. Педагогическое моделирование [Текст] : монография / А. Н. Дахин. - Новосибирск : Изд-во НИПКиПРО, 2005. - 35 с.

белгиламасдан – бир сўз билан айтганда моделлаштирмасдан таълим назариясини қўллаш самарадорлиги паст бўлади. Дидактекани моделлаштиришда ўқув материалларини, ўқув жараёнларини режалаштириш, билим олиш фаолиятини бошқариш, тарбиявий жараёнларни ташкил этиш, диагностика, прогнозлаш, ўқувни лойиҳалаштириш мувоффақиятли тарзида қўлланилмоқда. Ҳар қандай умумтаълим жараёни моделга эҳтиёж сезади. Математика ва физикани формула ва чизмаларсиз, ўзбек тили ва чет тилларини грамматикасини конструкция белгиларисиз, биологияни макетлар ва турли структурасиз ўргатиб бўлмайди.

Хулоса сифатида педагогик моделлаштиришнинг асосий босқичларини келтирамиз:

- 1) жараёнга кириш ва моделлаштириш учун методологик асосни танлаш, тадқиқот предметини сифатли таърифлаш;
- 2) моделлаштиришнинг вазифасини белгилаш;
- 3) тадқиқот объекти ўртасидаги асосий элементларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, объектнинг баҳолаш меъзонлари параметрларини белгилаш орқали моделни конструкциялаш;
- 4) белгиланган вазифани амалга оширишда моделининг валидлиги тадқиқ этиш;
- 5) педагогик экспериментда моделни қўллаш;
- 6) моделлаштириш натижалари мазмунини ифода этиш.

Моделлаштиришни қўллаш ўқув-тарбиявий жараёнларнинг моҳиятини кенгроқ англаш, назарий тадқиқот асосларини кенгатириш имкониятларини очади. Педагог-тадқиқотчи мустақил равишда модел ишлаб чиқиши мумкин: ўқув жараёнини оптималлаштириш, структурасини такомиллаштириш, мустақил билиб олиш услубларини тадбиқ этишга қаратилган фаолиятни такомиллаштириб боради. Моделлаштириш методлари педагогик фанлар олдида педагогик жараёнларни математизациялаш имконияларини очади ва у ўзида улкан салоҳиятга эгалигини намоён қилади.

ҲУҚУҚШУНОСНИНГ ИНФОРМАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М.ЮНУСОВА, ТДЮУ ХУҚУҚИЙ ИНФОРМАТИКА ВА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ
КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

Бутун дунёда таълим зарур фактор сифатида қаралмоқда. Таълим инсон яшаётган муҳитнинг ажралмас бир қисмидир. Шу муҳитда яшаб бир томондан унинг қадрини, талабларини ўрганади ва шу муҳитга мослашади, иккинчи томондан ўзининг шароитига мослаб муҳитда ва дунё миқёсидаги ўзгартиришлар киритади.

Таълим на фақат оламни билишни ўргатади, балки шахсни индивидуал ривожланишини, такрорланмайдиган ҳолда шаклланишини таъминлайди.

Таълим тизимини ташкил қилувчи бир неча тизимлар мавжуд. Булар ўқитиш тизими, методик тизим ва педагогик тизим. Уларни таҳлил қилиш вақтида бу тизимларни объект ва субъектларини аниқлаб олиш зарур. Йўналишидан келиб чиқан ҳолда ўқитиш тизимининг компоненталари танланади. “Информатика ва ахборот технологиялар” курсини ўқитишда биринчи навбатда кимга ўқитилаётганига аҳамият бериш лозим. Қайси йўналиш талабаси эканлиги жуда муҳим роль ўйнайди. Бунда восита сифатида йўналишига оид дастурий воситалардан, тарқатма материяллардан, автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш лозим.

“Таълимни ...компьютерлаштиришни тўхтатиб бўлмайди, таълимда компьютерни қўллаш, - деб ёзган эди Е.И.Машбиц, - бу орқага қайтмайдиган жараён. Бу ўз-ўзидан амалга ошади дегани эмас. Унинг ҳаракати маориф тизими билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган олимлар, ўқитувчилар, янги ҳисоблаш техникаси ва дастур таъминотини яратувчиларга кўпроқ боғлиқ”. Педагог яратувчи, яъни педагогик тизимни, муҳитни ярата билиши керак. Ҳуқуқшунослар учун баъзи бир мавзуларни соҳасига боғлаган ҳолда дарсни ҳуқуқий муҳит яратилган ҳолда ўтиш мисолларида кўриш мумкин.

1. Информацион фаолият тўлиқ циклининг алгоритмидан ҳуқуқий муаммо устида таҳлилий ишни ташкил этиш учун мўлжал сифатида фойдаланиш.

2. Кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муаммонинг асосий тушунчалари ва атамаларини аниқлаб вазифани ва иш натижаларини қайд этиш учун мўлжалланган иерархиявий иш папкасини структуралаштириш.

3. Иқтибослар келтириш ва библиографик рўйхатларни тузиш технологияси.

4. Иш папкаси негизида якуний ҳужжатларни жамлаш технологияси.

1–топшириқ. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ҳуқуқий ахборот турлари:

1.1. Норматив ҳуқуқий ахборотга хос бўлган асосий белгилар.

1.2. Эталон ҳуқуқий ахборот манбалари.

1.3. Давлат ҳуқуқий ахборот манбалари.

1.4. Ҳуқуқий социологик ахборот.

1.5. Ҳуқуқий статистик ахборот.

2–топшириқ. Ҳуқуқий–ахборот воситалари имкониятлари

2.1. Ҳуқуқий ахборот билан ишлаш замонавий компьютер технологиялари.

2.2. Ҳуқуқий–ахборот тизимларининг асосий жиҳатлари ва имкониятлари.

2.3. Замонавий юридик дастурий воситалар бозорининг тавсифи.

2.4. Ҳуқуқий–ахборот тизимини оптимал танлаш мезонлари.

3–топшириқ. Ҳуқуқий ахборотлар тизими воситалари билан ҳуқуқий муаммо устида ишлаш

3.1. Ахборот тизимининг тузилиши.

3.2. Сўров шаклининг турли майдонларида ҳужжатларни қидириш.

3.3. Мураккаб қидирув.

3.4. Ҳужжатларнинг рўйхатлари билан бажариладиган амаллар.

3.5. Ички манбалар билан ишлаш.

- 3.6. Олинган ҳужжат матнини турли форматларда сақлаш.
- 3.7. Ҳужжат матнини таҳлил қилиш. Контекстли қидирув.
- 3.8. Корреспондентлик алоқалари.
- 3.9. MSWORD билан биргалашиб ишлаш технологияси.
- 3.10. Сўровлар тарихи.
- 3.11. Чоп этиш параметрларини ростлаш.
- 3.12. Ички базаларда ишлашнинг хусусиятлари.

Умумлаштирувчи ҳужжатларни яратиш.

Ҳукукий ахборот билан ишлаш борасидаги айрим амалларни ўз ичига олган намунавий вазифаларни ечиш ҳукукий ахборот информацион блокларидан фойдаланишга таянади. Бу ҳукукий цикл фанлари билан ўзаро алоқаларни амалга ошириш имконини беради, мазмуннинг касбий йўналтирилганлигини таъминлайди ва таълим жараёнида талабаларда ўқишга рағбатни кучайтиради. Назарий қисм ҳам фанлараро алоқаларни ўрнатиш жараёнида ишга солинади, зеро талабалар амалда ишлайдиган ахборот бирлиги – *ҳужжат* биринчи курсдан бошлаб махсус фанлар доирасида ўрганилади.

Олий ўқув юртларида юридик ихтисослик бўйича таълим олаётган талабаларга касбий йўналтирилган информатика курсидан таълим бериш методик тизимини амалга оширишда таълим методларини танлашга нисбатан комплекс ёндашувдан фойдаланиш мумкин.

Тушунтирувчи–иллюстратив методдан маъруза машғулотларида фойдаланиш тавсия этилади.

Проектор қурилмасидан фойдаланишга асосланган тушунтирувчи–иллюстратив методдан амалий машғулотларнинг кириш қисмида ҳукукий ахборот тизимлари интерфейси билан таништириш ва ишнинг асосий усуллари кўрсатиш учун фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммоли метод маъруза материални баён этиш учун мўлжалланган. Амалда синаш натижалари бу метод ўқув материалнинг мураккаб қисмини баён этиш учун айниқса самарали эканлигини кўрсатди. Махсус ишлаб

чиқилган вазифалар тизими асосида амалий машғулоти ташкил этиш учун мақсадлар иерархиясига мувофиқ вазифалар тизими ишлаб чиқилди. Ҳар бир мавзу учун ўқув вазифалари шундай тузилганки, ҳар бир талаба оддийдан мураккабга сари ҳаракатланиш асосида амаллар занжирини бажарсин, ҳуқуқий ҳужжатлар билан информация фаолият тўлиқ циклининг барча босқичлари: ҳужжатларни қидириш, иш натижаларини сақлаш ва қайд этиш, ҳужжатларнинг рўйхатларини таҳлил қилиш, ҳужжатларнинг матнларини таҳлил қилишни маромига етказсин. Топшириқлар бир неча вариантларда тузилган ва мустақил ишлаш учун мўлжалланган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Е.С.Полат Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебное пособие/ Под ред..-М.: Издательский центр «Академия»,2001.-272 с.
2. Машбиц Е.И. Психолого–педагогические проблемы компьютеризации обучени. – М.: 1988. – 192 с.
3. Мухаммадиев Ж.У.,Юнусова М.С. Анализ области информационной деятельности юриста // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ва ёшлар ҳаётида ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлиги масалалари мавзусидаги илмий–назарий конференция материали. – Тошкент. ТДЮИ, 2008. – Б 4–6.

ПЕДАГОГИКАДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Т.АЛИМАРДОНОВ, СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Инсонни ўраб турган дунё кенг қамровли ва тез ўзгарувчан. У ўзини ташкил қилувчи мураккаб тизимлардан ташкил топган ва унда эволюцион қонуниятларни англаш, идрок этиш осон эмас, албатта. Айнан шу сирли оламда инсон, миллат ўз мавжудлигини таъминлашга интилиб яшайди. Кимлардир барқарор, фаровон, кимлардир ўртача, яна кимлардир кун ўтказиш илинжида. Лекин инсон руҳиятдаги муносиб яшашга бўлган

интилиш устувор туйғуки, уни тараққиёт сари етаклайди. Шу маънода бахт ва орзу-умидларга интилган жамиятларда индивид “нима, нега, нимага, нима учун, қандай, қаердан” деган долзарб саволларга жавоб ахтаради. Борлиқнинг моҳиятини билишга ва унда ўзининг мавжудлик сирларини очишга интилади. Инсон табиат сирларини очиш баробарида ўзининг ҳамда яшаб турган жамиятнинг ҳам имкониятларини билишга эришади. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш муаммоларни ҳал этиш йўлига олиб чиқади.

Шу жиҳатдан, ривожланишнинг бирдан-бир омили бу халқлар томонидан эришилган илм-фан маданияти даражаси ҳисобланади. Маданиятлар кенг маънода қадриятлар тизимини, ижтимоий институтлар мазмунини, бошқарув маҳоратини, техника ва технологиялар кашфиётини, фан-таълим тараққиёти мажмуини ташкил қилади.

Кўриб турганимиздек, маданият, мафкура, фан-таълим ижтимоий муносабатлар яхлитлигида жамиятнинг маълум ривожланиш тизимини вужудга келтиради. Бу тизимининг асосини эса педагогика шакллантиради. Зеро, фақат педагогика орқали биз маконнинг моҳиятини англаймиз ва замоннинг муҳитини яратамиз. Ундан чиқди, педагогика бу нафақат кимгадир таълим бериш, балки, борлиқни англаш, мавжудликни таъминлаш, миллатнинг қиёфасини (кодини) яратиш ва истиқболга интилиш воситалари демакдир. У билимлар орқали миллий ўзликни англатади, мақсадларни шакллантиради, истиқбол мақсадларни белгилайди.

Президент Ш.М.Мирзиёев таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз эканлигига эътибор қаратиб - “Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аجدодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши,

жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”¹ деб, бу бордаги ишларимизнинг долзарб, айти пайтда масъулиятли жиҳатларини таъкидлаб ўтадилар.

Дарҳақиқат, жамиятда таълим-тарбияга миллат саодати масаласи сифатида аҳамият қаратмаслик ёхуд унинг талабларини ҳисобга олмаслик инсон учун хавфли ва жамият учун ҳатарлидир. Жамиятда объектив ва реал эҳтиёжларни қондирувчи таълим-тарбия тизимининг мавжуд бўлмаслиги, ривожланиш мақсадларининг мавҳумлигига олиб келади. Бунда стихияли, ўзибўларли тарзида ривожланишнинг йўлини излаш тарихий имкониятнинг бой беришга, табиий ресурсларнинг бесамар сарф қилинишига тенг. Ўтмишда собиқ иттифоқ тузумининг сиёсати бунга ёрқин мисол. Фақат мустақилликдан сўнг миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган таълим-тарбия тизими миллатни ягона, эзгу мақсадлар атрофида бирлаштиришга, жамиятда идеал ғояларни яратишга, замонавий, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Аммо, интеграцион жараёнларнинг шиддати, тез ўзгарувчан ижтимоий-сиёсий воқеликлар жамиятда инновацион-технологик ёндашувларни муттасил такомиллаштириб бориш, жамият бошқарувининг самарали услуб-воситаларидан фойдаланиш халқаро ҳамжамятда ривожланиш одимларидан ортда қолмаслик каби вазифаларни замон даъвати сифатида белгилаёттики, ундан ортда қолиш кўплаб муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу маънода, бугунги долзарб вазифалар сирасига жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш муаммоларини яхлит, ичзил, ягона тизим асосида алоҳида ўрганиш, жамият учун шаффоф ва аниқ мақсадларни белгилаш, ислохотлар қадамини мунтазам тафтиш этиш, унинг самарали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2016. 8 декабрь

тадбир-қарорларини шакллантиришга, аҳолининг ижодий ва бунёдкор ташаббусини ривожлантиришга, мустақил фаолиятини рағбатлантиришга қаратиш муҳим вазифалар қаторига киради. Жумладан, стратегик мақсадлар тактик услубларга мос келиши, рационал ечимларни танлай олиш, фаолиятнинг турли даражаларида дастурий режаларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш, муаммолар кўламидан чўчимаслик, улар ечимини таъминлашга қаратилган илмий асосланган ва фойдаланишга жорий этиш мурватлари билан қуролланган ягона жамият тизимини вужудга келтириш билан юксалади.

Шу маънода педагогик тизимли таҳлил назарияси таълим-тарбиянинг моделини такомиллашиб боради. Унинг аниқ методологияси турли фанлар синтезидан таркиб топган таҳлил бўлиб, табиат ва жамият муаммоларини ҳал этишга ихтисослаштирилади. У хилма-хил методлар орқали муқобил қарорларни тайёрлашга, асослашга, муаммоларни ҳал этишга қаратилган жараёнларни бирлаштиради, тавсия ва хулосалар беради. Зеро, даврнинг ўзи инсонлар олдига янги вазифаларни ечимлари билан берадики, уни англаш, билиш, ҳал этиш жамиятда қарор топган таълим-тарбия тизимининг мазмунида ётади. Шунинг учун педагогикада тизимли таҳлилнинг методологик асослари тобора ўсиб келаётган давр ва ижтимоий муносабатлар талабларидан келиб чиқиб, ўз технологиясини мувоффиқлаштирилишини талаб қилади.

Навбатдаги вазифа, педагогик технологиянинг миллий моделини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлида ўқув фанларнинг барча турдаги машғулотлари лойиҳаларини тузишдир. Лойиҳалаш асосида ўқитиш назарий жиҳатдан тўла асосланган бўлиб, бугунги кунда уни таълим жараёнига татбиқ этиш энг долзарб масаладир. Шу ўринда миллий модел ва уни лойиҳалаштириш қандай омиллардан ташкил топиши лозим деган саволга жавоб топиш билан аслида таълим-тарбиянинг мақсади ойдинлашади. Бу биринчи навбатда миллий-маънавий, тарихий-адабий, ижтимоий-сиёсий меросимизни таълим-тарбия жараёнларига сингдиришни

такомиллаштириш, педагогик технологиялар асосида лойиҳалаштиришнинг амалий самарадорлигига эришиш, қадриятларни англаш, тушуниш, тадбик этиш вазифаларини юклайди. Таълим тизимини ривожлантиришдан кўзланган мақсад ёш авлоднинг мустақил, эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, уни жамият манфаатлари билан ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда тарбиялашга эришиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва касбий компетентлик сифатларига эга бўлишини таъминлаш масалаларини ижобий ҳал қилиш мақсадлари ётади.

Лекин, бугунги муаммоларимиз шундан иборатки, таълим-тарбия мазмуни ва педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиғининг ўзвий алоқадорлиги – назария билан амалиёт ўртасидаги муаммолар кўзга ташланади. Бунинг сабаби, биринчидан, миллий меросимизни муҳим аҳамиятини англаш ва педагогик таълим-тарбия жараёнлари истеъмолига киритишдаги замонавий педагогик технологияларнинг назарий асослари анча замондан орқада қолаётганлиги бўлса, иккинчидан, педагогик олимларимиз ва ўқитувчиларни педагогик мажмулар назариясини эгаллаб олмаганлигида деб тушунириш мумкин. Мажмулар назариясини тўлиқ билмаган киши, педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятига тушуниб етмайди. Бугунги кундаги синергетик дунёқараш ва унинг таркибий қисми бўлган, бутун борлиққа мажму **сифатида** ёндашув тамойилини билмай туриб, педагогик технологияни амалиётга сингдириб бўлмайди¹.

Педагогикада тизимли таҳлил нисбатан ёш ва айни пайтда, шиддат билан ривожланаётган фан. Шиддат билан ривожланишининг сабаби таълим-тарбияга қўйилаётган талаблар кўлами илм-фанга мураккаб вазифаларни ечишга, тизимли лойиҳаларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги билан белгиланади. Шундай қилиб, педагогикада тизимли таҳлилга бўлган зарурат ривожланиб келаётган техника ва фан даражаси,

¹ Тожиев М, Зиёмуҳаммадов Б Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига тадбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. Т.: "MUMTOZ SO'Z", 2010й, 4-б.

жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, талаб ва эҳтиёжларнинг ўсиб бориши сабаб бўлмоқдаки, назарий таълимотларни амалиёт ортида қолдириш жамият ривожини турғунликка олиб келишга сабаб бўлади.

Таълим-тарбиянинг мақсади инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга, унинг муносиб мавжудлигини таъминлашга ёрдам беришидир. У нафақат яшаётган жамиятга керакли аъзо бўлиб, балки ўз индивидуал қобилияти ва имкониятларидан фойдаланиш билан жамиятда ўз ўрнини топиш бахтига муяссар бўлиши муҳим аҳамият касб қилади. Зеро, жамиятнинг серқирра хусусиятлар эҳтиёжи ва шахснинг турли индивидуал қобилияти шу омиллар уйғунлиги орқали барқарор ривожланиш омиллари таъминланади. Бунда аниқ касбий фаолиятни амалга оширишда махсус маълумотларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур омиллар нима иш билан шуғулланмайлик агар биз мувоффақиятга эришишни истар эканмиз табиат ва жамият қонуниятлари билан уйғунликда яшаш маданиятини шакллантиради, бу ўз навбатида жамиятда истеъмолчиларни эмас, бунёдкор шахсларни етиштириш имкониятларимизни кенгайтиради. Шу маънода педагогикада тизимли таҳлил заруратини англаш жамият муаммоларини ҳал этишга қаратилган мувоффақиятсизликларни чеклайди.

OBRAZLARNI ANGLASH MASALALARIDA INTERVAL USULLARI YORDAMIDA LATENT ALOMATLAR BO'YICHA YASHIRINGAN QONUNIYATLARNI IZLAB TOPISH

G.MATLATIPOV, DOTSENT URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI,
J.MATTIYEV, O'QITUVCHI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Annotatsiya. Klassifikatsiyalangan obektlar alomatlarini qiymatlarini intervallarga bo'lish uchun optimal chegaralarni sonli algoritmi taklif qilinadi. Algoritm o'lchash mashtablariga invariant uni intuitiv qaror qabul qilishga modellashtirish jarayoni uchun latent(aniq o'lchanmagan) alomatlarini berilganlar bazalarida izlanishda foydalanish mumkun.

Kalit so'zlar: Intervallarga bo'lish, intervallar chegaralarini optimal qiymatlari, intervallarga bo'lish turg'unliki, Latent alomat.

1.Kirish.

Berilganlar taxlilining xar xil algoritmlarida miqdor ko'rsatkichlari qiymatlarini intervallarga ajratish keng qo'llaniladi. Intervallarga ajratish usullari xozirgacha ikkitasi yaratilgan. Miqdoriy alomatlar qiymatlari amaliy statistikada qoidadek oldindan berilgan teng intervallar soniga bo'linadi. Bunga misol tariqasida gistogrammalar ko'rinishi, detsil va protsentil bo'laklashni ko'rsatish mumkun. O'qituvchi o'brazini anglash nazariyasida xam intervallarga bo'lish masalasi ko'rib chiqilgan. [1] da shunday usul bayon etilganki, unda intervallar soni va taqsimlash haqidagi qonun taxlillarga asoslanadi. Bu usul evristik hisoblanadi, intervallarga bo'lish uchun, obektni u yoki bu entropiya sinfiga kiruvchi ekanligining noaniqlik o'lchovi qo'llaniladi, bo'lish bo'lmasligi mumkun. Optimallashtirishning sonli usullarini qo'llash, modelning parametrlarini tanlab olishga imkon beradi. Bunda anglash algoritmlar berilganlari o'rgatuvchi to'plamda eng kam hatolarga yo'l qo'yadi. Anglash modelini amalga oshirish va tanlangan oraliqni taxmin qilish usuli tavakkalni pasaytirish nomini oldi. Modelni murakkabligini oshirish xamma vaqt ham yaxshi emas chunki optimal algoritmlar aniq berilganlarga yaxshi moslasha boshlaydi, shu jumladan o'rganish to'plam o'lchoviga va modelning o'zini xatolikiga ham moslasha boshlaydi. Suniy neyron tarmoqlar nazariyasida modelni anglash murakkabligi umumlashtirishga qobiliyati orqali ifodalanadi. Suniy neyron tarmoqlar algoritmlaridan faqat ular o'rganish masalalarini yaxshi yechish uchun emas, balki o'rganish jarayoni davomida ko'rmagan obektlarida ham yaxshi qaror qabul qilishi xam talab qilinadi. Bu maqsadlarga berilganlarning intellektual tahlili ning yangi usullarini yaratish xizmat qiladi, yechiladigan masala to'g'risida yangi bilimlarni olishga va foydalanishga imkon yaratadi va shu jumladan ixtiyoriy ruhsat etilgan obektlar uchun Suniy neyron tarmoqlar algoritmlari aniqligini oshirish uchun foydalanishga imkon yaratadi.

Ishda bayon etilgan algoritm mashtab o'lchoviga invariant, balki quyidagicha foydalaniladi:

- Intuitivqaror qabul qilish jarayonini modellashtrish uchun berilganlar bazasida latent(aniq o'lchanmagan) alomatlarni qidirish;
- Eng kam axborot yo'qotish orqali miqdoriy alomatlar qiymatlarini nominalga o'zgartirish;

Xar xil turdagi informative alomatlar to'plamini tanlash.

Hisoblash xajmini kichraytirish uchun Berilganlarni qayta ishlashni o'tkazish taklif qilinadi

2.Masalaning qo'yilishi.

Interval usuli berilganlarning intellektual taxlili masalalarida yashiringan qonuniyatni topish uchun ishlatiladi. Obrazlarni anglash standart masala qaraladi. Bizda $E_0 = \{S_1, \dots, S_m\}$ toplam K_1 va K_2 kesishmagan klasslarga ajratilgan. Xar bir obekt uchun, miqdoriy alomatlar qiymati $X_n = (x_1, \dots, x_n)$ toplamdan olingan. Xar bir $X_i \in \{X_n\}$ uchun alomatlarni kesishmaydigan intervallarga ajratadigan R operator aniqlangan.

Talab qilinadi har bir miqdoriy alomatlarni 2 ta kriteriya orqali intervallariga ajratish va natijalarni solishtirish.

Bu masalani yechishda 1-kriteriya sifatida ya'ni har bir miqdoriy alomatlarni ustunlilik intervallariga ajratish uchun quyidagi kriteriyadan foydalaniladi.

$$\frac{d_t(u,v)}{|E_0 \cap K_t|} - \frac{\overline{d_t(u,v)}}{|E_0 \cap CK_t|} \rightarrow \max_{\Omega} \quad (1)$$

Bu kriteriyada (u,v) -ustunlik intervali $d_t(u,v)$ - shu intervaldagi t-klass vakillarining soni, K_t berilganlardagi t-klass vakillari soni, $t=1,2$ bundan ko'rinib turibdiki interval maksimal qiymatga erishishi uchun shu intervalda o'zini klass vakillari soni ko'p bo'lishi kerak. Har bir interval uchun tegishlilik funksiyani qiymatlari quyidagi formula yordamida topiladi.

$$f_{ci} = \frac{d_1(u,v)}{|K_1|} / \left(\frac{d_1(u,v)}{|K_1|} + \frac{d_2(u,v)}{|K_2|} \right)$$

Shu f tegishlilik funksiyasi yordamida turg'unlikni aniqlashda quyidagi

$$g_c = \frac{1}{m} \sum_{\{[r_{c_u}, r_{c_v}]\}} \begin{cases} f_{ci}(v-u+1), & f_{ci} > 0.5, \\ (1-f_{ci})(v-u+1), & f_{ci} < 0.5, \end{cases} \quad \text{formuladan foydalanish tavsiya etiladi.}$$

Turg'unlik $(0,5..1]$ oraliqda bo'ladi.

2-kriteriya sifatida har bir miqdoriy alomatlarni klasslar soni bo'yicha intervallariga ajratish usuli qaraladi.

Bunda o'sish tartibida joylashtirilgan $x_j, j \in I$ alomat qiymatlarini ikkita $[c_1, c_2], (c_2, c_3]$ intervalga ajratiladi va ularning har biri nominal alomatlar gradatsiyasi sifatida qaraladi. c_2 chegaralarini belgilash kriteriyasi kompaktlik gipotezasiga asoslanadi.

Quyidagi kriteriya $[c_1, c_2], (c_2, c_3]$ intervallar o'rtasidagi chegaralarning optimal qiymatini xisoblash va ularning miqdoriy alomatlar qiymatlarini nominal shkalada ifodalash imkonini beradi.

$$\left(\frac{\sum_{i=1}^2 u_i^1 (u_i^1 - 1) + u_i^2 (u_i^2 - 1)}{\sum_{i=1}^2 |K_i| (|K_i| - 1)} \right) \left(\frac{\sum_{d=1}^2 \sum_{i=1}^2 u_i^d (|K_{3-d}| - u_{3-i}^d)}{2|K_1||K_2|} \right) \rightarrow \max_{\{A\}}$$

(2)

Formuladagi chap qavs ichidagi ifoda sinf ichidagi o'xshashlikni ifodalasa, o'ng qavs ichidagi ifoda sinflararo tafovutni ifodalaydi. Bu yerda $x_j, j \in I$ miqdoriy alomatlar ikkita kesishmaydigan intervallar ajraladi $[c_1, c_2], (c_2, c_3]$. u_i^1, u_i^2 - $[c_1, c_2], (c_2, c_3]$ intervaldagi $K_i, i=1,2$ klassdagi alomatlar soni. $K_i, i=1,2$ berilganlardagi i -klass vakillari soni Bu kriteriya orqali kompaktlik gipotezasini tekshiramiz. Kompaktlik gipotezasi bu tanlangan oraliqda o'zini klass vakillari qanchalik ustunlik qilayotganini aniqlash.

Kriteriyadan foydalanganda algoritmnining murakkabligini pasaytirish uchun dastlabki qayta ishlashdan foydalanish taklif etiladi.

D matritsani qurish orqali algoritmnining murakkabligini keskin darajada pasaytiramiz, D matritsa quyidagi formula yordamida topiladi.

$$D = \begin{pmatrix} d_{10} d_{11} \dots d_{1m} \\ \dots\dots\dots \\ d_{l0} d_{l1} \dots d_{lm} \end{pmatrix}, \quad d_{pi} = \begin{cases} 0, i = 0, \\ d_{p,i-1} + g(p,i), i > 0, \end{cases} \quad \text{bu yerda } g(p,i) = \begin{cases} 1, S \in K_p, \\ 0, S \notin K_p. \end{cases}$$

Bu yerda $d_{pi}, p = \overline{1, l}, i = \overline{1, m}$ element ustunning indexi S obektga tegishli $x_j, j \in I$ alomatning qiymati bilan mos keladi.

3.Hisoblash eksperimenti.

Bu masalada xisoblash eksprimentini metidsina vakillaridan olingan “Gipertaniya” [1] berilganlarida o’tkazdim. Bunda 147 ta obektning har biri 29 ta miqdoriy alomatlari bilan berilgan va ular ikkita kesishmaydigan K_1 va K_2 klasslarga ajratilgan(K_1 -sog’ odamlar va K_2 -kasal odamlar). Ba’zi miqdoriy alomatlarni ustunlik intervallariga ajratish(1-kriteriya bo’yicha) natijalari 1-jadvalda ko’rsatilgan. Ba’zi miqdoriy alomatlarni klasslar soni bo’yicha intervallarga ajratish(2-kriteriya bo’yicha) 2-jadvalda ko’rsatilgan.

1-jadval: Ba’zi miqdoriy alomatlar ustunlik intervallariga ajratilgan

Alomat nomi	Ustunlik Intervallari	Turg’unliki
Qon bosimi (yuqori)	[90..140]	0.97
	[150..220]	
Qon bosimi(pastki)	[60..80]	0.94
	[85..130]	
RR interval	[0.6..0.7]	0.81
	[0.72..0.88]	
	[0.9..0.1]	
	[1.04..1.08]	
	[1.12..1.28]	

Yosh	[17..42]	0.88
	[43..80]	

2-jadval: Ba’zi miqdoriy alomatlar klasslar soni bo’yicha intervallarga ajratilgan

Alomat nomi	Ustunlik Intervallari	Turg’unlik
Qon bosimi (yuqori)	[90..140]	0.93
	[150..220]	
Qon bosimi(pastki)	[60..80]	0.91
	[85..130]	
RR interval	[0.6..0.76]	0.25
	[0.78..1.28]	
Yosh	[17..45]	0.61
	[46..80]	

Natijadan xulosa qiladigan bo’lsak Qon bosimi(yuqori) alomati (1) va (2) lar bo’yicha bir xil 2 ta intervalga ajralgan va uning turg’unlik mos ravishda 0.97 va 0.93 ga teng. Demak bu alomat juda yaxshi alomat ekan. Qon bosimi (pastki) alomati ham 2 ta kriteriya bo’yicha bir xil 2 ta intervalga ajralgan va deyarli bir xil turg’unlikka teng bo’lgan. RRinterval alomati (1) bo’yicha 5 ta ustunlik intervaliga ajralgan va uning turg’unlik 0.81 ga teng va (2) bo’yicha 2 ta intervalga ajralgan 0.25 turg’unlik bilan. Bu alomat (1) da 5 ta intervalga ajralganiga qaramay uning turg’unlik (2) ga qaraganda yaxshiroq bo’lgan. Yosh alomati ham 2 ta intervalga ajralgan. Bu alomat ham (1) da (2) ga qaraganda yaxshiroq turg’unlikni beryapti. Bundan ko’rinib turibdiki natijalarga ko’ra “Gipertaniya” berilganlarida 1-usuldan foydalanish tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Игнат'ев Н. А. Обобщенные оценки и локальные метрики объектов в интеллектуальном анализе данных // Монография.- Ташкент: Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека, 2014. – 71 с.

2.Knowledge Discovering from Clinical Data Based on Classification Tasks Solving / N. A. Ignat'ev, F.T. Adilova, G.R. Matlatipov, P.P. Chernyush // MediNFO. - Amsterdam: IOS Press, 2001. - P. 1354 - 1358.

3.Игнат'ев Н.А. Интеллектуальный анализ данных на базе непараметрических методов классификации и разделения выборок объектов поверхностями.- Ташкент, 2008.- 108с.

4. Игнат'ев Н. А. Выбор минимальной конфигурации нейронных сетей // Вычислительные технологии.- Новосибирск, 2001.- Т. 6, № 1.- С. 23 -28.

5. Wold S. Pattern recognition by means of disjoint principal components models // Pattern Recognition, 8, № 3, 1976, 127 - 139.

РЕЗЮМЕ

Предлагается численный алгоритм выбора оптимальных границ интервалов разбиения значений признаков классифицированных объектов. Алгоритм инвариантен к масштабам измерений, может быть использован при поиске латентных (явно не измеримых) признаков в базах данных для моделирования процесса интуитивного принятия решений.

Ключевые слова: разбиение на интервалы, оптимальные значения границ интервалов, устойчивость разбиения на интервалы, латентных признаков.

ABSTRACT

A numerical algorithm for selecting optimal partition boundaries intervals of feature values of classified objects. The algorithm is invariant to the scale of measurement, it can be used when searching for latent (obviously not measurable) features in databases for modeling the process of intuitive decision-making.

Key words: partition into intervals, the optimal values of the boundaries of the intervals, stability of the partition into intervals, Latent features.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА РЕЧЕВЫХ СИГНАЛОВ

М.ПАЯЗОВ, ПО И ЦРАПО ПРИ ТУИТ

Коммуникационная технология означает - беседовать, связывать, сообщать, передавать информацию через специальных средств человеческой деятельности.

Разговорный реч играют особое роль с помощью специальных коммуникационных технологии (IP Телефония). Для улучшение качества передачи речи нужна анализировать речи с помощью разных программных продуктов.

Идентификация и распознавания речи это самая распространенная речевая технология в нашей жизни.

В научной среде распознавание речи – это преобразование речевого сигнала в цифровую информацию.

Речевые сигналы — это образуемые произноситель-ным аппаратом звуки человека с целью языкового обще-ния. В звуковой речи участвуют так называемые шу-мы и тоны. Шумы образуются в результате непериодичес-ких колебаний, выходящей из лёгких – это струи воздуха, а тоны в речи возникают в результате колебания голосовых складок.

По частотной характеристике шумы подразделяются на низкочастотные – 300 Гц, среднечастотный – 300-800 Гц и высокочастотный – 800 Гц.

В речевом сигнале особое роль играют одно из ее составных части - фонемы. Каждый фонем характеризуется определенным набором характерных частот, в которых сосредоточивается сила звука, причем каждая частота еще характеризуется определенной динамикой (повышения и снижения). Praat является инструментом анализа, которая очень четко отображает все частотные элементы в цифровом и в графическом виде, которые показывают изменение каждой составной части. Если удастся для каждого фонема определить

общую характеристику в пределах допустимых отклонениях, тогда можно определить каждый фонем в любом контексте и независимо от его источника.

При восприятии речевых сигналов в коммуникационных каналах связи с разными устройствами тон расщепляется на составляющие частоты.

Устройства, которые используются для прослушивания речи, идентифицируют компоненты иногда в разных частотном диапазоне с шумами.

Существует несколько программных средств для анализа речевых сигналов. Одним из таких популярных программных обеспечений является программа **Praat**.

Данная программа включает в себя превосходные средства для визуализации параметров и позволяет использовать речь для глубокого анализа ее сигналов.

При распознавании и идентификации речи коммуникационных каналах связи было проведено несколько исследований, при которых получены результаты.

Исследования показали, что во время анализа речевых сигналов были определены шипящие звуки, которые часто идентифицируются как шумы. По своему характеру шипящие звуки являются высокочастотными сигналами, основной тон которых колеблется в пределах 8.200- 8.800 Гц.

Следовательно, распознавание речевых сигналов, как восприятие речи, так и распознавание речевых сигналов требует дифференцированного подхода с учетом особенностей их языковой принадлежности.

Литература

1. Видеке Б., Хамраева В., Паезов М. Анализ компонентов речевых аудио-сигналов в расширенном диапазоне частот. Вестник ТУИТ, 1/2010 Ташкент-2010, с. 14-18.
2. Видеке Б., Хамраева В., Паезов М. Шипящие сигналы в процессе идентификации и распознавания речи. Вестник ТУИТ, 3/2010 Ташкент-2010, с. 20-29.

ANIQ INTEGRALNI TAQRIBIY HISOBLASHNING MONTE-KARLO USULINI TADQIQ ETISH

Maqolada aniq integralni Monte-Karlo usuli bilan yechish bo'yicha kompyuterda o'tkazilgan hisoblash eksperimentlarining sonli natijalari tahlil qilingan.

Monte-Karlo usuli. $\int_0^1 \varphi(t)dt$ integralni hisoblash talab qilinsin. Bunda t – tekis taqsimlangan tasodifiy miqdor bo'lib, uning zichligi funksiyasi $R(t)$:

$$P(t) = \begin{cases} 0, & t < 0 \\ 1, & 0 < t \leq 1 \\ 0, & t > 1 \end{cases}$$

bo'lsin. Bu holda tasodifiy $\varphi(t)$ funksiyaning matematik kutilmasi quyidagi tenglik bilan aniqlanadi:

$$M(\varphi(t)) = \int_0^1 \varphi(t) \cdot P(t) dt$$

$R(t)$ ning $0 \leq t \leq 1$ dagi qiymatiga asosan:

$$M(\varphi(t)) = \int_0^1 \varphi(t) dt \quad (1)$$

Matematik kutilmani taqribiy qiymatini hisoblaymiz. N ta tajribaga t tasodifiy miqdorni N ta $t_1, t_2, \dots, t_N$ qiymatlarga ega bo'lsin. Bu qiymatlarni tasodifiy sonlar jadvalidan olish mumkin. Bu holda $M(\varphi(t))$ matematik kutilma qiymati Chebyshev teoremasiga asosan quyidagi tenglikdan topiladi.

$$M(\varphi(t)) \approx \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N \varphi(t_i) \quad (2)$$

(1) va (2) tengliklar asosida

$$\int_0^1 \varphi(t) dt \approx \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N \varphi(t_i) \quad (3)$$

Umumiy holni ko'ramiz. $\int_a^b f(x)dx$ integralni hisoblash talab qilinsin.

$$x = a + (b - a) t \quad (4)$$

tenglik bilan t o'zgaruvchiga o'tamiz. Bu holda

$$\int_a^b f(x)dx = (b-a) \int_0^1 \varphi(t)dt \quad (5)$$

bu yerda $\varphi(t) = f(a+(b-a)t)$. (4) formula asosida (5) formula o'ng tomonini hisoblaymiz.

$$\int_a^b f(x)dx \approx \frac{b-a}{N} \sum_{i=1}^N \varphi(t_i) \quad \text{yoki} \quad \int_a^b f(x)dx \approx \frac{b-a}{N} \sum_{i=1}^N f(t_i) \quad (6)$$

bu yerda

$$x_i = a + (b-a)t_i, \quad (i = 1, 2, \dots, n).$$

Integralni hisoblash jadvalini tuzamiz.

1-jadval

i	t_i	$x_i = a + (b-a)t_i$	$f(x_i)$
1	t_1	x_1	$f(x_1)$
2	t_2	x_2	$f(x_2)$
...	...	...	...
N	t_N	x_N	$f(x_N)$

Bu usulda (6) formula asosida aniq integralni Monte-Karlo usuli bilan hisoblash tajribalar statistikasining sodda usullarida hisoblanadi.

Monte-Karlo usuliga asosida aniq integralni hisoblashni ko'ramiz:


$$I = \int_a^b f(x)dx$$

aniq integralning geometrik ma'nosi: $x=a, x=b, y=0, y=f(x)$ chiziqlar bilan chegaralangan yuzaga teng, agar $f(x)$ funksiya $[a, b]$ da uzluksiz va musbat bo'lsa.

Endi $x=a, x=b, y=0, y=M$ ($M \geq \max_{x \in [a, b]} f(x)$) to'rtbarchakni ko'ramiz, (1-rasm). Agar $f(x) \geq 0$ tengsizlik $[a, b]$ ning barcha nuqtalarida o'rinli bo'lmasa, quyidagi ayniyatdan foydalanamiz:

$$\int_a^b f(x)dx = \int_a^b [f(x) + h]dx - h(b-a)$$

bunda $x \in [a, b]$ uchun $h > 0$ shunday tanlangan $f(x) + h \geq 0$ bo'lsin.



Bu usul ham $[0,1]$ kesmaga tegishli bo‘lgan, tasodifiy sonlar jadvalga asoslangan. Shuning uchun x, y o‘zgaruvchilardan shunday ξ, η o‘zgaruvchilarga o‘tish kerakki D_1 soha $0 \leq \xi \leq 1, 0 \leq \eta \leq 1$ bo‘lgan birlik kvadrat bo‘lgan D sohaga almashsin (2-rasm). Buning uchun

$$x = a + (b - a)\xi \quad y = M\eta$$

almashtirish qilamiz. bunda $dx = (b - a)d\xi$ va $x \in (a, b)$ da $\xi \in (0, 1)$. Berilgan integral quyidagicha bo‘ladi:

$$I = (b - a)M \int_a^b \varphi(\xi) d\xi \quad (7)$$

$$\text{bunda} \quad \varphi(\xi) = \frac{1}{M} f[a + (b - a)\xi] \quad (8)$$

(8) tenglamadan $f(x) = M\varphi(\xi)$. Birlik kvadrat tekis taqsimlangan tasodifiy nuqtalar $(\xi_1, \xi_1), (\xi_2, \xi_2), \dots, (\xi_N, \xi_N)$ to‘plamini ko‘ramiz. Aytaylik D sohaga n ta nuqta tushsin. Tasodifiy nuqtalar tekis taqsimlanganligi uchun

$$\frac{n}{N} \xrightarrow{\text{ЭХТИМОЛЛИК}} \frac{\int_0^1 \varphi(\xi) d\xi}{1}$$

bunda 1 birlik kvadrat yuzasining qiymati. Bu holda

$$\int_0^1 \varphi(\xi) d\xi \approx \frac{n}{N} \quad (9)$$

(7) va (9) tenglamalarga asosan:

$$\int_a^b f(x) dx \approx \frac{(b - a)nM}{N} \quad (10)$$

Bu aniq integralni **Monte-Karlo** usuli bilan hisoblash formulasi hisoblanadi.

(10) formuladan quyidagini yozish mumkin:

$$\frac{\int_0^1 f(x)dx}{M(b-a)} \approx \frac{n}{N}$$

bundan egri chiziqli trapetsiya yuzasi D_1 ni to'rtburchak yuzasiga nisbati D_1 sohaga tushuvchi tasodifiy nuqtalar sonini to'rtburchakka tushuvchi tasodifiy nuqtalar soniga nisbatiga taqriban teng bo'ladi.

(10) formula bilan aniq integralni taqribiy hisoblash jadvalini yozamiz.

2-jadval

I	i	ξ_i	η_i	$x_i = a + (b - a) \xi_i$	$y_i = M\eta_i$	$U_i = f(x_i)$
1			η	X_1	y_1	$f(x_1)$
2	1	1		x_2	y_2	$f(x_2)$
·			η	·	·	·
·	2	2		·	·	·
N				x_N	y_N	$f(x_N)$
	·	·	·			
	·	·	η			
	N	N				

Y_i ($I = 1, 2, \dots, N$) lardan $y_i < Y_i$ shartni qanoatlantiruvchilarni tanlash kerak. Bularning soni n ga teng bo'ladi.

1-masala: $I = \int_2^3 (x + x^2) dx$ integralni (10) formula bilan hisoblaymiz.

Bu yerda $a=2$, $b=3$, $\max_{2 \leq x \leq 3} (x + x^2) = 12$ bo'ladi. Bundan $2 \leq x \leq 3$ $x=2+\xi$, $y=12\eta$.

Tasodifiy sonlar jadvalidan (ξ, η) 40 tasini olamiz ($N=20$). Hisoblash jadvali quyidagicha bo'ladi.

3-jadval

	ξ_i	η_i	$x_i = 2 + \xi_i$	$y_i = 12\eta_i$	$Y_i = x_i + x_i^2$
	0.00	0.56	2.00	6.76	6.00
13		36	13	30	63
	0.19	0.80	2.19	9.70	7.00
33		87	33	49	39
	0.58	0.47	2.58	5.75	9.26
50		99	50	85	73

	03	0.35	60	0.89	03	2.35	515	10.7	42	7.87
	28	0.82	66	0.74	28	2.82	<u>93</u>	<u>8.95</u>	<u>913</u>	<u>10.7</u>
	41	0.17	89	0.85	41	2.17	073	10.3	09	6.90
	05	0.71	35	0.51	05	2.71	<u>24</u>	<u>6.16</u>	<u>573</u>	<u>10.0</u>
	40	0.30	50	0.01	40	2.30	<u>98</u>	<u>0.17</u>	<u>24</u>	<u>7.61</u>
	14	0.09	45	0.36	14	2.09	<u>34</u>	<u>4.37</u>	<u>54</u>	<u>6.46</u>
0	73	0.14	59	0.16	73	2.14	<u>08</u>	<u>1.99</u>	<u>83</u>	<u>6.75</u>
1	85	0.98	57	0.44	85	2.98	<u>83</u>	<u>5.34</u>	<u>198</u>	<u>11.9</u>
2	91	0.11	47	0.00	91	2.11	<u>60</u>	<u>0.05</u>	<u>96</u>	<u>6.60</u>
3	89	0.00	79	0.37	89	2.00	<u>46</u>	<u>4.53</u>	<u>46</u>	<u>6.04</u>
4	17	0.53	12	0.57	17	2.53	<u>42</u>	<u>6.85</u>	<u>10</u>	<u>8.94</u>
5	18	0.60	72	0.60	18	2.60	<u>60</u>	<u>7.28</u>	<u>09</u>	<u>9.37</u>
6	62	0.16	30	0.66	62	2.16	65	7.95	88	6.85
7	08	0.45	21	0.35	08	2.45	<u>55</u>	<u>4.22</u>	<u>72</u>	<u>8.45</u>
8	70	0.05	77	0.60	70	2.05	22	7.29	84	6.28
9	33	0.78	26	0.80	33	2.78	<u>13</u>	<u>9.63</u>	<u>302</u>	<u>10.5</u>
0	99	0.51	20	0.30	99	2.51	<u>34</u>	<u>3.62</u>	<u>97</u>	<u>8.86</u>

Jadvaldan ko‘ramizki $y_i < Y_i$ shartni bajaruvchi (nuqta) qiymatlar soni $n=14$ ga teng. (10) formulaga asosan:

$$I \approx \frac{12 \cdot 14}{20} = 8,4$$

Monte-Karlo usulining C++ tilidagi dasturi:

```
#include<iostream>
```

```

#include<cmath>
#include <iomanip>
using namespace std;
double DoubleRand(double _max, double _min)
{
    return _min + double(rand()) / RAND_MAX * (_max - _min);
}
int main()
{
    int n,N=0;
    float a,b;
    float max=12,ksi[100], etta[100],x[100],y[100],Y[100];
    cin>>n;
    cin>>a>>b;
    for(int i=1;i<=n;i++) {
        ksi[i]=DoubleRand(1.0,0.0);
        cout<<"ksi["<<i<<"]="<<fixed<<setprecision(4)<<ksi[i]<<" ";
        etta[i]=DoubleRand(1.0,0.0);
        cout<<"etta["<<i<<"]="<<fixed<<setprecision(4)<<etta[i]<<" ";
        x[i]=a+ksi[i];
        cout<<"x["<<i<<"]="<<fixed<<setprecision(4)<<x[i]<<" ";
        y[i]=12*etta[i];
        cout<<"y["<<i<<"]="<<fixed<<setprecision(4)<<y[i]<<" ";
        Y[i]=pow(x[i],1)+pow(x[i],2);
        cout<<"Y["<<i<<"]="<<fixed<<setprecision(4)<<Y[i]<<" "<<endl;
        if(y[i]<Y[i]) N++;    }
    cout<<(b-a)*max*N/n;
    return 0;
}

```

Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, integral bilan bog'liq bo'lgan matematik, fizik va boshqa masalalarni hal etishda aniq integrali taqribiy yechish usullaridan biri bo'lgan Monte-Karlo usulidan foydalanish orqali samarali natijaga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abduqodirov A.A., Fozilov F.I. Umurzakov T.N. Hisoblash matematikasi va programmalash. Toshkent. O'qituvchi. 1989 y.
2. Mirzakarimov E.M. Hisoblash matematikasi bo'yicha laboratoriya ishlarini EHM da bajarish uchun metodik ko'rsatma, 1,2,3-qism, Far'I 1989.10
3. Djess Liberti «Osvoy samostoyatelno C++ za 21 den», SAMS 2002.

WEB-ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ

З.ТУЛАГАНОВ, ЎЗМУ, ТОШКЕНТ

Ушбу мақолада Интернет тармоғи орқали амалга оширишга мўлжалланган масофавий ўқитишнинг web-технологияларга асосланган бир тури - вебинар ҳақида сўз юритилади. Web-технологияларга асосланган “вебинар” атамасининг маъноси, айти вақт (онлайн) режимида ўтказилаётган тадбирни билдиради. Вебинар (“webinar” инглизча “Web-based seminar” сўзининг қисқартмаси) оддий конференция ёки семинарларга ўхшаш бўлиб - кетма-кет маърузалар, тақдиротларни намойиш қилиш, савол ва жавоблар каби амалга оширилади. Фарқи Интернет орқали Web-технологияларга асосланган ҳолда айти вақт режимида бўлиб ўтади. Масофавий таълим тизими (инглизча Learning Menegement System) юқори даражада интерфаолликни талаб этади. Интернетга чиқиш имконига эга бўлган турли мамлакатлардаги инсонларнинг вебинар ўтказиш жараёнида иштирок этишига имкон беради.

Сўнгги йилларда Ғарбий мамлакатларда E-learning атамаси жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг маъноси Интернет тармоғи орқали амалга

ошириладиган таълим жараённинг электрон шаклини билдиради. “Электрон таълим” - коммуникация ва ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг турли шакли ҳамда усули деган маънони англатади.

Ҳозирги вақтда электрон таълимига қизиқиш чексиз ошиб бормоқда. Мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларида ўқитишда коммуникация ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда бир қанча ўқув курслари ишлаб чиқилди.

Бундан мақсад мавжуд бўлган электрон ва оммавий таълим тизимларини бошқариш технологиясини таҳлил қилиш ҳамда электрон таълимини ташкиллаштиришда тизимга талабни аниқлашдир.

Электрон таълимнинг самарадорлиги унда қўлланиладиган технологияга боғлиқдир. Электрон таълим тизимида ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро таъсири мумкин қадар максимал самарадорликни таъминлаш керак. Мураккаб дастурий таъминотни қўллаш нафақат ўқув материални ўзлаштиришни қийинлаштириб қолмай, ўқитишда ахборот технологиясини қўллашда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Электрон таълимини муваффақиятли жорий қилиш тўғри танланган ҳамда аниқ таълим олувчиларга мос келадиган дастурий таъминотга асосланган. Бу талаб таълим олувчининг талаби, дастурий таъминотнинг созланиши ва ўқув натижалари, ўрнатилишини назорат қилиш керак бўлган администратор ва ўқитувчи талаблари бўйича аниқланади.

Ўқув жараёнига электрон таълимини жорий этишда уни таъминловчи электрон ўқитиш муҳитини танлаш катта аҳамиятга эга.

Вебинарлар эса оддий web браузерлар ёрдамида амалга оширилади. Унга махсус дастурий таъминот талаб этилмайди. Маърузаларни онлайн режимида тинглаш ёки маъруза матни файлини юклаб олиб ўқиб чиқиш мумкин. Имконияти бўлса видео ёзуви файлини ҳам юклаб олиш мумкин.

Вебинар технологияси ёрдамида онлайн-семинар ёки конференциялар ўтказиш, ташкилотчиларга ва қатнашувчиларга катта молиявий тежамкорликка эришишларига имкон беради. Масалан:

- Ташкилотчилар учун: тадбир очилиши ва ёпилиши ўтказиладиган жой, аудиториялар, компьютерлар, электрон доскалар, проекторлар, микрофонлар, ётоқхоналар буюртмаси, кофе-брек, таржимонлар, маданий дам олиш ва саёхат харажатлари кабилар тежалади;
- Қатнашчилар учун: командировка, йўлқира, ётоқхона ва овқатланиш харажатлари.

Шу билан бир қаторда қатнашчилар вақт тақазоси, оилавий шароити, асосий иш жойидан тадбирда қатнашишга рухсат берилмаслиги, бошқа тадбир билан бир вақтда ўтказилиши ва ғавқулотда ҳолатлар бўлган тақдирда ҳам вебинарда иштирок этишлари мумкин.

Вебинарларда тингловчилар виртуал аудиторияси ташкил этилади. Бунинг учун агар вебинар текин бўлса унда қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш етарли, агар у пулли бўлса, у ҳолда пулн тўлаш керак.

Вебинар бошланишидан бир кун аввал сизнинг электрон почтангизга у ўтказиладиган сайт манзили жўнатилади.

Вебинар бошланишига 10-15 минут қолганида электрон почтангизга келган сайтга кириб, онлайн-семинарда иштрок этадиган бошқа қатнашчиларнинг рўйхатини кўришингиз мумкин. Бу ерни “вебинар хонаси” деб аташади.

Тайинланган вақтда вебинар бошланади. Агар видеоёшиттириш ташкил қилинган бўлса, у ҳолда бошловчини тасвирини кўрасиз ва овозини ёшитасиз. Шундан сўнг мавзу бўйича тайёрланган тақдимотни кўрасиз.

Вебинар давомида Сиз ўз саволларингиз ва изоҳларингизни чат ёрдамида теришингиз ва онлайн режимда жўнатишингиз мумкин. Вебинарлар ҳар доим интерфаол равишда ўтади, яъни бошқарувчи қатнашчиларга саволлар беради, уларнинг савол ва изоҳларини ўқийди ва улар билан суҳбатлашади.

Вебинарлар, провайдерга боғлиқ равишда, аноним ёки қатнашчиларнинг бир-бирига “кўринмас” функциясига эга бўлиши мумкин.

Бу функция ёрдамида битта конференция катнашчилари бир-бирларини шу конференцияда катнашаётганликларини билмасликлари мумкин.

Бу мақолада вебинарлар ёрдамида ОТМларда айрим фанларни марказлашган ҳолда ўқитиш учун тавсия этишга ҳаракат қилинди.

Фойдаланилган сайтлар

1. <http://www.specialist.ru/news/1329/vebinar-eto-ochenj-prosto-i-interesno>
2. <https://vladimirgappov.support-desk.ru/questions/obshievoprosi/chtotakojevjebinarikakonprokhodit>
3. https://vk.com/topic-44643575_27275453

OLIY TA'LIMNING AKTUAL MUAMMOLARI

T.MAXAROV, KATTA O'QITUVCHI, O'ZMU, TOSHKENT

Oliy ta'lim tizimi ko'p yillar dunyodagi eng yaxshilardan biri hisoblangan. Bizning OTMlarda ko'plab horijiy davlatlarning talabalari tahsil olishgan. Bugungi kunda ham oliy maktab ko'plab hamkorlarimizda hurmat uyg'otadi. Buning isboti bizning OTMlar ishtirok etadigan, ta'lim tizimimizga qiziqish kuzatiladigan, ko'plab konferensiyalar hisoblanadi.

1990-yildan keyin OTMlar soni sezilarli o'sdi: viloyatlardagi institutlar universitetlarga aylantirildi, ko'plab filiallar ochildi. Ammo, ularning ko'pchiligi material-texnik bazaga va malakali professor-o'qituvchilar tarkibiga ega emas edi. Bu mutaxassislarni tayyorlash sifatiga o'z ta'sirini o'tkazmasdan qolmadi.

Tayyorgarlikka kompetentli yondoshuvni ta'minlash uchun Oliy ta'limni reforma qilish, hamda yetarli darajada moliyalashtirmaslik, ishlab chiqarish amaliyoti va amaliy mashg'ulotlarni qisqartirish natijasida ko'plab oliy talim muassasalari mutaxassislik bo'yicha ta'limni shakllantirishda to'g'ri yondosha olmadilar. Oliy ta'lim tizimining zamonaviy holati va rivojlanish yo'nalishi shuni ko'rsatadiki, zamonaviy iqtisodiy sharoitlarda mutaxassislar faoliyatri xarakterining o'zgarishi ularning professional tayyorgarligiga yuqori talablarni qo'yadi. U yangi bilimlarni ishlab chiqishdan ularni amaliy qobiliyatlarini, malaka va ko'nikmalarini rivojlantirishga yo'naltirilgan holda mustaqil, faol o'zlashtirishni

ta'minlashi lozim. Shu sababli, yuqori samarali mutaxassislarni tayyorlash tizimini yaratish oliy ta'lim tizimini reforma qilish jarayonining muhim masalalaridan biri hisoblanadi.

O'zbekistonda Oliy ta'lim bolalarga barcha eng yaxshi narsalarni berishga intilishi bilan farqlanadi. Inson kapitalining o'sib borishi bilimlarga asoslangan milliy xavfsizlik va iqtisodiyotning rivojlanishi, davlat rivojlanishining ustunligi aniqlovchi omil hisoblanadi. Oliy ta'lim tizimi faoliyatining maqsadi inson kapitalini rivojlantirish va milliy innovatsion tizimni shakllantirishdir.

Shuni ta'kidlab o'tish joyizki, bizning mamlakatimizda so'nggi 25 yillar ichida sezilarli o'zgarishlar bo'ldi. Oliy ta'lim nuassasalari bungacha davlat tomonidan hal qilingan ko'plab muammolarni yechishlariga to'g'ri keldi. Bunday masalalarni yechish uchun katta mablag'ni talab qilar edi. Davlat tomonidan o'qishga kirganlarni moliyalashtirish kamaydi. Demak, moliyalashtirishni iste'molchilardan olish lozim, ya'ni abituriyentlardan. Abituriyentlarni jalb qilish uchun oliy ta'limni ko'proq ochiq qilish lozim. Ko'plab oliy ta'lim muassasalarida ta'lim oluvchilarning soni ko'paydi, berilayotgan bilimlarning sifati keyingi o'ringa tushdi.

Kadrlarning keksayishi bugungi kun universitetlarining asosiy muammsiga aylandi. Malakali professor-o'qituvchilarni tayyorlash jarayoni talabalar sonining o'sish sur'atiga nisbatan sekin kechmoqda. Bu ta'lim muassasalariga ishga yetarli darajada malakaga ega bo'lmagan o'qituvchilarni ishga olishga olib keladi. Buning natijasida o'qituvchilar ikki, uch va hattoki to'rt joyda ishlaydilar.

Professor-o'qituvchilar tarkibining faolligini orttirishga davlat universitetlar bilan birgalikda ishtirok etishi lozim. Buning uchun ta'lim sohasida mehnatga haq to'lash darajasini asta-sekinlik bilan orttirib borish, grant va boshqalarni berish yo'li bilan ilmiy faoliyatni rag'batlantirib borish lozim.

O'qituvchilar qobiliyatli va uddaburon talabalar bilan doimiy muloqotda bo'lishlari zarur. Zamonaviy ilmiy va tadqiqot faoliyati to'plangan bilimlar darajasining ortishiga olib keladi.

Zamonaviy oliy ta'limni tahlil qilib, quyidagicha xulosa chiqarish mumkin:

1. OTMLar moliyalashtirishning byudjet o‘rinlari kam, asosiy qism pullik ta’limni tashkil qiladigan aralash sxemasiga o‘tdi. Bunda o‘qish va yotoqxonada yashash uchun to‘lovlar har yili ortib bormoqda. Ba’zi mutaxassisliklarda esa byudjet o‘rinlari umujman yo‘q.

2. Pullik o‘qishga kirish juda qiyin emas, talabgorlar kam. Byudjet o‘rinlariga esa kirish juda qiyin, chunki birinchidan o‘rinlar soni chegaralangan, ikkinchidan ularning bir qismini imtiyozlilar band qiladi.

3. Sir emas, OTMLarda korrupsiya avjiga chiqqan. Ba’zi OTMLarda professor-o‘qituvchilar bahoga narx qo‘yadilar, bunda bahoga qarab narx o‘zgaradi.

4. Ta’limning sifati yomonlashdi, asosiy e’tibor yaxshi mutaxassislarni tayyorlash, ilmni rivojlartirishga emas, balki foydaning ortishiga qaratilgan. Ta’lim bu bozorga o‘xshaydi.

Bugungi kunda oliy ta’lim ijtimoiy manfaat emas, balki sotib olish mumkin bo‘lgan xizmatga aylanib qolgan. Ko‘plab talabalar ta’lim olish uchun boshqa davlatlarga chiqishga harakat qilmoqdalar. Chet davlatlarda ta’lim olgan talabalar moliyaviy manfaatdorligi tufayli o‘z yurtiga qaytishga harakat qilmayaptilar. Agar bu jarayon shunday davom etsa, Bizning davlatimiz ko‘plab sondagi malakali mutaxassislarni yo‘qotadi. Yurtimizda ilm-texnikani, madaniyatni, iqtisodni kim rivojlantiradi?

Biz oliy maktabning sharafi va obro‘-e’tiborini tiklashimiz zarur. OTM o‘qituvchisi omma oldida hurmatga ega bo‘lshi lozim. Bu jarayonda asosiy rol dalatga tegishli. O‘qituvchilar zanjirdagi asosiy bo‘g‘in hisoblanadi va yangi avlodning qanday shakllanishi aynan ularga bog‘liq.

Oliy ta’limning eng asosiy muammosi – bu iqtisodiyot bilan bog‘liq bo‘lmagan talabalar bilimi sifatining juda pastligidir, bu arab davlatlaridagi kabi ko‘p sonli, ammo ishsiz “oliy ma’lumotli”lar sonining ko‘payishiga olib kelishi mumkin.

Mavjud ta’lim tizimi sotsial tizimda keskin o‘zgargan zamonaviy talablarga javob bermaydi. Inson shaxsi real axborot inqiloblariga moslasha olmaydi. Bunda muammoning asosiy sabablari quyidagilardan iborat:

- ilmdan ajralib qolish;
- ilmiy yondoshuvlarning mohiyati butun jamiyatga tegishli bo‘lishi lozim, birinchi navbatda ta’lim tizimiga. Hech qanday yangi g‘oya mavjud emas, biz faqat bor narsalarni o‘rganamiz;
- talabalarni o‘qitish natijalarining mehnat bozori talablariga mos emasligi. Bu ko‘proq hulosa hisoblanadi;
- OTMlar zamonaviy ilmiy-laboratoriya bazalariga, infrastrukturallarga ega emas;
- ilmiy-pedagogik kadrlar sotsial statusining pastligi, shu bilan birga oylik maoshning kamligi. Bu muammo shunchalar iqtisodiy emas, balki ma’muriy hamdir.

Ma’muriy nuqtai-nazardan o‘qituvchi, ilm vakili sifatida kollektiv va rahbariyat oldida himoyasiz. Shu sababli, jamiyatning bilimdonlari bu sohaga bormaydilar.

O‘qituvchilarning malaka oshirishlari bugungi kun talablariga javob bermaydi.

Oliy ta’limdagi muammolarni yechish uchun quyidagi chora-tadbirlarni taklif qilamiz: akademik o‘z-o‘zini boshqarish; o‘qituvchining akademik va administrativ statusini oshirish; OTMda faoliyat yuritayotgan xodimlarning oylik maoshni 2-3 barobar orttirish (asta-sekinlik bilan).

O‘zbekiston Oliy ta’limi muassasalarining bitiruvchilari raqobatbardosh bo‘lishlari uchun yangi daraja – axborot jamiyati darajasiga o‘tish juda muhim.

Eng asosiy kamchiliklardan biri mutaxassislar – yetarli darajada pedagogik bilim va metodik ishlarga ega bo‘lmagan olimlar va amaliyotchilar nazariy tavsifga ega bo‘lgan yoki faqat ma’lum bir amaliy ko‘nikmalarni egallashga qaratilgan mualliflik dasturlari yaratmoqdalar. Bundan shunday hulosa chiqarish mumkinki, universitet ta’limi samaradorligi shu darajada pastki, bu ichki fanlar aro bog‘lanishlar mavjud emasligida ko‘rinadi.

Bugungi kunda Oliy ta'limni rivojlantirishning asosiy yo'nalishi Davlatimizning jahon ta'lim muhitiga integratsiyasi masalalari va maqsadlari bilan yo'g'rilgan. Buning uchun Oliy ta'lim vazirligi va yetakchi OTMlari tomonidan yangi Malaka talablari va o'quv rejalar ishlab chiqilmoqda.

Ta'lim xizmatlari bozorida raqobatni kuchaytirish mutaxassislarni tayyorlash sifatini boshqarish bilan birga universitetni ham boshqarishni talab qiladi. Bunda asosiy raqobat ustunligi, uzluksiz modernizatsiya qilish yo'li bilan erishiladigan, ta'lim sifati bo'ladi. Ta'lim siyosatining ustunligi malakali, bozor sharoitlarida ishlay oluvchi, ish beruvchilarning so'rovlari va talablarini qoniqtiruvchi mutaxassislarni tayyorlash hisoblanadi.

Raqobatbardosh bo'lish uchun yangi darajaga ko'tarilish lozim – axborot jamiyati darajasi. Normativlarda shaxsga faol ijodiy subyekt sifatida anglash va boshqarish talablarni qo'yish; milliy g'oyani targ'ib qilish; doimiy o'zgaruvchan dalillar haqidagi bilimlarni jamlashni minimumga keltirish; metodologik, mantiqiy va uslubiy talablar va ilmiylik jihatidan doimiy yangilanib turuvchi umumiy qo'llanmalar bilan birgalikda o'quv fanlarining zamonaviy tarkibini kiritish lozim.

Mutaxassisning sifatini faqat ekspertlar aniqlashi mumkin va aynan ular mutaxassis modelini berishi va zarur kompetensiyalarni aniqlashi mumkin.

Butun oliy ta'lim tizimining raqobatbardoshligini ta'minlash – bu nafaqat alohida oliy ta'lim muassasasining, balki davlatning ham vazifasidir. Aynan oliy ta'lim milliy xavfsizlikning tamal toshi hisoblanadi. Bizning davlatimizda malakali raqobatbardosh mutaxassislar bizdan tashqari kimga kerak?

KRIPTOGRAFIK OQ QUTI

D.TOSHBOLTAYEV, O'QITUVCHI,
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI, TOSHKENT SHAHRI

Jamiyatimizda axborot doimo markaziy o'rinda turgan. Qadim zamonlardan axborotni almashish jarayonida, uning xavfsizligi muhim sanalgan. Dastlab axborot xavfsizligiga hukumat tomonidan ehtiyoj tug'ilgan. Misol sifatida Rim imperatori Yuliy Sezar davrida foydalanilgan, Sezar shifri hammaga ma'lum.

Axborot xavfsizligi va uni qanday himoyalashga bo'lgan talab so'ngi o'n yillikda keskin o'zgardi. Bu 1990-yillar boshida internetning rivojlana boshlashi va xonadonlarimizga shaxsiy kompyuterlarni kirib kelishi bilan bog'liq. Qo'shimcha qilganda telekommunikatsiyalarni ilgarilashi, shuningdek internetning o'sishi va katta miqdordagi qurilmalarni internet tarmog'iga bog'lanishi bilan bog'liq. Milliardlab foydalanuvchilar har hil yumushlar uchun ya'ni telefon qo'ng'iroqlari, e-mail habarlar, onlayn moliyaviy kelishuvlar yuzasidan internetdan foydalana boshladi. Film yoki musiqani harid qilish uchun raqamli xizmatlar paydo bo'ldi. Ushbu yo'nalish raqamli axborotning tuzulishi hozirgi hayotimizda muhim rol o'ynay boshladi. Ko'pgina guruhlar uchun global qatlam afzalliklariga ega bo'lishiga qaramay, shuningdek turli noqulayliklar ham mavjud. Misol uchun bank xizmati sifatida simsiz bog'lanish orqali yuborilgan raqamli ma'lumotni qo'lga tushirish oson. Shu sababli raqamli axborotni himoyalash muhim bo'lib qoldi [1].

Bu muammoni o'rganuvchi fan kriptologiya deb ataldi. Zamonaviy kriptografiya axborot xavfsizligi uchun faqatgina harbiylar va hukumatgina cheklanib qolmasligini ko'rsatdi.

Kriptologiya bosqichlari: Kriptologiya asosan ikki qismdan **kriptografiya** va **kriptotahlil**dan tashkil topgan. Kriptograflar ishonchsiz aloqa kanali orqali yuborilgan ma'lumotlarni himoyalash usullarini yaratadi, vaholanki kriptotahlilchilar esa bu usullarni kuchliligini taxlil qiladi. Ikkita tomon ishonchsiz aloqa kanali orqali maxfiy ma'lumot almashmoqchi, tarmoqni yashirincha tinglab turgan uchinchi tomon uchun bu ma'lumot tushunarsiz holda bo'ladi. Bu natijaga erishish uchun ikkala tomon quyidagi ishlarni amalga oshiradi, jo'natuvchi ma'lumotni maxfiy axborotdan foydalanib shifrlasa, qabul qiluvchi esa qabul qilib olgan shifrlangan ma'lumotni qayta tiklaydi. Shuning uchun, maxfiy ma'lumotni bilmasdan, ma'lumotni qayta tiklash imkoniyati yo'q bo'lgan holatni nazarda tutgan holda shifr matn holatiga o'tkaziladi. Bu maxfiy ma'lumot **kriptografik kalit** deb nomlanadi. Agar shifrlash va deshifrlash jarayonlarida aynan bir hil kalitdan foydalanilsa bunday kalitlar simmetrik kalitlar deyiladi.

Kriptografik algoritmlar ma'lumot va aloqa kanallarini himoyalash maqsadida quriladi. Agar bu algoritmlarda maxfiy kalitdan foydalanilsa, u holda uning xavfsizligi kalitlarning maxfiyligiga suyanadi. Bu yerda hujumlarning asosiy maqsadi kalitlarni topib olishdan iborat. Ananaviy qora yashik muhitida, hujum qiluvchi tomon faqatgina ma'lumotlarni qora yashikga kiritish va undan chiqadigan ma'lumotni o'qib olish imkoniyatiga ega. Ya'ni algoritmi ishlashi jarayonida hujumchi aralashish imkoniga ega emas. Yovuz niyatli foydalanuvchilar nazorat qilishi mumkin bo'lgan ishonchsiz ochiq platformada ishlaydigan dasturiy ilovalar ichidagi kriptografik algoritmlarni yetarlicha himoyalashga ehtiyoj ortishi sababli, qora yashik modeli talabga javob bermay qoldi. Shuning uchun, yangi oq yashik muhiti hujumchi kriptografik algoritmi realizatsiya qiluvchi dasturiy ta'minotga to'la kirish huquqiga ega va muhitni ishlashini to'liq nazorat qila oladi deb tanishtiridi. Digital Rights Management yoki Pay-Tv tizimlari kabi raqamli kontentlarni himoyalash uchun oq yashik muhiti yaratildi.

Kriptografik oq yashikning maqsadi oq yashik muhitidagi kriptografik maxfiy kalitlarni himoyalashdan iborat. Bu oq yashik hujumlariga qarshi yetarlicha himoyalangan kriptografik algoritmlarni amalga oshiruvchi dasturiy ta'minotlarni yaratish texnologiyasi hisoblanadi. Akademik adabiyotlarda, oq yashikni amalga oshirish loyihasida asosan blokli shifrli simmetrik kalitli algoritmlar turadi.

2002-yilda Chov, Eisen, Jonson, va van Oorschotlar tomonidan eng zamonaviy blokli shifr algoritmlaridan biri AES uchun oq yashikni yaratishni taklif etishdi va birinchi marta uni chop qilishdi. Shunga qaramay ikki yildan keyin, Billet, Gilbert va Ech Chatbi oq yashikga samarali hujumni amalga oshirish usulini ko'rsatdi va natijada Bringer, Chabanne, va Dottax 2006-yilda, Xiao va Lai 2009-yilda, Karroumi 2010-yillarda kalitlarni himoyalashning yangi uchta usulini taklif qilishdi.


Quyida biz oq yashik haqida to'xtalib o'tamiz. Avvalo kriptografik oq yashik nima ekanligini bilib olishimiz zarur. Oq yashik haqida quyidagi farazlar mavjud.

- Obfuskeyshn?
- Ochiq kalitli kriptografiya?

Barcha talqinlar qisman to'g'ri.

Biz katta miqdordagi berilganlarni(berilganlar bazasi, raqamli media mahsulotlar, ilmiy tajribalar va boshqalar) himoyalash haqida o'ylaymiz.

Mualliflik huquqiga ega musiqa pleyeriga hujumchi serverdan DRM bilan himoyalangan musiqani yuklab oladi:




- Bog'lanishni yashirincha tinglash mumkin.
- Player kodi tushunarli bo'lishi mumkin.
- Kalitlarni yashirish qiyin.

Ko'pgina ilovalar:


- Teatrlarga raqamli filmlarni tarqatish.
- Kirish huquqiga ega playerlarda HD filmlarni shifrlab namoyish etish;

Ko'plab protokollarga hujum uyushtiriladi. Bu qanday amalga oshiriladi.



- Film AES bilan shifrlanadi(shifrlash tezligi yuqoriligi uchun)
- AES kaliti RSA kaliti bilan shifrlanadi.
- Serverga yuklanishni kamaytirish uchun, AES kaliti takrorlanishi mumkin.

Bu yerda hujum qanday amalga oshiriladi.



Bu yerda hujum usullari uch hil usulda amalga oshirilgan.

- Hotiradan kalitlarni o'qib olish;
- Deshifrlash jarayonida RSA kalitini o'qib olish;
- Deshifrlash jarayonida AES kalitini o'qib olish;

Yuqoridagi uchta usul ham buzilgan.

Kriptografik oq yashikning markazida oq yashikni amalga oshirish turadi. Kriptografik oq yashik ochiq kalitli kriptografiya(RSA)ga o'xshash ekan, nega undan foydalanmaymiz. Buning sababi quyidagicha:

- RSA-2048 shifrlash tezligi -1000 CPU(baytiga 1000 ta sikl)
- AES-128 shifrlash tezligi -0.7 CPU(baytiga 0.7 ta sikl)

Bundan ko'rinib turibdiki, AES-128 algoritmi yordamida shifrlashimiz RSA-2048 algoritmi yordamida ma'lumotni shifrlashimizga qaraganda ancha kam vaqt sarflashini ko'rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Yoni De Mulder "White-Box Cryptography Analysis of White-Box AES Implementations". February 2014
2. Akbarov D.E "Axborot xavfsizligini ta'minlashning kriptografik usullari va ularning qo'llanilishi". Toshkent 2009

“ELEKTRON XUKUMAT” TIZIMIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH USULLARI

G.GUBENOVA, ASSISTANT,
TOSH. DAU NUKUS FILIALI, NUKUS SHAHRI

Davlat boshqaruv organlarida aylanuvchi rasmiy hujjatlarning xususiyati uning huquqiy kuchi hisoblanadi va amaldagi qonunchilik asosida uzatiladi, yaratgan tashkilot vakolati va o'rnatilgan rasmiylashtirish tartibi bilan xarakterlandi. Bunda rasmiy hujjat asosida jismoniy va yuridik shaxs tomonidan yaratilgan va o'rnatilgan tartibda tasdiqlangan hujjat tushuniladi. Ushbu talablarga javob bermaydigan tartibda yaratilgan hujjatlarning huquqiy kuchi yo'q yoki kam deb hisoblanadi.

Bugungi kunda davlat boshqaruv organlarida elektron hujjat aylanish tizimini joriy etishga katta e'tibor qaratilmoqda. Elektron hujjat aylanishining ikki sinfi mavjud. Birinchisi-workflow tizimi, hujjat yuritish jarayoni avvaldan aniq bo'lib, texnologik harakat tizimi yordamida xodimlar o'rtasidagi hujjat boshqaruv harakati va elektron hujjat aylanishining boshqaruvi ostida topshiriq beriladi. Ikkinchi sinfga erkin harakatlanuvchi ad-hoc kiradi, bunda jarayon tuzilishi avvaldan belgilanmaydi, balki bajarilish jarayonida shakllanadi (vazifani bajaruvchi xodimning o'zi keyingi vazifani bajaruvchini belgilaydi va hujjat (topshiriq) beradi. Erkin harakatlanuvchi tizimning xususiyati shundaki, yagona hujjat yaratish bir qancha usulga ega bo'lib, bir-biridan bajaruvchilar, hujjat (topshiriq) tarkibi va jarayonni biridan ikkinchisiga o'tish holati bilan farq qiladi.

Turli salbiy ta'sir ko'rsatuvchi faktorlar tufayli xatolarga yo'l qo'yilishi mumkin. Masalan, to'liq jarayon xususiyatlariga (tezkorlik, o'z vaqtidalik) va hujjat sifatiga (autentifikatsiya, to'liqlik, aniqlik) ta'sir etuvchilar. Jarayon tuzilmasida yuzaga kelgan buzilish quyidagi ko'rinishda bo'lishi mumkin: "o'zgarish" bir jarayonni boshqasi bilan almashtirish, "o'tkazish" jarayoni, "qo'yish" ko'zda tutilmagan jarayon, amalni bajarish tartibining buzilishi va h.z.

Axborot xavfsizligini ta'minlash masalalariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- axborot xavfsizligini ta'minlash;
- "login" tushunchasi;
- "parol" tushunchasi;
- "avtorizatsiya" tushunchasi;
- ro'yxatdan o'tish tartibi;
- login va parolga ega bo'lish shartlari;
- login va parolni buzish;
- login va parolni o'g'irlash;
- resurslardan ruxsatsiz foydalanish va uning oqibatlari;
- komp'yuter virusi;
- viruslarning turlari va vazifalari;
- viruslarga qarshi kurashish usullari;
- "hujum" tushunchasi;
- axborot hujumlari va undan saqlanish qoidalari.

Axborot xavfsizligini ta'minlash. Axborot xavfsizligini ta'minlash – foydalanuvchining axborotlarni himoyalashga qo'yilgan me'yor va talablarni bajarish. Axborot xavfsizligi axborot foydalanuvchilariga va ko'plab axborot tizimlariga zarar keltiruvchi tabiiy yoki sun'iy xarakterga ega tasodifiy va uyushtirilgan ta'sirlardan axborotlar va axborot kommunikatsiya tizim ob'ektlarining himoyalanganligidir.

Axborot hujumlari va undan saqlanish qoidalari. Axborot hujumlari 3 ga bo`linadi:

1. Ob`ekt haqida ma`lumotlar yig`ish (razvedkalash) hujumi.
2. Ob`ektdan foydalanishga ruxsat olish hujumi.
3. Xizmat ko`rsatishdan voz kechish hujumi.

Axborot hujumlaridan saqlanishda, birinchi navbatda, axborot-kommunikatsiya tizimi ob`ektlariga qilinayotgan hujumlarni topishda qo`llaniladigan mexanizm va vositalarni qo`llash kerak. Bularga tarmoqlararo ekran (FIReWALL) va hujumlarni aniqlash (IDS) vositalarini misol tariqasida keltirish mumkin.

Tez rivojlanib borayotgan komp`yuter axborot texnologiyalari kundalik hayotimizning barcha jabhalarida o`zgarishlar qilmokda. Hozirda "axborot" tushunchasi sotib olish, sotish, biror boshqa tovarga almashtirish mumkin bo`lgan maxsus tovar belgisi sifatida tez-tez ishlatilmoqda. Shu bilan birga, axborotning bahosi o`zi joylashgan komp`yuter tizimining bahosidan bir necha yuz, ba`zan ming barobarga oshib ketmoqda. Shuning uchun axborotni unga ruxsat etilmagan holda kirishdan, qasddan o`zgartirishdan, uni ug`irlashdan, yo`qotish va boshqa jinoiy xarakterlardan himoya qilish lozim. Komp`yuter tizimlarining keng ko`lamda ishlatilishi o`sib boruvchi axborot hajmini ishlash jarayonlarini avtomatlashtirishga imkon bersada, bu jarayonlarni agressiv ta`sirlarga nisbatan oqiz qilib qo`yadi, demak, axborot texnologiyalardan foydalanuvchilar oldida yangi **muammo - axborot xavfsizlik** muammosi vujudga keldi. Xavfsizlik muammosi, aslida, yangi muammo emas, chunki xavfsizlikni ta`minlash har qanday tizim uchun, uning murakkabligi, tabiatidan qat`i nazar, birlamchi vazifa hisoblanadi. Himoyalovchi ob`ekt axborot tizimi yoki agressiv ta`sir vositalari axborot shaklda bo`lsa, himoyaning mutlaq yangi texnologiya va usullarini yaratishga to`g`ri keladi. Ma`lumotlarni himoyalovchi usullar hamda xakerlarga qarshi harakat vositalar majmuasini belgilash maqsadida **komp`yuter xavfsizligi** atamasi ishlatila boshlandi.

Ma'lumotlarni ishlovchi taqsimlangan tizimlarning paydo bo'lishi xavfsizlik masalasiga yangicha yondashishning shakllanishiga olib keldi. Ma'lumki, bunday tizimlarda tarmoqlar va kommunikatsion uskunalar foydalanuvchilarning terminallari bilan komp'yuterlar o'rtasida ma'lumotlar almashishga xizmat qiladi. Shu sababli ma'lumotlar uzatiluvchi tarmoqlarni himoyalash zaruriyati tug'ildi bubilan birga **tarmoq xavfsizligi** atamasi vujudga keldi.

Axborot xavfsizligi deb, ma'lumotlarni yo'qotish va o'zgartirishga yo'naltirilgan, tasodifiy va qasddan qilingan ta'sirlardan har qanday tashuvchilarda axborotning himoyalanganligiga aytiladi. Ilgarigi xavf faqatgina konfidentsial (maxfiy) xabarlar va hujjatlarni ug'irlash yoki nusxa olishdan iborat bo'lsa, hozirgi paytdagi xavf esa komp'yuter ma'lumotlari to'plami, elektron ma'lumotlar, elektron massivlardan ularning egasidan ruxsat so'ramasdan foydalanishdir. Bulardan tashqari, bu harakatlardan moddiy foyda olishga intilish xam rivojlandi.

Axborotning himoyasi deb, boshqarish va ishlab chiqarish faoliyatining axborot xavfsizligini, shuningdek, tashkilot axborot zahiralarining yaxlitligi, ishonchliligi, foydalanish uchun qulayligi va maxfiyligini ta'minlovchi qat'iy reglamentlangan dinamik texnologik jarayonga aytiladi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Axborot kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Qarori. 08.07.2005y.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Respublikada qog'ozni tejash va undan oqilona foydalanishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi 155-son qarori – Toshkent, 22 iyul` 2010 yil.
3. O'zbekiston Respublikasining «elektron hujjat aylanishi to'g'risida»gi Qonun. 29.04.2004 yil.

**ПРОГРАММИРОВАНИЕ ОПТИЧЕСКИХ КРИВЫХ,
ВОЗНИКАЮЩИХ ПРИ ОТРАЖЕНИИ И ПРЕЛОМЛЕНИИ**

СВЕТА В MAPLE

М.ДЖАЛИЛОВ, ФЕРГАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТУИТ ЗАВ. КАФЕДРЫ,
Х.ЖАББОРОВ, ФЕРГАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТУИТ СТУДЕНТ 3-КУРСА

Каустики — это вездесущие оптические поверхности и кривые, возникающие при отражении и преломлении света. Каустики можно описать как линии или поверхности, вдоль которых концентрируются световые лучи.

Сначала посмотрим, что происходит, когда все световые лучи и кривая, от которой они отражаются, лежат в одной плоскости. Самый важный пример — это отражение параллельных лучей от окружности. Возникающая здесь каустика — яркая линия с острием, расположенным между вершиной и центром зеркала (рис. 1).




Рис.1. Слева на зеркало запущены 14 лучей, справа — 102 луча, и отмечены точки их попарного пересечения.

Если мы имеем дело с параболой, то все лучи, параллельные ее оси, после отражения собираются в одной точке — фокусе параболы. Для окружности и для других зеркал это не так, отраженные лучи не сходятся в одной точке. Но когда на зеркало падает узкий пучок параллельных лучей, то после отражения он становится сходящимся. Иными словами, отраженный пучок целиком не сходится в одной точке, но узкие пучки, состоящие из близких лучей, будут сходящимися. Точки, в которых они

сходятся, это точки концентрации энергии, именно из них и состоит каустика.

Запустим на круглое зеркало большое количество параллельных лучей. Разобьем их на пары и отметим точки пересечения лучей в каждой паре после отражения. Если число лучей увеличивать, то расстояния между точками попарного пересечения будут уменьшаться. Точки будут располагаться все ближе друг к другу и в пределе заполнят каустическую кривую. Это один способ понять, как устроена каустика. Другой способ увидеть каустику — это нарисовать много лучей. На полученном таким образом рисунке каустика выделяется как кривая, которой касаются все отраженные лучи (рис. 2).



Рис. 2. Каждый из отраженных лучей касается каустики.

Это просто другое проявление той же самой концентрации световой энергии — каждый световой луч касается каустики, значит, проходит вдоль нее значительную часть своего пути и «отдает» ей большую часть своей энергии. Линия, которая касается каждой прямой из некоторого семейства прямых, является огибающей этого семейства. Так что каустика — это огибающая световых лучей. Можно сказать, что каустика представляет собой остов, на который нанизаны все световые лучи.

Алгоритм решения задачи

1. Строим геометрические фигуры, ограничиваем их до кривого полу эллипса.
2. Задаем прямую, которая будет выступать в роли источника света.
3. Задаем точку на прямой, из которой будет исходить луч света.
4. Задаем направление вектора при помощи второй точки.
5. Через начальную точку, и направление вектора находим точку пересечения луча с кривой.
6. Строим прямую (луч света) через точку пересечения и точку на прямой из которой исходит луч света.
7. Находим координаты направления движения для нормали.
8. Строим вектор отражения (луч отражения).

Написание программных процедур СКМ Maple

Здесь представлена часть кода программы

> **restart:**

> **with(plottools):**

> **with(plots):**

.....

Задаем эллипс:

> **pltEll:=implicitplot(x^2/a^2+y^2/b^2=1,
x=-a..0,y=-b..b,color=black,thickness=3);**

И с помощью команды Display рисуем отражения лучей от поверхности эллипса:

> **pltLines:=display(seq(seq(line([point_[j,1+2*(i-1)],point_[j,1+2*(i-1)+1]],point_[j,1+2*(i-1)+2],
point_[j,1+2*(i-1)+3]],color=red),i=1..2),j=1..N)
insequence=false,scaling=constrained);**

Ограничиваем изображение:

> **display([pltLines,pltEll],view = [-a..b,-
b..b],scaling=constrained,axes=none);end proc;**

Вводим входные параметры и получаем рисунки каустика (рис.3) :

> **ellRefLines(.2,100,0,50);**




Рис.3. Каустика, при отражении лучей от эллипса

Литература

1. Дьяконов В.П. Maple 9.5/10 в математике, физике и образовании. – М: Солон-пресс. – 2006. – 720 с.
2. В. Г. Болтянского «Огибающая» Популярные лекции по математике, выпуск 36. — М.: Физматлит, 1961.
3. В. И. Арнольда «Теория катастроф» (– М.: Наука, 1990).

OLIIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISHDA MASOFAVIY O'QITISH TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH

SH.TO'XTASINOV, O.ABDURAXMONOV, D.BO'RONOVA
ANDIJON QISHLOQ XO'JALIK INSTITUTI
"OLIIY MATEVFTIKA VA AXBOROT TEKNOLOGIYALARI"
KAFEDRASI KATTA O'QITUVCHILARI

Ta'lim tizimida o'quv jarayonini yangidan isloh qilish, yangi axborot texnologiyalariga asoslangan o'qitish usullarini ishlab chiqish, ularni keng joriy qilish bugunning talabidir. Bunda masofaviy ta'lim tizimini joriy qilish maqsadga muvofiqdir. O'tgan asrning 90-yillari boshlarida Internetning keng ommalashishi,

ayniqsa, WWW tizimining joriy etilishi butun dunyo ta'lim tizimiga yangi «Masofaviy ta'lim» yo'nalishini olib kirdi.

Masofaviy ta'lim - bu axborot va kommunikasiya texnologiyalari Internet, elektron pochta, video anjuman, audio, video ma'lumotlar va mul'timedia o'quv qo'llanmalariga asoslangan uzoqdan turib o'qitish, o'rgatish usulidir. Masofaviy ta'limda talabadan doimiy faoliyat – interaktiv o'qitish talab etiladi. Bu esa mutaxassisning bilimi va qobiliyatini – sifat xususiyatlarini oshiradi.

Masofali o'qitishda o'qituvchi va talaba bir-biridan ancha uzoqda joylashgan holda ishlaydi. Lekin ular maxsus usullar yordamida tashkil etilgan o'quv kurslari, nazorat formalari, elektron pochta yordamidagi kommunikasiya usullari va boshqa Internet texnologiyalari yordamida doimiy o'zaro aloqada bo'lishadi. Masofaviy o'qitish barcha hohlovchilarga shuningdek, ta'lim yo'nalishlari talabalariga o'zlarining shaxsiy xususiyatlariga muvofiq professional darajalarini oshirish imkoniyatini beradi. O'qitishning bunday usulida tinglovchi o'quv-uslubiy materiallarini aniq bir vaqtlarda mustaqil tarzda, interfaol rejimda o'zlashtiradi, test sinovlaridan o'tadi, o'qituvchi rahbarligida nazorat ishlarini bajaradi va virtual o'quv guruhidagi boshqa tinglovchilar bilan o'zaro aloqa qiladi.

Masofaviy o'qitishning quyidagi afzalliklari ajralib turadi:

- tinglovchilar sonini oshishi;
- fan sohalaridagi ilg'or o'qituvchilar, olimlar va ekspertlarning ma'ruza ishlariga jalb etilishi;
- turli davlatlardagi tinglovchilar va o'qituvchilarning birlashuvi;
- o'quv jarayonining faol o'qitish usullari va yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llagan holda tashkil etilishi;
- tinglovchilarning bevosita kommunikasiya yangiliklarini o'zlashtirishi.

Butun dunyoda noan'anaviy ta'lim shakllarini qo'llagan oliy o'quv yurtlari 1960-1970-yillarda 70 ta, 1970-1980-yillarda 187 ta, 1980-2000-yillarda – 700 tani tashkil etgan. Internet ma'lumotlaridan bu ko'rsatkich hozirgi kungacha 2000 tadan oshib ketganini ko'rish mumkin. Chet el ekspertlarning fikricha, 2030-yilga

borib an'anaviy universitetlar o'rnini virtual (Masofaviy ta'lim) universitetlar egallashi mumkin.

Hozirgi zamon mutaxassisi qaysi sohada ishlamasin, undan o'zining sohasiga tegishli hodisa va voqeadan xabardor bo'lish va bilim saviyasini doimiy ravishda oshirib borish talab etilmoqda.

Masofaviy ta'limni bir qator ustunlik va qulaylik tomonlari mavjud, jumladan:

- ta'lim vaqti ixtiyoriy, talaba istagan vaqtida o'qishi, o'rganishi mumkin;
- mashg'ulotlarni auditoriyada o'tish shart emas;
- talabalarga mustaqil o'rganishni o'rgatadi;
- o'qituvchilardan yuqori tayyorgarlikni talab qiladi;
- talabalar amaliy va sifatli bilim olishlari mumkin;
- talabalarning mustaqil fikrlash va qaror qabul qilish qobiliyati rivojlanadi;
- talabalarda texnik qurilmalar bilan ishlash, komp'yuter, internet, elektron pochta tizimlaridan foydalanish ko'nikmasi shakillantiradi;
- ta'lim arzonga tushadi, ayniqsa, kam ta'minlangan oilalardagi, iqtidorli yoshlarning bilim olishiga yangi sharoit paydo bo'ladi;
- agar ta'lim olishga vaqt kam bo'lsa yoki ta'lim muassasasi yashash joyidan uzoqda bo'lsa, kishi o'zi uchun qulay vaqtda ishdan ajralmagan holda ta'lim olishi mumkin;
- ta'lim olish chegara tanlamaydi, talabalar boshqa joylarda-viloyatda turib ham bilim olishi mumkin.

Shu bilan birga kelajak uchun muammo bo'lmagan kamchiliklari ham mavjud:

- foydalanishda zarur komp'yuter va texnika qurilmalari albatta mavjud bo'lishi;
- kerakli texnologiyalardan foydalanishda yetarli ko'nikmaga ega bo'lishi;
- texnik ko'rsatkichlarga tobe bo'lishi kabilardir.

Masofaviy ta'lim texnologiyalarini qo'llagan holda o'qitishning tashkiliy shakllariga elektron darsliklar, seminarlar, chat seminari, video anjumanlar,

forumlar, maslahatlar va boshqalar kiradi. Kelajakda masofaviy ta'lim texnologiyalarini qo'llagan holda o'qitilsa, ta'lim tizimi yutuqlarga boy va samarali bo'lar edi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, masofaviy o'qitish barcha ta'lim oluvchilarga o'zlarining individual xususiyatlariga muvofiq bilim darajalarini oshirish imkoniyatini beradi.

Adabiyotlar:

1. «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot- kommunikasiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentini № 3080 Farmoni // «Xalq so'zi» gazetasi, 2002 yil 6 iyun.

2. G'ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. Toshkent, Fan. 2010.-686 b.

3. Aripov M., Begalov B., Begirg'ulov U., Mamarajabov M. Axborot texnologiyalari. Toshkent: Noshir, 2015. -368

“ИНТЕРНЕТ” ТАРМОҒИДАГИ ХАВФЛАРНИНГ ЁШЛАРГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ф.ЮЛДАШЕВА,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
“МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ
ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

Хозирги глобалашув шароитида ахборот инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланганлиги боис мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг ахборотдан фойдаланишлари учун соғлом муҳит яратиш муҳимир. Зотан, Биринчи Президентимиз таъкидланганидек “Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётига энг катта зиён етказадиган нарса бу-сохта ва ёлғон информация. Бу-одамларни йўлдан уришнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чалғитиш, керак бўлса, оёғини ердан узиб, турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига қўйишда бу усул кенг қўлланилмоқда”[1]. Биламизаки хозирги кунда соғлом ахборот билан бирга носоғлом ахборот яъни, инсоният онгини захарлайдиган, ҳулқ-атвори бузадиган, ёмон йўлга етаклайдиган, давлат тузумига таҳдид соладиган ахборотлар интернет тармоқларида қўп учрайди.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги борасида қуйидагиларга таҳдид солиниши мумкин. Масалан,

-фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига, ижтимоий онгга ҳамда маънавий юксалишига таъсир кўрсатувчи таҳдидлар;

-давлатимизнинг ахборот таъминотига оид давлат сиёсатига қарши таҳдидлар;

-давлатимизга бузғунчи ғояларнинг кириб келиши, тарқалиши билан боғлиқ таҳдидлар;

-ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа воситалари саноатининг ривожланиши, ички бозорнинг ушбу маҳсулотларга бўлган талабининг қондирилиши ҳамда уларнинг жаҳон бозорига чиқиши, шунингдек, республикада ахборот ресурсларининг тўпланиши, сақланиши ва улардан самарали фойдаланилишига бўлган таҳдидлар;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яратилган ахборот-телекоммуникация восита ва тизимларининг хавфсизлигига таҳдидлар ва бошқалар.

Мустақилликни қўлга киритганимиз 26 йил бўлганлигига қарамай, бундай хавфларни олдини олиш, ахборот хавфсизлиги ва соғлом ахборот мухитини таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, **амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.** Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сонли “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида ахборот борасидаги хавфсизлик - ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатидир, шунингдек, ахборотни муҳофаза

этиш – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларидир деб таъриф берилган. Мазкур қонуннинг 12-моддасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият

йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди[2]. Булар жумласига ахборот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган ҳамда қўллайдиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар, ахборот ресурсларини юзага келтирадиган ва улардан истеъмолчиларга ахборот тақдим этадиган ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар киради. Шунингдек, бевосита вояга этмагалар орасида интернет ахборот тармоғида хавфлардан ҳимоя қилиш борасида қонунчилигимизда қуйидаги нормалар белгиланган. Жумладан, “Бола

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намоиш этишнинг тақиқланиши белгилаб қўйилган [3].

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” Қонунининг 44-моддасига биноан, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қаторида вояга етмаганлар ўртасида профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш белгилаб қўйилди[4].

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг

12¹-моддасига биноан, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш тартиби белгилаб қўйилган[5]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 март 137-сон Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрь 256-сон “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ахборот борасида хавфсизлик нормалари ва уларни амалга ошириш усуллари белгиланган.

Хозирги глобалашув жараёнида Ахборот хуружларидан ёшларга ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, мавжуд қонунчиликни замон талаблари асосида кўриб чиқишда давлат бошқарув органлари олдига бир қатор вазифалар ётибди. Ўз навбатида мазкур қонунларнинг ижросини самарали ташкил этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда турли ноқонуний ташкилотлар, мудҳиш шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали вайронкор ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлари кучаймоқда. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан бу ахборотларни кириб келишида, тарқатилишида ва сақланишига қарши бир қатор ишлар мунтазам равишда амалга оширилади. Аммо, хавфли ахборотларни тарқатиш йўллари бугунги кунда замонавий йўллари ва турли хил янги усуллари яратилмоқда. Масалан, МДХ давлатлар орасида, хусусан, Украина, Қозоғистон, Россия ва Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби. интернет тармоқда

яратилган “кўк кит”, “тинч уй” ва бошқа ўлим гуруҳларидир. «Кўк кит» — ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ёшлар учун яратилган махсус гуруҳ. Ўйин давомида танлаб олинган иштирокчига 50 кун мобайнида 50 та топшириқ берилади. Ҳар бир топшириқ саҳармардонда, яъни соат 4:20 да бажарилиши лозим. Нега ўйин учун айнан соат 4:20 танланган? Психологларнинг фикрича, бу пайтда инсон танаси уйқу ҳолатида бўларкан. Шу тариқа ўйин ташкилотчилари инсон онгига ўз жонига қасд қилиш ғоясини сингдириб боради. Ўйиндаги биринчи топшириқни ўқиб «кўк кит»га аъзо бўлган ўсмир, аввало, «худо»нинг суратини чизиши керак. Кейинги топшириқлар ўз-ўзидан мураккаблашиб бораверади: қўлга китнинг суратини пичоқ билан ўйиб чизиш, бармоқдан қон чиқариш, кўп қаватли уйларнинг тоmidан сакраш, автомобиллар катта тезликда ҳаракатланадиган йўлдан югуриб ўтиш, бу жараёни бевосита видеотасвирга олиш ва ҳоказо. Ҳар бир иштирокчи шартли равишда «кўк кит» деб аталаркан. Унга топшириқларни «масъул»лар юборишади. Иштирокчи ўйинни тарк этмоқчи бўлса, унга ва оила аъзоларига ўлим билан таҳдид қилинар экан [6]. Кўриниб турибдики бу ўйиннинг асосий вазифаси болалар ва ёшларимизнинг онгини захарлаб ўз жонига қасд қилишга ундашдир. Ундан ташқари ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда турли хил террористик, экстремистик, сепаратистик гуруҳлар томонидан яратилган террористик ташкилотларга, секталарга қўшилишга тарғибот қиладиган, жиноят содир этишга ундайдиган, болаларни ўз ҳаётига қасд қилишга етаклайдиган “Ўлим гуруҳлари”(Тинч уй, Китлар денгизи, ва ҳоказо) фаолияти фаоллашган. Бунга қарши курашиш борасида ахборот айланивида давлат бошқаруви органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, маҳалла ҳамда фуқароларимиз фаол иштироки муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов интернет орқали кириб келиши мумкин бўлган хавфларни кўра билиб, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай ёзган эди: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”[7]. Интернет тармоғидаги носоғлом ахборот билан курашиш борасида давлат бошқаруви органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан турли тарғибот ташвиқот, профилактика ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази томонидан ўзбек ва рус тилларида “Онлайн муҳитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма” ишлаб чиқилди. Мазкур қўлланма Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 7 апрелдаги қўшма қарори асосида тасдиқланди. Қўлланманинг тасдиқланиши, шунингдек, Республика Маънавият тарғибот маркази ва Республика “Камолот” ЁИХ Марказий

кенгаши билан келишилди. “Онлайн муҳитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма” вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган бўлиб, унда болаларни Интернет тармоғидаги хавф-хатарлардан асраш ва уларнинг ахборот хавфсизлиги меъёрларига риоя қилишлари бўйича тавсиялар мавжуд. Жумладан, қўлланмада вояга етмаганлар 3 тоифага (7 ёшдан 10 ёшгача, 10 ёшдан 13 ёшгача, 13 ёшдан 16 ёшгача) бўлинган ҳолда, уларга ва уларнинг ота-оналарига бир-биридан алоҳида тарзда таклифлар ва тавсиялар берилган[8].

Вояга етмаганларнинг соғлиғи ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, бир қатор ривожланган мамлакатларда носоғлом ахборот оқимларининг олдини олиш, бартараф этиш ва унга қарши курашишнинг ўзига хос қонунчилик тизими яратилганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, бу борада халқаро амалиётдаги “Кибер жиноятлар тўғрисида”ги конвенция, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида”ги Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, Германиянинг “Ёшларни ҳимоялаш тўғрисида”ги, Литваннинг “Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида”ги ва Россиянинг “Болаларни соғлиғи ва ривожланишига зиён етказувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида”ги қонунларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлатимиз томонидан мунтазам равишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар ташкил этилган. Ёш олимларимиз томонидан бу борада куйидаги таклифлар берилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида бевосита ёшлар ишлари билан шуғулланувчи махсус қўмита ташкил этиш таклифи илгари сурилади. Бу каби қўмиталарни бир қатор ривожланган Европа мамлакатлари тажрибасида ҳам кузатишимиз мумкин. Шунингдек, Халқ таълими муассаларида “Ахборот хавфсизлигини асослари” дарсини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эндигини вояга етиш босқичи арафасида турган ўқувчиларнинг ахборот олиш онги ва маданиятини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилар эди[9]. Бу таклифга қўшилган ҳолда давлатимиз, жамиятимиз, маҳалла институти ва бевосита ота-оналар томонидан ҳар доим болалар тегишли тартибда назоратда бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу вазифани бажаришда биз масъулият билан ёндашмоғимиз зарур. Айнан ёшлар ва болалар яқин келажақда ижтимоий жараённинг асосий субъекти бўлади. Бугунги кунда болаларимиз ўсиши учун уларга соғлом муҳит яратиш даркор. Чунки болаларимиз бизнинг буюк келажагимиз бунёдкорларидир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир // Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2015. 251-бет.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1 модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда)

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда)

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда)

6. <http://mahallagzt.uz/ma-navij-ajot/8656-tiriklik-kushandasi>

7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.- Т.: “Манавият”, 2008.-Б 115

8. <https://infosec.uz/uz/useful/onlayn-muhitda-yoshlarni-himoya-qilish/>

9. Рахимов М.А. Вояга етмаганларни зарарли ахборот таъсиридан химоя қилишнинг ҳуқуқий асослар”// Жамият ва ҳуқуқ. Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. 2016. № 2. Б 55

АХБОРОТ –КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФОЙДАЛАНИШ ДАВР ТАЛАБИ

Г.АКРАМОВА, АССИСТЕНТ,
Қ.АЛИҚУЛОВ, ТАЛАБА,
ТАТУ, ТОШКЕНТ Ш.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кун сайин жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли ҳам улардан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, таълим соҳасида фойдаланиш асримизнинг энг долзарб вазифасидир. 1997 йилда давлатимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг сифат босқичида мамлакатимизда АКТ ни жорий этиш, таълим тизимида жорий янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ва унинг ижобий тажрибаларини жалб этиш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз олимий таълим муассалари етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, таълим

самарадорлигини ошириш, таълимнинг юқори сифат даражасида ўқув машғулотларини ўтишни таъминлаш, мустақил таълим олиш ўз-ўзини мустақил назорат қилиш имконини юзага келтириш, билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ахборотни мустақил ўрганиш турли услубларини қўллаш, ўқув материалларни ўрганиш, вақтни тежаш ва бошқа бир қатор маъсулиятли вазифаларини амалга оширишда АКТ дан кенг қўлланма фойдаланилмоқда. Бу борада таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини замонавий АКТ, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” қонун (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 –йил, 6-сон. Президентимизнинг 2002-йил 30-майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги” ПФ-3080-сонли Фармони (‘‘Халқ сўзи’’, 116 (2944)- сон, 2002-йил, 1 -июн) мувофиқ бугунги кунда мавжуд вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари томонидан таълим соҳасида АКТ ҳамда хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Бугунги ёшларнинг тафаккури ва онгги ўсмоқда. Улар келажакда жамият учун керакли шахс бўлиб етишишлари учун замон талабига жавоб берадиган кадрлар орасида ўз ўринларини топишлари кераклигини англаб етканлар. Келажак авлод кун сайин янгиланиб бораётган технологиялар билан ишлаш, маркетинг ва менежмент фаолиятини яхши билган ҳолда ишлаб чиқаришда фаолият юритиш, янгиликлар яратиш қобилиятига эга бўлиши керак. АКТ ни таълим жараёнига жорий этиш бўйича жамиятимизнинг тез суръатлар билан ўсиб боровчи эҳтиёжлари олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида электрон дарслик ва қўлланмалар, виртуал стендлар, интеллектуал тизимлар, АКТ воситалари ва Интернет

имкониятларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш,шунингдек, масофавий таълимнинг жорий этиш билан боғлиқ назарий ва амалий тадбирлар бажарилишини тақозо этади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда АКТни юқори даражада ривожланганлиги ҳамма соҳавий таълимни амалга ошириш учун етарли шарт шароитлар мавжудлигини билдиради. Интернет хизматининг тобора юксалиб бораётгани, ўқитиш жараёнида ундан тўғри ва унумли фойдаланишга бўлган эҳтиёж юртимиз таълим тизимида АКТ нинг миллий стратегиясини изчил жорий этишни тақозо этмоқда. Ушбу стратегия ўзида олий таълим масканларини АКТ билан таъминлаш орқали иқтисодий-ижтимоий таълим сифатини ошириш, электрон ўқув дастурларини яратиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг АКТ дан фойдаланиш билим ва кўникмаларини ошириш каби жараёнларни ўз ичига олади. Машғулотлар чоғида АКТдан кенг фойдаланиш ўқув материалларини талабалар томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш самарадорлигини юксалтиради.

Умуман олганда,талабаларга замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш, ҳам талаба, ҳам ўқитувчидан тескорликни, изланувчанликни, мустақил фикр юритишни ва мустақил ишлашни, ўзига нисбатдан талабчанликни ва маъсулиятни ҳис этишни, хорижий тилларни мукамал билиш ва эркин мулоқат каби кўникмаларни ривожоантиради.

Шуни айтиш лозимки, таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳада ўзига ҳос муҳим аҳамият касб этса, таълим фаолият эса, жамият иқтисодий ривожланишининг муҳим бир бўлаги ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодий таълим жараёни ахборотлаштириш орқали шахснинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини ривожлантириш. жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг иқтисодий билим ва малакасини ошириш.тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш мумкин. Ҳозирги кунда нафақат таълим соҳасига, балки миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларига интернет, электрон тижорат,

электрон бизнес, виртуал тижорат, масофавий ўқитиш, виртуал стенд технологияларидан кенг қўлламда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон ахборот жамиятиинг ривожлантириш ҳақида гап кетганда шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўнги 10 йил давомида жами 2,5 миллиард АҚШ долларга тенг бўлган 40 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди, натижада барча шаҳарлараро ва ҳалқаро ҳамда 98 фоиз маҳаллий телефон станциялар расмийлаштирилишига эришилиб, бу аҳолига замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишда қўл келмоқда. Масалан интернетнинг www.google.co.uz. www.islom.uz. www.zivo.uz. ва шу каби бошқа сайтларидан унумли фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим тизимида ўринли, тўғри фойдаланишни бугунги кун илмий техника тараққиёти тақозо этади. Улар, ижодий ва самарали фойдаланган ҳолатдагина биз ёшлардан, уларнинг маънавий оламидан энг эзгу ўй ва ғоялар ҳақида улкан марраларни ҳеч иккиланмасдан кутиш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

- 1.Хидиров Б «Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашнинг назарий ва амалий асослари» -ТФан ва технология,2009,
- 2.Йўлдашев Ж.Г.,Усмонов С.А.Педагогик технология асослари .-Т.:2001,
- 3.Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти.-Т:
- 4.Таълимда ахборот технологияари.Олий таълим муассасалари учун /Р.Ҳамдамов, У. Бегимқулов, Н.Тайлоқов.-Т.: Ўз МЕ давлат илмий нашриёт, 2010 йил
- 5.Ғуломов С., Бегалов Б, Таълим ва ахборот технологиялари // Иқтисодиёт ва таълим, 2010, 2-сон.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН АСОСЛАРИ

Н.ИМИНОВА, Г.АКРАМОВА,
ТАТУ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва унинг ягона, узлуксиз модели яратилди. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга оид ҳуқуқий асослар яратилди. 1997 йилда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ташаббуси ва раҳнамолигида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ўз мазмун ва моҳиятига кўра Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 12 йиллик таълимга ўтиш ва узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутган. Узлуксиз таълим тизими ўз ичига мактабгача муассасаларни, умумий ўрта таълимни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим босқичларини қамраб олади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассис кадрларни тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш вазифасига қаратилган. Шу нуқтаи назардан республикамызда узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва унинг тараққий этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий фан-техника тараққиёти ҳамда глобаллашув натижасида ахборот ҳажмининг мисли кўрилмаган даражада ошиб кетиши уни самарали ўзлаштириш жараёнини биргина анъанавий таълим шакллариға таянган ҳолда амалға ошириб бўлмаслигини яққол намоён этмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, олий иқтисодий таълим йўналиши бўйича электрон ва масофавий таълим шакллариға ўтишға замонавий талабларға жавоб берувчи малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг устувор вазифаси сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу йўналиш бўйича дастур қабул қилинган. Ушбу дастурга кўра, 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш назарда тутилади. Бу, ўз навбатида, битирувчи талабалар рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишларига замин яратади.

Таълим жараёнида инновацион таълим ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фақатгина дастурий ёки услубий таъминот сифатида эмас, балки ўқитиш шакллари, усуллари ва мазмунига оид мавжуд муаммоларнинг назарий ечимлари сифатида ҳам фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ахборот-коммуникация воситалари асосида шаклланувчи ахборот-таълим муҳити билим олишга таъсир этувчи психологик омиллар ва педагогик жараёнларнинг ташкилий томонларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб этади.

Ҳозирги пайтда йиғилган амалий ўқитиш тажрибаси ва назарий тадқиқотларга асосланадиган бўлсак, замонавий ахборот-таълим муҳитида ўқитиш жараёнларини амалга ошириш ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд педагогик тизимни трансформациялаш заруратини юзага чиқаради. Педагогик тизимнинг асосий элементлари замонавий шароитларда педагогик жараённинг янгича электрон таълим муҳитида (ахборот, интерфаол, мультимедиа, ахборот-таълим, масофавий) олиб борилиши зарур. Бу йўналишдаги муҳим вазифалардан бири – янги техник воситаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳамда бу воситалар таъсирида ўзгаришларга учраётган ўқитиш назарияси ва услубиятига мослаштиришдир.

Илғор фан-техника ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришни кенг жорий этиш муайян ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни ҳам тақозо этиб, мамлакатимизда бу борада ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу жараён ҳақида Республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.

Каримов: “иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектлари берадиган ўзгартиришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур”, деб, бу жараёнга янада катта эътибор берилишини таъкидлайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бормоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш бўйича ишлаб чиқариш ва таълим тизимида кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Ахборотлаштириш, замонавий АКТни жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш борасида устувор йўналишлар белгиланган.

Янги турдаги иқтисодиётни ривожлантиришнинг асоси сифатидаги инновацион ривожланишни ташкил этишнинг саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўп йиллар давомида шаклланган. Бугунги кунда инновацион жараёнларни ва бу жараёнлар иштирокчиларининг ўзаро фаолиятини давлат томонидан бошқариш етарли даражада мураккаб, аммо самарали механизмларни намоён этади.

Бугунги кунга келиб, олий ўқув юртларида яратилган 1200 дан ортиқ электрон ўқув қўлланма рўйхатга олинган, ўқитиладиган фанларнинг аксарияти бўйича маърузаларнинг электрон матнлари олий ўқув юртларининг ахборот-ресурс марказларида мавжуд.

Барча таълим муассасаларида интернет тармоғидан фойдаланишга кенг йўл очиб берилган. Бу эса республиканинг турли вилоятларида ўз интернетдан қулай фойдаланиш имконини беради.

Интернет-хизматларни тақдим этишдан ташқари UzSciNet нинг асосий фаолият йўналишларидан бири ахборот технологиялари соҳасида

мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш ҳамда Ўзбекистоннинг илмий ва маданий кадриятлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишдан иборат.

Таълим масканларида фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар дарс бериш жараёнида АКТдан фойдаланиши бугунги кун талабидир. Профессор-ўқитувчилар дарс машғулотларини замон талабига мос равишда ташкил этишлари учун таълим муассасалари замонавий АКТлар билан тўлиқ таъминланган.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида дидактика замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш орқали билимларни пухта ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолиятининг кенг жабҳали турларини таклиф этади. Бу муҳитдаги дидактика фикрлаш, шахснинг салоҳияти ва имкониятлари, унда ахборот маданиятини тарбиялаш бўйича малака ва кўникмаларни ривожлантиради.

Таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштириш — педагогик-психологик мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни назарда тутди.

Таълимдаги ислохотлар ҳар бир педагогдан ўз фани ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид ахборотларни мунтазам ўргана бориб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллай билишни талаб этади. Бу жараён замонавий ахборотлашган жамиятда шахсни ривожлантириш мақсадларида таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари, усуллари, мазмунини танлаш ва методологиясини такомиллаштириш ҳамда талабанинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни назарда тутди.

Талабалар ўқишини назорат қилишнинг бошқа бир муҳим вазифаси уларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлиб, уларда ўқишга жавобгарлик, интизом, саранжомлик ва софлик ҳис-туйғуларини тарбиялайди, меҳнатга лаёқатлилиқни, ғурур ва иродани ҳамда меҳнатга нисбатан мунтазам кўникмани шакллантиради

ОТМларида информатика ва компьютер технологиялари бўйича дарс берадиган ўқитувчилар 2011 йилда умумий ўқитувчиларнинг 5,8 %ини ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 6,9 %га етди.

2011 йилда 1 та профессионал коллежга ўртача 28,2 та компьютер тўғри келган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 30,0 тани ташкил этди.

Олий таълим муассасаларидаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Моддий-техника базани такомиллаштириш мақсадида, ундаги маънан эскирган воситаларни янгилаш керак. Яъни, жойлардаги ўқув муассасаларини замонавий техник қурилмалар, замонавий компьютер, видеопроектор, махсус экран, телевизор, видео камера, фотоаппарат, веб-камера, сканер, принтер, интернет, компакт дисклар, юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш зарур.

2. Ўқув даргоҳларида дастурий маҳсулотлар етарли даражада эмаслигини ҳисобга олиб, уларни мультимедиа, электрон дарсликлар, ўргатувчи тренажёрлар, виртуал лаборатория, техник қурилмаларнинг дастурий таъминоти, уларни ишлатиш ва ўргатиш бўйича қўлланмалар билан таъминлаш керак.

3. Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг маълум бир қисми замонавий компьютер техникасидан ўқув жараёнида етарли фойдаланиш малакасига эга эмас. Моддий-техник база ва мультимедиа дастурларидан дарс жараёнларида, амалий машғулотларда фойдаланишни билмаслик барча ишлар самарасиз кетишига олиб келади. Шунинг учун таълим муассасасидаги ўқитувчилар компьютерда мукамал ишлашни билишлари, унинг имкониятларидан ўқитиш жараёнларида унумли фойдаланишлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида ўқув жараёнида АКТдан самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. ОТМларида АКТ кенг жорий этилиши натижасида таълим жараёнида фойдаланилаётган

электрон ахборот ресурсларининг янги шакллари ва уни ўқитиш усуллари такомиллашиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда таълим муассасаларида самарали ўқув жараёнини ташкил этишда АКТдан фойдаланиш борасида чексиз имкониятлар мавжуд. Келгусида ушбу имкониятлардан тўла фойдаланишга эришиш зарур.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 464-1 сон 1997 йил 29 август
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 2011 йил 20 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони.
4. Гулямов С. Бегалов Б “Таълим ва ахборот технологиялари” иқтисодиёт ва таълим. 2010.2-сон.
5. Таълимда ахборот технология. Олий таълим муассасалари учун./ Р Ҳамдамов. У Бегимкулов.Н.Тайлоқов ЎзМЕ давлат илмий нашриёт.-Т 2010.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ

Д.КУВАНДИКОВА, К.Э.Н, ДОЦЕНТ, ТУИТ,
Д.НУРМАТОВА, СТАРШИЙ ПРЕПОДАВАТЕЛЬ ТУИТ

На сегодняшний день одной из актуальных задач образования является необходимость изменений в традиционных образовательных системах и технологиях и разработка новых путей их развития в условиях повсеместного внедрения информационно – коммуникационных технологий (ИКТ). При внедрении тех или иных технологий необходимо иметь точное представление о среде, для которой оно создается. Следует отметить, что за последние 20 лет произошли коренные изменения в обществе, проявилось новое понятия, такое как информационное общество, отличительными особенностями которой являются: появление новой экономики; наличие виртуальных субстанций; появление новых видов деятельности; свобода в выборе профессии и места работы, основанных на информационно – коммуникационных технологиях. Переход к информационному обществу

ускоряет процессы глобализации, а именно: появление глобальных коммуникаций; глобальное обучение; глобальный обмен информацией; глобальные знания. Эти особенности информационного общества также прямо или косвенно влияют на систему образования [1-2].

Внедрение ИКТ изменили не только структуру любой деятельности, но и создали условия к интеграции различных видов деятельности. Эти изменения коснулись и системы образования, примером может служить рост объема обучения на базе WEB – технологий. Изменилась и роль образования – сейчас хорошее образование является основой получения на рынке труда работы и соответствующего материального благополучия. Современная экономика требует от системы образования мобильности, ориентацию на потребности рынка труда и динамичности. Одним из путей решения данной проблемы является создание интегрированного образовательного пространства на базе современных компьютерных и телекоммуникационных технологий и сетей, которые послужат технологической базой современной системы образования. Внедрение информационных технологий в обучении предоставит ряд возможностей для оптимизации и интенсификации процесса обучения[3].

В настоящее время без использования современных информационных технологий не может эффективно работать ни одно образовательное учреждение. При этом содержание и развитие собственной IT-инфраструктуры при каждом образовательном центре обходится очень дорого. С каждым годом уровень данных затрат все больше и больше возрастает. Учреждения расходуют большие суммы на компьютерную технику, телекоммуникационное оборудование и программное обеспечение. Помимо вышеуказанных затрат значительные финансовые вложения требуются и для поддержания высокого уровня профессионализма этих сотрудников.

"Облачные вычисления" (Cloud computing) являются хорошей альтернативой классической модели обучения. Главным ее плюсом можно

считать существенную экономию средств образовательного учреждения, в котором они используются. Ведь в этом случае компьютерная инфраструктура и информационные сервисы предоставляются как услуги "облачного" провайдера. Документы, электронные письма, программы и прочие данные участников образовательного процесса хранятся на удаленных серверах провайдера. При этом для учреждения нет необходимости содержать собственную дорогостоящую IT-инфраструктуру и переплачивать за вычислительные ресурсы, которые в большинстве случаев не задействованы на полную мощность. Единственное, чем необходимо обеспечить преподавателей и обучающихся с использованием облачных технологий, – это доступ к сети Интернет.

Национальный институт стандартов и технологий США (National Institute of Standards and Technology – NIST) в документе «NIST Definition of Cloud Computing v1.5» определил «облачные вычисления» следующим образом:

- модель облачных вычислений дает возможность удобного доступа посредством сети к общему пулу с настраиваемыми вычислительными ресурсами (например, сети, сервера, системы хранения, приложения, услуги);

- модель облака содействует доступности и характеризуется пятью основными элементами:

- самообслуживание по требованию,
- широкий доступ к сети,
- объединенный ресурс,
- независимое расположение,
- быстрая гибкость, измеряемые сервисы.

В настоящее время существует множество поставщиков облачных решений. Такие крупные компании как Amazon, Google, Microsoft и т.д. предлагают значительные скидки образовательным учреждениям, за счёт чего они получают доступ к облачным сервисам практически бесплатно.

Надежность, доступность и легкая масштабируемость являются ключевыми достоинствами облачных технологий. Может ли все это означать, что в скором времени большая часть образовательных услуг будет предоставляться на базе облачных вычислений? Приведет ли это к полному отказу образовательных учреждений от собственных громоздких ИТ-инфраструктур?

В облачных вычислениях традиционно выделяют три типа (уровня):

- Инфраструктура как услуга.
- Платформа как услуга.
- Программное обеспечение как услуга.

Инфраструктура как услуга (IaaS, Infrastructure as a Service). На этом уровне потребитель может самостоятельно конструировать свою ИТ-инфраструктуру в облаке и управлять ей. Самые известные IaaS-решения: Amazon Cloud Formation, Google Compute Engine, Windows Azure.

Платформа как услуга (PaaS, Platform as a Service). На этом уровне провайдер облачных услуг предоставляет пользователю доступ к операционным системам, системам управления базами данными, средствам разработки и тестирования. Вот перечень наиболее известных PaaS-сервисов:

- Google App Engine (для разработки программного обеспечения на языках Java, Python);
- Windows Azure (для ASP.NET, PHP);
- Cloud Foundry (языки программирования Java, Ruby, Scala).

Программное обеспечение как услуга (SaaS, software as a service). На этом уровне поставщик предоставляет пользователям облака готовое программное обеспечение. Все данные хранятся в облаке, и для доступа к ним пользователю требуется только наличие веб-браузера. Это наиболее

интересный для образовательных учреждений тип облачных вычислений, поскольку он не требует дополнительных затрат на установку и настройку программного обеспечения, как это требуется при использовании IaaS и PaaS. Примеры бесплатных SaaS-решений для образовательных учреждений – это Google Appsfor Education и Microsoft Office 365 for education. Они содержат в себе функции офисного пакета (работа с документами, таблицами и презентациями), средств коммуникации (электронная почта, календари, мгновенные сообщения) и средств эффектной подачи информации (в виде статических презентаций, видеороликов или интерактивных приложений).

Остановимся на возможностях применения облачных вычислений в образовании. Одной из первых облачных услуг, которую стали использовать европейские образовательные учреждения, стала электронная почта. Обеспечение работоспособности (аутсорсинг) сервиса электронной почты – несложная задача, которая определенно не играет ключевой роли в работе образовательного учреждения. Корпорации Google и Microsoft предоставляют сотрудникам и учащимся образовательных учреждений доступ к электронной почте бесплатно.

Помимо услуг электронной почты эти корпорации обеспечивают возможность использовать в облаке функции стандартного офисного пакета для совместной работы с электронными документами, таблицами и для создания презентаций. Облачные сервисы для образовательных организаций Google Apps for Education и Microsoft Office 365 for education позволяют использовать встроенные системы для обмена мгновенными сообщениями, календари для совместного планирования и общие адресные книги. Каждый пользователь облачных систем получает значительное дисковое пространство для хранения любой информации, которая была получена в результате работы с облаком.

Также если для образовательного учреждения безопасность доступа к данным не является приоритетным направлением, тогда может оказаться выгодным использование низкоуровневых IaaS-сервисов в качестве систем хранения данных, например, для видео- и аудиоматериалов.

Для некоторых образовательных учреждений может оказаться выгодным перемещение в "облако" внутренних систем управления обучением (LMS, Learning Management Systems). Это хорошая возможность для таких учреждений, которые не могут позволить себе покупку и поддержку дорогостоящего оборудования и программного обеспечения, что позволяет оптимизировать расходы на IT-инфраструктуру в современных посткризисных условиях.

Используемая литература:

1. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании. - М.:Школа-Пресс, 1994.
2. Инновационные технологии в образовании / Под ред. Абылгазиева И.И.,Ильина И.В./Сост.Земцов Д.И. - М.: МАКС Пресс, 2011.-141 с.
3. Корнеев И.К., Ксандопуло Г.Н., Машурцев В.А. Информационные технологии. - М.: ТК Велби, Проспект, 2009. - 224 с.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНАЁТГАН ДАВРИДА ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Н.МУХАМАДАЛИЕВА, КАТТА ЎҚИТУВЧИ, ТАТУ
М.ИСМОИЛОВ, 4-БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ, ТАТУ

Давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот коммуникация технологиялари билан боғлиқ муаммолардан тўпланган тажриба, шаклланаётган тенденциялар, ушбу масалаларда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш билан баҳоланади.

Ушбу асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда ривожланиш даражасини таҳлил этиш, юзага келган муаммоларни танқидий ўрганиш талаб этилади. давлат бошқарувида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш учун мамлакатда шаклланаётган ташкилий, ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлар таҳлили зарур ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг суръатлари ва даражаси нуқтаи назаридан давлат бошқарувида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш долзарб масала сифатида қаралади.¹

Ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражасини таҳлил этганимизда компьютерларнинг локал тармоққа уланганлик даражасини таъкидлаш асосий вазифа сифатида кўриб чиқишимиз лозим, тармоқ орқали компьютерларнинг ахборот алмашинуви ва маълумотларни корпоратив шакллантиришда тармоққа уланган бўлиши талаб этилади.

Корпоратив тармоқ яратилганлиги 17 та соҳа корхоналарининг 8 тасида, уларнинг функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, корпоратив тармоқ яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Алоқа инспекцияси, ЭМММ, РАКМ, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ да корпоратив тармоқ (100%) яратилган. Тармоқнинг тўла ишлашини таъминлашимиз давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини беради. Қуйидаги расмда Давлат ахборот ресурслари сони келтирилган.

Ахборот тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳолатига назар солганимизда, аввало ахборот технологияларининг ташаббускор корхоналарида кўришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда ахборот технологиялари ва коммуникациялари вазирлигининг корхоналарининг 16 тасида (89%) ахборот тизимлари мавжуд.

Давлат ахборот тизимларининг сони ва сифатини ошириш жамиятнинг ахборот тизимларига бўлган талабини ортишига олиб келади.

¹ Арипов А.Н. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат, 2004

Жамиятимизнинг равнақ топишига хизмат қилиб келаётган 17 та соҳа корхоналарида жами 62 та ахборот тизимлари қайд этилган. Жумладан, ТАТУда 9 та, УЗИНФОСОМ марказида 7 та, «Ўзтелеком» АКда 6 та ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда 6 та ахборот тизимлари ишлатилаётган бўлса, ЎЗИМПЕКСАЛОҚА ДУК 2 та ва «Хабар»газетаси тахририятида 1 та ахборот тизими кўришимиз мумкин. Қуйидаги расмда бугунги кунда жамиятимизнинг равнақи учун фаолият олиб бораётган Давлат ахборот тизимлари динамикаси келтирилган.

Республикамизда ахборот тизимлари динамикасининг ўсиб бориши 2015- йилда жуда юқори натижаларни қайд этилганини кўрамиз. 2010- йилда 70 тани ташкил этган ахборот тизимлари 2015- йилда 6,6 марта ортганини кўрамиз. Ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши лозим бўлган ахборот тизимларини яратиш ҳолати (тўлиқ ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқиш жараёнида) вазирлик тизими бўйича 2014- йилда 84%ни ташкил этганлиги маълум бўлди. Жумладан, «Ўзтелком» АК 100%, «УЗИНФОСОМ Маркази» 100%, «Ўзбекистон почтаси» АЖ 87,5%, «ЭМММ» 75%, ТАТУ 66,7%, «ЎзТТБРМ» 50%, «РРТМ» 50%, «ОКС» Мониторинг маркази 30%, «АЛОҚАЛОЙИҲА» ДУК 25% ҳажмдаги ишларни бажарган.

Шунингдек, ушбу буйруқ билан 2015- йилда ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши белгиланган ахборот тизимларини яратиш бўйича қуйидаги корхоналарда сезиларли даражада ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мазкур «УЗИНФОСОМ» Марказида 100% таъминланган, шунингдек «Ўзбекистон почтаси» АЖ-69,6%, «РРТМ» - 52,6%, «Ўзбектелеком» АК - 52% «УНИСОН.УЗ» ДУК - 50%, «ЭМММ» - 50%, «РАКМ» - 13% ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда ахборот тизимларини жорий этилганлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида соҳа корхоналарининг 17 тасидан 16 тасида ички электрон ҳужжат алмашинуви тизими жорий этилган (94%), корхоналарда жами кирувчи ва чиқувчи корреспонденцияларни

умумлаштирилганда уларнинг 68% ички электрон ҳужжат алмашинуви тизимида рўйхатдан ўтказилганлиги маълум бўлди. Мазкур кўрсаткич 2014-йил май ойига нисбатан 7,2%га ошган.¹ 2015- йил ҳисобот даврида ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги корхона ва ташкилотлар томонидан жами 40688,5 млрд сўмлик хизматлар кўрсатилган. Ижтимоий иқтисодий таҳлилларимиз шуни кўрсатадики жами хизматларнинг аҳолига нисбатан олинганлари 30181,1 млрд сўмни ташкил этади. 2014 йилга ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ўсиш суратлари 12 %ни ташкил этган, аҳолига кўрсатилган хизматлар 17% ни ташкил этган эди.

2015- йилда кўрсатилган алоқа хизматлари қуйидаги гуруҳларга ажратиб таснифлаймиз:

- Ёзма хат-хабарлар 15,4 млн.дона (ўсиш 4 %);
- Ё посилкалар 100,8 минг дона,
- Ё пул ўтказмалари 1 114,6 минг донани (ўсиш 10 %) ташкил этди.

Экспорт ҳажми 155 млн.АҚШ долларни ташкил этиб, импорт ҳажми 126 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрьдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016- йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги ПҚ-2458 сонли қарорига асосан комплекс томонидан жорий йилда жами 223,39 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 7 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида жами 248,8 млн. АҚШ доллар ўзлаштирилди (режага нисбатан 111 %га кўп бажариганини алоҳида таъкидлаймиз).

Халқаро пакетли коммутация марказига уланган оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун белгиланган тариф 1 Мбит/с учун

¹ [8] Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг расмий веб сайтида <http://ccitt.uz/>
[9] www.inter-press.uz

177,23 АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврга нисбатан 31,6 фоизга арзонлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил.
5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини 2008 йил 3 сентябрда 258-сонли “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни раҳбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи.
6. Голубецкая Е.А. и др. Экономика связи. М. РИС 2006 г.
7. Горелик М.А. Экономика связи. М.: "Радио и связь", 2000 г.

ОММАВИЙ ОНЛАЙН ОЧИҚ КУРСЛАР ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Д.ҚУВОНДИҚОВА, И.Ф.Н, ДОЦЕНТ, ТАТУ
Н.МУХАМАДАЛИЕВА, КАТТА ЎҚИТУВЧИ, ТАТУ

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тобора кенг кириб бораётган бир шароитда иқтисодиётнинг турли тармоқларини модернизациялаш, жумладан таълим жараёнида ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Айни тезкор замонда ривожланган давлатларда самарали қўлланилаётган ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор услублари ҳақидаги билим ва кўникма ҳам, ўз навбатида, талаба-ёшларнинг самарали билимолишларига кўмаклашади.

Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириши каби замонавий талаблар кўйилмоқда. Ўқитувчиларнинг амалий жиҳатдан чет тилларини билиши уларнинг ушбу соҳадаги халқаро илғор тажриба ва ютуқлардан хабардор бўлиш, самарали тажрибаларни таълим жараёнига татбиқ этиши асосида таълим сифатини таъминлайди.

Ўқитишни ташкил этишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш, таълимга модул тизимини жорий қилиш, замонавий ахборот тизимлари ёрдамида масофавий таълим ҳамда мустақил таълимни илғор усуллари кўллаш таълим сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Олий ўқув юртларида олий таълим халқаро тизимларининг ўзаро алоқасининг таъсирчан воситаси сифатида таълим модул тизимининг жорий этилиши мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилмоқда. Маълумки, таълим жараёнида модул технологиялари аудиторияга ажратилган соат ҳажмини қисқартиришни, талаба мустақил ишининг аҳамияти ва мақомини оширишни назарда тутди. Бунда талабалар мустақил ишлашини фаоллаштириш ўқув материали мазмунини бойитиш ва мустаҳкамлашга, янги касбий билимларни ўзлаштиришга, ижодий фаолият (креативлик) ва интерфаолликни ривожлантиришга, амалий кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашади. Мустақил ишлаш талабанинг илмий адабиётлар ва ахборот ресурслари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун имконият яратади.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг таркибий қисми бўлиб, у услубий ва

ахборот ресурслари жихатидан таминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Электрон таълим (ЭТ) ривожланиши таълим жараёнига унинг самарали тадбиқ этилиши амалиётини янада кенгайтириб, ҳозирги замон таълим парадигмасининг ривожланишида асосий векторларни белгилаб берувчи замонавий тенденциялар ва мавжуд жаҳон тажрибасига диққат билан назар солишни талаб этмоқда. Булар орасида сўнгги 2-3 йилда ЭТ ривожланишининг энг истикболли йўналишларидан бири - ОООКларнинг шаклланиши бўлди, уларнинг асосида эса оммавий ва барчага тенг имкониятлар мавжуд бўлган таълим ғояси ётади.

ОООК – бу оммавий очик онлайн курслар (инглиз. - Massive Open Online Course, MOOC) бўлиб, улар жаҳоннинг етакчи университетлари томонидан ер шарининг исталган нуқтасида бўлган ҳар қандай инсонга масофавий технологиялар ёрдамида профессор-ўқитувчилар ва юз минглаб талабалар (курс тингловчилари)га эркин мулоқотни ташкил қилиш имкониятини берувчи академик курсларни тақдим этади.

ОООКдан мустақил таълимни фаоллаштириш ва ташкиллаштириш учун қандай фойдаланиш мумкин деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бунинг учун биз қуйидаги алгоритмда иш кўришни тавсия қиламиз:

- ОТМ кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан ОООК ўрганилиб чиқилади;

- кафедранинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда ОООК ўқув модуллари ажратиб олинади. Ажаратиб олинган ўқув модуллариининг қийинлик даражаси, ўқув модулини ўзлаштиришга кетадиган вақти, курсни ўзлаштириш учун талабадан талаб қилинадиган минимал билим талаблари ўрганилиб чиқилади;

- танлаб олинган ўқув фан модули бўйича ички назоратни ташкиллаштириш мақсадида имтиҳон-назорат саволлари тузилади;

- ажратиб олинган ўқув фан модуллари кафедра йиғилишида муҳокама қилинади ва махсус баённома асосида тасдиқланиб, университет илмий услубий кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади;

- мустақил иш сифатида талабаларга ОООК берилаётган ўқув фанлари рўйхати тавсия сифатида берилади;

- талаба мустақил иш сифатида ОООК томонидан тақдим этилаётган курсни (ўқувфаниниёкимодулини) ўзлаштиради;

- ўзлаштиргандан кейин кафедра томонидан ички назорат тестларини топшириб, унинг мустақил иши баҳоланади.

- талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедрада тузиладиган ва факултет декани томонидан тасдиқландиган мустақил иш жадвали асосида амалга оширилади.

- талабанинг мустақил иши бўйича бажариладиган соатлар гуруҳ журналида қайд қилиб борилади.

- талаба мустақил ишини назорат қилиш амалий машғулотларни олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

- талабанинг мустақил иши ўқув режада муайян фанга ажратилган соатга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади.

- талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақилишибўйича, анъанавийгуруҳрейтинг ойнасида ва (ёки) факултетнинг махсус электрон тармоғидаёритибборилади.

- талабага тавсия этилаётган ООО курсларни тугатгандан кейин назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари тегишли кафедралар томонидан белгиланади ва факултет Илмий кенгашида тасдиқланади. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдида методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

- мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди.

- фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда талабалар гуруҳлари, кафедра йиғилишлари ва факултет илмий кенгашларида муҳокама этиб борилади.

- юқори даражада ОООКда баҳоланган талабаларнинг натижалари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1.Таълимда ахборот технологияри.Олий таълим муассасалари учун /Р.Ҳамдамов, У. Бегимкулов, Н.Тайлоқов.-Т.: Ўз МЕ давлат илмий нашриёт, 2010 йил

2.Ғуломов С., Бегалов Б, Таълим ва ахборот технологиялари // Иқтисодиёт ва таълим, 2010, 2-сон.

АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ

Ў.САПАЕВ – ТДЮУ ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

Маълумки, ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инқилоб натижасида глобал ахборот макони шаклланмоқда ва жадал ривожланмоқда. Замонавий ахборот технологиялари нафақат инсонлар, маданиятлар, мамлакатлар ўртасида ўзаро мулоқот, балки ҳар бир фан ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотлар алмашинувиға ҳам кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Мазкур жараён ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ва техникавий ривожланишға ҳам ўз таъсирини таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, бугунги кундаги техноген типдаги цивилизацияни ахборот-коммуникацион технологияларисиз тасаввур этиш қийин.

Ахборот технологиялари соҳасини мураккаб тизим сифатида диалектик табиатға эгадир. Чунки, мазкур соҳа ривожига, аниқроғи, ундан восита сифатида қандай мақсадларда фойдаланиш ахборот хуружиги, ахборот босими, оммавий манипуляция, маънавий деградация ва б. шу муаммоларни ҳам вужудға келтирмоқда. Бир томондан, бу ҳол табиийдир. Зеро, инсон, жамият ҳаётида ҳар қандай илмий муаммонинг конкрет-амалий ечими геометрик прогрессия асосида содир бўлиб, улар янғидан янғи, олдин мавжуд бўлмаган

бир канча муаммоларни вужудга келтиради. Яъни, ҳар қандай тараққиёт маълум бир регрессив жиҳатлардан ҳам иборат жараёндир.

Аммо, иккинчи томондан, азал азалдан манфаатлашган, аммо манфаатлар тўқнашуви кучайган дунёда глобал ахборот маконидаги ижтимоий мазмундаги ахборотларнинг кўпчилигининг объективлигини инкор қилиш бироз қийин. Аксарият ижтимоий йўналишдаги илмий ахборотлар муайян мафкуравий мўлжаллар асосида тарқатилаётгани ҳам элементар фактлар орқали истботланиши мумкиндир. Бинобарин, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий мазмундаги ахборотлар, ижтимоий фанларга доир илмий ахборотлар ҳам, кўпинча муайян манфаатлардан келиб чиқада ва муайян манфаатларга хизмат қилади. Айнан шунинг учун ҳам, глобал ахборот макони, ахборот майдонини назоратидаги ўзига хосликни, умуман улар орқали ҳам бошқариладиган “бошқариладиган хаос”ни манфаат категорияси орқали тушуниш ва таҳлил этиш талаб этилади.

Ахборот ва ахборот тарқатишдан турли мақсадлар йўлида фойдаланаётган манфаатдор кучлар, глобал ахборот маконида монопольликка эга медиаструктуралар муайян геосиёсий, геоиқтисодий ва геомафкуравий манфаатлари йўлида ахборот оқими, унинг йўналиши ва мазмунини белгилашга интилашлари натижасида дунёнинг турли минтақаларида ахборот урушлари “қайноқ уруш”ларга айланиб улгурган ва улгурмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, ахборот олиш ва тарқатиш имкониятлари кенгайиши билан, ахборот уруши, кибертерроризм, ахборот хуружи, ахборот босими ижтимоий воқеликнинг элементларидан бирига айланмоқда.

Ахборотни олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш эса, мафкуравий курашлар билан узвий боғлиқдир. Чунки, ахборот асрида ҳарбий куч билан эришиб бўлмайдиган мақсадларга информацион-мафкуравий омиллар асосида, жамоатчилик фикрини тегишли тарзда шакллантириш, индивидуал ва ижтимоий ва коллектив онг манипуляцияси орқали бевосита эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам, сиёсатчи У.Черчиллнинг “Ким ахборотга эга

бўлса, дунёга ҳам эгалик қилади”¹ деган фикри бугунги даврнинг асосий хусусиятларини ифодалай олади.

Глобаллашув жараёнларининг, хусусан, иқтисодий глобаллашувнинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, ахборот, уни тарқатиш замонавий иқтисодиётнинг муҳим сегментига айланиб улгурган. Айни вақтда, ахборотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳам амалиётда ўз тасдиғига эгадир. Бугунги кунда ахборот майдонидаги сохта ахборотлар (дезинформация), ахборот босими ва ахборот хуружи орқали муайян мамлакатларда қонуний ҳокимиятга қарши чиқишларни келтириб чиқариш фан ва санъат даражасига чиққан. Хусусан, бундай ҳолатни ғарб сиёсатчилари ҳам тан олишмоқда. Масалан, АҚШ Президентлигига собиқ номзод П.Бьюкенен шундай ёзади: “... масс-медиа маданиятлараро тўқнашувда ўзига хос муҳосара қуроли, ёшлар онги ва қалбини забт этишнинг энг зўр ва ишончли воситасига айланди”². Шунингдек, Сербия, Украина, Қирғизистон, Грузия, Тунис, Ливия, Миср, Сурия, Ямандаги “рангли инқилоблар”, аввало, ахборот хуружлари, мафкуравий жиҳатдан тайёргарлик натижасида амалга оширилган. “АҚШ ва Ғарб давлатлари Яқин Шарқдаги стратегик манфаатларни зудлик билан қондиришларида янги информацион технологиялардан, яъни интернет, мобиль алоқалардан, муҳолифат кучларидан фойдаланилди”³. Ахборот хуружининг яна бир хусусиятларидан бири шуки, улар аввало, асрий қадриятлар, тарихий анъаналарга салбий таъсир қилади. Шу сабабли ҳам “...четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа

¹ Ван Янмин. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. Т., 2000. Б.43.

² Бьюкенен П. Смерть Запада. М., 1999. С.78.

³ Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.:Ўзбекистон, 2012. Б.16.

халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”¹. Бу эса, фақат информацион-психологик таъсир орқали кечади. Яъни, ахборот том маънодаги психологик курулга айланган бўлиб у ҳар қандай халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информацион-технологик, ҳарбий инфратузилмасига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситалар тизимидир. ²

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ёшларнинг 90 фоизи ахборотларни интернет орқали олишади. Афсуски, сўнгги вақтларда интернет тармоғидаги ҳар хил ахборотлар, турли уйдирмалар кўплаб тарқатилмоқдаки, уларнинг таъсирида инсон ижтимоий воқеликни холисона англаши, у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиши, билиши муаммо бўлиб қолади. Шунингдек, интернет ресурсларидаги ижтимоий мазмундаги баъзи ахборот манбаларининг ишончсизлиги, ҳақиқатнинг мавҳумлиги, бир ёқламалик, нохолисликда ҳам намоён бўлади. Энг ачинарлиси, “глобал ўргимчак тўри”дан диний экстремистик, миллатчилик, ирқчилик, сектантчилик ҳаракатлар мафкуралари тарқалишига ҳам шароитлар бор. Шунингдек, Ғарбга хос, лекин миллийликка зид ғоялар, қарашлар, маънавий тубанлик, ахлоқий бузуқликни очик ва яширин тарзда тарғиб-ташвиқ қиладиган ахборотлар ҳам шахс руҳияти, жамиятнинг маънавий асосларини емиради. Умуман олганда, янги технология воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружларининг ўзига хослиги шундаки, интернет тармоғида бутун дунёга тезкор етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзили ва манбаини билиш ҳам мушкул бўлиб бормоқда.

Ахборот технологияларининг интенсив ривожланиши, ахборот кўлами ортаётганлиги, ахборот сифати масаласининг эса, долзарблашаётганлиги

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 117.

² Бу ҳақда қаранг: Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.: Ўзбекистон, 2012. Б.70.

ҳисобга олинса, у ҳолда инсонларда, ёшларда ахборотни қабул қилиш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим вазифалардан эканлигини тўғрисида хулоса чиқади.

Шу билан бирга, масалага дифференциал ёндашилса, ахборот хуружларидан комплекс ҳимояланиш, **биринчидан**, жамиятда ижтимоий фанлар устувор даражада ривожланишини таъминлаш, ижтимоий соҳага оид интегратив характердаги фундаментал тадқиқотларга эътиборни кучайтиришни объектив равишда тақозо қилади. Чунки, глобал медиаструктуралар, ахборот майдонини назорат қилувчи етакчи ОАВ, интернет ресурслар, оммавий маданият индустрияси томонидан бўладиган ахборот хуружлари, турли мафкуравий таъсирлар, ёшларни фикрлашдан маҳрум қиладиган, ғоявий жиҳатдан инсонни абсурд мавжудотга айлантиришга қаратилган асарлар - гуманитар интервенция, маданий гегемониянинг таркибий элементларидан биридир. Улар эса, муайян социал назария, мафкуравий доктриналар асосида яратиладиган лойиҳалардир. Шунингдек, ушбу ўринда, ривожланган мамлакатлар жуда катта молиявий имкониятларга эга, асосий маҳсулоти ижтимоий билимлар бўлган “Ақлий марказлар” ҳам ижтимоий фанларнинг реал ижтимоий аҳамиятини намоён қилади. **Иккинчидан**, бугунги кунда кенг истеъмолда бўлган ахборот хуружларидан ҳимояланиш, ахборот хавфсизлиги, ахборот истеъмоли маданияти, умуман, шахсда конструктив дунёқараш, ёшларда фуқаролик позицияси, танқидий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва шу каби дунёқараш, онг, аммо ижтимоий ҳаётни шакллантирадиган муаммолар, ўз навбатида, яъни субстанциал даражада ижтимоий фан, фалсафий маданият каби маънавий базисни, бирламчи интеллектуал асосни функционал жиҳатдан тақозо қилади. Чунки, “Ожиз асосларга эга бўлган билимлар, фанлар ожиз натижаларни келтириб чиқаради”.

Демак, аҳолини, ёшларни турли ахборот босимлари, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш диалектик мазмундаги системали муаммолардан биридир.

ДОСТУПНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (ИКТ) ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ УЧИТЕЛЕЙ

Д.КУВАНДИКОВА, К.Э.Н., ДОЦЕНТ, ТУИТ,
Д.НУРМАТОВА, СТАРШИЙ ПРЕПОДАВАТЕЛЬ, ТУИТ

Сегодня технологии способны оказывать влияние на реализацию программы «Образование для всех». Они становятся все более доступными, и даже недорогие мобильные телефоны предоставляют возможности взаимодействия с миром, немислимые ранее. В то время как наши студенты уже находятся в постоянном сетевом взаимодействии и обладают определенными технологическими навыками, то их учителям необходима поддержка в понимании того, когда и каким образом использовать ИКТ в учебном процессе, чтобы найти общий язык с студентами, передать им свой опыт и обогатить их знания. Реформирование образования, однако, является сложным процессом. Оно редко происходит само по себе, при этом все элементы системы (руководители, администраторы, учителя, учащиеся, ИКТ и средства доступа к ним) играют важную роль, но все же по отдельности не являются достаточными, чтобы вызвать более масштабные системные преобразования.

Технологии являются одной из важнейших составляющих образования в XXI веке. Современные ученики живут в глобальном обществе и испытывают потребность в интеллектуальном соревновании со сверстниками по всему миру. Экспертные оценки свидетельствуют, что цифровые инструменты и сильная педагогическая база могут помочь вузам в использовании эффективных стратегий для приобретения учащимися как традиционных навыков, так и специальных навыков, необходимых в XXI веке. Целью инициатив, предпринимаемых в области применения

информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в вузах, является не просто более эффективное использование ИКТ в учебном процессе, а, скорее, стимулирование экономического развития общества за счет применения ИКТ. Учащиеся во всем мире свободно используют технологии для повседневного общения, творчества и обмена информацией. Сегодня выросло первое поколение учеников, для которого владение цифровыми инструментами является привычным делом. С помощью этих инструментов учащиеся получают информацию, формируют знания и сообщают о своих достижениях окружающим. Цифровые инструменты, многие из которых предполагают совместную работу, доступны всегда и везде, где есть Интернет. Учащиеся ожидают от образования аналогичной аутентичности, релевантности и интерактивности. И все же, несмотря на огромный потенциал технологий как катализатора преобразовательных изменений в области образования, они до сих пор не получили широкого применения.

Результаты многочисленных исследований в данной области явно указывают на то, что среди прочих факторов решающую роль здесь играет высококачественное повышение квалификации учителей, которому в контексте затрачиваемых усилий по реформированию системы образования, к сожалению, уделяется недостаточное внимание. Между тем, именно отсутствие эффективного профессионального развития педагогических работников зачастую считается основной причиной разрыва между тем, что учащиеся могут потенциально достичь, и реальностью, с которой они на самом деле сталкиваются в своих учебных классах по всему миру.

Беглый анализ проблемы использования ИКТ для эффективного преподавания и обучения указывает на очевидное решение: необходимо приобщить учителей к творческому применению ИКТ, и тогда они произведут необходимые изменения.

В определенной степени это возможно осуществить, однако изменения в вузах протекают сложно, и требуются годы, чтобы достичь поставленной

цели. Организация не изменится до тех пор, пока не изменятся входящие в ее состав индивидуумы.

Кроме того, сложившаяся в организации корпоративная культура может представлять серьезное препятствие на пути внедрения новых идей и практик. Майкл Фуллан (Michael Fullan) (2001), признанный эксперт в области реформирования образования, охарактеризовал эту проблему как «Правило 25/75»: 25% решения проблемы составляет выбор правильного направления; а 75% – нахождение способа, как достичь намеченной цели в каждом конкретном местном контексте. Питер Сенге (Peter Senge), видный теоретик по организационным изменениям, добавляет:

Тем не менее, существует все больше доводов в пользу того, что, несмотря на то, что технологии могут оказать существенную помощь в реализации изменений, они не являются их основной движущей силой. Фуллан утверждает: «Нет никаких доказательств того, что технологии являются наиболее удачной отправной точкой для реформирования всей системы, но они могут существенно ускорить дело, если мы поставим во главу угла процесс обучения, квалифицированных мотивированных учителей и учеников».

Наконец, чтобы опирающиеся на технологии инновации приносили свои плоды в вузах, необходимо обеспечить распространение основополагающих принципов, стандартов и стратегий, которые, в конечном итоге, должны быть приняты административными органами управления образованием и педагогами на высшем уровне. Одним из ключевых факторов, способствующих скорейшему принятию нового подхода или метода, является его восприятие как относительного преимущества, т.е. наличие у пользователей явного ощущения того, что применяемая инновация лучше, чем тот инструмент или практика, которым она пришла на смену. Поэтому очень важно проводить исследования и оценки, помогающие документально фиксировать результаты работы с ИКТ. Таким образом, преподаватели будут использовать новые подходы, которые доказали свою эффективность в

обучении. Кроме того, относительное преимущество станет наиболее очевидным для преподавателей, если интеграция ИКТ в учебный процесс будет осуществляться в рамках реализации текущих учебных программ и соответствующих систем оценки знаний. Это, в свою очередь, будет способствовать распространению и принятию стандартов использования ИКТ.

Необходимость эффективного использования ИКТ в вузах, а также наличие четких руководящих принципов для определения компетентностей преподавателей в этой области, сделали еще более актуальной потребность в обеспечении качественного повышения квалификации преподавателей. В то же время применение информационно-коммуникационных технологий также является частью решения этой проблемы, поскольку каждая из необходимых для эффективного профессионального развития характеристик, может быть обеспечена за счет использования ИКТ в процессе повышения квалификации.

Продолжительность обучения (чем дольше – тем лучше), некогда представляла проблему для педагогов. После срока обучения необходимая поддержка и сопровождение для преподавателей практически отсутствовали. Сетевые технологии предоставляют идеальный набор инструментов для поддержания связи и общения с экспертами в течение длительного периода времени, а также возможность получения в порядке обратной связи рекомендаций по решению конкретных проблем образовательного процесса.

Коллективное участие в обучении (групп преподавателей из одного вуза, департамента или параллельных курсов), было сложно обеспечить, так как многие из преподавателей проводили большую часть своего рабочего времени с студентами в аудиториях. Используя различные формы коллективной работы в сети (форумы, чаты и др.), преподавателя теперь могут общаться, творчески развиваться и решать проблемы вместе со своими коллегами в удобное для них время, преодолевая профессиональную изолированность и получая дополнительные стимулы к развитию.

Преподаватели, более умелые и опытные в области применения ИКТ, могут принимать на себя роль передовиков профессионального повышения квалификации в своих вузах и населенных пунктах.

Мы живем в удивительное время, когда наблюдается одновременное воздействие следующих важных факторов:

- Срочная необходимость эффективного применения ИКТ в вузах.
- Знание эффективных стратегий для реализации изменений.
- Наличие высококлассных международных норм и стандартов ИКТ компетентности преподавателей.
- Знание эффективных подходов к повышению квалификации учителей.

Недостающим элементом, необходимым для объединения этих важных факторов и обеспечения возможностей повышения квалификации преподавателей, является именно разработка соответствующей политики. Сегодня все вузы, районы, профессиональные организации и страны в целом должны реализовывать эффективные политики в области применения ИКТ для создания высококачественных, ориентированных на будущее возможностей профессионального развития преподавателей.

Объединить усилия всего международного сообщества по созданию политики эффективного распространения рекомендаций UNESCO ICT-CFT аналогично тому, как стандарты ISTE NETS-T распространяются на государственном уровне в США:

- Предоставить ресурсы для презентации UNESCO ICT-CFT и примеров успешной реализации соответствующих рекомендаций на международных профессиональных встречах по вопросам применения ИКТ в образовании, в том числе – на заседаниях образовательного форума EDUsummIT, Общества по технологиям в области педагогического образования, ISTE и других национальных форумов по всему миру.
- Предоставить ресурсы для поддержки исследований и оценки внедрения UNESCO ICT-CFT в различных контекстах.

- Разработать стратегию включения рекомендаций UNESCO ICT-CFT в региональные и/или государственные требования к аккредитации преподавателей.

Разработать образовательную политику, которая стимулирует и поддерживает:

- Использование ИКТ для распространения конкретных подходов и моделей профессионального развития преподавателей, работающих с помощью обмена опытом успешного внедрения.

- Финансирование пилотных проектов по внедрению UNESCO ICT-CFT в различных странах и контекстах.

- Использование ИКТ для стимулирования и поддержки профессиональных образовательных сообществ в целях обеспечения их высококачественного повышения квалификации в долгосрочной перспективе.

- Использование различных технологий и стратегий для обеспечения широкой доступности профессионального развития, включая быстро расширяющуюся базу мобильных технологий.

- Распространение передовых педагогических практик для поддержки, поощрения и развития лидерских качеств преподавателей, а также при осуществлении формальной/неформальной деятельности по использованию ИКТ.

- Выделение достаточных средств, оптимально 25% от бюджета технологических проектов, для организации повышения квалификации административных сотрудников и педагогов.

- Распространение моделей включения стандартов ИКТ компетентности в требования по аттестации учителей.

- Распространять информацию и отмечать работу разработчиков местных, государственных и международных политических инициатив, которые создали и внедрили успешные стратегии применения ИКТ для высококачественного повышения квалификации преподавателей.

В заключение следует заметить, что сегодня самое удачное время для создания основанных на знаниях региональных и государственных программ по применению ИКТ в образовательных процессах.

Используемая литература:

1. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании. - М.:Школа-Пресс, 1994.
2. Инновационные технологии в образовании / Под ред. Абылгазиева И.И., Ильина И.В./Сост. Земцов Д.И. - М.: МАКС Пресс, 2011.-141 с.
3. Корнеев И.К., Ксандопуло Г.Н., Машурцев В.А. Информационные технологии. - М.: ТК Велби, Проспект, 2009. - 224 с.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОМПЬЮТЕР АНИМАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.ҲАЙИТҚУЛОВ, ЎҚИТУВЧИ, ЎЗМУ

Маълумки, мустақиллик йилларида таълим тизимида замонавий ахборот технологияларига асосланган янги педагогик технологиялар кириб келди. Замонавий ахборот технологиялари эса маълум моддий техник, дастурий ва бошқа таъминотларга боғлиқ. Олинган билимларнинг хотирада сақланиши ва уни керак бўлганда амалда қўллай билиш учун қабул қилинаётган билимлар қандай тайёрланганлиги, кўргазмалилиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Умуман олганда, таълим тизими мультимедиа маҳсулотлари самарадорлиги яққол кўринувчи соҳалардан биридир. Талабалар дидактик материалларни тинглаш ва кўриш баробарида, тақдиротни бошқаришда ҳам фаол иштирок этадилар. Ўзлари учун тушунарсиз ёки қизиқарли бўлган бўлимларга қайтиш имкониятига эга бўладилар. Мультимедиа таълим дастурлари ўқитиш жараёнини анча енгиллаштиради. Масалан, физика фанини ўқитишда турли жисмларни ўзаро таъсирини компьютер

анимациясидан фойдаланилган ҳолда кўрсатилса тушиниш осон ва кизиқарли кечади. Жараёни сунъий тасвирлаш, бу орқали образни яхлит идрок этиш таъминланади.

Бугунги кунда компьютер анимацияси барча соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Компьютер анимациясининг таълимдаги аҳамияти, уни тизимда қўллашнинг долзарблиги ва самарадорлиги олимлар томонидан изчил таҳлил қилинмоқда. Хулоса сифатида эса жараёнлар, каттиқ жисмлар, юмшоқ жисмлар, суюқликларнинг ўзаро таъсирини имитация қилишда мақсадли фойдаланиш юқори кўрсаткичларга олиб келишини қайд этишган.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, эшитилган маълумотнинг чорак қисми хотирада сақланади. Агарда маълумот фақат тасвирий тарзда етказилса(яъни кўриш орқали қабул қилинса), у ҳолда унинг хотирада сақланиш даражаси учдан бир қисмга етади. Мазкур икки омил бирлаштирилган тарзда, яъни маълумот бир пайтнинг ўзида эшитиш ва кўриш орқали қабул қилинса маълумотнинг ўзлаштирилиш даражаси 50% ни ташкил этади. Ушбу жараёнга маълумотни ўзлаштирувчи(ўқувчи, талаба)ни ҳам бевосита жалб этиш (масалан, мультимедиа иловалари шаклидаги интерактив ўқитиш дастурларидаги бевосита иштирок) эса маълумотнинг хотирада сақланиши ёки ўзлаштирилишини 75% га етказиши.

Юқорида таъкидланганидек, компьютер анимацияси ўзлаштириш даражасини 2–3 баробар орттиради. Мультимедианинг таълимда қўлланиши умумий ва мустақил таълим самарадорлигини ошириши билан бирга, мутахассиснинг профессионал ривожланишига ҳам кўмак беради.

Бугунги кунда таълим йўналишидаги компьютер анимацияси махсулотлари фойдаланувчиларга индивидуал созлашнинг бир қанча вариантларини тақдим этмоқда, яъни ўрганувчи ўқув материални ўзлаштириш жараёнида тезликни, материал ҳажмини ва унинг мураккаблик даражасини ўзи белгилайди. Бу ўз ўрнида маълум материални ўзлаштириш учун кетадиган вақт кўрсаткичининг ўртача 30% қисқаришига, олинган билимлар хотирада сақланиши эса узайишига олиб келади.

Анъанавий таълим жараёнида компьютер анимациясидан оқилонга фойдаланиш таълим жараёнининг самарадорлигига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Таълим жараёнида талабалар фаоллигини ошириш, янги билимлар ва технологик усулларнинг ўзлаштирилиши самарадорлигини кўтаришда қуйидаги дарс турлари аҳамиятлидир:

- Интернет-технологиялари билан ишлаш методикаси: Интернет браузерларга анимацияли банер ва реклама роликларини жойлаштириш;
- Мультимедиа ресурсларида турли муаммоли вазиятлардан фойдаланиш ва улар устида ишлаш;
- MicrosoftOffice воситалари ёрдамида ижодий топшириқларни бажариш: реклама роликлари, ижтимоий роликлар, қонун (соҳаларга оид) лойиҳалари тақдимотларини яратиш;
- Компьютер амалиётини ташкил қилиш: жараён, жисм, ходисаларни ўзаро таъсирини имитация ёки симуляцияси қилиш, ишлаб-чиқариш соҳаларида, ўйинлар, мультфилмлар, киноларда махсус эффектларидан фойдаланиш, 3D-анимация яратиш, кроссворд ва тест топшириқларини тузиш;
- таълимий-назорат дастурлари, электрон қўлланмалардан фойдаланиш;

Компьютер анимациясининг интерактивлик хусусияти компьютерни том маънода дидактик воситага айлантириб уни бошқа одатий экранли информацион воситалардан фарқланишига олиб келади. Боиси олинаётган билим, маълумот айнан шу восита орқали етказилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда компьютер анимациясидан фойдаланишнинг қуйидаги ютуқларини қайд этиш мумкин:

- Дарс жараёнида ўқитувчининг жисмоний меҳнат(куч) сарфини камайтиради;

- ўрганувчи(фойдаланувчи)ларга шахсий билимлар траекториясини эркин танлаш имконини беради;
- талабаларга дифференциал ёндашишга шароит яратади;
- билимларни баҳолаш тезлиги ва холислигини оширади;
- “талаба– педагог” муносабати узвийлигини таъминлайди;
- Ўқиш фаолиятининг индивидуализациясига олиб келади(ўқитиш тезлиги, ўқув машғулотлари мураккаблиги ва бошқ. дифференциацияси);
- Ўқиш мотивациясини оширади;
- Талабаларда ишлаб чиқариш, интеллектуал салоҳият, ижодий тафаккур ва тезкор фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Компьютер анимацияси ўрганувчини тайёр материални яхши ўзлаштирувчи қилибгина қолмай, унинг яратилиши, қайта ишланиши, тезкор ишлатилишида фаол қатнашувчига айлантиради.

Бугунги кунда мавжуд компьютер анимацияси курслари ва таълимий дастурий маҳсулотлар дарс машғулотларини янги усулда шакллантиришга шароит яратади. Бу эса таълимнинг истиқболи, ўзлаштиришнинг юқори даражаси, янги авлод дарсликлари ва назариянинг амалиёт билан уйғунлашувини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Cotto Bob, Richard Oliver. Understanding Hypermedia: From Multimedia to Virtual Reality. – London: Phaidon Press, 1993.
2. Анцупов И. А. Компьютерное моделирование //Физика в школе. – 2008. № 2.
3. Гриншкун В. В. Григорьев С. Г. Образовательные электронные издания и ресурсы : учеб.-метод. пособие для студ. пед. вузов и слушателей системы повышения квалификации работников образования. – М. : МГПУ, 2006.
4. Грибов Д.Е. Flash 4 Интерактивная веб-анимация. – М.:ДМК, 2000.

ОБЪЕКТНИНГ УМУМЛАШГАН БАҲОСИНИ ТАВСИФЛАШДА ЛИНГВИСТИК ЎЗГАРУВЧИЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.РАЖАББОВ, ТДЮУ ҲУҚУҚИЙ ИНФОРМАТИКА ВА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ
КАФЕДРАСИ МУДИРИ

Танлов объектларининг устунлик интервали усулида ҳисобланган ва $[0,1]$ интервалга акслантирилган синфга тегишлигининг умумлашган баҳосини тегишлилик функцияси қийматлари сифатида қараш орқали лингвистик ўзгарувчилар воситасида олинган натижаларни табиий тилда изоҳлаш масаласи қаралади. Шу билан биргаликда объектни тавсифловчи миқдорий аломат қийматига мос келувчи интервалнинг тегишлилик функциясидан фойдаланилади.

E_0 танлов объектларининг K_1 синфга тегишлигининг интерваллар усули бўйича ҳисобланган $R(S_1), R(S_2), \dots, R(S_m)$ умумлашган баҳоларини $R_{\max} = \max\{R(S_1), \dots, R(S_m)\}$ қийматига бўлиш орқали $[0,1]$ шкалага акслантирилган қийматларини қатъиймас мантиқдаги тегишлилик функциясининг қийматлари сифатида қараш мумкин [1,2]. Бу ҳолат ўз навбатида объектнинг умумлашган баҳосини лингвистик ўзгарувчилар воситасида изоҳлаш имкони беради.

Маълумки, бирорта табиий ёки сунъий тил сўзлари ва сўз бирикмалари тўпламидан қиймат қабул қиладиган ўзгарувчиларга лингвистик ўзгарувчилар дейилади.

Рамзий равишда лингвистик ўзгарувчилар – бу $\langle \beta, T, X, G, M \rangle$ кўринишидаги объектлар бешлигидир. Бу ерда β - лингвистик ўзгарувчи номи, T - унинг қийматлари тўплами (терм-тўплам), X – қатъиймас ўзгарувчилар, G – синтаксис процедура бўлиб, T терм-тўплам элементлари устида амалларни бажариш имкон беради, M – семантик процедура ва у G процедураси томонидан юзага келтирилган лингвистик ўзгарувчининг ҳар бир янги қийматини, унга мос қатъиймас мантиқни шакллантириш орқали қатъиймас ўзгарувчига айлантиради.

Бирор предмет соҳа танлови учун ундаги объектларни тавсифловчи аломатларга мос лингвистик ўзгарувчиларни аниқлаш билан сон кўринишида ҳисобланган умумлашган баҳога табиий тил жумлаларида изоҳ бериш мумкин.

Тажриба тариқасида E_0 танлов объектлари сифатида тест синовлари ўтказишда тузилган тест саволлари билан боғлиқ, 15042 та номинал аломат билан тавсифланган 80 та қийин савол (K_1 - “ҳолат” синфи) ва 162 та осон (K_2 - “но ҳолат” синфи) тест жараёнида қўлланилган берилганлар базаси олинди [3]. Танлов объектларининг K_1 синфига тегишлигининг умумлашган баҳолари (тегишлилик функцияси қийматлари) ҳисобланди.

Олинган натижаларни табиий тилдаги жумлаларни ҳосил қилиш учун ҳар бир аломатга мос лингвистик ўзгарувчи аниқланди.

Масалан, танлов объектини тавсифловчи “7000001 тест топирувчи” (x_1) аломатига мос лингвистик ўзгарувчи қуйидагича бўлади:

β_1 - “7000001 тест топирувчи”;

$T_1 = \{“тўғри ишланган”, “нотўғри ишланган”\};$

$X_1 = [0,1];$

G_1 - β_1 лингвистик ўзгарувчисининг эксперт-тажриба асосида кенгайтирилган янги қийматлари тўплами: “нотўғри”, {“тўғри”};

M_1 – процедураси жадвал кўринишида аниқланади:

x_1	$T_1 \cup G_1(T_1)$
0	нот ўғри
1	тўғ ри

Худди шу усулда қолган барча аломатлар мос лингвистик ўзгарувчиларни аниқлаш мумкин.

Таловнинг S – объектини (саволни) қай даражада K_1 синфга тегишли эканлигининг умумлашган баҳосига мос ($R(S)$) лингвистик ўзгарувчини қуйидагича аниқлаш мумкин:

β_R - “Саволни қийин эканлигининг умумлашган баҳоси”;

$T_R = \{“Қийин”, “Осон”\};$

$X_R = [0,1];$

G_R - β_R лингвистик ўзгарувчисининг эксперт-тажриба асосида кенгайтирилган янги қийматлари тўплами: {“ Қийин”, “ўртача мураккабликда”, “Осон”};

M_R – процедураси жадвал кўринишида аниқланади:

x_R	$T_R \cup G_R(T_R)$
[0..0,4)	Осон
[0,4..0,65))	Ўртача мураккабликда
[0,65..1)	Қийин

Бундан ташқари, ҳар бир s аломат учун объектнинг K_1 синфга тегишли бўлишидаги аломат қийматининг ҳиссасига ($f_c(i)$) - тегишлилик функцияси қиймати) мос лингвистик қийматлар жадвали қурилади:

$f_c(i)$ тегишлилик функцияси учун лингвистик қийматлар мослиги

$f_c(i)$	Аломат ҳиссасига мос лингвистик қиймат
[0..0,2)	Деярли йўқ
[0,2..0,35) 35)	Озгина
[0,35..	Сезиларли

0,5)	
[0,5..0,7)	<i>Кучлироқ</i>
[0,7..0,85)	<i>Кучли</i>
[0,85..1]	<i>Жуда кучли</i>

Ушбу жадвал асосида ҳар бир аломатнинг синфга ажралишида қўшган ҳиссаини сўзлар билан изоҳлаш мумкин.

Аломатларининг лингвистик ўзгарувчилари ва мумкин бўлган S объектнинг $R(S)$ баҳоси бўйича унинг K_1 - “Қийин саволлар” синфига тегишлигини қуйидаги тавсифланиши мумкин (фараз қилайлик $R(S)=0,45$):

Ушбу савол:

- 7000001 номерли тест топширувчи ушбу тестни ишлай олмаган, унинг қийинликни аниқлашдаги ҳиссаси деярли йўқ;
- 7000023 номерли тест топширувчи ушбу тестни тўғри ишлаган, унинг қийинликни аниқлашдаги ҳиссаси сезиларли;
- 7000143 номерли тест топширувчи ушбу тестни тўғри ишлаган, унинг қийинликни аниқлашдаги ҳиссаси кучлироқ;

Хулоса:

Саволнинг “Қийин саволлар” синфига тегишлиги – 0,45 ва у Ўртача қийинликда савол ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Игнатъев Н.А., Мадрахимов Ш.Ф., Хуррамов А.Х. Интервальный метод вычисления обобщённых оценок // Труды конференции Актуальные проблемы прикладной математики и информационных технологий –Аль Хорезми 2009, Ташкент, 18-21 сентября, 2009, Том 1, с 154-155.
2. Мадрахимов Ш.Ф., Хуррамов А.Х. Умумлашган кўрсаткичлар тегишлилик функцияси қийматлари сифатида// Узб. журнал «Проблемы информатики и энергетики».- Ташкент:Фан, № 6, 2009, стр. 82-87.

Использование лингвистических переменных при описание обобщенной оценки объекта

Обобщенные оценки объектов выборки рассматриваются как значения функции принадлежности к классам, для описания которых используются лингвистические переменные. Предлагается механизм генерации фраз на естественном языке для конкретной области с использованием этих переменных.

Using linguistic variables for description of generalized estimates of object

Estimations of objects from set are considered as values of membership function to class and use linguistic variables to describe them. Tuples of linguistic variables are defined and proposed mechanism for generation natural language sentences for a particular subject area.

ИССЛЕДОВАНИЕ СВОЙСТВ КАУСТИК ПРИ ПОМОЩИ MAPLETS

М.ДЖАЛИЛОВ, ФЕРГАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТУИТ ЗАВ. КАФЕДРЫ,
Х.ЖАББОРОВ, ФЕРГАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТУИТ, СТУДЕНТ 3-КУРСА

В последние два десятилетия возникло и получило интенсивное развитие новое фундаментальное научное направление – компьютерная математика. Она зародилась на стыке классической математики и информатики. Системы компьютерной математики (СКМ) широко применяются в науке и технике, особенно, в системе образования. Все большее признание получают аналитические (алгебраические и символьные) вычисления, обладающие гораздо большей общностью, чем численные вычисления. Символьные вычисления реализованы в СКМ Derive, Maple, Mathematica и относятся к компьютерной алгебре.

В последнее время языки программирования сверхвысокого уровня включают в себя средства визуально-ориентированного программирования пользовательского интерфейса – в Maple эти средства названы маплетами (maplets). Есть одно весьма важное обстоятельство в современной реализации этих новых средств – многие маплеты обеспечивают пошаговое решение математических задач с демонстрацией промежуточных результатов вычислений. Это, именно, то, что давно требовалось от СКМ в образовании и чего СКМ не давали. Теперь подобное решения математических и научно-технических задач стало возможным и существенно повышает значение систем Maple в образовании.

Каустики — это вездесущие оптические поверхности и кривые, возникающие при отражении и преломлении света. Каустики можно описать как линии или поверхности, вдоль которых концентрируются световые лучи.

Сначала посмотрим, что происходит, когда все световые лучи и кривая, от которой они отражаются, лежат в одной плоскости. Самый важный пример — это отражение параллельных лучей от окружности. Возникающая здесь каустика — яркая линия с острием, расположенным между вершиной и центром зеркала (рис. 1).




Рис.1. Слева на зеркало запущены 10 лучей, справа — 50 лучей, и отмечены точки их попарного пересечения.

Если мы имеем дело с параболой, то все лучи, параллельные ее оси, после отражения собираются в одной точке — фокусе параболы. Для окружности и для других зеркал это не так, отраженные лучи не сходятся в одной точке. Но когда на зеркало падает узкий пучок параллельных лучей, то после отражения он становится сходящимся. Иными словами, отраженный пучок целиком не сходится в одной точке, но узкие пучки, состоящие из близких лучей, будут сходящимися. Точки, в которых они сходятся, это точки концентрации энергии, именно из них и состоит каустика.

Для простоты исследования, создадим графическую оболочку с использованием пакета Maplets, она поможет визуализировать результат действия процедур и упростить исследование модели каустик.

Ниже приведён часть кода и интерфейс программы для построения каустики с использованием маплетов.

```
> restart:  
> with(plots):
```

```

> with(plottools):
> with(Maplets[Elements]):
.....
> Maplets[Display](
Maplet('onstartup' = 'start',
Window['StartWin'](styleWindow,
[Label(styleHead, 'caption' = "Двухмерные каустики"),
.....

```




Рис.2. Марлет

Маплет представляет из себя окно с информацией о работе (рис.2.), и кнопками выбора различных кривых для построения каустик.

Нажимая на одну из кнопок, попадаем на соответствующее окно (рис.34, рис.35), в котором расположены 4 регулятора-ползунка, позволяющие задавать параметры моделирования, и область построения результатов.




Рис.34.Каустика в эллипсе




Рис.35.Каустика в параболлае

Изучение студентами объектно-ориентированного визуального языка программирования необходимо для развития у них четкого представления о технологии проектирования и разработки современных программных продуктов. Использование макетов в обучении программированию студентов развивает их алгоритмическое мышление, совершенствует умения в области программирования.

Список использованной литературы

1. В. Г. Болтянского «Огибающая» (Популярные лекции по математике, выпуск 36. — М.: Физматлит, 1961).
2. В. И. Арнольда «Теория катастроф» (М.: Наука, 1990).

**ОҚИМЛИ ШИФРЛАРДА ПСЕВДО ТАСОДИФИЙ КЕТМА-
КЕТЛИКЛАРНИ ҚУРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**
Д.ШАРОФОВ, ЎЗМУ ЎҚИТУВЧИСИ, ТОШКЕНТ

Маълумотларни криптографик ҳимояси ёки криптографик беркитилишининг асосий мақсади ахборотни бузилишидан ҳимоя қилиш, маълумотларни бир қийматли алмаштиришлар орқали ўзгартириш ёки берилганларни бегоналар учун тушунарсиз кўринишда сақлаган ҳолатда ваколатсиз шахслардан ҳимоясини таъминлашдан иборат. Маълумки криптографик оқимли шифрлар ахборот муҳофазаси соҳасида муҳим ўрин эгаллайди. Симметрик блокли шифрлаш алгоритмлари каби, оқимли шифрлаш алгоритмларининг яратилиши ҳам табиий зарурият асосида вужудга келган. Оқимли шифрлар битларни алоҳида шифрлашни амалга оширади. Нисбатан кичик узунликка эга бўлган, яъни кафолатланган криптобардошлиликни таъминловчи узунликка эга бўлган – бугунги кунда 128 битдан кам бўлмаган калит билан бир томонлама криптографик акслантиришлар асосида, етарли даражада катта узунликдаги псевдотасодифий кетма-кетлик (ПТКК) гаммасини ишлаб чиқарувчи генераторлар негизида оқимли шифрлаш алгоритмлари яратилади.

Псевдотасодифий сонлар генераторлари бошланғич қийматдан ҳисобланадиган кетма-кетликларни генерация қилади. Улар кўпинча қуйидаги рекурсив йўл билан ҳисобланади:

$$s_0 = seed$$

$$s_{i+1} = f(s_i), \quad i = 0, 1, \dots$$

Бунинг умумий кўриниши $s_{i+1} = f(s_i, s_{i-1}, \dots, s_{i-t})$, формула орқали ёзиш мумкин бунда, t – тайинланган сон.

Амалиётда кўп ишлатиладиган мисол бу чизикли конгруэнт генератори саналади, унинг кўриниши қуйидагича:

$$s_0 = seed$$

$$s_{i+1} \equiv as_i + b \bmod m, \quad i = 0, 1, \dots$$

бу ерда, a, b, m ўзгармас бутун сонлар.

Оқимли шифрлаш алгоритмлари асосини ПТКК ишлаб чиқарувчи генераторлар ташкил этади. Бундай генераторларнинг асосий криптобардошлилик характеристикаси ушбу генераторлар ҳосил қилган кетма-кетликнинг тасодифийлигидадир. Ҳосил қилинган кетма-кетликлар блокларининг тасодифийлик даражаси маълум бир критериялар (мезонлар) орқали баҳоланади. Тасодифийлик даражаси юқори бўлган псевдотасодифий кетма-кетликни ишлаб чиқарувчи генераторлар замонавий криптотизимларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Тасодифий кетма-кетликлар криптографияда қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

- симметрик криптотизимлар учун тасодифийлик даражаси юқори бўлган сеанс калитлари ва бошқа калитларнинг генерациясида;
- асимметрик криптотизимларда қўлланиладиган катта қийматлар қабул қилувчи параметрларининг тасодифий бошланғич қийматлари генерациясида;
- блокли шифрлаш алгоритмларининг бошланғич тасодифий қиймат талаб қилувчи CBC, OFB ва бошқа қўлланиш тартиб-қоидалари учун тасодифийлик даражаси юқори бўлган бошланғич векторлар ҳосил қилишда;
- электрон рақамли имзо тизимларида катта қийматга эга параметрлар учун дастлабки тасодифий қийматларини генерациясида;
- битта протокол орқали бир хил маълумотларни ҳар-хил калитлар қўллаш билан шифрлаб турли кўринишда узатиш учун талаб қилинадиган ҳолатларда калит учун етарли узунликдаги тасодифий кетма-кетлик ҳосил қилишда, масалан SSL ва SET протоколларида.

Мураккабликка асосланган назарий ёндашув негизида қурилган оқимли шифрлаш алгоритмлари псевдотасодифий кетма-кетлик(ПТКК) ишлаб чиқарувчи генераторларининг криптобардошлилиги: етарли даражада катта сонни туб кўпайтувчиларга ажратиш, характеристикаси етарли даражада катта бўлган чекли майдонларда дискрет логарифмлаш, чекли майдонларда етарли даражада юқори тартибли чизикли тенгламалар

системаларини ечиш, эллиптик эгри чизик нуқталари устида амаллар бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш мураккабликлари билан аниқланади.

ПТККнинг муҳим синфи кетма-кетликлар ҳисобланади, ва улар чизикли тескари алоқали силжитиш регистр(ЧТАСР)лари асосида генератор сифатида шаклланади. Улар таҳлили асосида математик майдонлар назарияси ишлатилади. ЧТАСРнинг асосий хусусияти сифатида қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

- Дастурий ва аппаратли амалга оширишнинг соддалиги;
- Максимал тез бажарилиши;
- Шакллантирилувчи кетма-кетликларнинг яхши статистик хусусияти.

Чизикли тескари алоқали силжитиш регистр(ЧТАСР)лари Фибоначи ва Галуа генераторлари орқали ҳисобланиши мумкин.

Берилганлардан келиб чиққан ҳолда, иккиланган чизикли тескари алоқали силжитиш регистр(ЧТАСР)ни қуриш учун-қўпхадни ташкил этувчи деб олиш мумкин. Шу қўпхаднинг даражаси силжитиш регистерининг разрядини аниқламайди, нолинчи коэффициентлари - бўлса тескари алоқани характерлайди.

Умумий ҳолатда N -даражали қўпхадни ташкил этувчисига,

$$\varphi(x) = \sum_{i=0}^N a_i x^i, a_N = a_0 = 1, a_j \in \{0,1\}, \quad j = \overline{1, (N-1)}$$

формула мос тушади.

Фибоначи генератор натижавий тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$q_0(t+1) = \sum_{i=0}^{N-1} a_{i+1} q_i(t) \bmod 2,$$

$$q_j(t+1) = q_{j-1}(t), \quad j = \overline{1, (N-1)}.$$

Галуа генератори ишлаш тенгламаси эса қуйидаги кўринишга эга:

$$q_0(t+1) = q_{N-1}(t),$$

$$q_j(t+1) = q_{j-1}(t) \oplus a_{N-j}q_N(t), j = \overline{1, (N-1)}.$$

Бу ерда, $q_j(t)$ ва $q_j(t+1)$ – j -регистерга мос регистер мос равишда t ва $t+1$ вақт моментлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши: -Т., «Ўзбекистон маркаси» нашриёти. 2009. – 432 б.
2. Мирский А.А., Иванов М.А., Асосков А.В. Поточные шифры. Книга 3 (2003)
3. Клеин, “Attacks on the RC4 stream cipher”, Volume 48 Issue 3, pp. 269 – 286, Designs, Codes and Cryptography, September 2008.
4. Робshaw, М. Stream Ciphers.RSA Лабораториес Течнисал Репорт TR-701, Жуль 1995.

ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Д.МАМАСОАТОВ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИСИ

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларни танлаган мутахассислиги бўйича қўйилган масалаларни тез ва аниқ ҳал этишга ўргатиш бугунги куннинг энг асосий вазифалардан биридир. Миллий дастурда қўйилган масалаларни ҳал этишда, албатта Олий таълимда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ўзининг маърузасида таъкидлаб ўтганларидек: "Бугунги кунда Жанубий Кореянинг

Инха университети каби хорижий билим масканларида ва мамлакатимиз олий ўқув юртларида юқори малакали кадрлар тайёрланаётганини инобатга оладиган бўлсак, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада ривожлантириш учун барча зарур ресурс ва имкониятларга эга эканимиз аён бўлади. Демак, ўқитиш жараёнида эришилган ютуқлардан самарали фойдаланиш, фанларни ўқитиш жараёнида ахборот - коммуникация ва интернет технологияларини қўллаш орқали кутилаётган натижаларга эришиш мумкин. Кейинги йилларда яратилган адабиётларда турли билим соҳалари янги ахборот-коммуникация ва интернет технологияларини яратиш ва ишлатиш масалалари кенг ёритилмоқда. Талабаларни ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларини янгилаб бориш ва шу билан бирга республикада “Таълим тўғрисида” ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалда жорий этиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу муҳим вазифани ҳал қилиш учун барча олий ўқув юртларида иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнига янги ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этишга катта умид боғланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ўз маърузаларида таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшлага доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усуллари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони ҳам тасдиқланиб унда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш белгилаб утилган. 2017-2021- йиллар оралиғида бу ишларни бажариш режалаштирилган.

Бу соҳада олимларимиздан С.С.Ғуломов, Б.А.Бегаловлар илмий изланишлар олиб бориб, бир қатор ижобий натижаларга эришганлар. Улар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида оммавий фойдаланишда электрон дарсликлар катта аҳамият касб этиши исботланган. Электрон дарслик ҳар хил дастурлаш тиллари орқали

тузилиши, лекин дастурлашнинг маълум бир стандарти ҳозирчалик мавжуд эмаслиги белгилаб берилган. Ҳар бир электрон дарслик ўзига хос бўлишлиги ва ушбу дарсликнинг ҳам бир неча қулайликлари мавжудлиги кўрсатиб утилган:

- ўрганилиши керак бўлган материалларни талабаларга қулай кўринишда тақдим этиш;
- электрон дарсликнинг талаба билан интерактив усулда мулоқотда бўла олиш;
- талабаларнинг ўқув материалларини мустақил равишда ўрганиши ва олган билимларини тест синовлариасосида синаб кўриши мумкинлиги;
- Ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўламда қўлланили-ши таълимни сифат ва самарадорлик жиҳатдан юксалишида кўмаклашади. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:
- Таълим соҳасидаги янги техника ва технологиялар ҳақидаги ахборотларни кенг тақатиш керак;
- Ахборот-коммуникация технологиялари ўрганишни мактаб партасидан бошлашни кенг йўлга қўйиш керак, бу эса компьютер саводхонлигини тез вақт ичида эгаллашда ёрдам беради;
- Таълим беришнинг барча поғоналарида сифат кўрсаткичини юксалтириш учун ахборот-коммуникация технологияларини кенг фойдаланиш лозим;
- ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасини янада юксалтириш керак бўлиб, бу эса ўз ўрнида ахборотлашган жамиятга бориш йўлини кўрсатиб беришлари керак;
- турли даражадаги ҳамкорликларасосида ахборот-коммуникация технологиялари таълим соҳасида самарали фойдаланиш қўламини кенгайтириш лозим.

Бугунги кунда бу борада катта ишлар амалга ошириш режалаштирилмоқда. Иқтисодиётга ихтисослашган олий ўқув юртларида ҳам бу соҳада атрофлича назарий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий компьютер технологиялари: электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар, ишбилармонлик ўйинлари, видеомаърузалар, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини юритиш дастурлари, турли ҳисоб-китобларни, тест синовларини автоматлаштириш дастурлари ва бошқалар жорий қилинмоқда. Ҳар бир оддий ўқув юртида масофадан ўқитиш тизими ишлаб чиқилмоқда. Машғулотларда ахборот - коммуникация ва интернет технологияларидан кенг фойдаланиш ўқув материалларини талабалар томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш самарасини юксалтиради. Шунинг учун ҳам шахсий компьютерлар қудратли таълим воситасига айланмоқда. Бу шахсий компьютер ўқитувчининг барча функцияларини ўз зиммасига олади дегани эмас, албатта. Балки инсоннинг шахсий компьютер билан ўзаро ҳамкорлик қилиши таълим жараёнини янада самарали ташкил қилишда кенг имкониятлар яратади.

Иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот - коммуникация ва интернет технологияларидан кенг фойдаланиш юқори самара беради. Бу борада Замонавий ўқитиш воситалари жуда қўл келади.

Замонавий ўқитиш воситалари ўз ичига бир қатор воситаларни олиб, иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида кенг фойдаланилади ва ўзининг юқори самарасини беради.

Ўқув жараёнидаги ахборот-коммуникация ва интернет технологиялар қуйидаги кўринишларда ўз аксини топмоқда:

- Компьютерда ўқитиш дастурлари: электрон дарслик, тренажер, тьютор, лаборатория практикуми, автоматлаштирилган тест тизимлари.
- Мультимедиа технология асосидаги ўқитиш тизимлари: мультимедиа тизимлари, виртуал стендлар.
- Турли предмет соҳалари бўйича ўқитиш эксперт тизимлари.
- Фанлар бўйича маълумотлар базалари.

➤ Телекоммуникация воситалари: электрон почта, видеоконференция, телеконференция, локал ва корпоратив тармоқлари.

➤ Виртуал ёки электрон кутубхоналар.

Жаҳон тажрибасига кўра, ахборот - коммуникация ва интернет технологияларини иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида қўллашнинг истиқболлари мультимедиа-технологиялар асосида интерактив маърузаларни ташкил қилиш ҳисобланади. Анъанавий маърузалар ўқишга нисбатан интерактив маърузаларда талабалар ўқитиш жараёнига фаол аралашишлари мумкин бўлиб, унда ўқув материалининг турли жойидан саволлар бериб, аниқ жавоблар олиш имконига эга бўладилар. Мультимедиа технологияларда ахборот - коммуникация ва интернет технологияларининг замонавий дастурий-техник воситаларининг мужассамланиши талабаларнинг, яъни аудио ахборот, видеоахборот ва анимация, мультипликация кўринишдаги ахборотни турли ҳис этувчи органлари томонидан қабул қилиш даражасини юксалтирилишини таъминлайди. Бу эса дарсларни қизиқарли ва самарали ташкил этишни таъминлайди.

Олий ўқув юртлирининг иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида компьютерда ўқитиш тизимларидан фойдаланишда видео элементлари ҳам кенг қўлланилади, чунки видео орқали дунёнинг мавжуд объектларини тўлиқ акс эттириш мумкин. Бундан ташқари амалиётда ўқув курсларига овоз ва мусиқавий элементлар ҳам киритилмоқда. Бу ҳам ўқув материаллари ўқувчи-талабанинг хотирасида узоқ муддатда сақланиб қолишида катта ўрин тутади. Олий таълим муассасалари ўқув жараёнида виртуал кутубхоналардан самарали фойдаланиш ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш талабаларни билим савияси ошиши, фикрлаш қобилияти юксалиши, замонавий компьютерлардан юқори даражада фойдаланиш, бу эса келажаги порлоқ бўлган таълим самарадорлигига эришиш ва ўқитиш сифатининг кескин ошишига олиб келади.

**UNIVERSITETLARNING REYTINGINI ANIQLASHDA
QO'LLANILADIGAN RAEX (EXPERT RA) AXBOROT
TIZIMINING METODOLOGIK YONDASHUVINI O'RGANISH**

*S.ABDULXAMIDOV, M.IBRAGIMOV, B.ESANOV,
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI MAGISTRANTLARI*

Universitetlarning asosiy maqsadlari - tahsil olayotgan talabalarga bilim, ko'nikma va amaliyotda qo'llay olish xususiyatlarini paydo qilish hisoblanadi. Bu vazifa Universitetlar uchun o'zgartirilmaydigan va universal vazifadir, ya'ni vaqt va universitet turidan qat'i nazar (ilmiy-tadqiqot universiteti yoki bakalavrlarni mehnat bozoriga tayyorlashga qaratilgan universitet) bu vazifa asosiy bo'lib qolaveradi. Asosiy uchlikda keltirilgan tushunchalarning ayniqsa bilim sohasi keyinchalik ko'nikma va amaliyotda qo'llay olish xususiyatini rivojlantirib boradi. Bilim – universitetlarning ta'lim va ilmiy tadqiqot yo'nalishlarida jamiyatni rivojiga olib keluvchi asosiy element desak ham mubolag'a bo'lmaydi. Bilim –bu fundamental omil bo'lib, u orqali, bitiruvchilarning ilmi, salohiyati, malakasi va shaxsiyati o'stiriladi[1].

Talabani dunyo qarashini kengaytirish, ko'r-ko'rona sayoz bilim emas, balki yangi bilimlarni o'zlashtirib yangilikka intiladigan kerakli kadrlarni yetishtirish universitetlar oldida turadigan eng oliy maqsadidir.

Universitetlar reytingini aniqlashdan maqsad – OTMlarni bitiruvchilarga beradigan yuqori sifatdagi bilim, ko'nikma va amaliyotda qo'llash xususiyatini baholash, ya'ni bu bilimlarni olish shart-sharoitini o'rganish va bundan umumiy qilib olinadigan natijadan kelib chiqqan holatda belgilanib baholanadi.

RAEX (Expert RA) OTM reytinglari - sifatli bitiruvchi talabalarni tayyorlashdagi OTMning integral baholanishi, ya'ni bir necha parametrlarga tayangan holda ta'lim va ilmiy-tadqiqot yo'nalishlarining sifatli tavsiyalarini, referent guruhlarining fikrini tasvirlovchi: ish beruvchilar, akademiklar va ilmiy kengash a'zolari, shu bilan bir qatorda, talabalar va OTM bitiruvchilari singari parametrlar hisoblash argumentlari bo'lib xizmat qiladi. Reyting o'tkazishda san'at OTMlari, sportga yo'naltirilgan tor doirali (monoprogrammali) OTMlar, shu bilan

birga harbiy yo'nalishdagi OTM lar ham. Baholashga faqat asosiy OTMlar kiritiladi, ularning filiallari esa reyting o'tkazish tartibiga kiritilmaydi[2].

OTMlarni baholashda asosiy tahlil statistik xulosalar va berilayotgan so'rovlar natijalariga nisbatan quyidagi yo'naltirilgan guruhlar orqali aniqlanadi: talabalar va OTM bitiruvchilari, akademiklar va ilmiy jamiyat namoyondalari, ish beruvchi tashkilotlar a'zolari kabilardir. Masalan, 2016-yildagi Rossiya OTM reytinglarini aniqlashdagi so'rovlarda 28 mingdan ortiq respondentlar ishtirok etgan. Statistik ma'lumotlarning asosiy manbasi bo'lib OTMlarni anketalashtirish xizmat qildi. Aniqroq qilib ko'rsatiladigan bo'lsa, 2016-yilda 144 ta OTM, 2015 – yilda 133 ta OTM, 2014-yilda 125 ta OTM, 2013-yilda 118 ta OTM ishtirok etgan[2].

OTMlar o'rnini hisoblashda OTMning rasmiy saytida e'lon qilingan ma'lumotlar, referant guruhlarining so'rovdan keyin hosil bo'lgan natijalari va ilmiy manbalar asos qilib olindi.

Funksional reytinglashda quyidagi analiz o'tkaziladigan integral faktorlar xizmat qiladi:

1. OTMda sifatli ta'lim olish sharoitining mavjudligi (vazn=0,5).
2. OTM bitiruvchilariga ish beruvchilar tomonidan bildirilgan talab (vazn=0,3).
3. OTMning ilmiy-tadqiqot olib borish saviyasi (vazn=0,2).

Integral faktorlarning qiymatlari ko'rsatkich guruhlar tomonidan aniqlanadi, bu o'z navbatida ko'rsatkichlarni birlashtiradi va OTMning asosiy aspektlarini tavsiflab beradi. "Sifatli ta'lim olish" reytinglash faktori chegarasidagi guruhlar vaznlari 0,25 ni tashkil qiladi. "Ish beruvchilar talablari" faktori chegarasidagi guruhlar vazni 0,5 ni tashkil etadi. "Ilmiy-tadqiqot yo'nalishi" faktori chegarasidagi guruhlar vazni quyidagicha taqsimlanadi: "ilmiy yutuq" – 0,5, "innovatsion harakatchanlik" – 0,3, "innovatsion infrastrukturasini" -0,2.

Har bir ko'rsatkichlarning vaznlari guruhlar chegarasida bir xil, lekin 3-kriteriya bundan farqli, bu kriteriya "Akademiklar jamiyati namoyondalari

tomonidan OTMlarda dars berish saviyasiga baho berilishi” bo’lib, uning vazni 0,5, “dars berish saviyasi” guruhlari kriteriya vazni esa 0,25 ni tashkil etadi.

Har bir ko’rsatkichlardan hisoblash indeksi kelib chiqadi va OTMlarning reytingda turgan o’rnini tavsiflab beradi. Reytinglashda ishtirok etayotgan har bir mavjud OTMlarning umumiy ko’rsatkichlariga nisbatan, OTM ko’rsatkichlari o’rta qiymatda aniqlanib boriladigan har bir indekslar soniga qarab hisoblanib boriladi. Ekstremal darajada turgan qiymatlar, ya’ni OTM ko’rsatkichlari ekspertlash yo’li orqali o’rta qiymatni hisoblashda qo’l keladi.

Indekslar ko’rsatkichlari 1,0 ball (minimal) dan boshlanib to 5,0 ball (maksimal) gacha bo’lgan shkala asosida hisoblanadi. Umumiy indekslar hisobini auditoriya so’rovlari orqali aniqlanganda analogik shkala asosida olib boriladi[1,2].

Reytinglash metodi har doim regulyar ravishda ko’zga ko’ringan Rossiya OTMlari namoyondalari tomonidan ko’rib, o’rganib chiqiladi va fikrlar hamohangligi tarzida metodni qayta tuzish yoki o’zgartirish kiritilishi kerak bo’lgan joylari o’zgartirilib boriladi. 2015-yil oxirida Rossiya RAEX (Expert RA) Reytinglash Konsultativ maslahat kengashi orqali bir qator metodologik mukammallashtirish ishlari olib borildi. Shu hisobdan, Konsultativ maslahat kengashi talabalarni real holatda ta’lim jarayoniga jalb qilinayotganligi yoki yo’qligini aniqroq bo’lgan ko’rsatkichlarni aniqlashga qaratilgan metod jihatlarini o’zgartirishga ruxsat berdi. Misol uchun: “Ikki diplomli bo’lish soni xalqaro ta’lim programmasi” kriteriyasi “Chet-el OTMlarida ta’lim olish programmasi orqali shu ta’lim yilida ikki diplomga ega bo’luvchi talabalar hissasi” kriteriyasiga o’zgartirildi (6-kriteriya). Analogik sabablarga ko’ra “bir talabaga qaratilgan negiz kafedralar soni” kriteriyasi (23-kriteriya) yangilandi. 2016-yildan boshlab esa negiz kafedralar tomonidan ta’lim yilini tamomlayotgan talabalar hissasi ham hisobga olinib boshlandi.

Bundan tashqari, RAEX analiz qilib boriladigan ma’lumotlar(berilgan)ni hajmini kattalashtirib borish orqali “Rossiyaning yirik tashkilotlarida boshqaruvchilik vazifasida ish yuritayotgan bitiruvchilar soni” kriteriyasiga o’zgartirishlar kiritdi (17-kriteriya). Oldin qo’llanilgan Rossiyaning 400 ta yirik

tashkilotlari ro'yxati yangilandi va 2016-yildan 600 ta tashkilot ro'yxati qo'llanila boshlandi (RAEX-600 ro'yxati). Shu orqali bitiruvchinin karyerada erishayotgan yutuqlari ko'rsatkichlari yanada aniqroq ko'rinishga ega bo'ladi.

OTMlar faoliyatini o'rganib chiqishda barcha umumlashgan guruhlar fikrini hisobga olish zarur. Bu orqali yangi kriteriyalar kiritish kerak degan umumiy qaror qabul qilinadi va bu qaror asosida yangi "OTMning raqobatbardoshligi" kriteriyasi hosil bo'ldi (22-kriteriya). Bunda, albatta, talabalar va bitiruvchilar fikri ham inobatga olingan. Buni aniqlashda so'rov varag'iga quyidagi savol qo'shilgan: "Agar sizda o'zingizning OTMida emas, balki boshqa Rossiya OTMida oliy ta'limni olish imkoniyatingiz bo'lganida, siz bu imkoniyatdan foydalangan bo'larmidingiz?". Agar respondent aniq javob bera olsa unga qo'shimcha savolga javob berishiga to'g'ri keladi, ya'ni "Bunday imkoniyat orqali qaysi OTMida o'qigan bo'lar edingiz?" savoliga javob beradi.

Yuqori hisobni olib borishga to'g'ri keladigan "chet el olimlari va tashkilotlari tomonidan moliyalashtiriladigan xalqaro izlanish loyihalarining yillik byudjeti " va "xalqaro elektron berilganlar bazasiga, kutubxonalariga va analogik tizimlarga kirishga ketadigan umumiy chiqim " kriteriyalari reytinglash kriteriyalari ichidan olib tashlandi.

RAEX (Expert RA) Rossiya OTMlari reytingini aniqlash metodi IREG Observatory on Academic Ranking and Excellence xalqaro auditidan muvaffaqiyatli o'tdi. RAEX (Expert RA) agentligi Rossiya OTMlari reytinglash metodologiyasi, uni natijalari xalqaro sifat darajasiga javob bera olishini tasdiqlaydigan "IREG tasdiqlagan" (IREG Approved) belgisini ishlatish huquqiga ega bo'ldi[2].

Hozirgi kunda O'zbekistonda OTMlar reytinglarini aniqlash bo'yicha amaliy ishlar olib borilmoqda. Bunga yaqqol isbot sifatida O'zbekiston Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 29-dekabrdagi 371-sonli qarori bilan belgilangan "Oliy ta'lim muassasalari reyting baholari tizimi ballarining ko'rsatkichlari va darajasini, ularning xalqaro mezonlar va standartlarga mosligi, oliy o'quv yurtlari ilmiy hamda pedagogik faoliyati darajasi va sifatini oshirish, iqtisodiyot tarmoqlari va

sohalarida talab qilinayotgan yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash maqsadli vazifalarini tanqidiy qayta ko'rib chiqish" va O'zbekiston Respublikasi birinchi prezidentining 2013-yil 14-avgustda e'lon qilingan "Respublika Oliy Ta'lim Muassasalarining reytingini baholash bo'yicha ishchi kommissiyasini tuzish" tog'risidagi farmoyishini ayta olamiz[3].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мулен Э. Корпоративное принятие решений. – М.Мир, 1991.
2. www.raexpert.ru
3. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov 2013-yil 14-avgustdagi "Respublika Oliy Ta'lim Muassasalarining reytingini baholash bo'yicha ishchi kommissiyasini tuzish" tog'risidagi farmoyishi.

ЗНАЧЕНИЕ ИКТ И ПРОБЛЕМЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

*Ш.БОБОХУЖАЕВ, ДОЦЕНТ, СОВЕТНИК РАЕ, ЭКСПЕРТ ГРУППЫ ЭКСПЕРТОВ ЕВРОПЫ И
ЦА ФАО ООН,
ФИЛИАЛ РГУ НЕФТИ И ГАЗА (НИУ) ИМ. И.М.ГУБКИНА В Г.ТАШКЕНТЕ*

Сегодня информационная революция и формирование информационного общества принципиально изменили роль знаний в социально-экономическом развитии. В современных условиях основной экономической деятельностью становятся производство информации и её использование для эффективного функционирования экономики, а основным фактором производства становятся знания, которые распространяются посредством системы образования.

Узбекистан стремится войти в мировую экономическую систему, единое образовательное, информационное пространство, и необходимо отметить возникновение потребности в высококвалифицированных кадрах, которые будут свободно работать со сложнейшим компьютерным оборудованием. Применение передового мирового опыта в области образования в республике уделяется большое внимание [1, с. 225]. При обобщении и анализе мирового опыта был выявлен широкий спектр

методических подходов в этой области. Так, страны Европейского союза определили 10 основных сфер применения информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), в число которых также входит дистанционное образование (ДО). Поэтому успешная адаптация ДО в республике во многом зависит от степени использования ИКТ в образовании.

до является обучением в специализированной образовательной среде, которая включает электронные учебники и программы обучения, систему тестирования и контроля знаний, средства обмена информацией и общения преподавателя с другими участниками учебного процесса [2, с.19]. Как любая система обучения ДО имеет соответствующие цели, содержание, методы, организационные формы и средства обучения. Три основных направления (компьютеризация оборудования, методология образования на базе ИКТ и удаленный доступ) являются сутью концепции создания и внедрения комплекса ДО. Информационно-образовательная среда ДО представляет собой системно-организованную совокупность средств передачи данных информационных ресурсов, протоколов взаимодействия, программного и организационно-методического обеспечения и ориентируется на удовлетворение образовательных потребностей пользователей.

Современные компьютерные телекоммуникации в ВУЗе способны обеспечить передачу знаний и доступ к разнообразной учебной информации наравне, а иногда и гораздо эффективнее, чем традиционные средства обучения. Новые электронные технологии могут не только обеспечить активное вовлечение обучающихся в учебный процесс, но и позволяют управлять этим процессом в отличие от большинства традиционных учебных сред. Интеграция звука, движения, образа и текста создает новую необыкновенно богатую по своим возможностям учебную среду, с развитием которой увеличится и степень вовлечения обучающихся в процесс обучения. Интерактивные возможности используемых в программах системы ДО и систем доставки информации позволяют наладить и даже стимулировать

обратную связь, обеспечить диалог и постоянную поддержку, которые невозможны в большинстве традиционных систем обучения.

К числу несомненных достоинств ДО относятся следующие [3, с.272]:

1) каждый **может обучаться тогда, когда ему удобно**, в любое время суток - ночью или днем, летом или зимой, а также в комфортной домашней обстановке или на рабочем месте;

1) возможность обучения без отрыва от производства;

2) возможность одновременного обучения по нескольким специальностям;

3) возможность получения образования для таких категорий лиц как нетрудоспособные и инвалиды, военнообязанные и т. д.;

4) возможность обучения по собственному графику в период между сессиями.

Таким образом, с внедрением ДО обучения меняется сам подход к образованию. Уже не студент едет в центральные и зарубежные учебные заведения за качественными и новыми знаниями, а знания перемещаются к студенту и месту его проживания. Снимаются географические ограничения в получении образования. Находясь даже в самых отдаленных регионах республики, можно будет заниматься у лучших отечественных и иностранных профессоров, при этом в удобное для себя время. Повысится в несколько раз и эффективность занятий, процент успеваемости за счет возможности многократного повтора, наглядность и потому более легкой запоминаемости материала. На усвояемость информации влияют и различные способы его подачи, включая использование мультимедийных программ. У преподавателей отпадает необходимость в диктовке лекций и значительно сокращаются непродуктивные затраты времени в ходе получения знаний. Кардинально меняется проведение занятий по лабораторным работам, в учебных мастерских и практических занятий. При отсутствии современного учебного оборудования и новых технологий можно демонстрировать и имитировать их работу в видео- и мультимедийных

системах. Это позволит сэкономить огромные средства на приобретении такого оборудования и его установку, которое, к тому же быстро морально и физически стареет. Решается также проблема материально-технического обеспечения учебных заведений. За счет внедрения ДО подготовки кадров затраты на проживание, питание, транспортные расходы иногородних обучающихся и приглашение преподавателей для чтения лекций снизятся в 10-15 раз. Высвободившиеся средства можно будет использовать более рационально, направить на повышение качества образования. ДО дает также возможность проводить краткосрочные курсы и тренинги для широкого круга специалистов, с получением впоследствии сертификатов международного образца.

В настоящее время в каждом ВУЗе республики разработана и осуществляется собственная программа развития и внедрения ИКТ в учебный процесс. ВУЗы располагают компьютерными классами, во многих созданы локальные сети. Доступ к интернету обеспечен не только для профессорско-преподавательского состава, но и студентов, аспирантов, научных работников и т.д. В библиотеках ВУЗов активно проводится работа по созданию электронных учебников, осуществляется перевод изучаемой литературы (учебников, учебных пособий и др.) в электронные формы и составляются электронные каталоги.

Процесс ДО в ВУЗе состоит из организации учебного процесса, при котором преподаватель разрабатывает учебную программу, базирующуюся на самостоятельном обучении студента. Такая среда обучения характеризуется тем, что студент, в основном, а зачастую и совсем отделен от преподавателя в пространстве или во времени, в то же время, студенты и преподаватели имеют возможность осуществлять диалог между собой с помощью средств телекоммуникации. При проведении ДО использование электронных учебников позволяет быстро, качественно, с наименьшими издержками обновлять учебный материал, что особенно важно для дисциплин социально-гуманитарного, экономического профиля и изучения

новых технологий. Но чтобы такая виртуальная информация стала широко доступной, необходимо провести, в свою очередь, и преобразование библиотек учебных заведений, открыть им доступ в Интернет, снабдить их фонды электронной литературой на компакт-дисках и соответствующими каталогами, а затем объединить их всех в общую сеть.

При всех положительных чертах ДО имеет и ряд недостатков [4, с.113]. Нашей стране необходимо провести значительную подготовительную работу для широкого внедрения этой формы обучения. Прежде всего, это вновь вопрос инфраструктуры. Без должного развития телекоммуникационных линий, доступности компьютерной техники и должного уровня сетевого оборудования практически невозможно ввести эту форму обучения. Но кроме материальных проблем перед нами возникает проблема подготовки кадров, которые смогут вести обучение в этом, новом для нас, режиме образования. Существуют и трудности, которые могут возникнуть при проведении ДО [5, с.45]:

- 1) отсутствие или нехватка вспомогательных материалов;
- 2) отсутствие мотивации и/или поддержки со стороны руководства;
- 3) непринятие во внимание возможных технологических проблем;
- 4) неспособность принять во внимание культурные и региональные различия;
- 5) недостаточное планирование времени для дискуссий и командной работы.

Также необходимо подчеркнуть, что осуществляя переход к современной системе обучения, высшее образование республики сталкивается со сложностями, которые не позволяют достигнуть уровня международных требований, стандартов и норм образовательного процесса. Хотя Узбекистан не вошёл в Болонский процесс, но некоторые положения его декларации выполнил [6, с.67]. В республике действует соответствующая международным стандартам двухуровневая система высшего образования (бакалавриат+магистратура). По вопросу

реформирования третьего уровня за последние годы было принято ряд важных документов [7, с.542]. Анализ представленных в документах мер показывают, что на сегодняшний день они не позволяют утверждать, что в республике полностью перешли к общепринятым международным требованиям и стандартам подготовки докторов PhD [8, с.68].

Эти и другие сложности учебного процесса, связаны с рядом причин, выявленные на основе анализа практики учебного процесса [9, с.61]. Одна из причин связана с состоянием и содержанием учебных аудиторий, требующих соответствующего ремонта, наличия современной мебели, технических и учебно-методических средств обучения, ИКТ и библиотеки. До сих пор существуют такие проблемы технического характера, как отсутствие беспрепятственной возможности ксерокопирования и сканирования учебных материалов и литературы. Имеются перекосы в приоритетах, создавая лучшие условия для студентов, не уделяется достойного внимания, и отсутствуют соответствующие условия для деятельности и работы преподавателей.

Другой причиной является наличие проблем с качественным подбором профессорско-преподавательского состава. Необходима дополнительная подготовка преподавательского состава в области ИКТ. Для реализации программы развития компьютерных и информационных технологий необходимы высококвалифицированные в области ИКТ кадры. Сегодня при приёме на работу профессорско-преподавательского состава некоторыми руководителями ценятся, в первую очередь, конъюнктурные интересы (родственные отношения, общее коммерческое дело и т.д.), такие качества как преданность, покорность, безоговорочное и бездумное выполнение поручений, а не уровень их знаний, честность, порядочность и принципиальный подход к работе. На основе международных норм нужно разработать единые требования к профессорско-преподавательскому составу, особенно, что касается знаний ИКТ.

Следующей причиной является отсутствие творческих стимулов и поощрений со стороны ВУЗов тех преподавателей, которые занимаются разработкой и подготовкой учебников, учебных и других методических пособий, разработкой кейс-стади, новых педтехнологий на основе ИКТ и т.д. Все эти задачи учебное заведение возлагает на преподавателя, но не оплачиваются, в связи с чем публикуемые учебные материалы, в основном, имеют низкое качество из-за отсутствия стимула. Кроме того, в учебном заведении не создаются условия преподавателям для творческой деятельности в связи с высокой учебной нагрузкой.

Общая сложившаяся ситуация в системе не позволяет предполагать существование кардинальных различий, поэтому приведённые причины нельзя отнести только к отдельному учебному заведению. В связи существованием проблем, связанные с недостаточным качеством образования, некоторые компании республики сами выстраивают свою систему подготовки и переподготовки кадров, которая всё меньше имеет точки соприкосновения с государственной системой высшего и средне-специального образования.

Таким образом, это далеко не полный перечень причин, которые сегодня необходимо устранить ВУЗам для полноценного внедрения ДО и повышения качества высшего образования.

Список использованной литературы:

1. Ш.И. Бобохужаев. Особенности и возможные пути реформ ИТ в поствузовском образовании. Материалы международной научно-практической конференции, 17–19 нояб. 2014 г. Москва. Институт проблем управления им. В.А. Трапезникова.– М.: ИПУ РАН, 2014. –[с. 225-228];
2. З.Ю. Юлдашев. Ш.И. Бобохужаев. Инновационные методы обучения: Особенности дистанционного метода обучения и способы его применения. Учебное пособие.Т.: Iqtisod- Moliya, 2006.- [с. 182];
3. Ш.И. Бобохужаев. Особенности использования дистанционной формы обучения в учебном процессе. Материалы республиканской конференции «Пути совершенствования налоговой политики при достижении

- экономического прогресса», 4 марта 2006 года–Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006г.- [с. 271-273];
4. Ш.И. Бобохужаев. Пути применения дистанционного обучения в системе образования республики. Материалы научно-практической конференции: сборник тезисов докладов.- Т.: Издательство института экономики и ТФИ, 2004 год. – [с.112-115];
 5. Ш.И. Бобохужаев. Дистанционная форма обучения – естественный и удобный путь массового получения образования. Сборник статей международной конференций Вэстмитерского международного университета в г. Ташкенте “Towards a knowledge economy in Central Asia” –ОТашкент, 2008 год.- с. 42-46;
 6. Ш.И. Бобохужаев. Реформа финансового послевузовского образования на постсоветском пространстве и международный опыт.//Финансы.-Москва, 2013.– №6 – [с. 65-69];
 7. Ш.И. Бобохужаев. Международный опыт и возможные пути осуществления реформ послевузовского образования в постсоветских странах. Сборник докладов международной научной конференции «Обновление механизмов и моделей сотрудничества в науке, технологиях и инновациях между Вьетнамом и странами СНГ: возможности, вызовы и перспективы». - Ханой, Вьетнам, 2015 – [с. 539-552];
 8. Ш.И. Бобохужаев. Реформа финансового послевузовского образования на постсоветском пространстве и международный опыт.//Финансы.-Москва, 2013.- №6 – [с. 65-69];
 9. Ш.И. Бобохужаев. Проблемы и противоречия реформ послевузовского образования Узбекистана. Монография. - Saarbrucken, Germany, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2016.-231с.

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРДА ХАВФ ЭХТИМОЛИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

*Ш.МАВЛОНОВ, Д.АБДУРАЙМОВ, Ғ.НАФАСОВ,
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ*

Бугунги кунда ахборот коммуникацион технологияларининг юқори суръатларда ривожланиб бориши барча соҳаларда кенг қўлланилиши, янгидан-янги имкониятларни яратиш билан бир каторда, ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммолардан биттаси ахборот коммуникацион технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси хисобланади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда

хавф эҳтимолларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Хавф эҳтимолини тўла таҳлил қилишда бир қатор мураккаб муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади: Белгиланган ресурсларни кадр-қийматини қандай аниқлаш мумкин? Қандай қилиб ахборот хавфсизлигига таҳдидларни тўла рўйхатини тузиш ва уларнинг кўрсаткичларини баҳолаш мумкин? Қандай қилиб кўрсатилаётган хавф хатарга қарши самарали тадбирларни танлаш мумкин? Бу муаммоларни ҳал қилиш учун хавф эҳтимолини таҳлил қилиш жараёни бир неча босқичлардан иборат бўлади:

- Белгиланган ахборот ресурсларини идентификациялаш;
- Баҳолаш мезонларини танлаш ва ресурсларга ҳамда иловаларга потенциал негатив таъсирларни аниқлаш ва баҳолаш;
- Кўрсатилаётган таҳдидларни баҳолаш;
- Химояланиш жараёнида заифликларни баҳолаш;
- Хавф эҳтимолларини баҳолаш;
- Мавжуд ва таклиф қилинаётган ахборот хавфсизлигини таъминловчи воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Хавф эҳтимолини таҳлили асосида ахборот хавфсизлигини таъминловчи тартибот танланади. Бизнес учун салмоқли ва маълум даражадаги заифликка эга бўлган ресурслар, агар уларга нисбатан бирор бир таҳдид мавжуд бўлса, хавф эҳтимолига дуч келади. Хавф эҳтимолини баҳолашда потенциал негатив номақбул ҳодисалардан келиб чиқадиган таъсирлар ва кўрилаётган заифлик ҳамда таҳдидларнинг муҳим ўрин тутиши кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Хавф эҳтимоли тизим ёки ундан фойдаланаётган ташкилотга дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарни характерезует ифодалайди. Хавф эҳтимолининг даражаси бир қатор факторларга боғлиқ, улар:

- Белгиланган ресурсларнинг кадр-қиймати;
- Таҳдидларни амалга ошириш эҳтимоллари;

- Таҳдидни амалга оширишда заифликдан фойдаланишнинг соддалиги;
- Заифликлар сонини камайтирадиган воситалар;
- Таҳдидларни юзага келиши эҳтимолини камайтирадиган ва нохуш таъсирлар;
- Имкониятини йўққа чиқарадиган ахборот хавфсизлигини таъминловчи мавжуд ёки тадбиқ қилиниши режалаштирилаётган воситалар.

Одатда ресурслар бир неча синфларга бўлинади, масалан, жисмоний, дастурий ресурслар, маълумотлар. Ҳар бир синф учун, мос келувчи мезонлар тўпламини аниқлаш элементлар қадр – қийматини аниқлаш учун ёрдам берадиган ўз услубияти зарур. Бу мезонлар конфеденциалликни, ахборот тизимини яхлитлигини, кира олиш даражасини бузилиши билан боғлиқ потенциал зиённи ифодалаш учун хизмат қилади.

Жисмоний ресурслар уларни алмаштириш ёки ишлай олиш қобилиятини тиклаш билан боғлиқ харажатлар нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу харажат кўрсаткичлари сўнгра поғонали (сифат) шкаласига ўтказилиб, шунингдек ахборот ресурслари учун ҳам қўлланилади.

Дастурий ресурслар худди жисмоний ресурслар каби шу усулда баҳоланади, бу ҳолда уларни сотиб олиш учун ёки тиклаш учун зарур харажатлар асосида аниқланади. Агар ахборот ресурсига конфеденциаллик ва ахборот тизимининг яхлитлигига алоҳида қўшимча талаблар мавжуд бўлса, (масалан, бирламчи матн юқори тижорат қадр – қийматига эга бўлса) бу ҳолда бу ресурсни баҳолаш келтирилган схема бўйича, яъни нарх кўрсаткичларида амалга оширилади.

Тижорат ташкилотлари молиявий зарарни ифодаловчи мезонлардан ташқари, қуйидаги мезонлардан фойдаланишлари мумкин:

- Ташкилот обрўсига етган зарар;
- Амалдаги қонунчиликни бузилиши ортидан келиб чиққан нохуш ҳолатлар;
- Фаолият юритаётган ходимларни саломатлигига етказилган зарар;

- Айрим ходимларни шахсий маълумотларини ошкоралигидан келиб чиққан зарар;
- Ахборотни ошкоралигидан келиб чиққан молиявий зарар;
- Ресурсларни тиклаш билан боғлиқ молиявий потери зарар;
- Мажбуриятларни бажариш имконияти йўқотилиши билан боғлиқ потери;
- Фаолиятни издан чиқаришдан келиб чиққан зарар.

Ташкилотнинг профилига боғлиқ равишда бошқа мезонлар ҳам қўлланиши мумкин. Масалан давлат органлари учун миллий хавфсизлик ёки халқаро муносабатлар жиҳатларини ифодаловчи мезонлар бўлиши мумкин.

Хавф эҳтимолини баҳолашга сонли ёки сифат ёндашувдан фойдалинишни танлашда ташкилот бизнесининг характери ва ахборотлаштириш савиясига эътибор берилади, яъни, унга ахборот активларининг муҳимлиги ҳамда ташкилот етуқлиги савияси билан аниқланади. Ахборот хавфсизлигидаги хавф эҳтимолларини бошқаришнинг самарадорлиги хавф эҳтимолини баҳолашдаги аниқлик ва таҳлилнинг тўлаллиги ҳамда ташкилотда қўлланилаётган қабул қилинаётган бошқарув ечимларини қабул қилиш ва уларни ижросини назорат қилиш механизмларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 8 июлдаги ПҚ-1572-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбир-лари ҳақида» ги 2011 йил 7 ноябрь 296-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №45-46. – 472-м.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ҳақида» қонуни. Тошкент: Халқ сўзи газетаси. 2004. – 11 феврал Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги 2003 йил 11 декабрь

560-II-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – №1-2. – 10-м.

3.Ғуломов С.С «Ахборот хавфсизлиги асослари» Тошкент, 2004 й.

4.Мухаммадиев Ж.Ў.Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар: Монография. – Т., 2011й.

БАРДОШЛИ ХЕШ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ МУАММОСИ

*Ш.МАВЛОНОВ, Д.АБДУРАИМОВ,
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ*

Замонавий ахборот айланиш тизимларининг тез суратда ривожланаётганлиги ва инсон ҳаётига янада кириб бориши ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланувчиларни ахборот хуружларидан ҳимоялай оладиган тизимларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кунгача мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир кўп қонун ва фармоишлар қабул қилинган бўлиб, улар қаторида “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги қонун, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-614-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги 215-сон қарорлари каби меъёрий ҳужжатларни мисол келтиришимиз мумкин. Уларнинг амалий ижроси сифатида О’з DSt 1092:2009, О’з DSt 1105:2009, О’з DSt 1106:2009 каби миллий стандартларини, E-KALIT, E-XAT, E-HUJJAT тизимларини мисол келтиришимиз мумкин. Электрон ҳужжат алмашишини амалга оширишда ахборот хавфсизлигининг мукамал бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун конфиденсиалликни таъминлашда асосан шифрлаш алгоритмларидан тузилган воситалардан, аутентификация жараёнларини олиб боришда

электрон рақамли имзо алгоритмлари ва маълумот бутунлигини назорат қилишда хеш функциялардан фойдаланилади.

Хеш функция деб, ихтиёрий узунликдаги маълумотни бирор фиксирланган узунликдаги қийматга ўтказувчи функцияга айтилади. Хеш функциялар маълумотларни узатиш ёки сақлашда унинг тўлалигини назоратида, маълумот манбаини аутентификация қилишда, статистик тажрибаларни ўтказишда, мантикий қурилмаларни текширишда, тез кидириб топиш алгоритмларини тузишда ва маълумотлар базасидаги маълумотларни тўлалигини текширишда қўлланилади.

Маълумотларни узатишда ёки сақлашда унинг тўлалигини назорат қилиш учун ҳар бир маълумотнинг хеш қиймати ҳисобланилади ва бу қиймат маълумот билан бирга сақланилади ёки узатилади. Маълумотни қабул қилган фойдаланувчи маълумотнинг хеш қийматини ҳисоблайди ва унинг назорат қиймати билан солиштиради. Агар таққослашда бу қийматлар мос келмаса, маълумот ўзгарганлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Хеш функцияга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

1. Ихтиёрий узунликдаги матнга қўллаб бўлади.
2. Чиқишда тайинланган узунликдаги қийматни беради.
3. Ихтиёрий берилган x бўйича $h(x)$ осон ҳисобланади, бу ерда $h(x)$ ихтиёрий узунликдаги x маълумотни фиксирланган узунликдаги $h(x)=N$ қийматга акслантирувчи бир томонлама функция.
4. Ихтиёрий берилган N бўйича $h(x)=N$ тенгликдан x ни ҳисоблаб топиб бўлмайди.
5. Олинган x ва $y \neq x$ матнлар учун $h(x) \neq h(y)$ бўлади, яъни коллизияга бардошлилик хоссаси. Агар бир хил хеш қийматга ега бўлган иккита ҳар хил маълумот мавжуд бўлса, бу маълумотлар жуфти коллизия ҳосил қилади дейилади.
6. Хеш функциялар иккита муҳим турга ажратилади:
 - *Калитли хеш функциялар.*

– *Калитсиз хеш функциялар.*

Калитли хеш функциялар симметрик калитли тизимларда ишлатилади. Уларга маълумотни аутентификация қилиш кодлари (message authentication code (MAC)) ҳам дейилади. Улар бир-бирига ишонувчи фойдаланувчилар тизимида қўшимча воситаларсиз манбанинг ҳақийқийлигини, маълумотнинг тўлаллигини кафолатлайди.

Калитли хеш функцияларни қўллашда уларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- фабрикация имкониятининг мавжуд эмаслиги;
- модификация имконияти йўқлиги.

Ўзбекистон Республикаси хеш функция давлат стандарти O'z DSt 1106:2009 да калитли хеш функция келтирилган бўлиб, калит узунлиги 128 ёки 256 бит бўлиши мумкин. Европа ҳамжамиятининг RACE дастури доирасида ишлаб чиқилган RIPE-MAC1 ва RIPE-MAC3 хеш функция алгоритмлари, Nippon Telephone and Telegraph компанияси томонидан ишлаб чиқилган N-хеш функция алгоритми, шунингдек CBC-MAC ва CRC-MAC хеш функцияларни калитли хеш функция алгоритмларига мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Калитсиз хеш функциялар хатоларни аниқлаш кодлари (modification detection code (MDC)) даб юритилади. Калитсиз хеш функциялар қўшимча воситалар (шифрлаш ёки рақамли имзо) ёрдамида маълумотнинг тўлаллигини кафолатлайди. Бундай хеш функциялар бир-бирига ишонувчи ҳамда бир-бирига ишонмайдиган фойдаланувчилар тизимларида ишлатилади.

Одатда калитсиз хеш функциялар қуйидаги хоссаларни каноатлантирилиши талаб қилинади:

- бир томонламалилик;
- коллизияга бардошлилик.

Бугунги кунда кўплаб давлат стандартлари хеш функция алгоритмлари калитсиз хеш функция алгоритмлари бўлиб, уларга мисол қилиб Россия

федерациясининг ГОСТ Р 34.11-94 хеш функция давлат стандартини, АҚШ нинг федерал стандарти FIPS PUB 180 да келтирилган SHA-0, FIPS PUB 180-1 да келтирилган SHA-1, FIPS PUB 180-2 да келтирилгане SHA-256, SHA-384, SHA-512 хеш функцияларни, Белорус хеш функция давлат стандарти СТБ 1176.1-99 ни, АҚШ нинг федерал стандарти SHA турдаги хеш функцияларни яратишга асос бўлган MD туридаги хеш функциялар ва уларнинг MD2. MD4 ва MD5 модификацияларини, MD5 асосида ишлаб чиқилган HAVAL хеш функциясини ва юқоридаги хеш функция алгоритмларидан фарқ қилувчи алгоритмга эга бўлган TIGER хеш функциясини келтириш мумкин.

Бугунги кунда хеш функция электрон рақамли имзо алгоритмларини бардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра ишлаб чиқиладиган миллий тизимларда бардошли хеш функциялардан фойдаланиш тизимларнинг турли ҳужумларга дош бериш қобилиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда бардошли хеш функциялар ишлаб чиқиш муаммоси кўплаб мамлакатларнинг хеш функция стандартларидан қолишмаган ҳолда, Ўзбекистоннинг О'з DSt 1106:2009 стандартида ҳам ҳал қилинган. Ундаги калитнинг 128 ёки 256 бит узунлиги, математик функцияларнинг ишлатилиши ҳам юқори даражада еканлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 8 июлдаги ПҚ-1572-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбир-лари ҳақида»ги 2011 йил 7 ноябрь 296-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №45-46. – 472-м.

2. Цирлов В.Л. Основы информационной безопасности автоматизированных систем. – М., 2008 й.

3. Щеглов А.Ю. Защита компьютерной информации от несанкционированного доступа. – М., 2004.

4. Ғаниев С.К., Каримов М.М., Ташев К.А. Ахборот хавфсизлиги. Ахборот-коммуникацион тизимлари хавфсизлиги. – Т., 2008.
5. Қосимов С.С. Ахборот технологиялари. – Т., 2006.

ГИБРИДНЫЙ ПОДХОД (SAT+ROBDD) В ЗАДАЧАХ КРИПТОАНАЛИЗА ПОТОЧНЫХ СИСТЕМ ШИФРОВАНИЯ

*Ғ.НАҒАСОВ, Д.АБДУРАИМОВ,
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ*

В настоящем докладе представлен подход к решению логических (булевых) уравнений, в основе которого лежит гибридная стратегия, использующая как быстрые алгоритмы решения SAT-задач (нехронологический DPLL-вывод), так и двоичные диаграммы решений (BDD). Построенные алгоритмы тестировались на задачах обращения ряда криптографических функций.

Главным объектом рассмотрения являются задачи обращения всюду определен-ных дискретных функций, вычислимых за полиномиальное время. Более точно, речь идет о семействах функций вида $f_n: \{0,1\}^n \rightarrow \{0,1\}^*$, где $\{0,1\}^n$ - множества все возможных двоичных векторов длины n , $\{0,1\}^*$ — множество всевозможных двоичных векторов произвольной конечной длины. Предполагается, что для любого $n \in \mathbb{N}$ функция f_n всюду определена и существует программа для детерминированной машины Тьюринга (ДМТ), которая вычисляет все функции семейства $f = \{f_n\}_{n \in \mathbb{N}}$. Если такая программа имеет полиномиальную от n сложность, то говорим, что семейство функций f находится в классе $\mathfrak{F}$. Задача обращения $f_{n \in \mathfrak{F}}$ заключается в том, чтобы по известному y из области значени f_n найти такое $a \in \{0,1\}^n$, что $f_n(n) = y$.

В работах [1 – 4] был развит пропозициональный подход к задачам обращения дискретных функций из класса $\mathfrak{F}$. В основе данного подхода лежит идея пропозиционального представления алгоритмов, восходящая к С.А. Куку. В соответствии с пропозици-ональным подходом алгоритм вычисления дискретной функции $f_{n \in \mathfrak{F}}$ представляется в виде системы

логических уравнений $S(f_n)$, которая, грубо говоря, описывает все возможные варианты эволюции программы, вычисляющей f_n , на входах из $\{0,1\}^n$. После подстановки в систему $S(f_n)$ вектора y из области значений f_n имеем совместную систему логических уравнений $S(f_n) \uparrow_y$, решая которую, находим такой $x \in \{0,1\}^n$, что $f_n(x) = y$. Для решения систем вида $S(f_n) \uparrow_y$ могут использоваться различные подходы. В [1–4] для этих целей применялся SAT-подход, в основе которого лежит техника приведения систем $S(f_n) \uparrow_y$ к уравнениям вида «КНФ=1».

Была предложена технология крупноблочного параллелизма, предназначенная для решения SAT-задач. В работах [1, 3, 4] данная технология использовалась для решения задач обращения некоторых криптографических функций на суперкомпьютерах.

В качестве новых результатов в настоящем докладе фигурирует описание комбинированного подхода к решению задач обращения дискретных функций из класса $\mathfrak{S}$, использующего как SAT-технологии, так и двоичные диаграммы решений (BDD). Основная идея такого подхода состоит в использовании BDD, а точнее, ROBDD для модификации баз конфликтных дизъюнктов. Соответствующий механизм позволяет избежать потери полноты базовым алгоритмом решения SAT-задачи (данный негативный эффект, возникающий в современных SAT-решателях, был отмечен в [4]). Предполагается рассмотреть результаты вычислительных экспериментов по использованию гибридного подхода (SAT+ROBDD) в распределенных вычислительных средах.

ЛИТЕРАТУРА

1. Семенов А.А., Заикин О. С., Беспалов Д. В. и др. Решение задач обращения дискретных функций на многопроцессорных вычислительных системах // Труды Четвертой Междунар. конф. «Параллельные вычисления

и задачи управления» РАСО'2008, Москва, 26–29 октября 2008. 2008. С. 152–176.

2. Семенов А.А., Заикин О. С., Беспалов Д. В., Ушаков А.А. SAT-подход в криптоанализе некоторых систем поточного шифрования // Вычислительные технологии. 2008. Т. 13. №6. С. 134–150.

3. Заикин О. С., Семенов А.А. Технология крупноблочного параллелизма в SAT-задачах // Проблемы управления. 2008. №1. С. 43–50.

4. Семенов А.А., Заикин О. С. Неполные алгоритмы в крупноблочном параллелизме ком-бинаторных задач // Вычислительные методы и программирование. 2008. Т. 9. №1. С. 112–122.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР ВА ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

З.ОТАҚЎЗИЕВА, И.Ф.Н.,
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
“ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИНИНГ МУДИРИ,
О.БЕРДИБОВЕВ, ТАТУ 3-КУРС ТАЛАБАСИ

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши талабага касбий билимларни эгаллашига, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига; ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига; интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга; сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига; ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига; ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Янги ахборот технологиялар воситалари такомиллашиб ва ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ўқув муассасасида таҳсил олаётган ўқувчи

ёшларнинг зарур ахборотларни Интернет тизимидан мустақил равишда топа олиши, улар дуч келадиган мавжуд мутахассислигига оид муаммоларни тўла ва тўғри ҳал қила олишидаги муҳим шароитлардан бирига айланиб бормоқда.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтлар ёрдамида ўқитувчилар таълим олувчиларга масофадан турган ҳолда билим олишларига имкон яратадилар. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтлар айниқса ўқитиш жойларига қатнаши қийин бўлган таълим олувчиларга қулайдир. Булардан ташқари таълим олувчилар ахборот технологиялари билан ишлаш маданияти, кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардан дарс жараёнида фойдаланиш ҳам жуда катта имкониятлар яратади.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг таълим соҳасидаги қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мумкин: фанларни ўзлаштирилишининг яхшиланиши; тармоқ саводхонлигини ортиши; мустақил таълим ва тадқиқотлар малакасининг такомиллашиши; амалий малака самарадорлигини ошириш.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топшириқларни, тестларни бажаришига қараб аниқланади. Ўқувчи берилган дастурни қанчалик тез ўзлаштиради, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувоҳнома олади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқишни давом эттиришга имконият берилади.

Таълим жараёнида электрон таълимни ривожлантириш уни самарали тадбиқ этиш амалиётини кенгайтиради, унинг ҳозирги таълим парадигмаси ривожланишида асосий векторларни белгилаб берувчи замонавий тенденциялар ва мавжуд жаҳон тажрибасига диққат билан назар солишни талаб этади. Сўнгги 2-3 йил ичида электрон таълим ривожланишининг энг

истикболли йўналишларидан бири бу ОООКларнинг шаклланиши бўлди, уларнинг асосида оммавий ва ҳамма учун бўлган таълим ғояси ётибди.

ОООК – бу оммавий очик онлайн-курслар (инглиз. - Massive Open Online Course, MOOC) бўлиб, жаҳоннинг етакчи университетлари томонидан ер шарининг исталган нуктасида бўлган ҳар қандай инсонга масофавий технологиялар ёрдамида, аниқ белгиланган оралик ва якуний назорат топшириқларни топшириш муддатлари ва ўқитувчилар ва юз минглаб талабалар (курс тингловчилари) орасида эркин мулоқотни ташкил қилиш имкониятини берувчи академик курсларни тақдим этишга асосланган.

ОООКнинг кенг тарқалиши масофавий технологиялардан максимал фойдаланган ҳолда янги таълим парадигмасини шаклланишига ва ягона трансмиллий ахборот-таълим муҳитини яратилишига олиб келади. Ҳозирда Coursera лойиҳаси ишга тушгандан бошлаб электрон таълимнинг машҳурлиги ниҳоятда ошиб кетди. Шу билан бирга онлайн-курсларнинг сифати ҳам ошган, узлуксиз равишда технологиялар такомиллашиб бормоқда, материални ўзлаштириш ва фойдаланиш учун қулай бўлган универсал виртуал муҳитни яратишга ёрдам берадиган турли иловалар ва платформалар ишлаб чиқилмоқда. ОООК лойиҳаларига ишончлилик ва аҳамиятлиликини жаҳоннинг етакчи университетлари бўлган Масачусетс технологик, Стенфорд, Гарвард ва бошқаларнинг иштироки сабаб бўляпти.

Аммо ОООК ҳақида фикрларнинг ҳар хиллига қарамасдан онлайн-курслар оммалашиб бормоқда. ОООКнинг уч-тўрт йиллик фаол тарқалиши бир неча ўнлаб, ҳатто минглаб одамлардан иборат аудиторияни тўплаш каби сенсацион натижалар кўрсатди. Ўзининг бепуллиги туфайли оммавий ва очик бўлган етакчи жаҳон университетларнинг курслари бўйича ўқиш ҳақиқатга айланди, бу эса миллионлаб инсонлар учун юқори савияда узлуксиз таълимнинг ривожланишини таъминлади ҳамда катта маблағ бўлмаган тўловлар эвазига имтиҳонларни топшириб ёки якуний топшириқларни бажариб сертификат олишга имкониятлар яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, ОООКнинг асосий хусусиятлари таълимнинг узлуксизлик ва шахсга йўналтирилганлиги тамойилларини амалга ошириш, тушуниш учун қулай бўлган шаклга келтириб замонавий илмий ғояларни кенг тарғиб этиш каби вазифалар билан боғлиқ, яъни буларга оммавийлик; очиклик (яъни истаган инсонга, унга қулай жойда ва вақтда билимларни бепул бериш); курслар яхлитлиги (яъни курсларда нафақат ўқув материал парчалари, балки амалий машғулотлар, коммуникация, олинган билимларни назорат қилувчи материалларини ўз ичига олади); курсни муваффақиятли ўзлаштирилганда сертификат олиш имконияти кабиларни киритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лутфуллаев П.М. Олий таълимда сифатнинг мазмуни ва моҳияти http://erasmusplus.uz/files/downloads/heres_sbornik_2013_final.pdf, Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari: To'plam/ Mas'ul muharrir M.A. Rahmatullayev . - T.: ООО "E-LINE PRESS", 2013. – 104 b.
2. Т.Т.Шоймардонов, В.С.Хамидов, М.Файзиева , Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, 2016 й. 110 б. <https://lib.bimm.uz/>
3. Скрипкин К.Г. Эффективность ИТ и организационные изменения в современном российском вузе // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society). 2013, том 16, №2, С. 573-586. http://ifets.ieee.org/russian/depository/v16_i3/html/11.htm
4. Мишнев Б.Ф., Филь Н.П., Скворцов А.А. Опыт внедрения и перспективы развития дистанционного обучения в TSI // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2013. том 16, №4, С. 475-492.
5. Артеменко В. Б. МООС и мониторинг качества жизни населения регионов Украины // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2014, том 17, №1, С. 374-384. <http://ifets.ieee.org/russian/periodical/izgurn.htm>
6. Система информационного обеспечения электронного обучения в вузах // Система мониторинга электронного обучения <http://monitoring-el.ru/>
7. Сомов Я. М. Тренды в образовательной среде (памятка для вуза). <http://habrahabr.ru/post/162793/>
8. Downes S. The rise of MOOCs. 23 Apr. 2012. URL: <http://www.downes.ca/post/57911> (дата обращения: 12.04.2016).

9. Lewin T. Instruction for masses knocks down campus walls. Published: 4 March, 2012. URL: http://www.nytimes.com/2012/03/05/education/moocs-large-coursesopen-to-all-topple-campus-walls.html?_r=4&hpw& (датаобращения: 12.04.2016).

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА ХУЖЖАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

З.ИБРОҲИМОВА, ТАТУ СФ АССИСТЕНТИ,
А.АБДУВАЙТОВ, ТАТУ СФ АССИСТЕНТИ

Ахборот-коммуникация технологияларининг, айниқса интернет тармоғининг жадал суръатларда ривожланиши ва жамиятнинг турли соҳаларида ўзининг амалий тадбиқини топиши туфайли турли хил хизматлар “online” режимда амалга оширилмоқда. Бундай интерактив хизматлар аҳоли муоммоларини енгил ҳал қилишга ёрдам беради ва ортиқча моддий ва молиявий сарф ҳаражатларни камайтириш билан бирга фойдаланувчи учун қимматли бўлган вақтнинг тежалишига олиб келади. Бундай хизматлар содда тузилишга эга бўлиб фойдаланувчидан чуқур назарий билим ва амалий кўникма талаб этмайди.

Давлат бошқарув идоралари интерактив хизматларининг ҳозирги кунда бир неча тури мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин:

- пул курсининг бошқа бир курсларга нисбатан фарқини “online” режимда аниқлаш хизмат тури, фойдаланувчиларга маълум бир тўловларни бошқа бир валютада тўлашда мазкур пул бирлигининг амалдаги пул бирлигига (ёки аксинча) нисбатан қанча бўлишини тез ва аниқ ҳисоблаб беради;
- хизмат юзасидан керакли бўлган ташкилотларни тезда топиш. Бунда фойдаланувчи жамиятда муҳим ўрин эгаллайдиган ва ўзининг иш фаолиятига таалуқли ташкилотларнинг манзиллари ва телефон рақамларини олиши мумкин. Асосан фойдаланувчи ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маълум бир манзилни қидиради ва бунинг учун етарлича муаммо туғилади. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш мақсадида “online” тарзидаги давлат интерактив хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;
- “online” тест –талабалар билимини “online” режимда баҳолаш бўлиб, ҳар бир мижоз ўз билимини исталган фан бўйича текшириб кўриш имкониятига эга бўладилар. Бу орқали фойдаланувчилар билим савияларини аниқлаб олиш мумкин;
- матбуот хизматларидан фойдаланувчилар учун босмаҳона шартлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш;
- метро картаси, маълум бир бекатдан бошқа бир бекатга боришни оптимал вақт ва кўчишлар орқали амалга оширишга ёрдам беради;

- онлайн қабул, корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилиш ташкил этиш ва бўш иш жойларини онлайн орқали аниқлашлари мумкин;
- онлайн анкета, бунда ҳар бир корхона ички шартлари ва турли сўровларнинг электрон кўринишдаги талабларини ишга жойлаштиришни хоҳловчилар олиши мумкин.

Интерактив хизматлардан пул бирлигини аниқлаш дастурининг ишлаш алгоритми қуйидагича: бошқа курсларнинг миллий валютага нисбатан қийматининг ўзгариши марказий банк белгиллаган қиймат бўйича янгиланиб турилади. Фойдаланувчи киритган сумма базадаги янги курслар орасидаги фарқ билан ҳисобланади ва натижа чиқарилади.

Мақсадга эриштиришни таъминлаш учун қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгиланади: иқтисодий глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг жамиятнинг ривожланишидаги аҳамиятини таққосий таҳлил этиш; ахборот инфраструктурасидан фойдаланиб электрон тўловларни ташкил этиш хусусиятларини ўрганиш; интерактив хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш технологиясини такомиллаштириш омилларини аниқлаш; электрон усулда интерактив хизматлар учун тўловни амалга ошириш таъминотларини ўрганиш; интерактив хизматларда мижозлар билан бўладиган муносабатларни бошқариш; интерактив хизматлари учун тўловни амалга ошириш дастурий таъминотини яратиш ва уни амалий тадбиқи.

Юқоридаги мақсадларни бош меъзони сифатида интерактив хизматларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Аввало интерактив хизматларни ташкил қилишда қуйидаги талабларга жавоб топиш мақсадга мувофиқдир:

- мавжуд давлат интерактив хизматларини таҳлил қилиш;
- фойдаланувчилар учун тушунарли ва қулай бўлган интерактив хизматларни таклиф этиш;
- интерактив хизмат турларини аниқлаш ва кенгайтириш;
- интерактив хизмат турларини ташкил этишда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;
- интерактив хизматларни ташкил этишда содда ва қулай дастурий таъминотни яратиш ва танлаш;
- давлат интерактив хизматларида ахборот ресурслари конфиденциаллигини таъминлаш;
- интерактив хизматларни онлайн тизимида ташкил этиш.

Электрон ҳукумат интерактив хизмати ахборот ресурслари, хусусан ахборот тизими ёки маълумотлар базаси мавжуд шароитларда эса, талаб қилинган ҳужжатни шакллантириш имкониятини баҳолаш ва ечим қабул қилиш масаласининг ҳал қилинишига зарурат сезилади.

Шаклланган ҳужжатлар тўплами қуйидаги кўринишда ифодалансин:

$$D=\{D_1, D_2, \dots, D_N\},$$

бу ерда, $D_1, D_2, \dots, D_N$ — қаралаётган соҳа ахборот ресурслари.

Умумий ҳолда, $D_i = \{d_{ij}\}$, $i = \overline{1, N}$, $j = \overline{1, m_i}$, бу ерда d_{ij} – i -хужжатнинг j -ахборот ресурси атрибути. Ўз навбатида ҳар бир ахборот ресурси атрибути учун маълум чекловлар белгиланиши мумкин. Чекловнинг кўриниши ахборот ресурси атрибутининг турига, яъни унинг скаляр ёки вектор ўзгарувчи сифатида ифодаланишига боғлиқ.

Ахборот ресурси атрибути скаляр ўзгарувчи сифатида келган ҳолда ушбу чеклов қуйидаги кўриниш касб этади:

$$d_{ij} \in D_{ij}, i = \overline{1, N}, j = \overline{1, m_i},$$

бу ерда $D_{ij} = \{\mu_{ij} \cdot \gamma_{ij}\}$, μ_{ij} – j -ахборот атрибути қийматлар оралиғи, $\gamma_{ij} \in \{0; 1\}$.

Ахборот ресурси атрибути вектор ўзгарувчи сифатида келганида – $d_{ij} = \{d_{ij}^1, d_{ij}^2, \dots, d_{ij}^l\}$ эса юқоридаги чекловлар қуйидаги кўринишни олади:

$$d_{ij}^k \in D_{ij}^k, i = \overline{1, N}, j = \overline{1, m_i}, k = \overline{1, l}.$$

Бу ерда $D_{ij}^k = \{\mu_{ij}^k \cdot \gamma_{ij}^k\}$, μ_{ij}^k – j -ахборот атрибути k -таркибий қисмининг қийматлар (оралиғи, $\gamma_{ij}^k \in \{0; 1\}$).

Электрон ҳукумат интерактив хизматида ҳужжатнинг тузилмаси қуйидагича ифодалансин:

$$W = \{w_1, w_2, \dots, w_K\},$$

бу ерда, $w_1, w_2, \dots, w_K$ – талаб қилинган ахборот ресурси атрибутлари.

Ҳар бир w_k учун унинг қабул қиладиган қийматларига маълум чекловлар мавжуд:

$$w_1 \in W_1, w_2 \in W_2, \dots, w_K \in W_K.$$

Электрон ҳужжат ахборот ресурслари атрибутларини минимал тўпламини формаллаштириш учун, n ўлчамли λ -вектор киритилади:

$$\lambda = \{\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n\}, i = \overline{1, n}, \lambda_i \in \{0, 1\}.$$

Ихтиёрий электрон ҳужжат W учун $\lambda W = \{\lambda_1 w_1, \lambda_2 w_2, \dots, \lambda_n w_n\}$ ифода ўринли бўлади. Бундан, агар $\lambda_i = 0$ бўлса, у ҳолда W ҳужжатда i -чи атрибутнинг иштирок этмаслиги, акс ҳолда, яъни $\lambda_i = 1$ бўлса, ушбу атрибутнинг иштирок этиши маълум.

Қаралаётган электрон ҳужжат атрибутлари таркибини фойдаланаётган ҳужжатлар ахборот ресурси атрибутларининг минимал етарли бўлган тўплами билан мувофиқлаш λ вектор ёрдамида амалга оширилади.

Бунда $w_i \in \bigcup_{j=1}^n X_j$, $i \in \{1, \dots, K\}$ шарт ҳам инобатга олинади. Агарда

$w_i \in \bigcup_{j=1}^n X_j$ бўлса, у ҳолда талаб қилинаётган электрон ҳужжатнинг i -ахборот атрибути μ_i оралиқда аниқланган ҳамда γ_i қийматга эга бўлади.

Предмет соҳаси ахборот ресурслари ассоциатив боғлиқликларини таҳлили асосида, сўралиш эҳтимоли катта бўлган ҳужжатлар наъмуналарини

ишлаб чиқиш талаб этилсин. Бундай ҳужжатлар тўплами қуйидаги кўринишда ифодалансин:

$$D = \{D_1, D_2, \dots, D_N\},$$

бу ерда, $D_1, D_2, \dots, D_N$ — қаралаётган предмет соҳаси ахборот ресурслари.

Ҳужжатларнинг ҳар бири маълум ахборот тузилмасига эга, яъни: $D_i = \{d_{ij}\}$, $i = \overline{1, N}$, $j = \overline{1, m_i}$, бу ерда d_{ij} — i -ҳужжатнинг j -ахборот ресурси атрибути. Агар, ушбу ахборот атрибутлари тўплами $O = \{w_1, w_1, \dots, w_K\}$ кўринишида ифодаланса, тайёрланадиган ҳужжатларнинг ахборот атрибутлари $\forall d_{ij}$, $i = \overline{1, N}$, $j = \overline{1, m_i}$ O тўплагга тааллуқли бўлади: $d_{ij} \subseteq O$.

Демак, талаб қилинадиган эҳтимолдаги ҳужжатлар наъмуналарини тайёрлаб олиш учун $O = \{w_1, w_1, \dots, w_K\}$ тўплаг атрибутларининг ўзаро боғлиқликларини аниқлаш етарли бўлади.

У ҳолда, қаралаётган O тўплаг атрибутлари учун бундай танланмаларнинг умумий сони $m^* = \sum_{i=1}^N C_N^i$ ни ташкил этади, бу ерда

$$C_N^i = \frac{N!}{i! \cdot (N-i)!}, \forall i, i = \overline{1, N}.$$

Атрибутларнинг ўзаро боғлиқликларини аниқлаш мақсадлари учун 1 элементли танланмаларни қараш маънога эга эмас. Шу боис, ҳосил қилиниши лозим бўлган танланмаларни қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:

$$A = \{a_j, j = \overline{1, m}\}, \text{ бу ерда } m = \sum_{i=2}^N C_N^i, a_j \subseteq O.$$

Ушбу A тўплагнинг ҳар бир элементи D тўплаг ҳужжатларида маълум миқдорда учрайди. Мазкур катталиқ $\text{Supp}(a_j)$ кўринишида ифодаланади. У a_j нинг қувватланиши деб аталади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{Supp}(a_j) = \frac{|D_{a_j}|}{|D|}.$$

Бу ерда $\forall a_j, j = \overline{1, m}$, $\text{Supp}(a_j) \in [0; 1]$.

A тўплаг элементларини мазкур параметр асосида тартиблаш натижасида қуйидаги B тўплагни ҳосил қилиш мумкин:

$$B = \{b_j, j = \overline{1, m}\}, \text{ Supp}(b_k) \geq \text{Supp}(b_l), \text{ бу ерда } k < l, \forall k, l \in \{1, 2, \dots, m\}.$$

B тўплаг элементларига мос келувчи ахборот атрибутлари қисм-тўплагларининг таҳлили, уларнинг боғлиқлик даражаларини тақдим этади. Айтиш жоизки, ахборот атрибутларининг $\{w_1, w_2, \dots, w_N\}$ тўплами нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 11 феврал.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Електрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни // «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 17 декабр.
3. «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 6 июн.
4. <http://elkutubhona.narod.uz>
5. www.tuit.uz
6. www.ziyonet.uz
7. www.intuit.ru

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIMNI AMALDA QO'LLASHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH: AVZALLIK VA KAMCHILIKLARI

*S.ABDULXAMIDOV, B.Eсанov,
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI MAGISTRANTLARI*

Zamonaviy ta'lim tizimi oldingi ta'lim tizimidan farq qiladi. Informatsion texnologiyalarining rivojlanib borishi ta'lim tizimini tubdan o'zgarishiga sabab bo'layotgani hech kimga sir emas. Bugungi kunda jadal ravishda elektron ta'lim rivojlanib kelmoqda, shu bilan birga bu jarayonda o'qituvchi va ta'lim oluvchilar tomonidan bir-birini to'ldirib boruvchi elementlarni topmoqdalar.

Elektron ta'lim – bu ta'lim jarayonini olib borishda ta'lim dasturlarini ishlatgan holda, ta'lim oluvchiga beriladigan ta'lim turlarining umumiy komplekslarini shakllantirishda informatsion texnologiyalardan foydalangan holda amalga oshiruvchi ta'lim turi. Ma'lumotlarni qayta ishlashda texnik vositalar va telekommunikatsion tarmoqlardan foydalaniladi. Bunday tarmoqlar aloqa chiziqlariga ma'lumotlarni uzatish imkoniyatini va ta'lim oluvchilar, ta'lim beruvchilarning o'zaro hamkorlikda ishlashini ta'minlaydi. Elektron ta'limning sinonimi masofaviy ta'lim hisoblanadi.

Masofaviy ta'lim – bu ta'lim jarayonini ta'lim texnologiyalari orqali tashkil etib boriluvchi harakatlar tizimi bo'lib, bunda informatsion-telekommunikatsion tarmoqlarning tashkil etilishi asosida hosil qilib boriladi. Masofaviy ta'lim ta'lim oluvchi va ta'lim beruvchi o'rtasidagi masofadan turib amalga oshiradigan o'zaro harakatlari orqali ta'limni tashkil etishda yordam beradi[1].

Ta'lim muassasasi elektron yoki masofaviy ta'limni tashkil etishida aniq tartiblangan qoidalar asosida elektron-ta'lim muhitini yaratishi va uni nazorat qila olishi, ta'lim dasturlarini elektron ta'lim tizimiga moslashtira olishi va masofaviy ta'lim texnologiyalariga ega bo'lishi nazarda tutiladi. Bunday muhit o'z ichiga elektron-informatsion resurslarning informatsion texnologiyalar, kommunikatsion texnologiyalarni oladi. Bu muhit orqali ta'lim oluvchi qayerda joylashganidan qat'i nazar ta'lim dasturini to'liq ravishda o'rgana olishi mumkin.

Elektron ta'limda ta'lim dasturlarining tadbqiq etilishida ta'lim muassasasining joylashgan joyi, ta'lim oluvchining joylashgan joyiga yaqin bo'lmasa ham, bu ta'lim oluvchi uchun noqulaylik tug'dirmasligi kerak.

Ta'lim dasturlarining tadbqiq etilishining bunday formasi maxsus belgilangan ta'lim dasturini bir necha tashkilot yoki ta'lim muassasalari resurslaridan foydalangan holda o'zlashtirilishi, shu bilan birga, chet el ta'lim muassasalarini ham bunga jalb etilishi va ularning resurslaridan ham foydalanishga ruxsat berilishi ta'lim oluvchiga qulaylik yaratadi. Bu tarmoqli formadan foydalanishni bir necha ta'lim sohasi tashkilotlari bilan birga amalga oshirish jarayonida boshqa ilmiy, tibbiy, sport tashkilotlari ham ishtirok etishlari mumkin. Lekin ta'limning maxsus dasturini va amaliy javhalarini amalga oshirishda aniq resurslarga ega bo'lishlari talab qilinadi[1,2].

Kutubxona fondi ta'lim dasturlari, kurs, nizom, fanlarga mos keluvchi chop qilingan va elektron o'quv qo'llanmalarga ega bo'lishi kerak.

Elektron va masofaviy ta'limning avzalliklari:

1. Uydan chiqmasdan turib ta'lim olish;
2. Ta'lim olish joyiga borishning chiqimlarini tejash;
3. Ta'lim jarayonini uzluksizligi;

4. Ta'lim jarayonini ish turi bilan qo'shilishi;
5. Ta'limni individual reja asosida olish;
6. Oddiy ta'lim jarayonidan qolishmaydigan sifatli ta'limga ega bo'lish;
7. Ta'lim beruvchilar tarkibi bilan muayyan aloqaga ega bo'lish;
8. Talabalarni xalqaro ta'lim va ma'daniy chegaralarini oshirishda virtual akademik mobilligi;
9. Sifatli ta'limga ega bo'lishda aholining har qatlamlari uchun imkoniyatlari tengligi;
10. Ta'limga individual yondashuv;

Masofaviy ta'limning shunday avzalliklari mavjud bo'lganligiga qaramay, ko'p avtorlar mavjud kamchiliklarni aytib o'tadilar:

Psixologik faktorlar bilan bog'liq kamchiliklar:

1. Ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining shaxsan aloqasi mavjud bo'lmasligi;
2. Ta'lim jarayoniga qiziqishning mavjud emasligi;
3. Ta'lim beruvchilar tarkibining kompyuter texnologiyalari tomonidan saviyasining yuqori emasligi;

Texnologiyaning nomukammal jihatlari bilan bog'liq kamchiliklari:

1. Texnik vositalarning ishidagi nosozliklar;
2. Imtihonlarni topshirishda shaffoflikning mavjud emasligi;
3. Ta'lim yo'nalishlari va maxsus dasturlarning chegaraviyligi;

Shu tariqa, masofaviy va elektron ta'lim katta qadamlar bilan hayotimizga izchil kirib kelmoqda. Bu jarayon ta'lim sohasida texnologiya va innovatsiyaning rivojlanib borishi hisobiga kuchayib boradi. Virtual muhitni reallashtirish bugungi kunning asosiy maqsadlaridan biri bo'lib turibdi[1,2].

Lekin bir qator muammolar kelib chiqishi mumkin. Xususan, psixologik, o'zini-o'zi tashkil etuvchi inson omiliga ta'siri, o'zini-o'zi ma'naviy o'stirish, shijoati va tabiiy muloqatiga ta'siri shu jumladandir. Bu muammo jamiyat

rivojlanishiga yoki umumiy davlat rivojlanishiga qarab hal qilib borilmoqda. Masalan, internet va televideniyaning hayotimizga kirib kelishi hayot tarzimizni va hayotga bo'lgan qarashimizni tubdan o'zgartirib bormoqda[2].

Hozirgi kunda davlatimizda masofaviy ta'lim hayotimizga asta-sekinlik bilan kirib kelmoqda. Misol uchun, internet saytlari orqali qaysidir til yoki fan bo'yicha o'quv kurslari tashkil etilmoqda(dasturchilar uchun dastur.uz, It-portal.uz). Elektron manbalar, noyob kitoblar majmui yoki noyob kitobning elektron shaklini kutubxonalardan topish mumkin. Elektron manbalar uchun o'zimizning milliy saytlar hozirgi kunda xizmat ko'rsatib turmoqda, misol uchun shulardan biri Ziyonet deb ayta olamiz. Foydalanuvchi bu saytlardan foydalanish, ma'lumot qo'shish va ma'lumot olish huquqlariga egadirlar. IATP programmasining internet grantlari natijasida tashkil qilingan va 2002 yildan faoliyat ko'rsatib kelgan "Masofaviy ta'lim portali" (<http://dl.freenet.uz>) yoki ko'plab Respublikamiz Universitet va Institutlari tomonidan o'zlarining veb sahifalarida tashkil qilingan "Masofaviy ta'lim kurslari"ni ham alohida aytishimiz zarur (masalan <http://nuu.uz> O'zbekiston Milliy Universiteti saytida tashkil qilingan kurslar). Ta'lim sohasiga tegishli ko'plab foydali va qiziqarli veb saytlar yaratilmoqda, (<http://www.bilim.uz>, <http://www.bilimdon.uz>, <http://www.ilm.uz>, <http://www.student.uz>, <http://www.study.uz> va boshqalar). Eng quvonarli esa internetda nafaqat universitet, institut, kolledj va akademik litseylar balki maktablar ham o'zlarining veb sahifalariga ega bo'lishmoqdalar[3].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. www.ru.wikipedia.org
2. www.libsoub.ru
3. www.tami.uz

ПРИМЕНЕНИЕ ЭКСПЕРТНЫХ СИСТЕМ ДЛЯ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

*З.ИБРОХИМОВА, АСС. СФ ТУИТ,
С.РАЖАББОВЕВ, ЗАВ. КАФЕДРОЙ ТГЮУ*

Возможность использования экспертных систем для решения задач защиты информации стала интересовать специалистов по информационной безопасности в связи с бурным развитием информационных технологий, а, следовательно, и появлением новых видов угроз. Уже сейчас экспертные системы применяются для решения некоторых задач информационной безопасности:

- оценка рисков и составление модели угроз;
- антивирусное программное обеспечение;
- аудит информационной безопасности предприятия;

Несмотря на все многообразие решаемых задач, можно выделить два основных подхода к созданию экспертных систем:

- создание экспертных систем, использующих эвристические правила;
- создание самообучающихся экспертных систем;

Экспертные системы на основе эвристических правил.

В данном подходе используется один из популярных методов представления знаний – правила в форме IF<условие>THEN<action>. Одним из применений такого подхода является создание антивирусного программного обеспечения и систем обнаружения вторжений. Возможны следующие варианты эвристического анализа:

Zamonaviy texnologiyalar keskin rivojlanish cho'qqisiga chiqmoqda. Internet saytlar (World Wide Web) hayotimizning ajralmas bir qismi bo'lib kelgan, bu istisno emas, buni rad ham etolmaymiz. Aslida, dunyodagi deyarli har bir tashkilotning Internetda veb-sayti bor, tarmoq orqali esa bu saytlarni osonlik bilan himoyasini buzish va tajovuz qilish mumkin.

Bugungi kunning eng dolzarb muammolari ham veb saytlarni turli hujumlardan himoya qilish maslasidir. Tarmoqning rivojlanishi davlatlarning rivojlanishiga ham katta turtki bo'ldi, chunki bu davlatlardagi barcha sohalarida zamonaviy texnologiyalar turli kompaniyalar va firmalarni boshqaruvida va rivojlanishida maxsulot sifati va reklamasiga bog'liq. Bunday ommabob reklamalar aynan veb saytlar orqali amalga oshiriladi. Agar bunday tarmoq reklamalari bo'lmasa kompaniya, firma yoki oliy ta'lim muassasida rivojlanish bo'lmaydi. Veb saytlar orqali reklama bu eng ko'p foyda beradigan usuldir, ammo bu saytlarga kuchli himoya tizimlari o'rnatilmasa yoki kuchliroq himoya qilinmasa buzg'unchilar tomonidan reklamamiz buzilishi yoki o'zgartirilishi mumkin. Buning uchun bu saytlarni kiber jinoyatchilaridan himoya qilish va uning yangi algaritmlarini, usullarini va dasturlarini ishlab chiqish lozim va hozirgacha ham

ba'zi ishlab chiqilganlari mavjud. Internet olamidagi Veb saytlar uch holatda bo'ladi. Bular quyidagilar:

1. Allaqachon hujum ta'sirida ishdan chiqqan Veb saytlar.
2. Yaxshi ishlaydigan ammo himoyaga muhtoj Veb saytlar.
3. Juda zo'r ishlaydigan hujmlarga qarshi himoyalangan Veb saytlar.
 - Birinchi holatdagi veb saytlar turli xil hujumlar asosida o'z holatini yo'qogan va kichik korxonalarga tegishli bo'lgan veb saytlar.
 - Ikkinchi holatda o'rtacha himoyalangan ammo himoyani yana kuchaytirishi lozim bo'lgan va yaxshi rivojlanib borayotgan katta va o'rta korxonalarning veb saytlari
 - Uchinchi holatda kuchli himoyalangan va himoyaga bardoshli bolgan yirik va kuchli korxonalarning veb saytlari.

Aslida hujumlarga ayniqsa berilgan parametrlarini va paroldan foydalanishdagi kamchiliklar, dasturiy ta'minotning kamchiliklari yoki tizim rahbarlarining oddiy xatolari, ma'lumotlar bazasini o'rnatishdagi qisman xatolar va shu kabi ko'plab zaifliklar sabab bo'ladi. Bunday zaifliklarni aniqlash va ularni yaxshilash Ochiq Veb sayt xavfsizligi loyihasi ishlab chiqilgan. Veb saytlarda xavfsizlik, dasturiy ta'minotning tahlilini va veb saytlarni yaxshilashga qaratilgan xalqaro nodavlat notijorat tashkilot hisoblanadi. Bu maqolada biz oliy ta'lim muassalaridagi Vebga asoslangan saytlar, va ularni himoya qilish usullarini, hujum vektorlarining har bir bilan yaqindan tanishib chiqamiz. Bizning qator doiradagi amaliy ishlarimiz, real ish misoli ustida xavf darajasi usullarini, shuningdek amaliy usullarni, Vebga asoslangan dasturlar va vebga asoslangan xizmatlarni himoya qilish uchun ilmiy ish olib boryapmiz.

Vebga asoslangan saytlar uchun 5 ta eng xavfli hujum turini ajaratib chiqdik. Endi o'sha beshta xavfli hujum turlari bilan tanishsak.

1. Ma'lumotlar bazasiga qilinadigan hujumlar. Hammamizga ma'lum barcha ma'lumotlar odatda maxsus ma'lumotlar bazasida saqlanadi. Ma'lumotlar

ko'pincha maxsus so'rovlar tili SQL tilida yozilgan so'rovlar shaklida qurilgan bo'ladi. Agar siz shaxsiy foydalanuvchi ma'lumotlarini tahrirlash, ma'lumotni olish va kiritish, o'zgartirish yoki ma'lumotlarni o'chirish uchun SQL-so'rovlar tilidan foydalanib Veb saytimiz shaklni to'ldirib chiqamiz. Buning uchun esa SQL-so'rovlar tilini maxsus kodlaridan foydalanish mumkin. Misol uchun shunga o'xshash kod:

```
$sql = "SELECT * FROM users WHERE username='$username' AND  
password='$password';"  
  
SELECT * FROM users WHERE username=" OR '1'='1' AND password  
=" OR '1'='1';
```

 Undan tashqari PHP kodlarini ham misol qilishimiz mumkin.

```
$yourName = $_GET['name'];  
echo ("Hello $yourName").
```

SQL-Injection - Ushbu hujum turi eng keng tarqalgan bo'lib ma'lumotlar bazasiga qilinadigan hujumdur. SQL-Injection bu xavfli hujum bo'lib ma'lumotlar bazasi va undagi ma'lumotlarni o'chirish uchun tajovvuzkorlar tomonidan amalga oshiriladi. Misol uchun ismi familiyangiz bilan birga sizning hisob balansingizni o'zgartirish va nozik shaxsiy ma'lumotlarni o'g'irlash, hisobda boshqa muvozanatini joylashtirib qo'yishi mumkin. Bularga qarshi esa yangi algaritmlar ishlab chiqilmoqda.

2. Aniqlikni yo'qotish va boshqaruvni qo'lga olish. Boshqa bir foydalanuvchi ajratish maqsadida veb saytimizda qo'shimcha foydalanuvchi qo'shishimiz mumkin. Boshqa qo'shgan foydalanuvchimiz ham saytimizga ma'lumot yoki qo'shimchalar qo'shishi yoki o'zgartirishi mumkin. Bu foydalanuvchi ham o'z login va paroli orqali saytimizga kiradi. Bu login va parolni kiritgan paytda ular aniq serverdagi ma'lumot orqali tekshiriladi. Buzg'unchilar xuddi shu server orqali login parollarni bilib foydalanuvchi kabi saytimizga kirishi mumkin. Saytimizga xuddi shunday bir necha ulanishlar bir paytning o'zida hosil qilinadi shuning uchun IP-manzilni brauzerda saqlab so'ngra ma'lumotlarni o'zgartirib ma'lumotlar aniqligini buzishlari mumkin. Bunda onlayn bank, hisob

yoki to'lov tizimi bo'lsa, bunday ruxsatsiz foydalanish oqibatlari juda ayanchli bo'ladi.

3. JavaScript yoki HTML kodlari orqali hujum qilish. Cross Site Scripting – JavaScript kodi orqali foydalanuvchi brauzeriga hujum qilinishi imkonini beradi. Foydalanuvchi ma'lumotlarni tekshirishi davomida xatoliklarni vujudga keltiradi. Ushbu turdagi hujumlar ko'pincha ularni amalga oshirish mexanizmi SQL-Injectionga juda o'xshash, chunki HTML-kodlarida ham shu kabi o'xshashliklar mavjud. Ammo farqli o'laroq foydalanuvchi brauzerida ijro kodni aynan ikkinchisi amalga oshiradi.

- Birinchidan, tajovvuz qilish oson, ma'lumotlar osonlikcha o'g'irlanishi mumkin. Bu barcha dasturlar orqali serverlarga hujum qilganda zaif ekanini ta'kidlash lozim.
- Ikkinchidan, u zararlangan sahifa shaklida kirgan ma'lumotlarni o'g'irlagan bo'lishi mumkin. Va yomon va nozik tomoni shundaki shaxsiy ma'lumotlarni yoki CVC-kodi bilan kredit karta ma'lumotlar o'g'irlanishi mumkin.
- Uchinchidan, JavaScript orqali, siz sahifada joylashgan ma'lumotlarni o'zgartirishingiz mumkin, masalan ba'zi kodlar va modellarining o'rniga bir tajovuzkor yoki bankdan pul o'tkazish uchun ma'lumotlarni o'g'irlashi mumkin.

4. Xatarli ob'ektlarni kiritish. Xavf xatarning bu turi ham foydalanuvchi ma'lumotlarining etarli aniqlash natijasidir. Uning mohiyati shundaki brauzeringizga tahdid matn ichida uzatiladi va ob'ektlar uchun tasdiq erkin foydalanish huquqlarini amalga oshiradi. Bunday ob'ekt identifikatori kirish uchun maxsus xabarlar, yoki indeks kartalari mijozlarga sifatida har qanday nozik ma'lumotlarni qaytarishda ishlatiladi.

5. Xavfli konfiguratsiya . Veb server, ma'lumotlar bazasi serveri va platforma o'z dastur komponentlarini ya'ni Vebga asoslangan saytlar infratuzilma komponentlarini xavfsiz konfiguratsiyani talab qiladi. Har xil sozlamalar server qismlariga ko'pincha xavfli va hujum imkoniyatlarini ochib beradi. Misol uchun,

JavaScript orqali hujum ya'ni XSS-hujum tufayli faqat http sozlamalari yo'qotilishi mumkin. Server to'g'ri tuzilgan bo'lsa va imkoniyat http yoki faqat JavaScript kodlari orqali hujum qilinishi mumkin, lekin tez-tez bu oddiy va muhim sozlama to'lov tizimlari xususiy ofislaridagi kabi tanqidiy muhim hujumlardan biri bo'lib qoladi. Serverda IP-manzil mavjud va ishlab chiqaruvchi oldindan o'rnatgan paroldan foydalanishingiz mumkin. Bu bir hujumni oson turi bo'lib, osonlik bilan ma'lumotlarni o'zgartirish imkonini beradi.

Ayrim hollarda Web-sayt bilan birgalikda taqdim etiladigan bazaviy ma'muriy interfeys ishlab chiqaruvchilar nazarda tutmagan maqsadlarda qo'llanilishi mumkin. Masalan, Macromedia'sColdFusion kelishuvga binoan ssenariylarning boshlang'ich kodini ko'rib chiqishga imkon beradi. Bu funksiyani suiste'mol qilish Web-sayt tomonidan kritik axborotning olinishiga olib keoali. Bu funksiyani o'chirish yoki o'chirish muammo tug'diradi, chunki saytning muhim tashkil etuvchilari unga bog'liq bo'ladi. Smartwin Cyber Office da narxni o'zgartirish Ayrim hollarda sayt tomonidan qayta ishlanuvchi ma'lumotlarni o'zgartirish dastuming hatti-harakatini o'zgartirish imkonini beradi. Masalan, CyberOffice saytda xarid qilish funksiyasidagi kamchilik foyalanuvchiga HTML-formaning yashiringan maydonida uzatiladigan narx qiymatini o'zgartirishga imkon bergan edi. Buyurtmani tasdiqlash sahifasi g'araz niyatli kishi tomonidan yuklatildi, mijozda o'zgartirildi va serverga o'zgartirilgan narx qiymati bilan uzatilar edi.

Zaifliklarning yillar davomida keskin ravishda ortib borishi xususan so'nggi yillarda web saytlarning zaifligi turli tipidagi tahdidlarni ko'payishiga olib kelmoqda. Ularni himoyalashda himoya tizimlarini o'rnatishni taklif qilamiz. Biz aynan shu tahdidlarga qarshi chora tadbirlarni va dasturlarni yaratyapmiz.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ**
Ф.КАДИРОВ, М.ДЖАМАТОВ
ИИБ АКАДЕМИЯСИ

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши, инсонларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги савиясининг ортиши киберэкстремизм ва кибертерроризмнинг ривожланиш асоси бўлди. Киберэкстремизм ёки кибертерроризм деганда виртуаль (кибер) оламдаги экстремизм ёки терроризм тушунилади ва унинг асосини электрон ахборотлар ташкил этади.

Интернет ва ахборот технологиялари кириб келган давримизда компьютер жиноятчилиги жамият ҳаётида албатта содир бўладиган ҳолга айланди. Ахборот-коммуникация технологиялари нафақат жамиятни ривожланиш даражасига балки, компьютер жиноятини пайдо бўлиши ва унинг турли шакллари юзага келишига туртки бўлди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилган ютуқлар жиноятчилар учун янги техник воситаларга кириш борасида кенг имкониятлар яратиб берди. Шу сабабли республикамызда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 2.4 бандида диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш белгиланган.

Ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружларини авж олдиришда интернет тармоғидан ҳам кенг фойдаланиляпти. Глобал тармоқ орқали диний экстремизм, фаҳш, гиёҳвандлик, зўравонлик, терроризм каби бало-қазоларни тарқатишга зўр берилаётгани кишини янада ташвишга солади. Хавотирли жиҳати шундаки, бугун интернет маҳсулотларидан фойдаланиш нафақат компьютерларда, балки мобил алоқа воситаларида ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

кечмоқда. Демак, ҳажм ва қамров жуда тез суръатларда ўсмоқда. Бу эса компьютер жиноятчилигининг пайдо бўлиш эҳтимолини орттиради.

Компьютер жиноятчилиги бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий сиёсий, шахсий ва мулкӣ ҳуқуқга ноқонуний аралашишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат бўлиб, айрим шахсга, ташкилот ва жамиятга моддий ва маънавий зарар етказиш билан характерланади. Киберэкстремизм ёки кибертерроризм шундай жиноятлардандир. Кибертерроризм ёки киберэкстремизм деганда терроризм ёки экстремизмнинг кибер макон билан бирлашиши тушунилади.

Терроризм - сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар. Халқаро терроризм - бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризмдир¹. Халқаро терроризм – энг оғир жиноят бўлиб, у узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Экстремизм ва терроризм ҳамда уларнинг салбий оқибатлари ҳақида таълим жараёнида ўқувчиларга тушунчалар берилмаса, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилмаса кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Террорчилик хуружи оммавий ахборот воситаларида қанчалик кенг ёритилса

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 15-модда

ушбу ҳаракатни содир этишдан кутиладиган натижа шунчалик бевосита ва юқори бўлади.

Ахборот майдони ривожланиб, тобора тўйиниб бораётган, аммо уни етказишда ҳам мазмунан, ҳам шаклан, ўзибўларчилик устуворлик қилаётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари экстремизм ва терроризм кўлидаги кучли қуролга айланиб қолмоқда. Тўғри, оммавий ахборот воситалари ўз ҳолича террорчилик хуружининг “самарадорлигини” англаган ҳолда ташкил этадиган тизим ҳисобланмайди. Аммо аксарият ҳолларда бунга кўмаклашмоқда, дейиш мумкин¹.

Мамлакатимизда қатор номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилнган бўлиб, уларда терроризм, экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари тўғрисида тушунчалар ва уларга қўйиладиган чекловлар берилган.

Бугунга келиб кибертерроризм ва киберэкстремизм шафқатсиз воқеликка айланди. Жаҳонда юз бераётган киберҳужумларнинг умумий сонини ҳисоблаб чиқиш жуда қийин чунки турли сабабларга кўра уларнинг ҳаммаси ҳам ошкор бўлмайди. Шу боис айрим экспертлар Интернетнинг буткул очиқлигидек дастлабки концепциядан воз кечиб, Интернетнинг янги тизимига ўтишни таклиф этмоқдалар. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечиш бўлиб, бу эса тармоқнинг жиноий тажовузлардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди. Масалан, Microsoft компанияси ҳар бир кибертеррорчини аниқлаганлик учун 50 минг доллар миқдорида мукофот тўлашга тайёрлигини эълон қилди.

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Масъул муҳаррир Очилдиев А.Т.: 2008. 145 б

Кибертерроризм ёки киберэкстремизм деганда баъзан одамлар ўлими, катта мулкый зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар таҳдидини юзага келтирадиган ахборот тизимларини издан чиқариш ҳаракатлари (агар улар махсус ижтимоий хавфсизликни бузиш, аҳолини кўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида содир этилган бўлса), шунингдек ана шу мақсадларда мазкур ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш тушунилади.

Бугунги кунда дунёда 500 ноқонуний террористик ташкилотлар мавжуд. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра террор соҳасига сарфланадиган маблағ 5 млрд. дан 20 млрд. гача долларни ташкил этади¹. Бу эса ер юзидаги инсониятнинг тинч-фаровон ҳаётига катта таҳдидни вужудга келтиради. Бундай марказлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз Ислон Каримов шундай деган эдилар: “Қисқа қилиб айтганда, бу экстремистик марказларнинг пировард мақсади – бизни танлаган йўлимиздан ортга қайтаришдир. Яъни, бутун дунё интилаётган, фаровон яшаётган давлатлар қаторига қўшилишдек мақсадимиздан, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг олдида энди-энди очилаётган эркин ва озод ҳаёт йўлидан юртимизни яна орқага – ўрта аср тузуми ва жақолатига қайтариш, бизни боши берк кўчага киритиб қўйишдан иборат.

Экстремистик кучларнинг ёвуз ниятлари замирида яна бир нарса борки, биз уни ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи билан, маданий-маънавий салоҳияти билан, энг муҳими, ислом фалсафаси, ислом динининг олижаноб ғояларини юксалтиришга, унинг илмий асосларини яратиб, динимизнинг обрўсига обрў қўшгани билан мусулмон оламида беқиёс мавқега эга. Улуғ аждодларимиз ва буюк боболаримизнинг бу борадаги унутилмас хизматларини ислом дунёсида қеч ким инкор этолмайди.

¹ Терроризм как угроза национальной безопасности. – 2004. <http://www.regions.ru>

Экстремистик кучларнинг энг разил мақсади – мана шундай буюк меросга эга бўлган ўзбек халқини, бугун юртимизда яшаётган барча мўмин-мусулмонларни шу меросдан айириш, ота-бобаларимиз амал қилиб келган ва бизларга ҳам буюрган йўлдан қайтишга мажбур этишдир”¹.

Ҳозирги замон террорчилари учун кибермакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги шу билан боғлиқки, киберхужумлар содир этиш учун катта молиявий харажатлар керак эмас – фақат Интернетга уланган шахсий компьютер ҳамда махсус дастурлар ва вируслар бўлиши зарур. Глобал компьютер тармоғидаги терроризм жадал ривожланмоқда. Интернет – сайтлар қўққисдан пайдо бўлмоқда, тез-тез форматини, сўнгга ўз манзилини ҳам ўзгартирмоқда.

Экстремистлар ўз тарафдорларига кодланган маълумотларни юбориш учун Интернетдан кенг фойдаланадилар, электрон почта орқали хабарномалар тарқатиб, уларни оммабоп сайтларга жойлаштирадилар. Кибертеррорчилар асосан оммавий бўлган Hotmail ва Yahoo порталларининг почтасидан фойдаланадилар, чунки, уларни тутиб олиш ниҳоятда мураккаб. Мана шундай ўзига хос “хилватгоҳ”ларда яширилган материаллар орасида террорчилик ҳуружларини амалга ошириш учун кўрсатмалар, режалар, жойларнинг фотосуратлари ва схемалари бўлади.

Террорчилик сайтларининг Интернет аудиторияси террорчиларнинг имкониятдаги ва амалдаги тарафдорларини фаоллаштириш, можарога бевосита жалб этилмаган халқаро ижтимоий фикрга таъсир кўрсатиш, “душманни” – террорчилар қарши курашаётган фуқаролар, ташкилотлар ва давлатларнинг жанговар руҳини йўқотиш учун ишлатилади.

Киберэкстремист ва кибертеррорчилар компьютер тармоқлари (асосан Интернет) орқали турли салбий омилларни тарғиб қилишади. Бу эса жамиятнинг барқарор ривожланишида катта хавф тўғдиради ва жамият

¹ И.Каримов. Эгали юрт эркини бермас (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 30 август) // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 70–98-б.

аъзоларининг маънавий-маърифий онгига салбий таъсир қилад. Чунки, бугунги кунда дунё аҳолисининг 82 фоизи, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернет тармоғига мурожаат қилишмоқда. Жамиятнинг асосини ташкил этувчи, келажагини белгиловчи ёш авлоднинг маданий-маърифий онгини ривожлантириш, кибертеррористик ва киберэкстремистик тарғиботларнинг салбий оқибатлари ҳақида доимий тушунчалар бериб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Киберэкстремизм ва кибертерроризмга қарши кураш бу глобал муаммо ҳисобланади. Шундай экан республикамызда ҳам бу иллатларнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатлари ҳақида ҳар бир фуқаромиз яхши тушунчага эга бўлиши, бундай жиноятлар аломатини сезганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зудлик билан хабар беришлари зарурлигини теран англашлари зарур. “Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш – бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак”¹ – деб таъкилайди Биринчи Президентимиз И.Каримов.

Юқоридаги фикрлардан шу нарсани таъкидлаш жоизки, таълим тизимида, жумладан ички ишлар вазирлиги олий таълим тизимида компьютер жиноятчилиги, киберэкстремизм ва кибертерроризм жиноятлари профилактикасига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Таълим жараёнида ёшларимиз онгига бу жиноятларнинг мудҳиш оқибатлари, бундай жиноятларни ўз вақтида олдини олиш, ватанимиз, ҳалқимиз тинчлиги йўлида доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш кераклигини сингдиришимиз зарур. Шунингдек, таълим тизимида тингловчиларга ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунчалар бериб бориш зарур. Бу масала Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири давлатимиз раҳбари билан суҳбатнинг қисқача баёни) // Халқ сўзи. 2001. 10 октябрь

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида - ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш¹ – деб белгиланган. Шу маънода Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги фикрларини билдириш жоиз: “Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онига чуқур сингдириб бориш керак”².

БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ф.КАДИРОВ, М.ДЖАМАТОВ
ИИВ АКАДЕМИЯСИ

Мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳномолигида жамиятимизнинг барча йўналиш ва соҳаларига, жумладан, давлат бошқарувига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси “Ҳозиргина баён қилинган устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади”³ – деб таъкидлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 5.1. банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

² Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 2000 йил 22 январь) // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 345–351-б.

³ “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг

Бошқарув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришини унутмаслигимиз зарур”¹.

Ривожланган жамиятнинг муҳим жиҳатларидан бири унда тўхтовсиз ахборот алмашилишининг амалга оширилишидадир. Ихтиёрий корхона, ташкилотнинг самарали фаолият юритиш омили бу тўлиқ, ишончли ахборотларни ўз вақтида олишидадир.

Бошқарув тизими бошқарилувчи ташкилот ёки корхона ва бошқарув аппаратини ўзида акс эттиради. Бошқарув аппарати режаларни ишлаб чиқувчи, қабул қилинган қарорларга талабларни мослаштирувчи, шунингдек уларни бажарилишини назорат қилувчи ходимлардан ташкил топади. Бошқарилувчининг вазифасига эса бошқарув аппарати ишлаб чиқарган режаларни бажариш киради. Бошқарув тизимларининг ишлаши учун бу тизим ишончли ахборотларга эга бўлиши керак ва у тегишли қарор қабул қилиш асоси ҳисобланади.

Бошқарув жараёни биринчи навбатда бошқарув объекти ва субъекти орасида ахборот алмашинувига боғлиқ. Шу сабабли бошқарув фаолиятида ахборот таъминоти муҳим аҳамият касб этади. Ўз вақтида ишончли ва тўлиқ ахборотларни бошқарув субъектига, раҳбарга, белгиланган вақтда етказиб туриш бошқарув фаолиятининг ахборот таъминоти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016 йил. 7 декабрь <http://Uza.uz>.

¹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. <http://uza.uz>

Бошқарув жараёнида керакли ахборотларнинг бўлмаслиги тўғри ва ўз вақтида қарор қабул қилиш, ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш имконини чеклайди. Рақобатдошларга номаълум бўлган ахборотларга эга бўлиш корхона, ташкилотнинг мувофаққиятли фаолият кўрсатишига имкон яратади.

Ихтиёрий бошқарув жараёни ахборот алмашинув даражасига боғлиқ. Бошқарув жараёнида ахборот алмашинуви орқали қуйидаги амаллар бажарилади:

- бошқарув объекти ҳақида кундалик ахборотларни йиғиш;
- олинган ахборотларни таҳлил қилиш, таққослаш ва хулоса қилиш;
- бошқарув объектига олинган ахборотлар асосида таъсир кўрсатиш;
- ахборотлар асосида ташкилотнинг норматив-методик базасини яратиш;
- ташкилотдаги ходимлар ҳақидаги ахборотларни йиғиш.

Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, ихтиёрий ташкилот, корхонанинг самарали фаолият юритишини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода республикамизда жамиятни ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва унинг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда.

Мустақиллик йилларида ахборот-коммуникация технологияларига оид қатор қонунлар қабул қилинди, жумладан “Ахборотлаштириш тўғрисида”¹ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”²ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”³ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”⁴ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”⁵ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”⁶ги. Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ахборот-коммуникация технологияларидаги асосий тушунчалар, талаблар, нормалар келтирилган ва улар ҳақида жамият аъзолари элементар бўлсада тушунчага эга бўлишлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 557-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда.

ҳозирги кун талаби ҳисобланади. Шу сабабли қуйида асосий тушунчаларга тўхталиб ўтамиз.

Ахборот ўзи нима? Ахборот бу манбалари ва тақдим этилиш шаклидан катъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир. Идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот ҳужжатлаштирилган ахборотдир. Ахборот мулкдори эса ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. Ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари ахборотни муҳофаза этиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида¹ ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Электрон ҳужжат айланиши деганда нима тушунилади? Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат: электрон рақамли имзо; электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

отасининг исми; электрон хужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили ҳамда хужжат яратилган сана.

Электрон рақамли имзо нима? Электрон хужжатдаги мазкур электрон хужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо электрон рақамли имзодир. Электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон хужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити бўлса, электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон хужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги эса электрон рақамли имзонинг очиқ калити ҳисобланади.

Электрон ҳукумат нима? Давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими электрон ҳукумат деб қабул қилинган. Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

– ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

– ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;

– аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш;

– тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

– тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

– нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожлантириш.

Бошқарув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати бу қоғозни тежашдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”¹ қарорининг қабул қилинганлиги бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Қарорда кейинги уч йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аппаратларида қоғоз сарфи йилига 10 фоиздан 40 фоизгача қисқарганлиги кўрсатилган.

Юқоридаги фикрлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ихтиёрий ташкилот, корхонанинг бошқарув жараёнида, умуман иш фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш замон талабидир.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.ТУРГУНОВ, М.ДЖАМАТОВ,
ИИВ АКАДЕМИЯСИ

Ҳозирги даврда мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамиз олий таълим тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини қўллаш ва ундан самарали фойдаланишга йўналтирилган қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 20 августдаги 242-сонли қарори асосида республикамиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 30-сон, 252-модда; 2012 й., 36-сон, 412-модда.

кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларида ўқув машғулотилари ташкил этиб келинмоқда.

Мазкур ўқув машғулотилари мобайнида ўқитувчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари ҳамда электрон педагогика асосларини қўллаган ҳолда машғулотиларни ташкиллаштириш ва олиб боришда компьютер техникаси воситаларидан самарали фойдаланиш амалий кўникмаларини шакллантириш масалаларига муҳим эътибор берилмоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларининг роли, педагогик дастурий воситалар ва уларга қўйиладиган талаблар, интернет ва унинг имкониятлари, ундаги қидирув тизимлари ва виртуал дастурлар имкониятлари ҳақида берилувчи батафсил маълумотлар педагогларга ўз иш фаолиятини ташкил этишда кўмакчи вазифасини бажармоқда. Компьютер техник воситаларидан фойдаланиш бўйича эгалланган амалий кўникмалар ўқитувчиларга ўқув машғулотиларида турли мураккаб тушунчаларни таҳлил қилиш, муаммоли вазиятларда тўғри ечимни топиш ва қарор қабул қилиш каби вазифаларни замонавий дастурлар ёрдамида тузилган оддий намоёнишлар орқали ўқувчиларга тасвирлаб беришга, шунингдек ўқувчиларнинг ўқув материалларини содда ва тушунарли тарзда ўзлаштиришларига замин яратади.

Бугунги кунда юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг кундалик ҳаётини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар таълим олиш, ўзаро мулоқот ва ахборот алмашишда замонавий алоқа ва компьютер техник воситаларидан кенг қўламда фойдаланмоқдалар. Аксарият ёшларимизда замонавий ахборот техник воситалари билан ортиқча муаммоларсиз мулоқот қилиш кўникмалари шаклланган. Ушбу жиҳатлардан унумли фойдаланган ҳолда уларга билим беришда электрон ўқув воситалари ҳамда глобал тармоқ имкониятларини қўллаш орқали таълим жараёнини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аввало ўқитувчиларда компьютер техникаси воситалари билан амалий ишлаш кўникмаларини

шакллантириш талаб этилади. Шунингдек, улар ўз мутахассислик йўналишларининг ўзига хос бўлган жиҳатларини инобатга олган ҳолда электрон ўқув материалларини тайёрлаш ва барча турдаги ўқув машғулотларида самарали қўллаш бўйича етарли билим ва малакага эга бўлишлари лозим.

Маълумки ҳозирги вақтда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони ўн уч миллиондан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич кундан-кунга ортиб бормоқда. Глобал тармоқдан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этиб, улар ўз вақтларини асосан виртуал маконда ўтказмоқдалар. Билим олишда ҳам улар кўпроқ китобга эмас, балки интернетга мурожаат қилмоқдалар. Ўзларига керакли ахборотларни асосан виртуал макондан қидирмоқдалар ва олмоқдалар. Бироқ интернетдаги барча маълумотларни ҳам тўла ишончли, ҳақиқатни акс эттирган деб бўлмайди. Таълимга йўналтирилган айрим сайтларда жойлаштирилган ахборотларнинг реал воқеликка мос келмаслиги, дунёвий билимларни ўргатувчи фанлар бўйича асосий тушунча ва қонуниятларнинг нотўғри талқин этилганлиги ёки атайин бузиб кўрсатилганлиги илм изловчи ёшлар тафаккурининг тўғри шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш учун уларда виртуал макондан олинаётган ахборотларга танқидий нуқтаи назардан қараш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча олий таълим муассасалари ҳозирги вақтда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ўқув хоналарига эга бўлиб, улар юқори тезликда ишловчи тармоқ воситалари ёрдамида локал ёки глобал тармоққа боғланган. Бундай ўқув хоналари талабаларга электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш, тармоқ орқали ахборот алмашиш, масофавий таълим бериш ҳамда таълим жараёнини мониторинг қилиш каби жараёнларда кенг имкониятларга эга. Бу эса ўқув машғулотларини ташкил этишда янги педагогик технологияларни тадбиқ этишга ва бу орқали таълим сифатини янада кўтаришга замин яратади. Таълим муассасаларида таҳсил олувчиларга яратилаётган бундай имкониятлар уларнинг замонавий ахборот

технологиялари бўйича билим ва амалий кўникмаларини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга ахборот тармоқларидан фойдаланган ҳолда турли таълим муассасалари ўртасида масофавий тадбирларни ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш, етакчи хорижий олий ўқув юртлари фаолияти билан танишиш ва улар билан алоқа ўрнатиш каби жараёнлар амалга оширилмоқда.

Таълим тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўз навбатида ўқитувчиларнинг компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмалари қандай даражада эканлиги билан боғлиқ. Мазкур йўналишда ижобий натижаларга эришиш йўлида ҳар бир ўқитувчи қуйидаги вазифаларга жиддий эътибор қаратиши лозим:

- компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўз устида мунтазам ишлаш;
- компьютернинг замонавий дастурий воситалари имкониятлари билан танишиб бориш ва улардан ўз фаолиятида унумли фойдаланиш;
- компьютер техникаси ва интернет тармоғидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш;
- ўз мутахассислиги йўналиши бўйича мавжуд электрон таълим ресурсларидан амалий фойдаланиш;
- ўқув машғулотларига оид электрон ресурсларни тайёрлаш ва уларни такомиллаштириш;
- инновацион педагогик технологиялар ва компьютер графикасидан фойдаланган ҳолда машғулот материалларини намоёништириш тақдим этиш;
- таълим жараёнига ахборот технологияларини тадбиқи бўйича етакчи хорижий давлатлардаги таълим муассасалари тажрибаси билан танишиб бориш ва ўз фаолиятида самарали қўллаш.

Юқорида қайд этилган жиҳатларни инобатга олган ҳолда ўқув машғулотларини ташкиллаштириш ва олиб бориш ўқувчиларнинг машғулот материалларини қулай ва батафсил ўзлаштиришларига имкон яратиш, таълим

сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек таълим олувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, замонавий таълим тизимида ахборот технологияларини самарали тадбиқ этиш ёш авлоднинг тафаккурини юқори даражада шакллантириш, ўқув жараёнида электрон ўқув материаллари ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш орқали таълим сифатини янада ошириш имкониятларини яратади.

APPARATLI VA DASTURLI KLAVIYATURA JOSUSLARI VA ULARDAN HIMOYALANISH USULLARI

S.ABDULXAMIDOV, I.SAYMANOV

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI MAGISTRANTI

Hozirgi kunda axborot texnologiyalar rivojlangan bir paytda, axborot texnologiyalarini zararlovchi dasturlarining ham rivojlanib moslashuvchan bo'lib borayotgani hech kimga sir emas. Bu ma'lumot egalarining qonuniy huquqlari poymol bo'lishiga sabab bo'ladi. Kompyuter viruslari, xakerlik hujumlari va ularning yangi turlari ularga qarshi kurasha oladigan xavfsizlik tizimlarini ishlab chiqarishga turtki bo'lmoqda. Xakerlik hujumlarining yangi turi bu klaviatura josusi(keylogger) hisoblanadi[1].

Kompyuter virusi- bu zararli programma bo'lib, o'zini o'zi nusxalaydigan va boshqa programma scriptlariga(kodlariga) ichiga joylashuvchi va har xil kanallar orqali o'zining nusxalarini jo'natuvchi zararli dastur hisoblanadi.

Klaviyatura josusi(keyloggerlar) viruslardan farqi shundaki, u o'zini o'zi nusxalamaydi. Uning ishlashi quyidagicha, u klaviyaturadagi bosilgan(terilgan) ma'lumotlarni olib uni tekst faylga aylandiradi[2].

Keylogger turlari:

1. Apparatli klaviatura josusi

Bu kichkina bo'lgan ma'lumot o'qib oluvchisi bo'lib, kuzatilayotgan kompyuterga o'rnatiladi. Bu metodning kamchiligi shundan iboratki, biz ma'lumot olmoqchi bo'lgan kompyuter bilan jismoniy shaxs o'rtasida bog'liklik bo'lishi kerak. Bu qurilma klaviyaturadan terilgan yuzlab simvollarni o'zida saqlaydi.

2. Ushlab oluvchi mexanizml dasturlar

Bu Windows API SetWindowsHookEx() funksiyasidan foydalanib, klaviaturadan bosilgan tugmalarning signallaridan foydalanadi. Odatda bu dastur .exe va .dll fayllarida saqlanadi. Bu fayllar ma'lumotning yozishiga javob beruvchi fayllar hisoblanadi. Bu dastur xatto o'zi to'ldiriluvchi parollarniyam ham payqay oladi[1,2].

3. Yadro-drayverli klaviatura josusi

Bu yadroda joylashgan josus bo'lib, ma'lumot kirituvchi qurilmadan ma'lumot oladi(ko'pincha klaviaturadan). U aynan shu paytda qaysi klavisha bosilganini qayta ishlaydi. Buni quyidagicha izohlash mumkin: u ko'zga ko'rinmaydigan qilib, kompyuter ishga tushishi bilan avtomatik ravishda ishga tushadi va foydalanuvchining bundan xabari bo'lmaydi. Bu unga foydalanuvchi kiritayotgan har bir ma'lumotni o'ziga saqlab borishiga olib keladi. Foydalanuvchi o'zi bilmagan holda o'z sirlarini boshqa foydalanuvchiga ochib berayotgan holatga tenglashtiriladi. Bu metod oldingi metoddan farqli o'laroq o'zi to'ldiriluvchi parollarni topa olmaydi, sababi bu ma'lumot dastur pog'onasida jo'natilayotgan bo'ladi. Bunaqa josus dasturni o'chirish juda ko'p mehnatni talab etadi.

4. Akustik keyloggerlar

Bu metodda foydalanuvchi klaviaturani ishlatishi davomida hosil bo'ladigan tovushlarni yig'ib boradi va uni tahlil qilib, matn ko'rinishiga o'tqizadi. Bunda u maxsus qurilmadan foydalanadi[1,2].

Keyloggerlarning tarqalish usullari

Bunday tarqalish xususiyatini kompyuterning zararli dasturlari tarqashiga taqqoslasa bo'ladi. Ularning tarqalish metodi absolut darajada bir xillikka ega. Klaviatura josusi sizning kompyuteringizda quyidagicha paydo bo'lishi mumkin:

- Elektron pochtaga jo'natilgan tushunarsiz fayllarni ochish oqibatida;
- Peer-to-peer tarmog'ida umumiy foydalanish mumkin bo'lgan katalog ichidagi faylni ishga tushirish orqali;

- Brauzerning alohida xususiyatini ishga tushiruvchi har xil saytlardan olingan maxsus uskunalarga joylashib, aynan zararlangan sahifaga kirganida avtomatik ravishda ishga tushishi orqali;
- Oldin o'rnatilgan virus dastur o'ziga o'xshash zararli dasturlarni tarmoqdan ko'chirib qurilmaga o'rnatganda;

Keyloggerlar bu ishlarni yaxshi ishlarda ham ishlatishlari mumkin. Masalan, bu dasturlarni katta tashkilotlarda quyidagi funksiyalarni bajarishda:

- Uchinchi shaxsga ma'lum bo'lishi kerak bo'lmagan so'zlarni yoki iboralarni aniqlashda;
- Ma'lumot saqlanayotgan kompyuter bilan aloqa qaysidir sababga ko'ra yo'qolganda undagi ma'lumotga kirish huquqiga ega bo'lishda;
- Tizimga kirishda bir necha bora parollarni kiritib ko'rishni nazorat qilishda;
- Ishdan bo'sh vaqtda ham kompyuterdan foydalanishni nazorat qilishda;
- Kompyuter bilan nimadir noxush holat yuz berganida, bu holatni o'rganib chiqish;
- Operatsion tizim xatolik bergandan so'ng muhim ma'lumotlarni qayta tiklash uchun;

Sizga ma'lum qilinmasdan o'rnatilgan keylogger dasturlaridan qanday himoyalani kerak degan savol yuzaga keladi? Buni quyidagicha amalga oshirish mumkin:

- Antivirus dasturlaridan foydalanish. Bunda josus dasturlariga qarshi ishlash xususiyatiga ega bo'lgan antivirus dasturlaridan foydalanish tavsiya etiladi;
- Klaviaturadan kiritayotgan ma'lumotingizni shifrlab turuvchi dasturdan foydalanish;
- Kompyuter tizimlarini tekshiruvini e'tibor bilan o'tkazish, bunda kompyuterning ichki va tashqi tizimlari ko'zda tutiladi;

- Virtual klaviaturadan foydalanish;

Hamma antiviruslar ham klaviatura josuslarini aniqlay olmaydi. Bu xususiyatni qo'shish uchun antivirus bazasini o'z vaqtida yangilab boorish yoki josus dasturlardan himoya qiluvchi modulli antivirusni o'rnatish kerak bo'ladi. Hozirda deyarli barcha antivirus mahsulotlari bunday modulga ega.

Keyloggerlar yaxshi va yomon yutuqlariga egadirlar. Sizning konfidensial ma'lumotlaringizga zarar yetkazishlari yoki uni boshqalardan himoya qilishlari ham mumkin. Axborot xavfsizligi sohasida bu metod hozirgacha aktual bo'lim deb qaraladi va bu yo'nalishda yangi izlanishlar tashkil etilmoqda. Ma'lumot egalarining qonuniy huquqlari va ularni himoya qiluvchi tizimlar optimizatsiyasi keyloggerlar yoki josuslardan himoyalanih saviyasini oshirib boradi[2].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Зайцев Олег. Rootkits, SpyWare/AdWare, Keyloggers & BackDoors. Обнаружение и защита. Издательство «БХВ-Петербург» - 2006 г.
2. Жадаев Александр. Антивирусная защита ПК: от "чайника" к пользователю. Издательство «ВНУ» - 2010 г.

МД5 ХЕШ ФУНКЦИЯСИНING КРИПТОТАХЛИЛИ ҲАҚИДА

*Д.ШАРОФОВ, ЎҚИТУВЧИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЧОРИЕВ БАҲОДИР, ЎҚИТУВЧИ,
ТДЮУ ҲУҚУҚИЙ ИНФОРМАТИКА ВА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ*

Маълумки ахборот муҳофазасида хеш функцияларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Хеш функция деб ихтиёрий узунликдаги маълумотни бирор фиксирланган узунликдаги қийматга ўтказувчи функцияга айтилади. Хеш функция маълумотнинг тўлалигини текшириш масаласини ечиш ҳамда электрон рақамли имзо билан биргаликда маълумотни аутентификацияси масаласини ҳал этилишини таъминлайди.

Ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ахборот-коммуникация тизимларида ахборотлар муҳофазасининг асосий масалаларини ҳал қилишда қўлланилувчи криптографик воситаларни узлуксиз равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Жумладан, ахборот-коммуникация тизимларида маълумотларнинг муҳофазасини таъминловчи криптографик воситалар стандартлари алгоритмлари, хусусан, криптобардошли хеш функциялар яратиш долзарб илмий муаммо ҳисобланади.

Хэш функциялар статистик тажрибаларни ўтказишда, мантикий қурилмаларни текширишда, тез қидириб топиш алгоритмларини тузишда ва маълумотлар базасидаги маълумотларнинг тўлалигини текширишда қўлланилади. Масалан, ҳар хил узунликдаги маълумотларнинг катта рўйхатидан керакли маълумотни тез қидириб топишда бу маълумотларни бир-бири билан таққослашдан кўра, уларнинг назорат йиғиндиси вазифасини бажарувчи хэш қийматларини солиштириш қулайроқдир.

Криптографияда хэш функциялар қуйидаги масалаларни ҳал қилиш учун ишлатилади:

- маълумотни узатишда ёки сақлашда унинг тўлалигини назорат қилиш учун;
- маълумот манбаини аутентификация қилиш учун.

Маълумотни узатишда ёки сақлашда унинг тўлалигини назорат қилиш учун ҳар бир маълумотнинг хэш қиймати (бу хэш қиймат маълумотни аутентификация қилиш коди ёки “имитовставка” – маълумот блоклари билан боғлиқ бўлган қўшимча киритилган белги дейилади) ҳисобланилади ва бу қиймат маълумот билан бирга сақланилади ёки узатилади. Маълумотни қабул қилган фойдаланувчи маълумотнинг хэш қийматини ҳисоблайди ва унинг назорат қиймати билан солиштиради. Агар таққослашда бу қийматлар мос келмаса, маълумот ўзгарганлигини билдиради.

“Имитовставка”лар ҳосил қилиш учун ишлатиладиган хэш функциялар назорат йиғиндисидан фарқли равишда маълумотни сақлаш ва узатишда рўй берадиган тасодифий хатоларни топибгина қолмасдан, рақиб томонидан қилинган актив хужумлар тўғрисида ҳам огоҳлантиради. Рақиб хэш қийматни мустақил ўзи ҳисоблаб топа олмаслиги ва муваффақиятли ҳолда имитация қилиши ёки маълумотни ўзгартира олмаслиги учун хэш функция рақибга маълум бўлмаган махфий калитга эга бўлиши керак. Бу калит фақатгина маълумотни узатувчи ва қабул қилувчи томонларга маълум бўлиши керак. Бундай хэш функцияларга *калитли хэш функциялар* дейилади.

Калитли хэш функциялар ёрдамида ҳосил қилинадиган “имитовставка”лар имитация туридаги хужумларда қалбаки маълумотларни ҳосил қилишга ва “ўзгартириш” (substitution) туридаги хужумларда узатиладиган маълумотни модификация (modification) қилишга йўл қўймаслик учун ишлатилади.

Маълумот манбаини аутентификация қилиш масаласи ахборот-коммуникация тизимининг бир-бирига ишонмайдиган фойдаланувчилари ўртасида маълумот алмашинувида юзага келади. Бу масалани ҳал қилишда иккала томон ҳам биладиган махфий калитни қўллаб бўлмайди. Бу ҳолатда маълумот манбаини аутентификация қилишга имкон берадиган рақамли имзо схемаси қўлланилади. Бунда одатда фойдаланувчининг махфий калитига асосланган имзо қўйишдан олдин хатолик кодини аниқловчи хэш функция ёрдамида маълумот сиқилади. Бу ҳолда хэш функция махфий калитга эга бўлмайди ҳамда у фиксирланган бўлиши ва ҳаммага маълум бўлиши мумкин. Унга қўйилган асосий талаб имзоланган хужжатни ўзгартириш ҳамда бир хил хэш қийматга эга бўлган иккита ҳар хил маълумотни танлаш имконияти йўқлигининг кафолатидир. Агар бир хил хэш қийматга эга бўлган иккита ҳар хил маълумот мавжуд бўлса, бу маълумотлар жуфти *коллизия* ҳосил қилади дейилади.

МД5 хэш функцияси алгоритми Массачусетс технология институти профессори Роналд Ривест томонидан 1992 йилда ишлаб чиқилган. МД5 хэш

функцияси асосан паролларни хешлаш учун ишлатилади. Бу ҳолатда хеш функциядан калит хеш қийматини билган ҳолда калитни топиб бўлмаслик шарти талаб қилинади. Ҳозирги вақтда МД5 хеш қийматидан бошланғич ёки эквивалент калитни топадиган алгоритмлар мавжуд.

МД5 хеш функциясининг криптобардошсизлиги ҳақидаги хабарлар 1993 йилда эълон қилинган. 2004 йил 17 августда Шандонг университети профессори Ванг Хиаюнь коллизияни қидириш усули мавжудлиги ҳақида эълон қилди.

Мавжуд бўлган барча калитларни хеш қийматларини ҳисоблаб жадвалга ёзиб чиқиш ва керакли калитни шу жадвалдан қидириш усули орқали бошланғич ёки эквивалент калитни топса бўлади, аммо бу усул жуда катта хотира талаб қилади. Бироқ, “Камалак жадвали” (Rainbow table) усули орқали хотирани тежаш мумкин. Бу усулнинг моҳияти бир-бирига боғлиқ хеш қийматлар занжири ҳосил қилишдан иборат. Бунда хеш қийматни калитлар тўпламига акслантирувчи функциялар яратилади. Жадвалда фақат занжирнинг боши, яъни биринчи калит ва охирида қурилган функция натижасининг хеш қиймати сақланади. Функциялардан қанчалик кўп фойдаланилса, хотирадан шунча кўп тежалади. Ҳаддан ташқари кўп функциялардан фойдаланиш ҳам жадвалдан калитни қидиришда жуда кўп вақтни олиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алфёров А.П. и др. Основы криптографии. –М., Гелиос АРВ, 2002. – 480 с.
2. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши: -Т., «Ўзбекистон маркаси» нашриёти. 2009. – 432 б.
3. Фергюсон Н., Шнайер Б. Практическая криптография. –М., Издательский дом «Вильямс», 2005. – 424 с.
4. Шнайер Б. Прикладная криптография. 2-е издание. Протоколы, алгоритмы и исходные тексты на языке С. –М., ТРИУМФ, 2003. -816 с.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ж.МУХАММАДИЕВ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
КАФЕДРА МУДИРИ, ДОЦЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси" лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси дастурига старт берилди¹.

Ҳаракатлар стратегиясининг "Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар" бўлимида **“ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш”** йўналишларида муҳим қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Жумладан: Киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Мазкур қарор билан ҳозирги кунда бутун дунёда тобора глобаллашиб бораётган киберхуружларни олдини олиш, ушбу йўналишда етарлича хавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш чора-тадбирлари белгиланади.

Жамиятда фуқаролар ҳуқуқий фаол бўлиши шарт. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, миллий ва халқаро тажриба шундан далолат берадики, демократик ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги албатта зарур. Чунки, демократик ҳуқуқий давлатда унинг асосий функцияларидан бири ҳуқуқ ижодкорлиги бўлиб, давлатнинг ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

функцияси халқ вакиллиги, парламент орқали амалга оширилади. Яъни, давлат ўзининг ҳуқуқ ижодкорлиги функциясини халқ вакиллари орқали амалга ошириш билан, унинг амалдаги самарадорлигини таъминлашда ҳам албатта фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигига таяниши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онига сингиган ва улар орқали амалга ошган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади». Бу ўринда фуқароларнинг жамиятдаги ҳуқуқий фаоллиги хусусида сўз бораётганлигига амин бўламиз. Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар фақат давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг фаолияти асосларини белгилаб бериш билан чегараланмайди. Балки қонунлар давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги туфайлигина қабул қилинган қонунлар шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни самарали таъминлашга хизмат қилади ҳамда қонунлар ижросининг жамият ҳаётида кутилган самарасини таъминлаши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахборот ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситалари масалалари алоҳида ўрин тутаяди, унга бағишланган махсус боб ва моддалар ҳам мавжуд.

Ўтган 25 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ахборот ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида 20дан ортиқ қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган, улар орасида айниқса Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги,

“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, шунингдек, Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунлар шулар жумласига киради. Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор фармон ва қарорлари ҳам алоҳида ўрин тутadi.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича уларга юклатилган вазифаларнинг кенг кўламда бўлишини ҳисобга олиб, фаолиятни ахборот билан таъминлаш жараёнини тўғри ташкил этиш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро, бу ҳол давлат органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ҳолатни тавсифловчи тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашга имкон яратади.

Ўзбекистонда ахборот ресурсларидан фойдаланиш соҳасининг кенгайиб бориши, ахборотлаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қилади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш, унинг тизимини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал этиш давлат олдида турган ўта муҳим вазифалардан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кирар экан ва ўзининг жадал ривожланиш босқичида ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборотлаштирилган жамиятни қуриш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнларига ҳам алоҳида эътибор берилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол қилиб бир қанча қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларни келтириш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-137-сонли қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” XX¹ боби қўшимча

сифатида қабул қилиниб унда бта модда ўз ифодасини топган, яъни (278¹-278⁶-моддалар), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-117-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3103-сонли фармони ва бошқа шу каби қарор ва фармонлар шулар жумласидандир. Бу меъёрий ҳужжатларда ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республикамиз барча жисмоний ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Ахборотлар жуда кўп, лекин улардан фойдаланишда ва уларни етказишда хавфсизликка эътибор берилмаса турли хил жиноятлар содир этилиши ва жамиятга салбий таъсир етказиши ўз тасдиғини топмоқда. Буларга қуйидаги бир қанча мисолларни келтириш мумкин:

- жиноий уюшмалар, ташкилот ва гуруҳлар, фуқароларнинг ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш;
- ахборотни тўплаш, ишлов бериш ва узатишнинг белгиланган тартиби (регламенти)ни бузиш;
- хавфсизлик талаблари нуқтаи назаридан сертификатланмаган ахборотлаштириш ва алоқа воситалари ҳамда тизимларидан фойдаланиш;
- интернетдан ёшларни нотўғри фойдаланиши, ёки парнография ва бошқа шу кабилардан фойдаланиш.

Бугунги глобаллашув даврида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир

ўтказишга уриниш билан боғлиқ хавф-хатарларнинг авж олаётганига бепарво қараб бўлмайди. Юқорида қайд этилган вазифаларни эътиборга олган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ ҳамда сўзсиз таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлашда ва бу соҳада аҳолини ҳуқуқий маданиятини оширишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар ва механизмлар ишлашини такомиллаштириш;

- оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиб, корхона, ташкилот, муассасаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, газета ва журналларда чиқишларни ташкил этиш;

- ўсиб келаётган ёшларни ҳуқуқий онгини шакллантириш, жойларда, яъни мактаб, лицей ва коллежларда фан сифатида дарсларни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда дарсларни адабиётлар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва ахборотлаштирилган жамиятни қуриш, ахборотлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш;

- Киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълимий, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедия маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш механизмни такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда деярли барча амалага оширилаётган ишлардан асосий мақсад - Ўзбекистон

Республикасининг халқаро ҳамжамиятга интеграциясини тобора чуқурлаштириш ҳамда Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар каторига олиб чиқиш, юқорида келтирилганларни амалга ошириш натижасида, аҳолининг барча қатламларида ахборот хавфсизлигини бартараф этиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, бутун дунёда тобора глобаллашиб бораётган киберхуружларни олдини олиш, ушбу йўналишда етарлича хавфсизликни таъминлаш ҳамда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш чоратadbирларини белгилаш ва амалиётга жорий этишдир.

Дарҳақиқат, деярли барча ахборотлар алмашилиши ахборот технология воситалари орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ушбу ахборотларни бошқа бегона шахслар томонидан ноқонуний тарзда олиш, тўплаш, ошкор қилиш, кўриш, ўзгартириш ва қайта юборишга бўлган хатти-ҳаракатларни олдини олиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжни янада ортишига олиб келади.

Юртбошимизнинг «Ватан менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим деб яшаш керак», деган фалсафий фикри замирида айнан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият соҳиби бўлиб яшаш зарур, деган ҳақиқат мужассамдир. Маълумки, демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири – бу мамлакатда қонунийликни ва ҳуқуқ - тартиботни таъминлаш ҳисобланади. Ҳуқуқий фаол бўлган фуқаролар эса атрофда бўлаётган ишларга бефарқ қолмайди, ҳеч бўлмаганда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун ҳуқуқий фаоллигини намоён этиш орқали жамиятда рўй бераётган қонун бузилиши ҳоллари, турли кўнгилсизликлар, фуқаролар тинчлигини бузиш йўлидаги уринишларга бефарқ қолмайди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ф.КАДИРОВ, М.ДЖАМАТОВ
ИИВ АКАДЕМИЯСИ

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши, инсонларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги савиясининг ортиши киберэкстремизм ва кибертерроризмнинг ривожланиш асоси бўлди. Киберэкстремизм ёки кибертерроризм деганда виртуаль (кибер) оламдаги экстремизм ёки терроризм тушунилади ва унинг асосини электрон ахборотлар ташкил этади.

Интернет ва ахборот технологиялари кириб келган давримизда компьютер жинойтчилиги жамият ҳаётида албатта содир бўладиган ҳолга айланди. Ахборот-коммуникация технологиялари нафақат жамиятни ривожланиш даражасига балки, компьютер жинойтини пайдо бўлиши ва унинг турли шакллари юзага келишига туртки бўлди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилган ютуқлар жинойтчилар учун янги техник воситаларга кириш борасида кенг имкониятлар яратиб берди. Шу сабабли республикамызда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 1 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 2.4 бандида диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жинойтчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш белгиланган.

Ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружларини авж олдиришда интернет тармоғидан ҳам кенг фойдаланиляпти. Глобал тармоқ орқали диний экстремизм, фахш, гиёҳвандлик, зўравонлик, терроризм каби бало-қазоларни тарқатишга зўр берилаётгани кишини янада ташвишга солади. Хавотирли жиҳати шундаки, бугун интернет маҳсулотларидан фойдаланиш нафақат компьютерларда, балки мобил алоқа воситаларида ҳам кечмоқда. Демак, ҳажм ва қамров жуда тез суръатларда ўсмоқда. Бу эса компьютер жинойтчилигининг пайдо бўлиш эҳтимолини орттиради.

Компьютер жинойтчилиги бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий сиёсий, шахсий ва мулкый ҳуқуқга ноқонуний аралашинишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат бўлиб, айрим шахсга, ташкилот ва жамиятга моддий ва маънавий зарар етказиш билан характерланади. Киберэкстремизм ёки кибертерроризм шундай жинойтлардандир. Кибертерроризм ёки

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

киберэкстремизм деганда терроризм ёки экстремизмнинг кибер макон билан бирлашиши тушунилади.

Терроризм - сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар. Халқаро терроризм - бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризмдир¹. Халқаро терроризм – энг оғир жиноят бўлиб, у узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Экстремизм ва терроризм ҳамда уларнинг салбий оқибатлари ҳақида таълим жараёнида ўқувчиларга тушунчалар берилмаса, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилмаса кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Террорчилик хуружи оммавий ахборот воситаларида қанчалик кенг ёритилса ушбу ҳаракатни содир этишдан кутиладиган натижа шунчалик бевосита ва юқори бўлади.

Ахборот майдони ривожланиб, тобора тўйиниб бораётган, аммо уни етказишда ҳам мазмунан, ҳам шаклан, ўзибўларчилик устуворлик қилаётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари экстремизм ва терроризм қўлидаги кучли қуролга айланиб қолмоқда. Тўғри, оммавий ахборот воситалари ўз ҳолича террорчилик хуружининг “самарадорлигини” англаган ҳолда ташкил этадиган тизим ҳисобланмайди. Аммо аксарият ҳолларда бунга кўмаклашмоқда, дейиш мумкин².

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 15-модда

² Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Масъул муҳаррир Очилдиев А.Т.: 2008. 145 б

Мамлакатимизда қатор номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилнган бўлиб, уларда терроризм, экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари тўғрисида тушунчалар ва уларга қўйиладиган чекловлар берилган.

Бугунга келиб кибертерроризм ва киберэкстремизм шафқатсиз воқеликка айланди. Жаҳонда юз бераётган киберҳужумларнинг умумий сонини ҳисоблаб чиқиш жуда қийин чунки турли сабабларга кўра уларнинг ҳаммаси ҳам ошкор бўлмайди. Шу боис айрим экспертлар Интернетнинг буткул очиклигидек дастлабки концепциядан воз кечиб, Интернетнинг янги тизимига ўтишни таклиф этмоқдалар. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечиш бўлиб, бу эса тармоқнинг жиноий тажовузлардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди. Масалан, Microsoft компанияси ҳар бир кибертеррорчини аниқлаганлик учун 50 минг доллар миқдорида мукофот тўлашга тайёрлигини эълон қилди.

Кибертерроризм ёки киберэкстремизм деганда баъзан одамлар ўлими, катта мулкый зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар таҳдидини юзага келтирадиган ахборот тизимларини издан чиқариш ҳаракатлари (агар улар махсус ижтимоий хавфсизликни бузиш, аҳолини кўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида содир этилган бўлса), шунингдек ана шу мақсадларда мазкур ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш тушунилади.

Бугунги кунда дунёда 500 ноқнуний террористик ташкилотлар мавжуд. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра террор соҳасига сарфланадиган маблағ 5 млрд. дан 20 млрд. гача долларни ташкил этади¹. Бу эса ер юзидаги инсониятнинг тинч-фаровон ҳаётига катта таҳдидни вужудга келтиради. Бундай марказлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз Ислон Каримов шундай деган эдилар: "Қисқа қилиб айтганда, бу экстремистик марказларнинг пировард мақсади – бизни

¹ Терроризм как угроза национальной безопасности. – 2004. <http://www.regions.ru>

танлаган йўлимиздан ортга қайтаришдир. Яъни, бутун дунё интилаётган, фаровон яшаётган давлатлар қаторига қўшилишдек мақсадимиздан, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг олдида энди-энди очилаётган эркин ва озод ҳаёт йўлидан юртимизни яна орқага – ўрта аср тузуми ва жақолатига қайтариш, бизни боши берк кўчага киритиб қўйишдан иборат.

Экстремистик кучларнинг ёвуз ниятлари замирида яна бир нарса борки, биз уни ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи билан, маданий-маънавий салоҳияти билан, энг муҳими, ислом фалсафаси, ислом динининг олижаноб ғояларини юксалтиришга, унинг илмий асосларини яратиб, динимизнинг обрўсига обрў қўшгани билан мусулмон оламида бекиёс мавқега эга. Улуғ аждодларимиз ва буюк боболаримизнинг бу борадаги унутилмас хизматларини ислом дунёсида қеч ким инкор этолмайди.

Экстремистик кучларнинг энг разил мақсади – мана шундай буюк меросга эга бўлган ўзбек халқини, бугун юртимизда яшаётган барча мўмин-мусулмонларни шу меросдан айириш, ота-бобаларимиз амал қилиб келган ва бизларга ҳам буюрган йўлдан қайтишга мажбур этишдир”¹.

Ҳозирги замон террорчилари учун кибермакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги шу билан боғлиқки, киберхужумлар содир этиш учун катта молиявий харажатлар керак эмас – фақат Интернетга уланган шахсий компьютер ҳамда махсус дастурлар ва вируслар бўлиши зарур. Глобал компьютер тармоғидаги терроризм жадал ривожланмоқда. Интернет – сайтлар қўққисдан пайдо бўлмоқда, тез-тез форматини, сўнгра ўз манзилини ҳам ўзгартирмоқда.

Экстремистлар ўз тарафдорларига кодланган маълумотларни юбориш учун Интернетдан кенг фойдаланадилар, электрон почта орқали хабарномалар тарқатиб, уларни оммабоп сайтларга жойлаштирадилар. Кибертеррорчилар асосан оммавий бўлган Hotmail ва Yahoo порталларининг почтасидан фойдаланадилар, чунки, уларни тутиб олиш ниҳоятда мураккаб. Мана шундай ўзига хос “хилватгоҳ”ларда яширилган

¹ И.Каримов. Эгали юрт эркини бермас (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 30 август) // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 70–98-б.

материаллар орасида террорчилик хуружларини амалга ошириш учун кўрсатмалар, режалар, жойларнинг фотосуратлари ва схемалари бўлади.

Террорчилик сайтларининг Интернет аудиторияси террорчиларнинг имкониятдаги ва амалдаги тарафдорларини фаоллаштириш, можарога бевосита жалб этилмаган халқаро ижтимоий фикрга таъсир кўрсатиш, “душманни” – террорчилар қарши курашаётган фуқаролар, ташкилотлар ва давлатларнинг жанговар руҳини йўқотиш учун ишлатилади.

Киберэкстремист ва кибертеррорчилар компьютер тармоқлари (асосан Интернет) орқали турли салбий омилларни тарғиб қилишади. Бу эса жамиятнинг барқарор ривожланишида катта хавф тўғдиради ва жамият аъзоларининг маънавий-маърифий онгига салбий таъсир қилади. Чунки, бугунги кунда дунё аҳолисининг 82 фоизи, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернет тармоғига мурожаат қилишмоқда. Жамиятнинг асосини ташкил этувчи, келажагини белгиловчи ёш авлоднинг маданий-маърифий онгини ривожлантириш, кибертеррористик ва киберэкстремистик тарғиботларнинг салбий оқибатлари ҳақида доимий тушунчалар бериб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Киберэкстремизм ва кибертерроризмга қарши кураш бу глобал муаммо ҳисобланади. Шундай экан республикамызда ҳам бу иллатларнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатлари ҳақида ҳар бир фуқаромиз яхши тушунчага эга бўлиши, бундай жиноятлар аломатини сезганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зудлик билан хабар беришлари зарурлигини теран англашлари зарур. “Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш – бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши,

деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак”¹ – деб таъкилайди Биринчи Президентимиз И.Каримов.

Юқоридаги фикрлардан шу нарсани таъкидлаш жоизки, таълим тизимида, жумладан ички ишлар вазирлиги олий таълим тизимида компьютер жинойтчилиги, киберэкстремизм ва кибертерроризм жинойтлари профилактикасига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Таълим жараёнида ёшларимиз онгига бу жинойтларнинг мудҳиш оқибатлари, бундай жинойтларни ўз вақтида олдини олиш, ватанимиз, ҳалқимиз тинчлиги йўлида доимо огоҳ ва хушёр бўлиш кераклигини сингдиришимиз зарур. Шунингдек, таълим тизимида тингловчиларга ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунчалар бериб бориш зарур. Бу масала Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида - ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш² – деб белгиланган. Шу маънода Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг куйидаги фикрларини билдириш жоиз: “Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак”³.

¹ Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг муҳбири давлатимиз раҳбари билан суҳбатнинг қисқача баёни) // Халқ сўзи. 2001. 10 октябрь

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 5.1. банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

³ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 2000 йил 22 январь) // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 345–351-б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АХБОРОТ ХУРУЖИ

Ў.САПАЕВ, ТДЮУ ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

Маълумки, ҳозирги даврда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инқилоб натижасида глобаллашув жараёнлари интенсивлашмоқда, глобал ахборот макони шаклланмоқда ва жадал ривожланмоқда. Замонавий ахборот технологиялар инсонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасида ўзаро мулоқот, айниқса, ҳар бир фан ривожини учун муҳим бўлган илмий ахборот алмашинувида катта имкониятлар яратиб бермоқдаки, бу ҳол ўз навбатида илмий-техникавий ривожланишга ҳам чуқур таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, бугунги кундаги техноген типдаги цивилизацияни ахборот-коммуникацион технологияларсиз тасаввур этиш қийин.

Инсон, жамият ҳаётида ҳар қандай илмий муаммонинг конкрет-амалий ечими геометрик прогрессия асосида янгидан янги, олдин мавжуд бўлмаган бир қатор муаммоларни вужудга келтирганидек, фан-техника, жумладан, ахборот технологиялари соҳасидаги ривожланиш, аниқроғи, улардан қандай мақсадларда фойдаланиш ҳам бугунги кунда ахборот хуружи каби муаммони кескинлаштирмоқда. Айни вақтда, азал азалдан манфаатлашган, аммо манфаатлар тўқнашуви кучайган бугунги дунёда ахборотларни объектив мазмунда деб бўлмайди. Зеро, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий мазмундаги ахборотлар, охир оқибатда, муайян манфаатлардан келиб чиқади, ва айнан шунинг учун ҳам уларни манфаат категорияси орқали тушуниш талаб этилади.

Ахборот ва ахборот тарқатишдан турли мақсадлар йўлида фойдаланаётган манфаатдор кучлар, глобал ахборот маконида монопол мавқега эга медиаструктуралар муайян геосиёсий, геоиқтисодий ва геомафкуравий манфаатлари йўлида ахборот оқими, унинг йўналиши ва мазмунини белгилашга интилашлари натижасида дунёнинг турли минтақаларида ахборот урушлари “қайноқ уруш”ларга айланиб улгурган ва улгурмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, ахборот олиш ва тарқатиш

имкониятлари кенгайиши билан, ахборот уруши, кибертерроризм, ахборот хуружи, ахборот босими ижтимоий воқеликнинг элементларидан бирига айланмоқда.

Ахборотни тарқатиш билан боғлиқ жараёнлар эса, бугунги кунда мафкуравий курашлар билан из қолдирмоқда. Ҳозирги кунда инсон онги учун кураш энг асосий кураш воситасидир. Муайян кучлар томонидан инсонни бошқариб турадиган ақли ва ҳис-туйғуларига таъсир қилиш мақсадга эришиш воситаларилардан бўлиб қолди. Эндиликда ҳарбий куч билан эришиб бўлмайдиган мақсадларга инфор­мацион-мафкуравий омиллар асосида индивидуал ва коллектив онгни тегишли тарзда шакллантириш орқали бевосита эришиш мумкин бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ўз даврида У.Черчилль “Ким ахборотга эга бўлса, дунёга ҳам эгалик қилади”¹ деб таъкидлаган.

Айни вақтда, ахборот, уни тарқатиш замонавий иқтисодиётнинг муҳим сегментига айланиб улгирган. Яъни, бугунги кунда айрим кучлар томонидан сохта ахборотлар (дезинформация) таъсирида жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш ноҳолис ахборотлар орқали амалга оширишга уринишмоқда. Масалан, Сербия, Украина, Қирғизистон, Грузия, Афғонистон, Тунис, Ливия, Миср, Сурия, Яман ва б.да ташқи деструктив кучлар иштирокида инқилоблар амалга оширилди, фуқаролар уруши авж олди. “АҚШ ва Ғарб давлатлари Яқин Шарқдаги стратегик манфаатларни зудлик билан қондиришларида янги инфор­мацион технологиялардан, яъни интернет, мобиль алоқалардан, муҳолифат кучларидан фойдаланилди”². Ахборот хуружининг яна бир хусусиятларидан бири шуки, улар аввало, асрлар давомида тарихнинг синовларидан ўтган миллий қадриятлар, тарихий анъаналарга салбий таъсир қилади. Шу сабабли ҳам “...четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини

¹ Ван Янмин. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. Т., 2000. Б.43.

² Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.:Ўзбекистон, 2012. Б.16.

унутмаслик керак. Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”¹.

Ушбу жараён эса, фақат информацион-психологик таъсир қилиш орқали кечади. Яъни, ахборот том маънодаги психологик қуролга айланган бўлиб у ҳар қандай халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информацион-технологик, ҳарбий инфратузилмасига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситалар тизимидир².

Ҳозирги кунда “оммавий маданият”дан ҳам фойда манбаи ва қурол сифатида фойдаланиб келинмоқда. “Оммавий маданият” ахборот хуружининг ҳозирги вақтда кенг тарқалган кўринишларидан биридир. Бироқ, ахборот хуружи ғаразли мақсадда ахборот билан таҳдид этиш бўлиб, у турли йўллар билан амалга оширилади. Буларга ёлғон ахборот тарқатиш, бегона маънавий қадриятларни сингдириш, миллий тарихий хотирани бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Ахборот хуружининг объекти омма, айниқса, ёшлар. Ахборот хуружи ОАВ, интернет, мобиль алоқа, турли миш-мишлар орқали ҳам олиб борилиши мумкин. Ахборот хуружида фактлар бузиб ёки уларнинг айрим қисмлари бўрттириб кўрсатилади.

Баъзи маълумотларга кўра, бугунги кунда ёшларнинг 90 фоизи ахборотларни интернет орқали олишади. Афсуски, сўнгги вақтларда интернет тармоғидаги ҳар хил дезинформация кўринишидаги ахборотлар, турли уйдирмалар кўплаб тарқатилмоқдаки, уларнинг таъсирида конкрет

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 117.

² Бу ҳақда қаранг: Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.: Ўзбекистон, 2012. Б.70.

инсон ижтимоий воқеликни холисона англаши, у ҳақда аниқ бир тасаввурга эга бўлиши, билиши муаммо бўлиб қолади. Шунингдек, интернет ресурсларидаги ижтимоий мазмундаги баъзи ахборотлар ахборот манбаларининг ишончсизлиги, ҳақиқатнинг мавҳумлиги, ноҳолисликда ҳам намоён бўлади.

Энг ачинарлиси, “глобал ўргимчак тўри”дан диний экстремистик, миллатчилик, ирқчилик, сектантчилик сингари ҳаракатларининг ғайриинсоний ғоялари тарқалишига ҳам шароитлар бор. Шунингдек, Ғарбга хос, лекин миллийликка зид ғоялар, қарашлар, маънавий тубанлик, ахлоқий бузуқликни очик ва яширин тарзда тарғиб-ташвиқ қиладиган ахборотлар ҳам шахс руҳияти, жамиятнинг маънавий асосларини емиради. Умуман олганда, янги технология воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружларининг ўзига хослиги шундаки, интернет тармоғида бутун дунёга тезкор етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзили ва манбаини билиш ҳам мушкул бўлиб бормоқда.

Ахборот технологияларининг интенсив ривожланиши, ахборот кўламининг ортаётганлигини, ахборот сифати масаласи эса, тобора дозарблашаётганлигини ҳисобга олсак, бугунги кунда нафақат ёшлар, балки аҳолининг барча қатламларида ҳам ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим вазифалардан эканлигини кўрсатади. Ахборот хуружларидан ҳимояланиш вазифалари эса, қуйидагиларни тақозо қилади:

- аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш;
- аҳолида, айниқса, ёшларда фуқаролик позицияси, конструктив дунёқараш, танқидий тафаккурни шакллантириш;
- ҳар қандай ахборот босими, мафкуравий хуружларга адекват жавоб қайтариш. Шахс информацион хавфсизлиги учун интеллектуал ресурсларни замон талаблари даражасида шакллантириш.

Демак, ахборот хуружларидан ҳимояланиш мафкуравий профилактика ишларини замон талаблари даражасида олиб борилишини тақозо қилади.

АХБОРОТ УРУШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

И.ДЖУРАЕВ, Ю.Ф.Н., ТДЮУ СУД ВА ҲМҚО КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ
Ў.САПАЕВ, ТДЮУ ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР
КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

Инсоният тарихини даврийлаштириш нуқтаи назаридан, XX аср охири ва XXI асрни нафақат ахборот асри, балки ахборотнинг қуролга айланиш даври сифатида ҳам номлаш мумкин. Чунки, ахборотлар, аниқроғи, ижтимоий йўналишдаги ахборотларнинг нейтраллиги, объективлиги тобора йўқолиб бормоқда, ахборот урушлари эса, инсоният цивилизациясининг ажралмас йўлдошига айланмоқда.

Ахборот урушлари узоқ тарихда ҳам олиб борилган. Бироқ, ўтмишдаги ахборот урушлари бугунгиларидан тубдан фарқ қилади. Ҳозирги даврга келиб, минг йиллар давомида йиғилиб борилган тажриба, ахборот технологиялари ёрдамида инсоннинг онгига, руҳиятига таъсир қилиш усуллари ўзгариб, самаралироқ ва таъсирлироқ бўлиб қолган. Шунинг учун, ахборот уруши – бу моддий соҳада маълум бир ютуқни қўлга киритиш мақсадида одамларнинг бир-бирига аниқ ва яширин шаклдаги ахборот таъсири ҳаракатидан бошқа ҳеч нарса эмас. Ахборот урушига келтирилган таърифдан келиб чиққан ҳолда, ахборот қуролининг қўлланиши, авваламбор, жамоа фикри, рақибнинг мафкураси билан иш олиб боришни билдиради. Шундай экан, ҳар доим ўзини-ўзи йўқ қилиш алгоритмларини ишга тушуриш ёки кейинчалик ишга тушуриш учун тайёрлаб қўйиш мумкин.

“Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер қуррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф - инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади”¹.

¹ Каримов И.А. “Юксак маънавит – енгилмас куч” Т: "Маънавият", 2008 –116 б.

“Ахборот ҳумкронлиги тушунчаси ва технологиясининг одамларга таъсирини тушунтириш керак. Бўлмаса, уларнинг тартибсизлиги нафақат халқларнинг йўқ қилишга, балки замонавий жамиятнинг ўлимига олиб келади. Ахборот тажовузини тўхтатиш учун воқеаларнинг келиб чиқишини тушуниш керак. Бугунги кунда, Ғарбнинг глобал маъданий-ахборот ва мафкуравий ахборотнинг тарқалиши жаҳон телекоммуникацион тузулмалари (мисол учун, Интернет) ва ОАВ орқали амалга оширилмоқда”¹.

Афсуски, ҳозирги даврда ахборот урушига кўпдан кўп давлатлар тортилмоқда. Ахборот урушидан мақсад конкрет минтақадаги, мамлакатдаги одамлар онгига таъсир қилиш орқали омма онгини бошқаришдир. Ана шундан “Кўпинча мамлакатлар ўз фуқаролари, маданияти, анъаналари ва маънавий бойликларини бегона давлат ахборот таъсиридан сақлаш учун махсус чоралар кўрмоқдалар. Миллий ахборот манбаларини ҳимоя қилиш ва ахборот махфийлигини жаҳон очик тизимларида ахборот алмашинувининг сақлаб қолиш зарурияти туғилган. Чунки, бундай кетишда давлатлар сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилик, халқаро муносабатларда инқирозга юз тутиши мумкин. Шунинг учун, ахборот хавфсизлиги, ахборот жанги ҳамда ахборот қуроли ҳозирги кунда барчанинг эътибори марказида”². Яъни, XXI асрга келиб, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораётгани, табиийки, маълум бир мақсадларни амалга оширишда катта-катта корпорациялар, турли кучли марказлардан ташқари замонавий технологиялар ва алоқа воситиларига, молиявий жиҳатдан ҳам қудрали бўлган ОАВ муҳим роль ўйнаётгани сир бўлмай қолди.

“Ахборот уруши” атамаси илк бор 1967 йили тилга олинган бўлиб, бу иборанинг муаллифи “совуқ уруш” асосчиларидан А.Даллесдир. 1985 йили ахборот уруши атамаси Хитойда ҳам қўлланган. 1992 йили АҚШ ҳарбий қўмондонлиги Форс кўрфазида амалга оширилган “Саҳродаги бўрон”

¹ Расторгуев С. П. Информационная война/С. П. Расторгуев. - М: Радио и связь, 1999 – 416 с.

² Расторгуев С. П. Информационная война/С. П. Расторгуев. - М: Радио и связь, 1999 – 416 с.

амалиёти учун “Ахборот уруши” деб номлаган алоҳида хужжат ҳам ишлаб чиққан. “Ахборот уруши” атамаси 1995 йилда Россияда ҳам пайдо бўлди¹.

Бошқа маълумотларга кўра “Ахборот уруши” жумласидан биринчи бор 1976 йилда Т.Рона томонидан “Боинг” компанияси учун тайёрланган “Қуроллар тизими ва ахборот уруши” номли ҳисоботда ишчи атама сифатида фойдаланилган. Муаллиф, шунингдек, “ахборот инфратузилмаси” Америка иқтисодиётининг асосий компоненти бўлиб қолишини, у бир вақтнинг ўзида уруш вақтида бўлганидек, тинчлик даврида ҳам муҳим воситага айланишини таъкидлайди. 1980 йиллардан АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари мутасаддилари, бу масалани муҳокама қилишни бошлади. Бу вақтга келиб, соҳа ходимларида ахборот худди манба, фаолият асоси ва мақсад бўла олганидек, қурол ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида умумий тушунчалар юзага келиб улгурган эди².

Шундай қилиб, сиёсий таъсир кўрсатишга оид ҳаракат майдонлари – ер, денгиз, ҳаво, коинот кабилар қаторига эндиликда “инфосфера” (ахборот соҳаси) ҳам қўшилди. Кўплаб ҳарбий экспертларнинг таъкидлашича, эндиликда олиб бориладиган урушларда ахборот инфратузилмалари ва рақиб руҳияти нишонга олинадиган асосий объект ҳисобланади. (human network – атамаси бежиз пайдо бўлгани йўқ.).

Глобаллашув жараёни туфайли матбуотда нисбатан янги “ахборот қуроли” ва “ахборот босим”, манипуляция атамалари тез-тез учрайди, улар мазмунан ҳарбий соҳада инқилобни англатади. Чунки бу атамалар ортида қарама-қаршилиқнинг принципиал янги шакли яшириниб ётади, уларда “ғалаба”, “душманни йўқ қилиш” мақсади, ядро қуроли ёки уруш олиб бориш анъанавий усуллари ёрдамида эмас, балки радиоэлектрон воситалар ахборот қуролидан оммавий фойдаланиш йўли билан эришилади.

Кўпчилик аналитиклар бундай қурол турини “замонавий дунёда эгалик қилишнинг ҳал қилувчи омили” деб ҳисоблайдилар. Ахборот муҳитининг пайдо бўлиши, ер қуррасининг ҳар қарич жойи бўш бўлмаслиги сабабли бу

¹ Қаранг: Исаев Б.А. Геополитика. Учебное пособие. СПб.:Питер, 2005 – 46 б.

² Қаранг: <http://origin.ozodlik.org/content/article/1885463.html>

муҳитни нафақат тақсимлаб олишни, балки унда содир бўлаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни истаганлар пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг учун ахборот урушларидан фойдаланилади. **Ахборот уруши душмanning маълумотларига ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш ва бир вақтнинг ўзида ўз маълумотларини, ахборот тизимларини мустаҳкамлаш йўли билан миллий ҳарбий стратегиясини таъминлашда ахборот устунликка эришишга қаратилган ҳаракатлардан ташкил топади.** Россия стратегик тадқиқотлар институти тадқиқотчилари ишларида ахборот қуроли ҳарбий ва фуқаролар кибернетик тизимларига таъсир кўрсатиш учун ахборотлар ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг ўзи деганини кўзда тутувчи тушунчани ахборот қуроли сифатида олганлар¹.

Ҳозирга даврда “ахборот уруши”, унинг психологик таъсири ва аҳамияти хусусида кўп гапирилмоқда. Баъзи тадқиқотчилар, ахборот уруши деганда, “душманларда курашиш иштиёқини сўндириш учун барча коммуникация турларидан фарқли ўлароқ, ўзгача таъсирни тушунади”².

Ахборот уруши деганда бир мамлакат ёки давлатлар бирлашмаларининг иккинчи бир мамлакатга қарши ОАВ (босма ва электрон матбуот, интернет) орқали амалга оширадиган хуружлари тушунилади. Аксарият ҳолларда, ғоявий, геосиёсий ва иқтисодий мақсадларни рўёбга чиқаришда сохта ахборотлардан фойдаланилади, бу эса, оддий фуқароларнинг ахборотнинг рост ёки ёлғонлигини ажратолмай қолишига ҳам олиб келади. Мақсад нишонга олинган мамлакат ва ҳукумати обрўйига путур етказиш, ўша мамлакат қуролли кучлари ва аҳолисини ҳокимиятга қарши қўйиш, келгусида амалага ошириш мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларни оқлаш ва далиллашдан иборатдир.

¹ Қаранг: Гриняев С. Н. Информационная война: история, день сегодняшний и перспектив//[хтп://www.inwar.ru](http://www.inwar.ru)

² Padover S.K. Psychological warfare and foreign policy//The theory and practice of international relations. Englewood Cliffs, 1960 – 238 б. <http://lib.aldebaran.ru>

Мутахассислар фикрича, ҳозирда ахборот иқтисодиётнинг энг сердаромад сегментига айланмоқда. АҚШ Стратегик тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, ахборот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёқилғи–энергетика соҳасига сармоя қилинган 1 доллардан бир неча баробар кўп фойда берар экан. Бу ахборот ресурсининг фақат иқтисодий жиҳати, унинг сиёсий жиҳати эса хусусий манфаатларга ўта арзон, ўта қулай йўллар билан эришиш сифатида қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига айланиб бормоқда. Янги мустақил давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий омиллар билан бир қаторда инфор­мацион-мафкуравий хавфсизлик масалалари долзарб­лашмоқда. Яъни, ахборот омили - ядровий полигонлардан ҳам даҳшатли омилга айланиб бораётир. Натижада, ахборот айрим кучлар, инфор­мацион агентликларнинг асосий “қуроли”га айланмоқда. Бу эса нафақат давлатлар ёки минтақаларда кескин вазият вужудга келишига сабаб бўлади, балки ҳалқаро миқёсда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, демократик жамиятда ОАВ, теле- ва радиоканаллар одамларга холис ва ҳаққоний ахборот етказадиган, гуманистик қарашлар, прогрессив ғояларни ифода қиладиган эркин минбар сифатида эътибор этиладиган воситадир. Лекин “дунё ҳамжамияти” деганда фақат Ғарб матбуотида буюртмали “эзгуликка” хизмат қилиш тенденцияси кучаймоқда. Ушу ўринда Абу Наср Форобийнинг айрим фикрларга эътибор қаратиш мумкин. Аллома бундан минг йил бурун шундай ёзиб кетганлар, “Хабар, хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки, одамларнинг мақсадлари хилма-хил, халқлар ўртасида тортишиш ва таллашиш кўп.

Шундай кишилар ҳам бўладик, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўёки унга шу вазифа юклангандек бўлади. Ва

хабар тарқатмасдан тинч туrolмайди. Бу ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганлигидан келиб чиқади”¹

“Бугунги кунда, - деган эди И.Каримов, - инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер қуррасини бир неча бор яқсон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади”. Курашнинг бу турида энг самарали қурол – ахборот. Шу боис, ахборотни ўз мақсадларига хизмат қилдиришга интилиш кескин тус олмоқда. Ахборот, уни узатиш, қайта ишлаш ва йиғиш босқичлари ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яъни, инсоннинг оддий, кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хатти-ҳаракатларининг асосини ҳам, мамлакатлар тақдирига дахлдор қарорларнинг манбаини ҳам ахборот ташкил этади.

Хулоса сифатида айтганда, бугунги кунда дунё бўйлаб ўз манфаатларини кенг ёйишнинг энг мақбул усули ахборот урушлари бўлмоқда, бунда энг самарали восита – ахборот тизимлари ва воситалари ҳисобланади.

ЖАДВАЛ ТЎЛДИРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШДА МАКРОСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.ИМИНОВ, Ф.КАДИРОВ
ИИБ АКАДЕМИЯСИ

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни объектив заруратга айлантирмоқда. Бунда ҳар бир мутахассис ўз фаолиятидаги турли ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашни автоматлаштириши ўз фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Кўпинча ходимлар ҳар куни иш вақтининг кўп қисмини бир хил қолипдаги ҳисоботларни, қайтариладиган амалларни, уларни автоматлаштиришга ҳаракат қилмасдан, бажаришга сарфлайдилар.

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993 Б..97.

Натижада толиқиш юз беради ва турли-туман хатоликларга йўл қўйилади. Бу эса ишнинг самарадорлигига жиддий таъсир этади.

Мазкур ҳолатни олдини олиш ёки уни бартараф этиш учун икки ёки ундан ортиқ марта қайтариладиган амалларнинг бажарилишини автоматлаштириш ва ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштириш таъминланишига риоя қилган ҳолда Microsoft Office пакетидаги имкониятлардан фойдаланган ҳолда берилган масалалар ечимларига қаратилган кичкина дастурларни яратиш ва улардан фойдаланиш керак.

Excel дастурида жадвал тўлдиришни макросдан фойдаланган ҳолда амалга ошириш ушбу параграфда кўриб чиқилади.

Формулалар орқали жадвал тўлдиришда фойдаланувчи баъзи бир ячейкаларга маълумотлар киритиши талаб этилган эди. Жадвал тўлдирилиши тўлиқ автоматлаштирилиши учун макросдан фойдаланишга тўғри келади.

	А	В	С
	Материалнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи (сўм)
1			
2	Ручка	дона	800
3	Блокнот	дона	2 500
4	Қалам	дона	650
5	ПВА клейи	дона	2 500
6	Дафтар	дона	1 200
7	Умумий дафтар (96 бет)	дона	7 500
8	Иш журнали (А4 формат)	дона	10 500
9	Қайчи	дона	6 000
10	Кундалик дафтар	дона	17 500
11	Оқ қоғоз (500 варақ)	дона	15 500
12			
	Эслатма	Акт	Товарлар
			Чоп этиш

Макрос бу — макробуйруқ ёки макробуйруқлар тўпламидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида ҳар хил турдаги масалалар автоматлаштирилади. Макрослар иловалар учун Visual Basic (VBA) дастурлаш тилида ёзилади. Лентанинг Разработчик менюсининг Код бўлагида жойлашган Макросы буйруғи орқали макрос ишга туширилади. Агар Разработчик менюси лентада аксланмаган бўлса, Файл менюсидаги Параметры танланади. Натижада Параметры Excel ойнаси ҳосил бўлади. Унинг чап томонидаги рўйхатдан Настройка ленты буйруғи фаоллаштирилади. Ўнг томондаги Основные вкладки рўйхатидаги Разработчик буйруғининг олдида белги қўйилади ва ОК тугмаси босилади.


Excel дастурида Қабул қилиш акти2 ҳужжатини ҳосил қиламиз ва унинг Товарлар саҳифасига материалларнинг номи ва реквизитлари (ўлчов бирлиги ва нархи)ни киритамиз.

Дастурнинг Эслатма саҳифасида макросдан фойдаланишда рухсат этиш катталикларининг ўрнатилиши келтирилган.

	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J
6										
7										
8										
9										
10										
11										
12										
13										
14										
15										
16										
17										
18										
19										
20										


Ҳужжатнинг Акт номли саҳифасида жадвални тўлдиришга қулай бўлган шаклни ҳосил қиламиз. Бунинг учун аввало иш майдонидаги сеткани экранда аксланишини бекор қиламиз, яъни Вид менюсининг Показать бўлагидаги Сетка ёзуви олдидаги белги олиб ташланади.

Саҳифанинг A4-F4 ячейкаларига мос равишда “Тури ва ўлчами кўрсатилган материалларнинг аниқ номи”, “Ўлчов бирлиги”, “Сони”, “Нархи (сўм)” ва “Номенкл. номери” ҳамда ташқи ва ички чегаралар ўрнатилади.



Энди саҳифага бошқариш элементларини жойлаштирамиз. Бунинг учун Разработчик менюсининг Элементы управления бўлагидаги Вставить тугмаси босилади. Очилган рўйхатдан Поле со списком пиктограммаси танланади. Бу объектнинг номи дастурни тузишда керак бўлганлиги учун унинг Name хоссасига Spk деб ном берамиз.

Ўрнатилган объектдан ташқари ёзув (Надпись) объекти ҳам жойлаштирилиб, унинг Name хоссаси Summa деб номланади. Бунинг учун Разработчик менюсининг Элементы управления бўлагидаги Свойства



пиктограммасидан фойдаланилади. Бундан ташқари тўртта бошқариш тугмалари ўрнатилади ва уларнинг номлари (Name) ва сарлавҳалари (Caption) мос равишда Clr, Calc, Rekv, Prn ва Тозалаш, Қайта ҳисоб, Реквизитлар, Чоп этиш деб белгиланади.

	A	B	C	D	E	F
1	Жами:	Тозалаш	Реквизитлар	Чоп этиш	Материаллар	
2	0					
3		Қайта ҳисоб				
4	Тури ва ўлчами кўрсатилган материалларнинг аниқ номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи (сўм)	Қиймати (сўм)	Номенкл. номери
5						
6						
7						
8						

Энди дастурлаш қисмига ўтилади.

Дастурни шундай тузиш керакки, Қабул қилиш акти2 ҳужжати очилганда Spk номли рўйхат (Поле со списком) Товарлар саҳифасидаги маълумотлар билан автоматик равишда тўлдирилсин. Бунинг учун ҳужжат очилганда ишга тушувчи процедура қуйидагича расмийлаштирилади:

```

' Листинг 1. Процедура Workbook_Open
Private Sub Workbook_Open()
' рўйхатни тозалаш
Worksheets("Акт").Spk.Clear
' Товарлар саҳифасидаги ёзувлар сонининг ҳисоби
N = 0
While Worksheets("Товарлар").Cells(N + 2, 1).Value <> ""
N = N + 1
Wend
' рўйхатни тўлдириш
For i = 1 To N
a = Worksheets("Товарлар").Cells(i + 1, 1).Value
Worksheets("Акт").Spk.AddItem a
Next
' Жами майдонига 0 сонини ёзиш
Worksheets("Акт").Summa.Caption = "0"
' рўйхатнинг бошлангич қийматини ўрнатиш
Worksheets("Акт").Spk.ListIndex = -1
End Sub

```

Фойдаланувчи рўйхатли майдондан керакли ёзувни (материални) танлаганда Акт саҳифасининг навбатдаги сатрига танланган материалнинг номи, ўлчов бирлиги ва нархи жойлашиши ҳамда материалнинг сони ва номенклатура номери сўралиб, бу катталиклар киритилганда ҳисоб-китоб иши бажарилсин.

Бу жараённи амалга ошириш қуйидаги процедурада баён этилган.

Қиймат ва йиғиндини ҳисоблашда Visual Basic дастурининг стандарт: Val (матнли маълумотни сонли маълумотга айлантирувчи), CStr (сонли маълумотни матнли маълумотга ўтказувчи) ва IsNumeric (маълумот бутун сон эканлигини текширувчи) функцияларидан фойдаланилган.

```
' Листинг 2. Рўйхат фаоллашганда бажарилувчи процедура
Private Sub Spk_Click()
' Бланкдаги тўлдирилган сатрлар сонини аниклаш
N = 0
While Cells(N + 5, 1).Value <> ""
    N = N + 1
Wend
' Материалнинг номи
Cells(N + 5, 1) = Worksheets("Товарлар").Cells(Spk.ListIndex + 2, 1).Value
' Ўлчов бирлиги
Cells(N + 5, 2) = Worksheets("Товарлар").Cells(Spk.ListIndex + 2, 2).Value
' Нархи
Cells(N + 5, 4) = Worksheets("Товарлар").Cells(Spk.ListIndex + 2, 3).Value
' Материаллар сони киритилиши сўралади
ColTov = InputBox("Материаллар сонини киритинг", "Материаллар сони", 1)
Қонунда мунозарали қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, муҳр ўрнида ишлатиш деб номланган норма таҳлилига келадиган бўлсак унга кўра: Муҳр билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатга айлантирилган қоғоз ҳужжатнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги Қонуни. 11.12.2003 йил.

² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги Қонуни. 11.12.2003 йил.

мазмунни қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари ёки томонлар келишувига белгиланган ҳолатларда сертификатида унга эгалик қилувчи шахсининг барча ваколатлари ҳақида зарурий маълумотлар акс эттирилган электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қоғоз шаклидаги ҳужжатда қўйилган ва муҳр билан тасдиқланган шахсининг ўз имзосига тенглаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш масалалари алоҳида тартибга солинган бўлиб унга кўра чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Фикримизча, чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш тартиби ушбу қонун доирасида аниқ белгиланиб қўйиши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, турли мамлакатларнинг қонунчилигида электрон рақамли имзога турлича таъриф берилган ва қонунчиликдаги фарқлар бу билан чегараланиб қолмайди. Масалан, электрон рақамли имзога эга бўлган шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси деб юритилади. Ҳали ҳам бартараф этилмаган зиддиятларга қарамасдан мазкур қонунга кўра электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин. Бундай ёндашув Европа қонунчилигида ҳам қабул қилинган. Табиийки, шахсий имзо ҳолатида бўлгани каби жисмоний шахс юридик шахс номидан иш кўриши мумкин, бироқ бунда унинг бундай ваколати рақам калитининг сертификатида албатта кўрсатилган бўлиши талаб этилади.

Бир қатор бошқа давлатлар қонунчилигида, масалан АҚШда электрон рақамли имзо нафақат жисмоний шахсларга, балки юридик шахсларга тегишли бўлиши белгиланган. Биз ушбу ёндашувни унчалик маъқулламаймиз, боиси бунда ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш эҳтимоли ошиб электрон ҳужжатни имзолаган аниқ жисмоний шахсни аниқлаш мураккаблашади.

Мавжуд айрим камчиликларга қарамасдан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни долзарб аҳамиятга эга. Зеро, ушбу ҳужжатсиз электрон ҳужжатлар айланиши ва электрон савдонинг ривожланиши имконсиз.

Электрон ҳисоблаш техникалари ёрдамида тайёрланган ва судга далил сифатида тақдим этилган ҳужжатлар шакли уларнинг мазмунини аниқлаштириш имконини бериши талаб этилади, яъни ушбу ҳужжатлар барча ёзма ҳужжатларга қўйиладиган қуйидаги умумий талабларга мос бўлиши лозим:

а) улар судда иш олиб борилаётган тилда тузилган бўлиши талаб этилади (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига кўра

жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади);

б) ушбу ҳужжатларда баён этилган маълумотлар уларни тушуниш учун қулай бўлган шаклда (агар улар жадвал, устунлар ва ҳоказо шаклда бўлса) тартибга солинган бўлиши лозим. Хусусан, техник қурилмадаги (перфокарта, магнит тасма, дискет ва ҳоказолар) маълумотлар иш бўйича далил сифатида фойдаланилиши учун улар тушуниш ва ишда сақлаш учун одатий шаклда келтирилиши талаб этилади. Моҳиятан бу ушбу маълумотлар қоғозда тақдим этилишини англатади.

Н.И.Соловьяненко хусусий электрон тизимлар жумладан “Рейтер Лимитед” компаниясига тегишли “Рейтер-Дилинг” электрон тизими орқали тузилган шартномаларнинг аниқ юридик қафолатлари етарли эмас деган фикрни илгари суриб ўз ёндашувини электрон рақамли имзодан фойдаланишда қуйидаги низоли ҳолатлар юзага келиши мумкинлиги билан изоҳлайди:

- маълумот муаллифлигидан бўйин товлash;
- маълумотни қабул қилиб олганликни рад этиш;
- маълумотни қабул қилиб олган вақтини низолашиш¹.

Охирги иккита ҳолатни низолашишни аввал бошдан ўйланган абонентлар ўртасидаги ахборот алмашинуви баённомасини тузиш йўли билан бартараф этиш мумкин. Биринчидан, юборилаётган ҳар бир маълумотни имзолашдан олдин юборилиш вақти кўрсатилади, иккинчидан ҳар бир олинган маълумот бўйича уни қабул қилиб олувчи маълумотни қабул қилиб олганлиги тўғрисида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган хабар жўнатади, жўнатувчи эса ўз навбатида тасдиқланган ушбу ҳужжатни олгандан сўнг электрон рақамли имзо билан имзоланган квитанция юборади, шундай қилиб ҳар бир ахборот алмашинуви ҳужжатида камида 3 та жўнатма тўғри келади ва бу ортиқча ҳаракатни талаб этсада юқори қайд этилган муаммоли ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади (ҳар иккала томон келишилган вақт давомида электрон рақамли имзо билан қабул қилинган ва юборилган маълумотлар архивини юритадилар).

Электрон рақамли имзодан жиноят процессида ҳужжатлар алмашишда фойдаланиш жиноят процессининг тезкорлиги ва ишончлилигини ошириш имконини беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи чора тадбирлар самарадорлигини оширади. Қонунда зарурий мутахассислар ва жихозлар билан таъминланган ихтисослаштирилган эксперт ташкилотлари ҳақида ҳеч қандай норма мавжуд эмас. Бу эса жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириша олмаслигига олиб келади. Шунга кўра, экспертиза республика миқёсида мавжуд экспертиза марказлари томонидан ўтказилиши мумкин. Уни тайинлашда суд қуйидаги саволларни кўйиши лозим:

¹ Никитин, Роман Олегович Правовое обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе. Дисс. ...канд. Юрид. Наук : - М.: РГБ, 2005. –С. 67-68.

1) электрон ҳужжат ҳақиқатдан ҳам аниқ бир электрон тизим ёрдамида тайёрланганлиги ва юборилганлиги;

2) томонлар электрон ҳужжатни тайёрлаш, юбориш, қабул қилиш ва сақлашда ўзаро келишиб олган ахборотни муҳофаза қилиш чораларига (шу жумладан аутентификация ва идентификация жараёнларига) амал қилганлиги;

3) дастурий техник воситалар даражаси томонлар томонидан электрон ҳужжатни тайёрлаш, узатиш, қабул қилиш ва сақлашда фойдаланиш мақсадига мувофиқлиги;

4) суд процессига далил сифатида тақдим этилаётган электрон ҳужжат мазмуни юборилган ва қабул қилинган электрон ҳужжат мазмунига мослиги (айнанлиги). Бунда экспертиза хулосаси суд учун олдиндан белгиланган кучга эга эмаслиги ва ишни кўриб чиқиш жараёнида суд бошқа барча далилларни ҳам баҳолаши лозимлигини инобатга олиш талаб этилади.

АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ

Ў.САПАЕВ, ТДЮУ ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

Маълумки, ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инқилоб натижасида глобал ахборот макони шаклланмоқда ва жадал ривожланмоқда. Замонавий ахборот технологиялари нафақат инсонлар, маданиятлар, мамлакатлар ўртасида ўзаро мулоқот, балки ҳар бир фан ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотлар алмашинувиға ҳам кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Мазкур жараён ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ва техникавий ривожланишга ҳам ўз таъсирини таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, бугунги кундаги техноген типдаги цивилизацияни ахборот-коммуникацион технологияларисиз тасаввур этиш қийин.

Ахборот технологиялари соҳасини мураккаб тизим сифатида диалектик табиатга эгадир. Чунки, мазкур соҳа ривожига, аниқроғи, ундан восита сифатида қандай мақсадларда фойдаланиш ахборот хуружи, ахборот босими, оммавий манипуляция, маънавий деградация ва б. шу муаммоларни ҳам вужудга келтирмоқда. Бир томондан, бу ҳол табиийдир. Зеро, инсон, жамият ҳаётида ҳар қандай илмий муаммонинг конкрет-амалий ечими геометрик прогрессия асосида содир бўлиб, улар янгидан янги, олдин мавжуд бўлмаган

бир канча муаммоларни вужудга келтиради. Яъни, ҳар қандай тараққиёт маълум бир регрессив жиҳатлардан ҳам иборат жараёндир.

Аммо, иккинчи томондан, азал азалдан манфаатлашган, аммо манфаатлар тўқнашуви кучайган дунёда глобал ахборот маконидаги ижтимоий мазмундаги ахборотларнинг кўпчилигининг объективлигини инкор қилиш бироз қийин. Аксарият ижтимоий йўналишдаги илмий ахборотлар муайян мафкуравий мўлжаллар асосида тарқатилаётгани ҳам элементар фактлар орқали истботланиши мумкиндир. Бинобарин, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий мазмундаги ахборотлар, ижтимоий фанларга доир илмий ахборотлар ҳам, кўпинча муайян манфаатлардан келиб чиқада ва муайян манфаатларга хизмат қилади. Айнан шунинг учун ҳам, глобал ахборот макони, ахборот майдонини назоратидаги ўзига хосликни, умуман улар орқали ҳам бошқариладиган “бошқариладиган хаос”ни манфаат категорияси орқали тушуниш ва таҳлил этиш талаб этилади.

Ахборот ва ахборот тарқатишдан турли мақсадлар йўлида фойдаланаётган манфаатдор кучлар, глобал ахборот маконида монопол мавқега эга медиаструктуралар муайян геосиёсий, геоиқтисодий ва геомафкуравий манфаатлари йўлида ахборот оқими, унинг йўналиши ва мазмунини белгилашга интилашлари натижасида дунёнинг турли минтақаларида ахборот урушлари “қайноқ уруш”ларга айланиб улгурган ва улгурмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, ахборот олиш ва тарқатиш имкониятлари кенгайиши билан, ахборот уруши, кибертерроризм, ахборот хуружи, ахборот босими ижтимоий воқеликнинг элементларидан бирига айланмоқда.

Ахборотни олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш эса, мафкуравий курашлар билан узвий боғлиқдир. Чунки, ахборот асрида ҳарбий куч билан эришиб бўлмайдиган мақсадларга информацион-мафкуравий омиллар асосида, жамоатчилик фикрини тегишли тарзда шакллантириш, индивидуал ва ижтимоий ва коллектив онг манипуляцияси орқали бевосита эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам, сиёсатчи У.Черчиллнинг “Ким ахборотга эга

бўлса, дунёга ҳам эгалик қилади”¹ деган фикри бугунги даврнинг асосий хусусиятларини ифодалай олади.

Глобаллашув жараёнларининг, хусусан, иқтисодий глобаллашувнинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, ахборот, уни тарқатиш замонавий иқтисодиётнинг муҳим сегментига айланиб улгурган. Айни вақтда, ахборотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳам амалиётда ўз тасдиғига эгадир. Бугунги кунда ахборот майдонидаги сохта ахборотлар (дезинформация), ахборот босими ва ахборот хуружи орқали муайян мамлакатларда қонуний ҳокимиятга қарши чиқишларни келтириб чиқариш фан ва санъат даражасига чиққан. Хусусан, бундай ҳолатни ғарб сиёсатчилари ҳам тан олишмоқда. Масалан, АҚШ Президентлигига собиқ номзод П.Бьюкенен шундай ёзади: “... масс-медиа маданиятлараро тўқнашувда ўзига хос муҳосара қуроли, ёшлар онги ва қалбини забт этишнинг энг зўр ва ишончли воситасига айланди”². Шунингдек, Сербия, Украина, Қирғизистон, Грузия, Тунис, Ливия, Миср, Сурия, Ямандаги “рангли инқилоблар”, аввало, ахборот хуружлари, мафкуравий жиҳатдан тайёргарлик натижасида амалга оширилган. “АҚШ ва Ғарб давлатлари Яқин Шарқдаги стратегик манфаатларни зудлик билан қондиришларида янги информацион технологиялардан, яъни интернет, мобиль алоқалардан, муҳолифат кучларидан фойдаланилди”³. Ахборот хуружининг яна бир хусусиятларидан бири шуки, улар аввало, асрий қадриятлар, тарихий анъаналарга салбий таъсир қилади. Шу сабабли ҳам “...четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа

¹ Ван Янмин. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. Т., 2000. Б.43.

² Бьюкенен П. Смерть Запада. М., 1999. С.78.

³ Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.:Ўзбекистон, 2012. Б.16.

халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”¹. Бу эса, фақат информацион-психологик таъсир орқали кечади. Яъни, ахборот том маънодаги психологик курулга айланган бўлиб у ҳар қандай халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информацион-технологик, ҳарбий инфратузилмасига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситалар тизимидир. ²

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ёшларнинг 90 фоизи ахборотларни интернет орқали олишади. Афсуски, сўнгги вақтларда интернет тармоғидаги ҳар хил ахборотлар, турли уйдирмалар кўплаб тарқатилмоқдаки, уларнинг таъсирида инсон ижтимоий воқеликни холисона англаши, у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиши, билиши муаммо бўлиб қолади. Шунингдек, интернет ресурсларидаги ижтимоий мазмундаги баъзи ахборот манбаларининг ишончсизлиги, ҳақиқатнинг мавҳумлиги, бир ёқламалик, нохолисликда ҳам намоён бўлади. Энг ачинарлиси, “глобал ўргимчак тўри”дан диний экстремистик, миллатчилик, ирқчилик, сектантчилик ҳаракатлар мафкуралари тарқалишига ҳам шароитлар бор. Шунингдек, Ғарбга хос, лекин миллийликка зид ғоялар, қарашлар, маънавий тубанлик, ахлоқий бузуқликни очик ва яширин тарзда тарғиб-ташвиқ қиладиган ахборотлар ҳам шахс руҳияти, жамиятнинг маънавий асосларини емиради. Умуман олганда, янги технология воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружларининг ўзига хослиги шундаки, интернет тармоғида бутун дунёга тезкор етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзили ва манбаини билиш ҳам мушкул бўлиб бормоқда.

Ахборот технологияларининг интенсив ривожланиши, ахборот кўлами ортаётганлиги, ахборот сифати масаласининг эса, долзарблашаётганлиги

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 117.

² Бу ҳақда қаранг: Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.: Ўзбекистон, 2012. Б.70.

ҳисобга олинса, у ҳолда инсонларда, ёшларда ахборотни қабул қилиш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим вазифалардан эканлигини тўғрисида хулоса чиқади.

Шу билан бирга, масалага дифференциал ёндашилса, ахборот хуружларидан комплекс ҳимояланиш, **биринчидан**, жамиятда ижтимоий фанлар устувор даражада ривожланишини таъминлаш, ижтимоий соҳага оид интегратив характердаги фундаментал тадқиқотларга эътиборни кучайтиришни объектив равишда тақозо қилади. Чунки, глобал медиаструктуралар, ахборот майдонини назорат қилувчи етакчи ОАВ, интернет ресурслар, оммавий маданият индустрияси томонидан бўладиган ахборот хуружлари, турли мафкуравий таъсирлар, ёшларни фикрлашдан маҳрум қиладиган, ғоявий жиҳатдан инсонни абсурд мавжудотга айланттиришга қаратилган асарлар - гуманитар интервенция, маданий гегемониянинг таркибий элементларидан биридир. Улар эса, муайян социал назария, мафкуравий доктриналар асосида яратиладиган лойиҳалардир. Шунингдек, ушбу ўринда, ривожланган мамлакатлар жуда катта молиявий имкониятларга эга, асосий маҳсулоти ижтимоий билимлар бўлган “Ақлий марказлар” ҳам ижтимоий фанларнинг реал ижтимоий аҳамиятини намоён қилади. **Иккинчидан**, бугунги кунда кенг истеъмолда бўлган ахборот хуружларидан ҳимояланиш, ахборот хавфсизлиги, ахборот истеъмоли маданияти, умуман, шахсда конструктив дунёқараш, ёшларда фуқаролик позицияси, танқидий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва шу каби дунёқараш, онг, аммо ижтимоий ҳаётни шакллантирадиган муаммолар, ўз навбатида, яъни субстанциал даражада ижтимоий фан, фалсафий маданият каби маънавий базисни, бирламчи интеллектуал асосни функционал жиҳатдан тақозо қилади. Чунки, “Ожиз асосларга эга бўлган билимлар, фанлар ожиз натижаларни келтириб чиқаради”.

Демак, аҳолини, ёшларни турли ахборот босимлари, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш диалектик мазмундаги системали муаммолардан биридир.

АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭЛЕКТРОН-АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

А.МАТМУРОТОВ*

Ривожланиш йўлидан жадал суръатлар билан боарётган ва тараққий этган давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган республикамизда бошқа соҳалар қаторида судлов тизими ҳам самарали ислох қилинмоқда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда мамлакатимизда суд тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, бугунги кунда жиноят процессида электрон-ахборот технологияларни кўллаш процесс иштирокчиларига бир қанча қулайликлар яратиб бермоқда. Аммо жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилиши кутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан таклиф тайёрлашдан олдин, албатта, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Айрим ривожланган хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ўрганилганда судлар фаолиятида АКТдан фойдаланиш тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, жиноят ишларини судда кўришда ҳар хил номланади: Жумладан, “Судлар ахборотлашуви”, “Электрон судлов”, Суд ишларининг автоматизациялашуви”, “Электрон судлов тизими”, “Судлов ишларида электрон воситалар ва АКТдан фойдаланиш”, “Суд ишларининг қоғозсиз юритиш технологияси”, “Жиноят судлов ишларида электрон воситаларидан ва АКТдан фойдаланиш”, “Баҳсларни ҳал қилишнинг электрон тизими” ва бошқалар¹.

1996 йилда Буюк Британия суд тизими фаолиятини назорат қилувчи англиялик сиёсатчи Лорд Вульф ўзининг «Access to Justice» деб номланган ҳисоботида “келажақда ахборот технологиялари нафақат мавжуд тизим ва суд процессини оптимизация ва такомиллаштиришда, балки вақт ўтиши билан ўзлари ҳам кескин ўзгаришлар катализатори бўлади ҳамда ахборот технологиялари яқин келажақда суд тизимининг асоси бўлади ва шу

* Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

¹ Курячая, М. М. Электронное правосудие как необходимый элемент электронной демократии в современной России / М. М. Курячая // Конституционное и муниципальное право. -2013.- № 7.-С. 52-54.

сабабдан ҳозирдан энг юқори даражада эътиборга лойик¹» деб кўрсатиб ўтган.

Россия Федерациясида мазкур тушунча Европа иттифоқи давлатларида қўлланиладиган «Electronic justice» тушунчасига қиёсан «электрон судлов» деб номланади.

Мазкур тушунчани ёритишдан олдин унинг мазмунини аниқлашимиз лозим. Демак, Англияда «электрон судлов» бу – гувоҳнинг суд рухсати билан видеоалоқа воситасида кўрсатув бериши, тарафларнинг розилиги билан хорижда турган ҳолда видеоалоқа воситасида кўрсатув бериши, қонунда белгиланган ҳолларда процесс иштирокчилари ўртасида телефон (ёки видео) конференция ўтказишдир. Бу Англия Юқори судининг айрим ихтисослаштирилган судларида «электрон ўтказмалар» ёки электрон ҳужжат алмашинуви, шунингдек процессни бошлаш ва кейинги ҳаракатларни электрон шаклда амалга ошириш имкониятини беради.²

Жиноят судлов ишларида қоғозсиз ҳужжат алмашинуви технологияларини қўллаш бўйича Финляндия етакчи ўринларда турувчи давлатларан бири ҳисобланади.

Финляндия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қоғозсиз ҳужжат алмашинувига ўтишига аҳолининг камлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бир-биридан мустақиллиги, шунингдек ушбу давлат дунёда телекоммуникация технологиялари соҳасида етакчи ўринларда туриши ҳисобланади.

Финляндиялик Хиетанен таъкидлаганидек, “электрон судлов” ўз ичига судга электрон шаклда мурожаат қилиш, ахборот технологиялари ёрдамида ишларни бошқариш, суд мажлисини рақамли тарзда ёзиб бориш, видеоконференцияни татбиқ қилиш, хавфсиз электрон почта, суд муҳокамаси календарини ўз ичига олади. Суд муҳокамаси босқичида томонларга электрон шаклда суд қарорлари, сиртдан чиқарилган суд қарорлари, тасдиқланган келишувларни юборилиши мумкин. Шу билан бирга, янги технологиялардан фойдаланиш ишларни кўриш ва ҳал қилишни тезлаштиради; суд хизматлари сифатини оширади; суд харажатларини ва суд ходимларининг вақтини тежайди; судловнинг шаффофлигини оширади;

¹ Woolf H. K. Access to Justice: Final Report to the Lord Chancellor on the civil justice system in England and Wales / H. K. Woolf. — London, 1996. Chapter 21, [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.dca.gov.uk/civil/final/sec6.htm#c21>

² Кудрявцева, Е. В. Тенденции развития английского гражданского процессуального права после принятия Правил гражданского судопроизводства / Е. В. Кудрявцева // Вестник гражданского процесса. - 2012. - № 2.

судловнинг очиклигини кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун керакли ҳужжатларни жўнатиш ва танишиш имконини беради¹.

Бугунги кунда Финландия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига жорий қилинган ахборот тизими 63 суд округи, 6 апелляция суди ва Финландия Олий судига хизмат қилади.

Ҳар йили тизим томонидан 90 минг жиноят иши кўриб чиқилади, шундан 52 % якка тартибдаги судья томонидан амалга оширилади.

Ушбу тизимга 30 та пенитенциар муассаса, криминал полиция органлари, прокуратуралар, суд ижрочилари, жиноят ишлари бўйича жарима йиғиш бошқармаси ва пенитенциар судлар уланган. Финландия Адлия вазирлиги мазкур дастурни мувофиқлаштирувчи бош орган ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ тизимида электрон-ахборот технологиялари ривожланган давлатлардан бири бу Эстония ҳисобланади. Эстония давлатининг суд тизими қуйидагилардан иборат:

- олий суд (фуқаролик, жиноий, маъмурий)
- апелляция судлари (фуқаролик, жиноий, маъмурий)
- сайёр судлари (фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича)
- маъмурий судлар (маъмурий ишлар бўйича)

1994 йил бошларида судлар фаолиятини ривожлантириш ва ортиқча қоғозбозликни камайтириш мақсадида судларда электрон-ахборот технологиялари жорий қилинди. Шу тариқа, 2001 йилда “KOLA” (суд қарорларини қайд этиш) тизими судлар фаолиятидаги биринчи электрон суд тизимига айланди. Суд қарорларини қайд этиш 15.11.2000 йилда қабул қилинган “Давлат ахбороти тўғрисида”ги Қонун асосида ташкил этилди. Ушбу қонунга мувофиқ, судлар томонидан чиқарилган қарорлар қонуний кучга кирганидан сўнг, “KOLA” интернет дастурига жойлаштирилиши шарт ҳисобланиб, унда қарордаги очик маълумотлар акс этирилиши лозим. Тарафларнинг дахлсизлик ҳуқуқини бузувчи маълумотлар кўрсатилиши мумкин эмас. Масалан, ушбу тизим орқали судьянинг шахсига оид маълумотлари, қабул қилинган сана, суд мажлиси кўриб чиқилган жой ҳақида маълумот олиш имконияти мавжуд. Суд ҳукми бўйича қуйидаги критерияларни аниқлаш имкони мавжуд:

- суд ҳукмининг тартиб рақами;
- суднинг ва кўриб чиқилган ҳудуднинг номи;
- судьянинг исм-шаърифи ҳамда коди;

¹ Хиетанен, А. Электронный суд и электронные правовые коммуникации в Финляндии / А. Хиетанен // Использование новых информационных технологий в арбитражном процессе и при осуществлении нотариальной деятельности : материалы междунар. семинара 7-8 сентября 2006 г., г. Екатеринбург. — М., 2007. - С. 37-38.

- суд ҳукмининг чиқарилган санаси;
- судланувчининг исм-шаърифи;
- жиноят кодексининг моддаси;
- калит сўзлар.

2006 йилдан сўнг, “KOLA” (суд қарорларини қайд этиш) тизими тугатилиб, янги “CIS” (судларнинг ахборот тизими) ишга тушурилди. Шунинг учун, “KOLA” (суд қарорларини қайд этиш) тизимидан фақатгина 2001-2006 йилга қадар бўлган суд қарорлари ҳақида маълумотларни олиш мумкин. Бугунги кунда, Эстония давлатининг судлар фаолиятида юқори даражали АКТ тизими, яъни CIS2 (янгиланган судлар ахборот тизими, 2013 йилдан жорий қилинган) қўлланилмоқда. Эстония давлатининг барча судлари томонидан чиқарилган қарор ва ҳукмлар CIS2га рўйхатдан ўтказилиши лозим. Фақат бунда давлат сирини ташкил қилувчи суд ҳужжатлари киритилиши истисно тариқасида белгиланган. Бундан ташқари, суд мажлиси баённомаси, суд чакирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатлари ҳам CIS2га рўйхатдан ўтказилиш лозим. Ушбу тизим орқали судьялар қуйидаги қулайликларга эга бўлиб келмоқда:

- суд ишларни кўриш жараёнини тезлаштириш;
- суд ҳужжатлари билан осон ишлаш;
- ишга тегишли бўлган бошқа судлар томонидан чиқарилган қарорларни тезда юклаб олиш;
- ишда иштирок этувчи шахслар ҳақида маълумотлар олиш ва ҳ.қ.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятида ахборот технологияларинини қўллаш бўйича АҚШ тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Хусусан, ушбу давлатда 1997 йилдан жиноят суди оид бўлган бир неча федерал қонунлар қабул қилинди, бу эса жиноят судлов ишларида электрон ҳужжат алмашинуви тезлаштирди.

1988 йил АҚШ Федерал судлари PACER (Public Access to Court Electronic Records) суд ҳужжатларига кириш тизимини ўрнатдилар, 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари CM/ECF (Case management/Electronic court filing) номли судларга электрон шаклда мурожат қилиш тизимига ўтдилар.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга жорий қилинган ахборот коммуникацион технологиялар, мисол учун, Аляска штатида 4.500 ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларига хизмат кўрсатади.

Ҳар йили 40.000 мингдан ортиқ қамоқ олиш, 13.500 та суд ҳукмлари ва 14.500 та бошқа жиноят процессуал қарорлари тўлиқ электрон кўринишда қабул қилинмоқда.

Ушбу лойиҳа бармоқ изларини олиш, автоматлаштирилган ахборот-кидирув дактилоскопик тизими, тезкор-кидирув ва криминалистик маълумотлар базаси, шунингдек умуммиллий маълумотлар базаси доирасини қамраб олган. Мазкур тизим етарлича ҳимояланган. Тизимнинг локал тармоғи 250 агентлик ва органлар (полиция участкаси, прокуратура ва адвокатлар идоралари, пенитенциар муассаса, судлар) ни бирлаштирган. Тизимдан полициянинг патрул машинлари ҳам фойдаланиши мумкин. Жиноят иши материалларини тўлиқ электрон ҳужжатлаштирилиши концепцияси тизимнинг ижобий жиҳати ҳисобланади¹.

Россия Федерациясида 1999 йил май ойида Челябинск вилояти суди мамлакатда биринчи бўлиб суд мажлисларида судланувчиларни узоқ масофадан қатнашиши учун видеоконференция алоқа тармоғини яратишга киришишди. 1999 йил 18 ноябрда биринчи маротаба видеоконференция алоқадан фойдаланган ҳолда суд мажлиси бўлиб ўтди. Судланувчи Муртазин томонидан видеоконференция тартибида берилган кассация шикоятини Челябинск вилоят суди кўриб чиққан.

Ушбу тизимни судда қўллаётган вақтда адвокат ва давлат айбловчисининг иштироки билан боғлиқ айрим муаммо мавжуд. Шу кунга қадар видеоконференция алоқа тизимидан фойдаланаётганда судланувчининг ҳимоячиси қаерда жойлашиши кераклиги муаммо бўлиб келмоқда. Суд мажлиси залидами ёки судланувчи жойлашган жойдами? Аммо мазкур ҳолат ҳозирги кунда жиноят-процессуал қонунчиликда ҳукуқий тартибга солинмаган².

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизимида электрон-ахборот технологиялари қўллаш амалиёти бошқа давлатларда ҳам кенгроқ қўлланилиб келинмоқда. Чунончи, Канадада ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш (E-Filing) тизимидан фойдаланиш 2002 йилнинг бошларида ишга тушган. Италияда эса 2005 йилдан электрон суд ишларини юритиш тизими ишлашни бошлади. Австралияда 2010 йилдан бошлаб видеоконференция миллий суд тизими ишлаб келмоқда.

2005 йилдан бошлаб Бельгияда судлар, бошқа суд ҳокимияти институтлари, ҳукуқий муносабат субъектларини электрон ҳужжат алмашинуви ва интернет технологиялари воситасида алоқа қилишини таъминловчи “Phenix” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Туркия суд тизимида ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича UYAP (миллий суд тизими

¹ <http://www.minjust.uz/ru/press/ourpublications/2013/03/3149/>

² Кондюрина, Ю. А. Правовая природа института применения систем видеоконференцсвязи / Ю. А. Кондюрина // Вестник арбитражной практики. - 2013. - № 5. - С. 61.

тармоғи) лойиҳаси қўлланилмоқда. Мазкур лойиҳанинг мақсади суд тизими фаолиятини тезлаштириш ҳисобланади.

Кўп экспертларнинг фикрича, электрон одил судлов тизими суд ишларини юритишда ҳақиқий инқилоб ҳисобланди.

Ҳозирги кунда мазкур компьютер тармоғига юқори суд органлари, Адлия вазирлиги марказий бошқармаси ҳамда барча суд инстанциялари, прокуратуралар, суд тиббиёти муассасалари, пенитенциар муассасалари ҳамда ижро департаментлари уланган ва фойдаланиб келишмоқда¹.

Суд-ҳуқуқ тизимида электрон-ахборот технологиялари қўллаш нафақат Европа давлатларида, балки Осиё давлатларида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Масалан:

Сингапур суд тизими икки бўғиндан иборат бўлиб, юқори суд (The Supreme Court) ва қуйи турувчи судлар (Subordinates courts) дан иборат.

Сингапур судларида 1997 йилдан бошлаб Electronic Filing System (мурожаатнинг электрон тизими - EFS) қўлланилиб келинмоқда.

Дастлаб бу экспериментал дастур сифатида суд процессларида иштирок этаётган иштирокчилар ихтиёрий равишда фойдаланиш мумкин бўлган, аммо 2000 йилдан бошлаб судга ҳужжатларни электрон тарзда бериш мажбурий қилиб белгиланган².

Хорижий тажриба ҳамда жинойт ишлари бўйича судларининг амалиётини ўрганиш асносида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1) судлар фаолиятига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш суд иш юритуви билан боғлиқ муддатларнинг қисқаришига хизмат қилиб, ишни қисқа муддатларда кўриб чиқиш имконини беради. Бу эса барча суд процесси иштирокчилари учун бир қатор қулайликларни яратади;

2) суд иш юритуви билан боғлиқ ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатларни қисқартиради;

3) суд иш юритувини электрон шаклда олиб бориш суд қарорлари ва бошқа керакли ҳужжатларни дарҳол қабул қилиш ёки узатиш имконини бериб, суд иш юритуви ҳужжатларини қўлда ташишдан халос этади;

4) электрон архивлаш тизимидан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос ижобий хусусиятлари бўлиб, архивлаш билан боғлиқ ҳаражатларни қисқартириш билан бирга, маълумотларни уларга зарар етказмаган ҳолда узоқ сақлаш имкониятини беради.

¹ <http://www.minjust.uz/ru/press/ourpublications/2013/03/3149/>

² Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Под ред. А.Я. Сухарева. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Норма, 2003.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АУДИО ВА ВИДЕО МАЪЛУМОТЛАРНИ

РАҚАМЛИ ҚАЙД ЭТИШ

М.НОДИРОВ*

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини объектив қайд этишни таъминлаш ҳимоя томоннинг баённома ёзувлари нотўғри тузилганлиги тўғрисидаги тусмолини рад этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, судда жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлашга кўмаклашади. Шу жихатдан криминалистлар баённома ёзувларини тўлдириш имконига эга ва тергов даврида олинган далилларни ҳолисона ва тўла қайд этишни таъминлашга қодир юқори технологияларнинг янги методларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Бундай усуллар сирасига аудио ва видео маълумотларни рақамли ёзиб олишни киритиш бўлиб, уни қўллаш муаммолари криминалистикада кенг муҳокама этилади. Далилларни қайд этишда рақамли усуллардан фойдаланишга қарши эътирозлар бундай маълумотларнинг рақамли ёзувни компьютер орқали қайта ишлаш ёрдамида эркин ўзгартириш, тахрирлаш ва қайд этилган маълумотларни сохталаштириш имкони борлиги билан боғлиқ. Шунинг учун криминалистик мақсадлар учун ахборот маълумотларини ишончли қайд этувчи ва уларни ўзгартириш имконияти истисно этувчи рақамли ёзиш усулларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий техникада бундай усуллар лазерли, рақамли ёзув билан аудио ва видео маълумотларни бир марта қайд этишга мўлжалланган дискларга ёзиш орқали амалга оширилади. Сўроқлар ва юзлаштириш тергов ҳаракатларини ўтказишда рақамли аудио ёзув оддий магнитофон ва диктофонсиз компьютерни қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Фонограммани ёзиб олиш учун бундай компьютер ташқи CD-R/RW билан жихозланиб ушбу қурилма аудио маълумотни бир марталик CD-R дискларга қайд этиш имконини беради (ички рекордерга эга компьютерлардан фойдаланилганда уни юқоридаги қўшимча жихозлаш талаб этилмайди). Компьютерга мувофиқлаштирувчи қурилма орқали иккита юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун эса 3 та микрофон ўрнатилади. Рекордерга CD-R-дискни ўрнатишдан олдин диск бланкасига махсус маркер (CD-R Pen) билан фонограммани ёзиб олиш вақти киритилиб тергов ҳаракати

* Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқ ва кафедраси ўқитувчиси

иштирокчиларининг имзолари билан тасдиқланади. Баённомада дискда мавжуд индивидуал рақам кўрсатилади.

Рақамли фонограммани ёзиб олиш давомийлиги танланган режимдан келиб чиққан ҳолда 80 минутдан бир неча соатгача бўлиши мумкин. Ёзиб олиш тугалланганидан сўнг фонограмма эшитилади, тўлдирилади, қайд этилган аудио ёзувнинг тўғрилиги тасдиқланади, сўнг диск тасдиқловчи реквизитларга эга конвертга жойланади, муҳрланади ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талабларига биноан баённомага илова қилинади. Бир марталик CD-R дискдаги фонограммага келгусида ўзгартиришлар киритиш техник жihatдан имконсиз. Фонограмма кўпмarta эшитилиши ва исботлаш жараёнида фойдаланилиши мумкин. CD-R дискларнинг нархи магнитофон-компакт касеталарининг нархидан анча паст.

Суд муҳокамасида қонунда белгиланган ҳолатларда, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи кўрсатмалари ўқиб эшиттирилганидан сўнг дискда ёзилган тегишли аудио ёзув компьютер ёки аудио плеерда кўйиб эшиттирилиши мумкин. Шубҳалар пайдо бўлганда CD-R дискдаги аудиоёзувга ўзгартиришлар киритиш мумкин эмаслиги мутахассис томонидан ёки фоноскопик экспертиза хулосаси билан тасдиқланиши мумкин¹.

Тергов амалиётида фотосуратларни бир марталик 8 см ли мини CD-R дискларда ёзилувчи рақамли фотоаппаратлар янги моделларини қўллаш мумкин. Келгусида маълумотни сақловчи диск фотосуратлар тайёрлашда ҳам фойдаланилиши мумкин. Дискдаги маълумотни ўзгартириб бўлмаслиги боис олинган суратлар ҳақиқийлигини исталган вақт тасдиқлаш имкони бўлади (зарурият туғилганда фототехник экспертиза тайинланади). Криминалистик фотопринтер билан жихозланган бўлса (масалан ҳодиса содир бўлган жойга кўчма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи лаборатория чиққанда) суратлар олингандан сўнг дарҳол чоп этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда ҳолислар ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари фотосурат, суратга олинган объект билан айнанлигига ишонч ҳосил қилишлари ва суратларни тасдиқлашлари мумкин бўлиб ушбу суратлар шу ернинг ўзида баённомага илова қилинади. Амалиётнинг кўрсатишича портатив фотопринтердан фойдаланиш яхши натижаларга эга бўлиб унинг ёрдамида рақамли қурилмадан махсус фотоҳужжатдаги (10x15 см) ёки А4 форматдаги қоғозда тасдиқловчи реквизитлар учун бўш жой қолдирган ҳолда зарур ўлчамдаги юқори сифатли рангли суратлар тайёрланади².

¹ Никитин, Р.О. Правовое обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе. Дисс. ...канд. Юрид. Наук : - М.: РГБ, 2005. –С. 99.

² Вандер М., Холопов А. Цифровая фиксация аудио и видеoinформации // Законность. 2003. № 8. С. 38-40.

Ҳаракатлар динамикасини қайд этиш муҳим бўлган ҳолатларда (тергов экспериментини ўтказишда, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларида) рақамли видеоёзувдан фойдаланиш юқори самарага эга бўлади. Тортишув жараёнида видеоёзув натижаларидан фойдаланишнинг криминалистик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда (ёзув монтаж қилинганлиги), сурат ва ёзув алоҳида алоҳида ёзиб олинганлиги ва бошқа тусмоллар илгари сурилганда аудио ва видео маълумотни бир марталик 8 см лик DVD-R форматидаги рақамли қайд этиш видеокамераларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Суд муҳокамасида дискдаги видеотасвир суд қарори ёки ажримига кўра тегишли баённомалар қисман ёки тўлиқ ўқиб эшиттирилганидан сўнг намоёиш этилиши мумкин. Судда бир марталик DVD-R дискдан рақамли видеофилм стандарт (кундалик) DVD ёрдамида ёки DVD-ROM билан жихозланган компьютер орқали телевизор экранда ёхуд видео проектор ёрдамида катта экранда кўрсатилиши мумкин.

Жиноят ишида DVD-R диск қурилмасидаги видео, шунингдек бир марталик кичик CD-R дисклар 25 йилдан ортиқ сақланиши мумкин ва бунда ёзиб олинган маълумот бутунлигига магнит ва элеткромагнит майдонлар таъсир кўрсатмайди. Муайян ишлар бўйича рақамли видео маълумотлар диск қурилмаларини қўллаш билан боғлиқ махсус масалаларни ҳал қилиш учун суд видеофоноскопик экспертиза тайинланади¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 427-моддасига кўра суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар. Мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилган тақдирда уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 478-моддасига кўра, суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда текшириш усуллари қайд этилмаган. Баённоманинг судда берилган кўрсатмалар билан номувофиқлиги ҳақидаги даъволар тегишли вазлар билан асослантирилиши лозим. Бироқ Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчилик нормасида айнан қандай вазлар билан асослантирилиши келтирилмаган. Шу боис ишни судьянинг яқка ўзи кўриб чиққан ҳолатда, судьянинг суд мажлиси баённомаси юзасидан

¹ Никитин, Роман Олегович Правовое обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе. Дисс. ...канд. Юрид. Наук : - М.: РГБ, 2005. С.106.

берилган мулоҳазаларга қўшилмаган ва уларни имкон этган тақдирда, манфаатдор тарафлар бу қарор устидан шикоят бериши ёки протест билдириши ҳуқуқи белгиланмаган. Шундай қилиб, суд мажлиси баённомасининг мазмуни битта шахс-судьяга боғлиқ бўлиб бу баённоманинг ишончлилиги ва ҳолислигини таъминламайди. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКга судьянинг яқка ўзи кўриб чиққан ҳолатда, судьянинг суд мажлиси баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларга қўшилмаган ва уларни имкон этган тақдирда манфаатдор тарафлар бу қарор устидан шикоят бериши ёки протест билдириш ҳуқуқини белгиловчи норма билан тўлдириш таклиф этилади. Ушбу шикоятни кўриб чиқишда суд муҳокамасининг аудио ёзувини эшитиб чиқиш ва унинг асосида тегишли қарор қабул қилиш лозим. Баённома тўлиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКнинг 426-моддасида баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин деб кўрсатилган. Стенограмма билан бир қаторда техник воситалардан фойдаланиш юқори самарадорликка эга бўлади деб ўйлаймиз. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКнинг 426-моддасининг олтинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади: “Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши, ҳамда техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши шарт. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади”. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши шартлиги тўғрисидаги норманинг киритилиши баённоманинг ҳолислиги ва тўлиқлигини таъминлаш билан бир қаторда айрим ҳолларда кузатиладиган сохталаштириш ҳолатларининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Бу эса жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларининг ҳимоясини тўлақонли амалга оширишга имкон яратади.

Суд муҳокамаси жараёнида судьянинг розилигисиз видео ва аудио ёзувдан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши жиноят процессининг ошкоралиги ва ҳолислигини таъминлашда муҳим ўринга эга. Ушбу ҳуқуқ муаммоли ҳолатлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатида оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 426-моддасида суд процессида аудио ва видео ёзув олиб борилиши шартлиги тўғрисидаги банднинг

киритилиши, шунингдек йўқотилган жиноят ишларини тиклашнинг самарали механизми бўлиши мумкин. Судда жиноят ишлари йўқотилишига доир масала кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатдики, жиноят ишларини тиклашда умумий ҳуқуқ нормаларини қўллаш устуворликка эга. Бироқ бундай аналогия ҳар доим ҳам самарали бўлмасдан кўп жихатдан мақбул эмас деб ўйлаймиз. Ишнинг судда йўқолиши жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқишнинг одатий тартибидан унчалик кўнгли тўлмайдиган процесс иштирокчилари ўртасида янги муносабатларни юзага келтиради. Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича иш юритиш жараёнларидан бирор босқични истисно этишга йўл қўювчи махсус нормалар йўқлиги боис йўқотилган жиноят иши материаллари тўла ҳажмда тикланиши тақозо этилади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 348¹ –моддаси иккинчи қисми қуйидагича тўлдирилиши таклиф қилинмоқда: “Йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклаш жиноят иши ҳужжатларининг ушбу Кодекста белгиланган тартибда далиллар деб топилиши мумкин бўлган сақлаб қолинган кўчирма нусхалари бўйича ва процессуал ҳаракатларни бажариш, шунингдек ёзиб олинган аудио ва видео маълумотлари орқали амалга оширилади”.

Суд муҳокамаси баённомасини тайёрлашнинг амалдаги тартиби уни тиклашга тўсқинлик қилмайди. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 426-моддасига кўра суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим. Яъни тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибидан фарқли ўлароқ (бунда тергов ҳаракатлари баённомаси тергов ҳаракати давомида ёки бевосита у тугалланганидан сўнг тузилади ва унда иштирок этувчи шахслар томонидан имзоланади) суд муҳокамасининг баённомаси эса кейинроқ, яъни баёнлаштирилаётган фаолият тугилланганидан сўнг тузилишига рухсат этилади. Реал шароитларда мураккаб кўп эпизодли ишлар бўйича баённомани тузиш учун бир ойдан кўпроқ вақт талаб этилади. Шундай қилиб амалга оширилаётган ҳаракат ва уни баёнлаштириш ўртасида муайян узилиш кузатилиши мумкин. Шунга кўра йўқотилган суд муҳокамаси баённомаси ўрнига такроран янгисини тузишга қарши жиддий асослар мавжуд эмас. Қайта тикланган баённома дастлабки баённоманинг айнан нусхаси бўлмаслиги мумкин, бироқ ушбу баённома ҳам суд музокараси мазмунини тўла ифодалайди. Компьютер техникасидан кенг фойдаланилганда баённомани тиклаш зарурияти бўлмайди.

Амалиётда кассация инстанцияси жазонинг оғирлигига келтирилган шикоятни кўриб чиқиб биринчи суд инстанцияси қарорини бутун иш юритувни тикламаган ҳолда ўзгартирган ҳолат ҳам учраган. Ҳукм матни сақланган компьютер файлига кўра тайёрланган, маҳкум такроран кассация шикояти билан мурожаат қилганда материалларнинг бир қисми прокуратура назорат органларидан талаб қилиб олинган¹.

Юқорида баён этилганларга асосан қуйидаги хулосаларга келинди:

Жиноят процесси амалиётида электрон ахборот технологияларидан фойдаланиш жиноят процессини ўтказиш муддатларининг қисқариши, унинг самарадорлигини, қарор қабул қилиш ишончлилигини ва ҳолислигини ошириш, жиноят процесси харажатларини камайтириш, процессга доир маълумотларнинг ошкоралигини жиноят процесси иштирокчиларини ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноят процессининг асосий мақсади— жиноятни ҳолисона фош этиш ва уни содир этганлик учун тегишли қонуний жазо тайинлаш вазифаларининг ҳал этилишига олиб келади.

Фуқаролар, давлат ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳаёти ҳақида тегишли маълумотлар олиш ҳуқуқи ҳамда давлат ва ҳуқуқни муҳофаа қилувчи органларнинг фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни билмаслиги каби икки йўналиш бўйича қонунчиликнинг ривожланиши амалий ҳаётда ахборот технологиялари орқали амалга оширилиши мумкин.

Жиноят процессига ахборот технологияларни жорий этиш хусусан террористик акт каби оғир жиноятларни фош этишда долзарб аҳамиятга эга.

Электрон ахборот воситалари суд қарорларини сохталаштиришни истисно этади ва жиноят иши ўғирланганда ёки уни ўзгартиришга уринишлар бўлган ҳолатда жиноят процессининг кўринишини қайта тиклаш имконини беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 478-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади: “Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши суд мажлисининг дастлабки ёзувларига (аудио ва видео) кўра амалга оширилади”. Бунда суд ҳужжатлари рақамли шаклга ўтказилиши ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши мумкин.

¹ Подольный Н. Аудиозапись исключит фальсификацию протокола судебного заседания // Рос. Юстиция. 2002. № 2. С. 11-12.

Электрон ахборот технологияларидан фойдаланиш юридик адабиётларда кўрсатилмаган янги турдаги жиноятлар – жиноят процесси ахборот муҳитидаги жиноятларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан Ўзбекистон Республикасида юридик тан олиш жараёнисиз, электрон рақамли имзо тайёрланган тегишли давлат қонунчилиги талабларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ёзма ҳужжатга асосан фойдаланиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.